**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Э.Т. ҚОДИРОВ, Ж.К. МАЖИДОВ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БАНК ИШИ

ТОШКЕНТ - 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА БАНК ИШИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида чоп этишга тавсия қилинган

Тошкент - 2016

Э.Т. Қодиров, Ж.К. Мажидов
Хорижий мамлакатларда банк иши. Ўқув қўлланма/Т.
2016 йил. 184 бет. – (ОЛИЙ ТАЪЛИМ)

Мазкур ўқув қўлланма кадрлар тайёрлаш бўйича Давлат таълим стандарти ва “Хорижий мамлакатларда банк иши” фанининг ўқув дастури асосида яратилган.

Ўқув қўлланмада “Хорижий мамлакатларда банк иши” курсида асосий база бўлиб ҳисобланган йирик ва саноати ривожланган давлатлар банк тизимининг тузилиши, ривожланиши, глобал трансмиллий банкларнинг пайдо бўлиш сабаблари, таркибий тузилишидаги ўзига хос томонлари, амалга ошираётган банк операцияларининг турлари, банк иши фаолияти, тўлов тизими ва назоратининг тартибга солиниши, банк ишининг барқарор ривожланиши бўйича давлат сиёсати, банк тизимидаги миллий ислоҳотлар, халқаро молиявий ва иқтисодий инқироз таъсирида юзага келган халқаро ва миллий муаммолар ва уларни юмшатиш борасида йигирмата (G20) саноати ривожланган давлат раҳбарларининг Вашингтон ва Лондон Саммитида ишлаб чиққан чора-тадбирлар ҳамда алоҳида давлатларда инқирозга қарши курашишда ишлаб чиқилган Давлат дастурларининг иқтисодий ва молиявий самараларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Шунингдек, ўқув қўлланмада фоизсиз банк тизимига асосланган Ислом банкларининг фаолияти, афзаллиги ва ўзига хос томонлари очиб берилган. Шу билан бир қаторда ЕвроОсиё Иқтисодий Ҳамдўстлики (ЕврАзЭС) аъзо давлатларидан бири бўлган Россия Федерацияси банк ва тўлов тизими ҳам атрофлича таҳлил қилинган. МДХ аъзо давлатлари ўртасида трансмиллий банкларнинг активларни ва капитални жойлаштириш борасидаги фаолиятлари иқтисодий ва молиявий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган, ҳамжамият давлатлари ўртасида 2011 йил 18 октябрда “Эркин савдо зонаси”ни яратиш шартномасини имзоланиши ва унга 2012 йил 4 июндан Ўзбекистон Республикасини қўшилиши тўғрисида Меморандумни имзоланиши муносабати билан трансмиллий банкларнинг республикамизда инвестицион фаолиятини кенгайиши истиқболлари ўрганилган.

Ўқув қўлланма иқтисод йўналишида билим олаётган талабалар, магистрлар, аспирантлар ва халқаро валюта-кредит муносабатлари соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларига мўлжалланган.

Тақризчилар: **Марпатов М.Д** - и.ф.н.,Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходими.
Бобокулов Т. - и.ф.д.,Тошкент Банк Молия академияси, “Банк иши” кафедраси профессори.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш..... 5

I боб. Халқаро банк фаолияти..... 6

1.1. Халқаро банк тизими ва бу тизимда амалга оширилаётган операциялар 6

1.2. Корреспондентлик муносабатлари ва банк ҳисоб-китоблари технологияси.....13

1.3. Банкларнинг халқаро депозит ва кредит операциялари.....18

1.4. Нокредит банк операциялари.....24

II боб. Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) банк тизими ……..29

III боб. Европа Валюта Иттифоқи банк тизими ……38

3.1. Германия Федератив Республикаси банк тизими.....46

IV боб. Англия давлати банк тизими.....55

V боб. Япония давлати банк тизими.....92

VI боб. Хитой давлати банк тизими: ҳозирги аҳволи.....104

VII боб. МДҲ ва Евро Осиё иқтисодий ҳамкорликка аъзо мамлакатлар банк тизими (Россия Федерацияси банк тизими мисолида) 118

VIII боб. Ислом давлатларида банк тизими ва уларнинг ўзига хос томонлари..... 141

IX боб. Хорижий давлатларнинг банклари билан Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасидаги молиявий алоқалар: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари..... 153

X боб. Халқаро молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг халқаро ва миллий банк тизимига таъсири : келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг олдини олиш борасида кўрилган халқаро ва миллий давлатларнинг чора-тадбирлари.....167

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ 183

Кириш

Халқаро валюта-кредит муносабатларини чуқур ўрганишда хорижий мамлакатларда банк иши фани мустақил илмий ва ўқув фани сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу фан кўп қатламли Жаҳон банк тизими тузилишини ўргатади, алоҳида давлатларда унинг ўзига хос томонларини очиб беради ва бу борада ҳар бир ривожланган давлатда асрлар давомида орттирилган тажрибаларни ўрганишга имкон яратади. Ғарб давлатлари банк тизими билан Ислом банклари тизимини солиштириш ва уларнинг бир-биридан тубдан фарқ қилиши ҳамда афзалликларини мавжудлигини очиб беради. Халқаро даражада глобал трансмиллий банкларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва давлатлараро капитал ҳаракатида уларнинг роли очиб берилади. Халқаро банк операциялари валюталарда ҳисоб-китобларни амалга оширишдан, валюта маблағларини жалб қилиш ва банклар томонидан молиялаштиришдан, бунда халқаро валютада бериладиган кредитлардан, лизингдан, факторингдан, форфейтингдан, лойиҳаларни молиялаштиришдан, банкларнинг қўшилиб кетишидан ва бирлашишларидан иборат. Ривожланган давлатлар банк тизимида кечаётган глобаллашув жараёнлари қонуниятлари, унинг ижобий ва салбий оқибатлари таҳлилий маълумотларда асослаб берилади. Фанда асосий эътибор халқаро нокредит хизматларини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилинган, чунки, кейинги вақтда унинг аҳамияти ва банк операцияларида улуши тобора ортиб бормоқда.

Шундай қилиб, ушбу ўқув қўлланма ўқув стандартларига ва хорижий мамлакатларда банк иши дастурига мос келибгина қолмай, балки ривожланган давлатларнинг халқаро банк фаолиятида тўпланган билим шаклидан иборат, унда ҳозирги замон таҳлили, прогнозлаш усуллари ҳамда йиғилиб қолган амалий муаммоларни ечиш йўллари таҳлил қилинган. Валюта ва кредит бозорини тартибга солишнинг халқаро механизми ҳамда дастаклари ёрдамида самарали бошқаришнинг халқаро тажрибалари алоҳида кўрсатилган, уларга таянган ҳолда банклар ва фирмалар ўзларининг стратегик сиёсатларини қайта режалаштириш имконига эга бўладилар ҳамда халқаро молия бозорида кейинги йилларда содир бўлган молиявий ва иқтисодий инқироз оқибатларини тезроқ бартараф этиб, келгусида молиявий барқарор юксалишга эришиш учун халқаро банк тизимида тўпланган инновацион ғояларга таяниб ривожланиш имкониятини кўриб чиқадилар.

I БОБ. Халқаро банк фаолияти.

1.1. Халқаро банк тизими тузилиши ва амалга оширилаётган операциялри.

1.2. Корреспондентлик муносабатлари ва банк ҳисоб-китоблари технологияси.

1.3. Банкларнинг халқаро депозит ва кредит операциялари.

1.4. Нокредит банк операциялари.

Халқаро банк тизими халқаро валюта-кредит муносабатларининг технологик асосини ташкил этади. Унинг ишлатилиши асосида жуда кўплаб валюта-кредит муносабатлари амалга оширилади. Ушбу бобни ўқиб, сиз қуйидагиларни билиб оласиз:

- Халқаро банк тизими қандай тузилган ва унинг баъзи бир қисмлари қандай функцияларни бажаради?
- Банкларининг халқаро операциялари таркиби қанақа ва баъзи бир гуруҳ операцияларнинг ўзига хослиги нимада?
- Корреспондентлик операцияларининг ўзи нима ва улар банк ҳисоб-китобларида қандай роль ўйнайди?
- Халқаро депозитлар ва банкнинг бошқа пассив операциялари қандай ташкил қилинган?
- Халқаро банк кредитининг хусусиятлари нимада?
- Халқаро молиявий лизинг, форфейтинг ва факторинг нима?
- Халқаро банк қандай нокредит операцияларни амалга оширади?

1.1. Халқаро банк тизими тузилиши ва амалга оширилаётган операциялари

Халқаро банк тизимини халқаро валюта-кредит муносабатлари позициясидан бир нечта табақага бўлиш мумкин.

1. ***Халқаро молиявий ва банк операциялари*** ўз таркибига Халқаро валюта фонди (ҲВФ), Жаҳон банки (ЖБ), Европа Тараққиёт ва Ривожланиш банки (ЕТРБ) ва бошқа ташкилотлар фаолиятини олади. Бу ташкилотларнинг функциялари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ), ОЭСР ва бошқа миллий органлар томонидан белгиланган. Халқаро ташкилотлар, асосан, Жаҳон валюта тизимини тартибга солиш, ривожланаётган давлатларга ва иқтисодий инқироз ҳамда ночор аҳволга тушиб қолган давлатларга молиявий ёрдам кўрсатишдан иборат.

2. ***Марказий банклар*** давлат манфаатини ҳимоя қилади, турли давлатларда ҳар хил даражада мустақил, аммо доимо давлат манфаатидан келиб чиқиб ҳаракат қилади ва давлат функциясига доир вазифалар бажаради. Ривожланган давлатларда марказий банклар, белгиланган тартибга асосан ҳукуматга тўғридан-тўғри бўйсунмайди, лекин ўз фаолиятини ҳукумат фаолияти билан мувофиқлаштиради. Марказий


банкнинг муҳим функциялари валюта курсини тартибга солиш, мамлакатнинг олтин-валюта захирасини бошқариш, тижорат банклари, пул эмиссияси ва банк тизимини кредитлаш устидан назоратни олиб боришдан иборат. Кўпгина мамлакатларда Марказий банкка (баъзи бир давлатларда Миллий банк деб юритилади) давлат қарзини бошқариш, валюта назорати ва бошқа вазифалар юклатилган.

3. ***Глобал трансмиллий банклар*** бутун Жаҳон бўйлаб кенг тарқалган филиаллари ва "шўъба" банклари мавжуд. Улардан ҳар бири Жаҳонни барча молиявий марказларида амал қилади ва глобал миқёсда ўз мижозларига комплекс молиявий хизматнинг барча турларини кўрсатишади. Одатда, уларнинг мижози турли давлатларнинг ҳукуматлари ва йирик трансмиллий компаниялар (ТМК) ҳисобланади. Бу гуруҳга, одатда, ўрта ҳисобда 100 банк киради. Уларнинг биринчи ўнтаси, миллиардлаб шахсий капиталига эга ва уларни таркиби қуйидаги жадвалда кўрсатилади:

1-жадвал

Жаҳонда ўта йирик активга эга бўлган трансмиллий банклар (ТМБ)

(млрд. долларда)



Жаҳонда активининг миқдори жиҳатидан ўта йирик бўлган рўйҳатдаги 100 та глобал банк ва молиявий компанияларнинг иккита биринчи ўрнини Япония компанияси эгаллайди, улар қўшилиш натижасида ташкил топган: Mizuho Holdings ва Sumitomo Mitsui Banking. Бу рўйҳатда жами бўлиб 11 ўринни япон компаниялари эгаллаган.

Шунингдек бу рўйҳатда Европа молиявий компанияларининг ўрни 53 тага етди. Шундан 11 таси – Буюк Британияда, 9 таси – Германияда ва 8 таси – Францияда жойлашган.

Европанинг энг йирик молиявий компаниясини немисларни Deutsche Bank ва Allianz компаниялари ташкил этади.

Америка молия компаниялари ушбу рўйҳатдан 26 та ўринни эгаллаган. АҚШнинг энг йирик компанияси Citygroup ҳисобланади ва рўйҳатда учинчи ўринни эгаллаган. Саккизинчи ўринни J.P. Morgan Chase эгаллаган, у J.P. Morgan Chase ва Chase Manhattan компанияларининг қўшилиши натижасида пайдо бўлган. Бу глобал банкларни улушига банк активларини ярмига яқини тўғри келади.

4. **Йирик трансмиллий банклар** моливий марказларда ва Офшор зоналарда ўзининг ваколатхоналари, филиаллари ёки "шўъба" банкларини очишган. Йирик трансмиллий ва глобал банклар ёки умуман турли хил гуруҳдаги тижорат банклари ўртасидаги чегара ёки тафовут жуда кўп ва улар анча чалкаш ҳамдир. Глобал ва трансмиллий банклар қаторига 500 тага яқин банкларни қўшиш мумкин, улар барча банк активларининг 85 %ини назорат қилишади. 13 та йирик молиявий марказларда ҳозир 1000 тага яқин глобал ва трансмиллий банкларнинг филиаллари ва ваколатхоналари ишлаб турибди, уларнинг кўпчилиги ривожланган давлатларда жойлашган.

5. **Миллий банклар** асосан ўз давлатларининг территорияларида амал қилади. Гоҳида улар хорижий давлатларда ваколатхоналари ва филиалларини очишади, бир сўз билан айтганда, булар ҳам нисбатан унча катта бўлмаган трансмиллий банклар ҳисобланади. Хорижий давлатларда бир-икки ваколатхонаси ёки филиали бўлган банклар миллий банклар гуруҳига киради. Трансмиллий банклар сони унчалик катта эмас. Мисол учун, Америкадаги 15 минг банклари ичида 150 таси (ёки жами банкларни 1 %и) трансмиллий ҳисобланади. Миллий банклар, белгиланган тартибга асосан хорижий банклар билан кенг корреспондентлик тармоғига эга бўлишади.

6. **Ўрта ва кичик регионал, тармоқ ва ихтисослашган банклар**, одатда, ўзининг региони ёки тармоғи доирасида амал қиладилар. Кўп ҳолларда бу банклар халқаро валюта бозорларига ва Евробозорга мустақил равишда чиқишмайди. Бу гуруҳдаги банклар барча миллий банклар билан ва кўргазма учун хорижий банклар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатган бўлишади. Жами бўлиб ривожланган давлатларда 28 мингтага яқин банклар бўлса, шундан катта қисми шу гуруҳдаги банклар қаторига киради.

7. **Офшор банклар** дунё банк тизимида яна бир муҳим гуруҳни ташкил этади. Ҳозирги вақтда улар жуда кенг тарқалган. Уларсиз трансмиллий банкларнинг операцияларининг биронтаси ҳам амалга оширилмайди. Офшор банклар, офшор компаниялари сингари ўз

олдиларига мақсад қўйиб тузилади. Улардан энг асосийси – солиқ тўланишини минималлаштириш.

Офшор банклар қуйидаги ўзига хос томонларга эга:

- банкни рўйҳатдан ўтказган давлатларни резидентлари билан ишлаш ҳуқуқига эга эмаслик;
- рўйҳатдан ўтиш учун тўланадиган устав капитали миқдори, бошқа давлатларга нисбатан анча паст бўлади;
- банк солиқ тўловларидан тўлиқ озод этилган бўлади;
- офшорда резерв сақлаш ва бошқа банк нормалари бўйича талаблар, бошқа давлатларга нисбатан жуда ҳам кам талаб этилади, давлатдан ташқари операциялар бўйича валюта назорати бутунлай мавжуд эмас.

Қуйидаги офшор банклар Жаҳон иқтисодиётида катта аҳамиятга эга: Мэн, Гернси ва Джерси ороллари, Багам ороллари, Сент-Кристофер ва Невис Федерацияси, Нидерландиянинг Антил ороллари, Аруби (Италия мафиясининг анъанавий макони), Кайман ороллари, Кариб давлатларига тегишли Теркса ва Кайкоса ороллари, Британиянинг Виргин ороллари, офшор бизнесининг бешиги ҳисобланган Панама ва ниҳоят бизга яқин бўлган Кипр давлати. Кейинги вақтда офшор бизнеси донги чиққан Швейцариянинг хусусий банклари орқали кенг ривожланмоқда.

Кайман оролларида 500 дан ошиқ офшор банклар ва 1300 та суғурта компанияси, Жаҳоннинг 50 та йирик банкларини 43 та филиал ва “шўъба” банклари рўйҳатдан ўтказилган. Кайман оролларидаги банк филиалларида тўпланган депозит омонатининг жами миқдори астрономик суммага етиб, 150 млрд. долларни ташкил этмоқда. Гонконгда хорижий банкларнинг 1,5 мингдан ошиқ филиаллари амал қилмоқда.

Ҳозирги шароитда Жаҳон трасмиллий капиталининг биронта ҳам молиявий чизмаси офшор банкларини иштироксиз, умуман амалга оширилмайди.

Жаҳон банк тизими ўзида бутун планета тармоғини мужассам акс эттиради, қайсики унинг бўғунларида – халқаро молиявий марказлар – йирик ТМБ ва унинг филиаллари тўпланган (ёки йиғилган). Ҳар бир глобал ва йирик ТМБ ўзининг филиал тармоқлари ва шўъба банкларига эга ҳамда улар Жаҳон давлатларининг катта қисми да фаолият кўрсатмоқда. Бу тармоқлар тизимдаги молиявий оқим учун магистрал қувур хизматини ўтайди. Миллий банклар янги информацион технологиялар билан таъминланиб, мустаҳкам корреспондентлик муносабатлари орқали битта ёки бир нечта шунақанги магистрал қувурларга уланган. Трансмиллий ва энг аввало, миллий банкларга ҳудудийал ва тармоқ банклари корреспондентлик муносабатлари тизими орқали уланган, уларни сони жуда ҳам кўп.

Халқаро фаолият маълум бир ташкилий ишларни талаб этади. Одатда, банкнинг бош офисида ихтисослашган *халқаро департамент* амал қилади. Унчалик катта бўлмаган банкларда бўлим ёки гуруҳ бўлиши мумкин. Гоҳида халқаро операцияларга жавоб берувчи битта менеджер ҳам етарли бўлади. Халқаро департамент (бўлим) ўзининг функцияси бўйича мини-банк

ҳисобланади. У умуман барча пассив ва актив операцияларни амалга оширади, банк ликвидлигини таъминлашни назардан қочирмай, хорижий валютада турли кўринишдаги операцияларни амалга оширади. Халқаро департаментнинг амалга ошираётган банк операциялари ичида қуйидаги келишувларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мижозларнинг ташқи савдо операцияларга аккредитивлар билан хизмат кўрсатиш;
- ҳорижий валюталарнинг олди-сотди операциялари;
- банк акцептлари савдоси;
- халқаро кредит операцияларини ўтказиш.

Энди банкларни хорижий ваколатхоналари, филиаллари ва “шўъба” банклари фаолиятини таҳлил қилишга ўтамиз.

1. *Хорижий ваколатхонада,* одатда, штатлар унча катта бўлмайди, битта тажрибали мутахассис ва котибдан иборат бўлади. Улар маҳаллий банклар билан корреспондентлик муносабатлари тўғрисида келишишади, маҳаллий молия бозори тўғрисида маълумот йиғишади. Баъзи бир давлатларда хорижий банкларни филиаллари ва ваколатхоналари очилиши тақиқланган. Кўпинча ваколатхоналар иши филиал очилиши билан давом этади.

2. *Хорижий банк филиаллари* ўзининг операциялари бўйича мустақил банкларга ўхшаб кетади. Улар мустақил равишда ходимларни жалб қилади, депозит ва омонатлар қабул қилади, кредитлар беради ва маҳаллий молия бозорида иш юритади. Филиаллар ота банк (бош банк) топшириғи бўйича халқаро операцияларни амалга оширади. Ҳаммадан аввал ота банкнинг капиталидан мустақил ҳолда уларга маълум миқдорда маблағ ажратилади. Филиални ҳисоботи ва нормативлари қайси давлатда амал қилаётган бўлса, унинг ўша давлатнинг марказий банки томонидан белгиланади. Бирор бир давлатда филиал очиш учун қабул қилаётган давлатни ҳукумати ва марказий банки рухсатномаси бўлиши зарур.

Баъзи бир давлатларда хорижий банкларнинг филиалларига маълум бир операциялар тақиқланган. Мисол учун, АҚШ хорижий банкларининг филиаллари учун, Федерал Резерв Тизимининг (ФРТ) мажбурий захира талаби, филиалдаги жалб этилган депозитлар учун суғурта бўйича Федерал корпорациянинг мажбурий суғурта тартиби қўлланилмайди ва улар бўйича суғурта мукофоти тўлашнинг кераги йўқ.

АҚШда 1981 йилдан бошлаб, бош офисда АҚШ ҳудудсида жойлашган, хорижий банкларнинг филиаллари *халқаро банк бирлиги* (ХББ) деб номланадиган, махсус ҳисоб очиш ҳуқуқига эга. Бу ХББ ҳисобида евродоллар депозитларини қабул қилиш ва евродоллар кредитларини бериш мумкин, бунда ФРТ захираси талаб этилмайди ва ФК суғурта депозити талаби бўйича суғурта қилинмасдан амалга ошириш мумкин. ХББ операциялари фақат хорижий резедантлар билан амалга оширади ва кредитлар фақат АҚШ территорисидан ташқарида ишлатилиши мумкин. Депозитларни минимал миқдори ХББ учун 100 минг доллар даражада белгиланган.

Офшор зонасида гоҳида шелл-филиал (shell branch) деб аталувчи филиал тузилади, у мустақил амал қилади, бош офисда амалга оширилаётган операциялар учун, юридик ниқоқ бўлиб хизмат қилади холос. Улар ваколатли маҳаллий банкирлар томонидан номинал бошқарилади, чунки улар бош офис орқали реал расмийлаштирилади ҳамда евродепозит қабул қилиш ва еврокредит бериш бўйича "почта қутиси" сифатида ишлатилади. АҚШ трансмиллий банкларининг 70 фоизида ўзларининг шелл-филиаллари мавжуд. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, 1990 йилларда бу филиаллар ўзининг балансида, бош офисларига нисбатан ҳам кўпроқ халқаро кредитлар берган.


3. Халқаро "шўъба" банклари юридик жиҳатдан мустақил банклар ҳисобланади, уларни назорат пакети "ота" банк амал қилаётган давлатга қарашли бўлади. Булардан фарқи шундаки қўшма банкда "ота" банк назорат пакетига эга бўлмайди ва назоратни бошқа банклар ва компаниялар билан бўлишади. Кўпчилик йирик трансмиллий банклар, қаерда хорижий филиаллар очилиши тақиқланган давлатлар бўлса, филиаллари ва "шўъба" банкларини тузиш орқали ҳаракат қиладилар. Аммо кейинги йилларда трансмиллий банклар тизимида "шўъба" ва қўшма банкларни улушини қўпайиши тенденцияси юзага келмоқда. "Шўъба" банклар "ота" банкдан умумий директивалар, нормативлар ва лимитлар олишади холос.

Шунига эътиборни қаратиш керакки, турли давлатларда бир-биридан жуда тафовутланайдиган бухгалтерия ҳисоби ва банк фаолиятини тартибга солувчи нормативлар мавжуд. 1989 йилда 12 та ривожланган давлатлар ўзаро ҳисобларни ва тартибга солишни умумий тамойилларини келишиб олишди. Хусусан, рискка қараб капиталга йўналтирилган унификация талаби қабул қилинди. Энди ҳар бир актив коэффицент рискига (0; 0,2; 0,5 ва 1) қараб кўпайтирилади, ҳосил бўлган сумма талаб қилинадиган капитал ҳисобланиши учун база бўлиб хизмат қилади.

Халқаро банк операцияларини тўртда катта гуруҳларга бўлиш мумкин:

1-чизма

Халқаро банк операциялари тавсифи



Биринчи гуруҳни *халқаро банк ҳисоб-китоблари ташкил этади.* Бу бобда асосий эътибор банк ҳисоб-китобларини технология хусусиятларига ва банкларнинг корреспондентлик муносабатларига қаратилади.

Шунингдек, бу бобда асосан банк томонидан *турли шаклда молиялаштиришларни амалга ошириш учун маблағларни (ресурсларни) жалб*

қилиш масалаларини ўз ичига оладиган банкларнинг актив ва пассивлар билан ўтказиладиган фоиз операцияларига тўхталиб ўтамиз (2-чизмани иккинчи ва учинчи гуруҳ таркибига қаранг).

Тўртинчи гуруҳ турли туман банк хизматларини ташкил қилади ва улар *халқаро нокредит операциялари* деб аталади. Ҳозирги пайтда бу замонавий банкларга бу хизматлар сезиларли даражада даромад келтиради. Бунинг таркибига валюта, фонд ва деривatив бозорлардаги ишлар ҳамда андеррайтинг, молиявий консалтинг, молиявий бозор маркетингги ва бошқалар киради.

1.2. Корреспондентлик муносабатлари ва банк ҳисоб-китоблари технологияси

Корреспондентлик муносабатлари деганда банкларнинг маълум режимда информацияларни алмашиши, ҳисоб-китоб рақамларини очиш ва молиявий операцияларни амалга оширишга келишиб олишлар тушунилади. Корреспондентлик келишуви икки томонлама шартнома шаклида ёки ҳатларни алмашиш йўли билан тузилади. Корреспондентлик муносабатлари ҳисоб-китоб рақами очмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин, унда ишлар информация алмашиш билан чегараланади холос. Банкларнинг корреспондентлик ҳисоб рақами режими корхоналарни ҳисоб-китоб рақами режими сингари жорий ҳисоб рақами ҳисобланади.

Корреспондентлик муносабати ўрнатилганда, банклар банк номидан ҳужжатларни имзолаш ваколатига эга бўлган шахснинг имзо нусхалари ҳамда электрон имзо ва электрон усулда ҳужжатларни етказишда имзо ўрнига ишлатилувчи пул ўтказиш (телекс) калити билан алмашадилар. Корреспондентлик муносабати ўрнатилган ҳар бир банк учун, одатда, махсус досье очилади ҳамда унда барча зарур ҳужжатлар сақлаб борилади.

Банклар хорижий корреспондентлик банкларини танлашда унга ўта астойдил ёндашишади. Ҳаммадан аввал ушбу давлатда банк томонидан корреспондентга бўлган эҳтиёж инобатга олинади. У, одатда, бу давлатга банк мижозларининг қизиқиши билан асосланади. Танланадиган номзод банкнинг бугунги кундаги фаолияти ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлиги ҳамда ўта барқарорлиги астойдил ўрганилади. Одатда, корреспондент сифатида таниқли ва етарли равишда йирик банк танланади, унинг ишончлилиги ва хорижда зарур банк хизматларини операцион қўллаб-қувватлаш борасидаги таъминлаш имкониятларига эътибор қаратилади.

Агар миллий даражада тўловлар марказий банк орқали амалга оширилса, халқаро ҳисоб-китоблар учун асосан банклараро корреспондентлик муносабатлари ишлатилади. Банклар бошқа давлатдаги банк-корреспондентларда *жорий операцион ҳисоб* (*талаб қилиб олингунча депозитлар*) рақамини очадилар. Бу ҳисоб рақамини очган банк, аввало, ўзини ва сўнгра мижозларининг эҳтиёжига хизмат кўрсатиш учун ундан фойдаланади.

Хорижий банклар томонидан маҳаллий банкларда талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисоби, **лоро ҳисоби** (италянчадан “loro” – улар) деб аталиш қабул қилинган. Баъзи бир давлатларда бу ҳисоблар **востро ҳисоби** (италянчадан “vostro” – сизнинг) ҳисобингиз деб аталади. Ривожланган давлатларнинг йирик банклари бошқа давлатларни банкларига тегишли бир қанча лоро ҳисобларини очиб унга хизмат кўрсатадилар. Йирик банклар учун, лоро ҳисобини ушлаб туриш, яъни бу депозит ҳисобларда бошқа банклар пулини ушлаб туриш улар учун бу қўшимча молиявий ресурс ҳисобланади. Одатда, уни ишлатишдан олинадиган даромад ҳисобни ушлашга кетадиган ҳаражатдан анча кўп бўлади. Бу ерда миллий валютада банкдаги корпоратив мижозларнинг ҳисоб рақами сингаридир, чунки банклар уларга жойлаштирилган маблағларни ҳам худди қўшимча молиявий ресурс сифатида ишлатадилар. *Лоро ҳисоби* ҳисобни ушлаб турган банк учун *мажбурият* ҳисобланиб, ҳисоботда пассив ҳисоблар қаторига қўшилади. Худди бошқа депозит ҳисоблар сингари кўпгина давлатларда марказий банк томонидан лоро ҳисобидаги маблағ учун мажбурий резерв ажратмаси аниқланади.

Маҳаллий банклар томонидан хорижий банкларда очилган ҳисобни ностро ҳисоби (италянча “nostro” – бизнинг) деб аталади. Ҳисобларни мақсадини ҳаммадан аввал қулай қилиб биринчи ҳарфдан эслаб қолиш мумкин, яъни **ностро** – улардаги бизнинг ҳисоб, **лоро** – уларнинг биздаги ҳисоби. Шунда битта банкнинг лоро ҳисоби унинг корреспонденти учун ностро ҳисоби ҳисобланади. Ностро ҳисоби баланснинг актив қисмида *талаблар* сифатида ҳисобга олинади. Ривожланган давлатларнинг банклари ҳар бир лоро ҳисобига нисбатан хорижий валютада ностро ҳисоби очишга ҳаракат қилишмайди. Агар лоро ҳисоби қўшимча даромад олиб келса, ностро ҳисоби уни ушлаб туриш учун на фақат ҳаражат, балки ресурсларни ҳам чалғитади. Мисол учун, Америка банклари хорижий банкларда бошқа валютадаги ностро ҳисобини ушлаганга нисбатан доллардаги лоро ҳисобини нисбатан кўпроқ ушлайди. Халқаро банк ўзини ностро ҳисобини халқаро саноат корпорацияси менежментига хос тамойиллар асосида бошқаради. Яъни, улар ностро ҳисобида ишламайдиган активларни жойлаштиришни минималлаштирадилар, вақтинчалик бўш маблағларини максимал самарали жойлаштиришга ҳаракат қиладилар ва хакозо. Бир вақтнинг ўзида, ўзининг мижозларини валютага бўлган эҳтиёжини қондириш учун, қаерда ностро-ҳисоби очилган бўлса, ўша давлатдаги ностро-ҳисобида маълум миқдордаги ликвидли қолдиқни ушлаб туриш керак. Ностро ҳисобида хорижий валютани ушлаб туришда маълум валюта риски юзага келади, уни баҳолаш ва зарур бўлса хеджирлаш керак.

Лоро ва ностро ҳисоблари хорижий давлатнинг валюталарида очилиши мумкин, бу рақам очилган банкда шу давлатни валютасида ёки учинчи давлатни валютасида ҳам ҳисоб очилиши мумкин.

Ҳар бир банк ўзининг лоро ва ностро ҳисоби бўйича бухгалтериясини, яъни учетини юритади. Банклар вақти-вақти билан ўзларининг ёзувларини

солиштириб туради, агар ҳатоликлар ва номувофиқлар юзага келган бўлса, уни тўғрилайдилар.

Барча зарур валюта операцияларини амалга ошириш учун битта ҳисобнинг ўзи ҳам етарли бўлади. Одатда, бунақанги ҳисобга ривожланаётган давлатларни банклари учун ривожланган давлатнинг банкида очилган лоро ҳисоби хизмат қилади. Бу ҳисоб ишлатилиш пайтида ҳисобни эгаси ривожланаётган давлатни банки топшириқномаси бўйича маблағ ҳисобга туширилади (ҳисоб кредитланади) ва ундан маълум сумма чиқарилади (дебетланади). Мисол учун, Ўзбекистон банки Германиядаги корреспондент банкдаги ўзининг ҳисобидан маълум суммадаги еврони Ўзбекистонга товар импорт қиладиган мижозга тўлаб беришига топшириқ бериши мумкин. Бунда Ўзбекистон банкидаги импортёрнинг валюта ёки сумдаги ҳисобидан тегишли сумма ундириб олинади. Шундай қилиб валюта фондини ҳаракати амалга ошади, яъни у Ўзбекистондаги банкни ва немис корреспондент – банкнинг бухгалтерия китобида маълум ёзувларни амалга ошириш билан тугалланади. Ўзбекистон банки Америкадаги корреспондент банкига ўзи учун Америка компаниясининг акциясини сотиб олиш учун, унга тегишли корреспондентлик топшириқномасини бериши мумкин. Унда Америка банки бу банкни лоро ҳисобидан тегишли суммани чегириб олади (ҳисобни дебетлайди) ва сотиб олинган акцияни Ўзбекистон банкига жўнатади ёки Америкада ўзини манфаати учун уни ишлатади.

Халқаро кредит олиш учун ҳам ривожланаётган давлатларнинг банклари учун корреспондентлик муносабатлари шакллантирилади. Бундан ташқари, ривожланаётган давлатларнинг банклари ўзининг халқаро репутациясини ошириш учун таниқли ва таъсири катта бўлган банклар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатишади. Банк корреспондентлар кўпинча ҳамроҳ банкларни синдикатлашган кредитлар учун иштирок этишга таклиф қилиб туришади.

Банк тўловлари технологияси иккита операциядан иборатдир:

1) банк-корреспондентга хабар (авизо) жўнатиб, маълум юридик ва жисмоний шахсга маълум суммани ўтказиш бўйича топшириқнома бериш орқали;

2) тўлиқ ҳисоб-китоб, яъни пулни (трансферни) амалда ўтказиб беришдан иборатдир.

Узил-кесил ҳисоб деганда – тўловчи (мисол учун, импортёр фирманинг) ҳисобидан корреспондент банкнинг ҳисоби орқали олувчи (мисол учун, экспортёр фирмани) ҳисобига пул маблағини ҳаракати ёки келиб тушишига айтилади. Пул маблағларини ўтказиб бериш жуда ҳам камдан-кам ҳолатларда нақд валютани ҳаракати билан амалга оширилади. Ҳамма вақт ҳам пул ўтказиб беришлар оддий бухгалтерия ёзувлари шаклида ўз тимсолини топади. Сотиб олувчи, яъни тўловчи ҳисобидан пул чиқарилади (уни ҳисоби дебетланади), сотувчи, яъни пул олувчининг ҳисоби (кредитланади), яъни пул унга ёзилади.

Ҳисоб-китобларни иккита базаси (асоси) мавжуд.

1. **Рамбурсирования (қоплаб бериш)**. Хорижий банк мижоз-фирманинг (импортёрнинг) талаби бўйича унинг ҳисобидан зурур суммани, экспортёр товар хаққини тўлаб бериш учун, ушбу банкнинг мижози ҳисобланган (Ўзбекистонлик экспортёр учун) Ўзбекистон банкининг лоро ҳисобига пул ўтказиб беради, яъни пул туширилади. Шундан кейин у банк Ўзбекистондаги корреспондент-банкга, унга зарур суммани (рамбурсировал) қоплабергани тўғрисида хабар (авизо) жўнатади. Бу хабарни олиб, Ўзбекистондаги банк, хорижий валютадаги тегишли суммани экспортёрни дастлаб трансит, сўнгра валюта ҳисоб рақамига ёки унинг хоҳишига ва топшириқномасига кўра, долларни ўзбек сўмига конвертация қилиб уни экспортёрнинг ҳисоб рақамига тушириб беради.

2. **Дебетлаш.** Рамбурсирлашга нибатан дебетлаш тескари тартибда амалга ошади. Мисол учун, АҚШдан товарлар импорт қилинаётганда Ўзбекистондаги импортёрни банки, экспортёрни Америкадаги банкига унинг лоро ҳисобидан товар сотиб олиш учун зарур суммани кўчиришга (дебетлашга) кўрсатма беради. Олдиндан у Ўзбекистондаги импортёр фирмани валюта ёки ҳисоб рақамидан тегишли суммани кўчиради. Бу хабарни олиб Америка банки олинган суммани ўзининг мижози бўлган экспортёрнинг ҳисоб рақамига туширади (кредитлайди).

Халқаро валюта ўтказишлари қуйидаги воситалар билан амалга оширилиши мумкин:

- авиапочталар;
- электрон тармоқ орқали;
- хорижий банк чеклари;
- пластик карточкалар ёрдамида

Тижорат банки *авиапочта* ёрдамида валюта ўтказиш шаклини ишлатганда корреспондент банкка пул ўтказиш ҳати (авизовка)ни жўнатади, қайсики уни барча банклар тўлов йўриқномаси ёки кўрсатмаси сингари қабул қилишади. Унда, қанча пул, қайси валютада, кимдан ва кимга ўтказилиши кераклиги кўрсатилган бўлади. Ҳатда узил-кесил ҳисоб-китоб қандай амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган бўлади. Авизода зарур имзолар сони тўлиқ бўлиши ва корреспондент банк ўзида мавжуд бўлган нусха билан ягона эканлигини текширади. Жаҳон амалиётида авизони қалбакилаштириш ҳолатлари ҳам гоҳида учраб туради. Мисол учун, Россияда XX асрнинг 90-йилларида кенг масштабда қалбаки авизовкани ишлатиш йўли билан ўғирликлар содир бўлган.

Электрон тармоқ орқали валюта ўтказиш худди авиапочта шаклига ўхшаб кетади. Уни, эскичасига қилиб айтганда, телеграф пул ўтказиши деб ҳам аташади, чунки XIX асрнинг 60-йилларигача, яъни компьютер тармоқлари юзага келгунча, бунақанги тўловлар телеграф ишлатилиши орқали амалга оширилган. Электрон пул ўтказиш (трансфер) электрон имзолар билан ёки махсус тест калити билан идентификация қилинади.

Банк чеки ишлатилиш билан валюта ўтказиш авиапочта ёрдамида валюта ўтказишга нисбатан анчагина ишончли ҳисобланади, чунки бу ҳолатда банк

топшириқномаси тўловчи банкка бевосита келиб тушади. Мисол учун, Ўзбекистон банки АҚШ даги корреспондент банкка жисмоний шахсга маълум суммани бериш тўғрисида топшириқнома билан чек ёзиб беради. У АҚШга келиб, кўрсатилган банкка чекни тақдим этиб ва уни ҳақиқийлиги текширилгандан кейин пулни олади. Гоҳида чекни тақдим қилишда, Ўзбекистондаги банкдан қўшимча тасдиқловчи хабар (авизо) талаб қилинади.

Кейинги вақтда яна ҳам кенг тарқалиб бораётган халқаро ҳисоб-китоблардан бири пластик карточкалар ёрдамидаги валюта ўтказилиш шакли ҳисобланади.

Кейинги 10 йилликда эса хабарларни етказиш ва узил-кесил ҳисоб-китобларни ўтказиш **компьютер тармоғини** ишлатиш билан амалга ошириш фаол ривожланмоқда.

Халқаро банклараро молиявий телекоммуникация жамияти тизими (Society for World-Wide Interbank Financial Telecommunications – **SWIFT**) 1973 йилдан бошлаб амал қила бошлади, уни базасида аслида "НАТО" телекоммуникацион каналларининг банк хабарларини етказиш учун ишлатилатадиган тизимга асосланади. У фақат хабарларни етказиш учун ишлатилади, лекин ўзил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишга мўлжалланмаган.

SWIFT Брюсселдаги штаб-квартираси билан нотижорат ҳамкорликда ҳисобланади. Унинг асосида информацияларни қайта ишлаш ҳудудийал марказлари (процессинг марказлари) ташкил этилган (Европа учун) Нидерландияда, (Осиё учун) Токиода, (Шимолий Америка учун) Вашингтонда ва (Лотин Америкаси учун) Бразилияда. Ҳудудийал процессинг марказлари давлатлар билан боғланган, мисол учун, Москвада (Россия учун), ўз навбатида улар бу тизимнинг аъзолари бўлган банклар билан боғланган. SWIFT 130 та хабарлар стандартларига асосланади, қайсики унда барча банк операцияларини кодлаштирилган, яъни кредитлар, валюта алмашинувлари, аккредитивлар ва бошқалар. SWIFT стандартлари кўпчилик давлатларда информацияни етказиш ва қайта ишлаш учун умумқабул қилинган тартиб ҳисобланади. Улар тўлиқ ҳолда миллий тизимнинг узил-кесил ҳисоб-китобига мос тушади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда узил-кесил ҳисоб-китоб учун миллий компьютер тизими ишлатилади. Мисол учун, АҚШ Федерал резерв тизими (ФРТ) ўзининг "FedWire" деб номланган ҳисоб-китоб тармоғига эга. Россиядан ва Ўзбекистондан фарқи шундаки, АҚШда тижорат банкларининг резерв ҳисоби (федерал фондлари) ФРТда музлатилмаган, улар операцион ҳисобланади, яъни улар ҳисоб орқали тўловларни амалга оширса бўлади. Резерв ҳисобидаги ошиқча маблағларни (федерал фондларни), айни шу дақиқада федерал фондлар учун белгиланган нормативларга етмай турган банкларга сотиш мумкин. Федерал фондларнинг бозори жами пул бозорини амал қилишига асос ҳисобланади. Шу асосда "FedWire" тармоғи амал қилади. Банклараро операциялар амалга оширилишида "FedWire" бир зумда тўловчи ҳисобидан пулни чиқаради (уни ҳисобини дебетлайди) ва уларни

пул олувчи ҳисобига ўтказади (яъни, унинг ҳисобини кредитлайди). Ҳар бир операция ҳеч бир нарсага боғлиқ бўлмай ва узил-кесил амалга оширилади, шунинг учун ҳам неттинг, яъни умумий ҳисоб талаб қилинмайди.

“FedWire”га альтернатива, яъни талабгор сифатида *Клиринг палатасининг банкларараро тўлов тизими* (Clearing House Interbank Payments System – CHIPS) ҳисобланади. “FedWire”дан унинг фарқи-бу хусусий фирмадир. У “on line” режимида ишлайди, яъни тўловлар банкларнинг ҳисоб–китоби 20 компьютер базасидан сўнг – реал вақтда амалга ошади. Бу тизимнинг барча иштирокчилари Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Бир кунлик оборот 1 трлн. доллардан ошади. CHIPS клиринг тизими ҳисобланади, яъни узил-кесил ҳисоб-китоби иш куни охирида амалга оширилади.

Бошқа банклар билан ўзаро боғлиқликни таъминлаш учун CHIPS давлат тармоғи ҳисобланган “FedWire”да ўзининг ҳисоб рақамига эга. Марказий CHIPS компьютери иш куни якунида иштирокчилар операцияларининг якунини чиқаради ва унга мувофиқ ҳар бир иштирокчи тизимга қанча пул қўшиш керак ёки ундан олиш кераклиги белгиланади. Бундан ташқари, CHIPS тизимдан ташқари банклардан қанча пул олиш ва чиқариш кераклиги ҳам аниқлайди. “FedWire” ва CHIPS тармоғи орқали талаб қилинадиган суммалар алмашгандан сўнг, компьютернинг ўзи банкларнинг ҳисоб-китоби бўйича нетто-суммаларни тақсимлайди, улар эса ўз навбатида, барча тизим иштирокчилари бўйича тақсимлайди.

1.3. Банкларнинг халқаро депозит ва кредит операциялари.

Депозитлар йирик халқаро банклар пассивларини катта қисмини ташкил этади. Мисол учун, 2001 йилнинг бошларида олти йирик Япония банкларининг депозитлари жами пассивлар суммасининг 84.7 фоизига етган. АҚШнинг йирик трансмиллийбанки ҳисобланган Citycorp депозитлари - 76,5%, Англиянинг Barclays Bankда- 80,7 %, Франциянинг Bangue Nationale de Paris – 78,1 % ва немисларнинг Deutsche Bankида- 62,6 % га етади.

Халқаро ва трансмиллий банкларнинг депозит сиёсати қатор ўзига хос томонларга эга. Уларнинг пассивлари шаклланишида манбаларни кенгайтириш ҳисобига депозитларни жалб қилишда улгуржи деб аталувчи ёндашиш етакчилик қилмоқда, буни таркибида корхоналар, ҳукуматлар, индивидуаль омонатчилар, турли фондларнинг маблағлари ва хайрия жамиятларининг ҳам бўш маблағлари мавжуд.

ТМБларнинг фаолиятининг халқаро миқёсда кенгайиши депозит базаларини деверсификация қилишга олиб келади, чунки омонатчиларнинг доираси кенгаймоқда ва ссуда капиталини йиғилиш миқдори ошмоқда.


Иқтисодиётни халқаро миллийлашуви шароитида ТМБ депозит базасини шаклланишида ўзига хослик, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши билан ва депозитларни “кўп валютали” аспектда бошқариш билан боғликдир. Бу шунда ўз аксини топмоқдаки, ТМБ валюта операцияларини

аниқ йўлга қўйилган тизимда бошқаришни шакллантиради, шу жумладан, валюта базалари ўртасидаги мувофиқликни таъминлайди. Халқаро бозорда содир бўлаётган ҳодисаларга қараб, ТМБлар ўзининг депозитлари миқдорини ва ҳамда уларни валюта таркибини ўзгартирмоқдалар. Бу нафақат хорижий операцияларнинг валюта рискини камайтириш имкониятинияратибгина қолмай, балки ундан каттагина фойда олиш имкониятини ҳам бермоқда.

ТМБнинг кредит операциялари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Одатда кейиги пайтда ТМБ ўз операцияларида Офшор филиаллари ёки “шўъба” банклари ва молиявий марказлардаги филиалларидан фойдаланмоқдалар. Қанчалик даражада ТМБ капитал ҳаракатини ўзининг тузилмалари ҳисобланган Офшор банклар орқали соддалашган механизмини яратганлигини ва у қанчалик самарали ишлаётганлигини қуйидаги чизмада кўриб чиқамиз:

2- чизма

ТМБ таркибий тузилишида молиявий оқимлар



Молиявий марказларнинг бирида жойлашган ТМБ филиали халқаро капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилади. Бизга маълумки, бунда маблағларни жалб қилиш минимал баҳода содир бўлади, яъни амалга оширилади. Кейин у бу пулларни шу банкнинг Офшордаги филиалларидан бирига ўтказади. Офшор филиали (ёки Офшордаги “шўъба” банк) бу маблағларни қайсидир компанияга кредит маблағи сифатида бу пуллар керак бўлиб турган бўлса, пулни қабул қиладиган ўша давлатдаги (“шўъба” банк) филиалига ўтказади. Албатта кредит капитал бозоридан жалб қилинган маблағни паст фоизда эмас, балки анча юқори фоизда берилади. ТМБнинг учта бўлими ўртасида шартнома шундай тузиладики, олинадиган фойдани ҳаммаси Офшор банкида қолади, сабаби бу жойда солиқ умуман тўланмайди.

Албатта, тушунарли, ҳаракат бир неча бор бошқача тартибда амалга оширилади. Аввало, айтайлик ривожланаётган давлатда жойлашган баъзи бир компаниялар ТМБ маҳаллий бўлимларига мурожаат қилиб кредит сўрайдилар. Ундан кейин юқорида ёзилган барча механизм ишга тушиши учун ҳаракатга солинади. Натижада компания унга маҳаллий банклар кредит бериши мумкин бўлган фоизга нисбатан, анча паст фоизда кредит олади, чунки маҳаллий банклар ушбу давлатни барча солиқларини тўлашади ва ундан ташқари улар капитал бозорига тўғридан тўғри чиқиб арзон ресурсга эга бўла олмайдилар. Шундай қилиб, ўзининг бўлимларини рационал жойлаштирганлигидан олган афзаллигини ҳаётга татбиқ этиб ТМБлар рақобат жангида ютиб чиқадилар.

Кейинги вақтларда халқаро банк хизматларининг мураккаблашиш тенденцияси юзага келмоқда. Шундай мураккаб хизматлардан *халқаро молиявий лизинг, факторинг ва форфейтинглар* улуши айниқса кўпайиб бормоқда.

Лизинг (инглизчада **“lease” – “ижарага олмоқ”**), яъни лизинг олувчи буюртмаси бўйича сотиб олинган ёки ўзида мавжуд бўлган мол-мулкни лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига фойдаланиш учун берилишини ўзида мужассамлаштиради. Бунда лизинг олувчи шартнома бўйича мана шу олинадиган мол-мулкни аниқ келишилган маълум тўлов билан шартли муддатга ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади. Биринчи бўлиб лизинг Американинг “Белл” номли телефон компанияси томонидан қўлланилган, яъни улар телефон аппаратларини сотишмаган, балки фойдаланиш учун ижарага беришган.

Ҳозирги вақтда лизинг берувчи сифатида таркибида лизинг бўлими ёки лизинг компаниялари билан банклар қатнашмоқда. Лизинг компаниялари одатда банклар билан жуда чамбарчас боғланган ёки уларнинг “шўъба” корхоналари ҳисобланади.

Молиявий лизинг дейилганда қуйидаги ҳолат назарда тутади, яъни лизинг олувчи лизинг даврида тўлайдиган тўлови билан ижарага олган мол-мулкнинг қийматини тўлиқ қоплай олиши тушунилади. *Операцион лизинг* бундан фарқланади, яъни бунда мол-мулкнинг хизмат муддати кўп марта қисқа бўлишига қарамай, унинг кўп марта ишлатишга берилиши назарда тутилади. Гоҳида *қайтариладиган лизинг* ҳам учраб туради, бунда асосий воситани эгаси лизинг берувчига сотади, кейин уни ижарага олади. Бу гоҳида солиқ тўланиш нуқтаи назаридан манфаатли ҳисобланади. Халқаро лизингни турли туманлиги “дабл дин” келишувлари ҳисобланади. Буюк Британия лизинг компанияси шунақанги келишув доирасида самолётларни сотиб олиб, сўнгра уларни Американинг лизинг компанияларига берган, улар ўз навбатида бу самолётларни маҳаллий авиакомпанияларига лизингга берган. Манфаат шундан иборатки АҚШга нисбатан Буюк Британия мулкдор сифатида кам солиқ тўлайди. Шу вақтда АҚШнинг лизинг компаниялари эгалик ҳуқуқи учун солиқ тўламайди.

Одатдаги кредитдан *лизингнинг афзалликлари* қуйидагилардан иборат:

1. Лизинг аванс тўловини назарда тутмайди ва бирданига тўловни бошланишини ҳам талаб қилмайди. Мол-мулкнинг 100 % қиймати лизингда ҳақиқатда кредитланади.
2. Лизинг шартномаси кредитга нисбатан енгил тузилади, чунки лизингга олинадиган мол-мулкнинг ўзи унинг таъминоти ҳисобланади. Шартномани бажармаганда, лизинг берувчи мол-мулкни қайтариб олиб қўйиши мумкин.

Халқаро лизинг шартномаси тузилишида валюта рискини, божхона режимини ўзига хослигини, лизинг берувчи ва олувчи давлатларда солиққа тортилиш хусусиятини ва бу давлатлар ўртасида икки томонлама солиққа тортилмаслик келишувининг мавжудлиги каби ҳолатларни инобатга олиш зарур.

Факторинг – бу экспортнинг молиялаштириш операцияси ҳисобланади, бунда банк экспорт товари ортиб жўнатилгандан кейин, экспорт қилинган товар суммасини экспортёрга қайтаради ва ундан кейин импортёрдан банк қарз олади. Ҳозир халқаро факторинг йирик экспортёрларнинг барча экспорт оперцияларида 15 % ларга тўғри келади. Асосан у АҚШ, Буюк Британияда ва Японияда кенг тарқалган.

Факторинг келишувида одатда тўртта томон иштирок этади, булар экспортёр, эспортёр давлатдаги фактор компанияси (фактор-экспорт), импортёр ва импортёр давлатдаги фактор компанияси (фактор-импорт). Фактор компаниялари ёки фактор-компаниялари банк билан жуда яқин боғланган ёки уларнинг шўъба корхоналари ҳисобланади. Гоҳида банклар ихтисослашган фактор бўлимларини ташкил қиладилар.

Факторинг операциясининг технологияси қуйидагича бўлади. Экспортёр импортёрга товар кредитга тақдим этгани сингари, вексель мажбурияти билан товарни расмийлаштириб шартнома бўйича хорижга маҳсулотни ортиб жўнатади. Экспортёр давлатдаги фактор компанияси, импортёр давлатдаги фактор компаниясидан олинган информацияга асосан, экпортёр билан шартнома тузишади ва шартномада кўзда тутилган вексель мажбуриятидаги суммани валютада экспортёрга бирданига тўлаб беради. Импортёр давлатидаги фактор компания, шартномада кўзда тутилган муддатда тўловни харидорга тўлаб беради.

Факторингнинг ривожланиши турли давлатларнинг фактор компаниялари ўртасида корреспондентлик муносабатлар тармоғи мавжудлигига боғлиқ эмас. Экспорт факторинги одатда, мижоз билан жуда яқиндан ишлаган ҳолатларда берилади, холос. Факторинг тўлови икки қисмдан иборат: биринчиси, хизмат тўлови, у 0,2 дан 3,5 %гача тебраниб туради; иккинчиси берилган кредит учун фоиз тўловидир.

Факторинг барча иштирокчилар учун манфаатлидир. Банклар ўзининг хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайиятиради ва берган кредити бўйича қўшимча даромад оладилар. Эскпортёрлар сотишдаги тўлов кечикишини бир зумда сотишга айлантириб, ўз маблағлари оборотини тезлаштирадилар.

Импортёрлар экспортёрга аванс суммасини ўтказмаса ҳам бўлаверади, товарни сотишдан тушадиган маблағга қараб тўлаб боради.

Форфейтинг факторинг операциясини давоми ва кенгайиши ҳисобланади. У экспортни молиялаштиришда импортёр векселини регресс ҳуқуқисиз ҳисобга олиш йўли билан молиялаштиришдан иборат. Банк (форфейтер) экспортёрдан чигирма билан векселни сотиб олади, шу билан у тўловни тўланмаслик билан боғлиқ бўлган ёки импортёр томонидан тўловнинг кечиктирилиши каби барча рискларни ўз зиммасига олади, бундан ташқари, у экспортёрга эътироз билан мурожаат қилиш ваколатидан ҳам айрилган бўлади. Форфейтер ўзига ҳаттоки импортёрнинг банкрот бўлиши ва кафиллик рискини ҳам ўз зиммасига олади. Чегирма миқдор (дисконт)и импортёрнинг рейтингига, давлат ва валюта рискига қараб белгиланади.

Форфейтинг ўзида экспортни молиялаштириш ва рискни суғурталаш механизмини мужассам этади. У давлат томонидан экспортни кредитлаш ва суғурталаш механизмини кенгайтиради. Кўпчилик экспортёрлар форфейтингни орзу қилишадилар, чунки у экспортнинг давлат томонидан суғурта қилинмайдиган кўп рискларни суғурта қилади. Форфейтинг хизматларини ҳозирда жуда кўпчилик йирик банклар ўз зиммаларига олган. Фақат Лондон шаҳрининг ўзида уларни сони 100 дан ошиқдир.

Халқаро кредитлаш, лизингни, факторингни ва форфейтингни қўшганда, барча келишувлар кредит берилиш, ишлатилиши ва қайтарилишини махсус шарт-шароитлар асосида белгиланишини талаб этади. Кредит берилишининг муҳим шартларидан бири-*фоиз ставкаси* ҳисобланади.

Фоиз ставкасининг базаси учта асосий усул билан аниқланади:

1) *қисқа муддатли давлат облигацияси фоиз ставкаси бўйича*. Банк доимо пул деб давлат қоғозига ишонади, хорижда ҳисоблашадики, бунда амалда ҳеч қанақа риск юзага келмайди. Аммо 1998 йилда Россия давлатида содир бўлган инқироз пайтдаги олинган ҳаммани довдиратиб ташлаган тажриба шуни кўрсатдики, ҳаттоки давлатнинг қисқа муддатли қоғозига тикилган маблағлар ҳам рисксиз эмас экан;

2) прайм-рэйт ставкаси бўйича, яъни биринчи даражали қарз олувчилар учун кредит бўйича ставка. Прайм-рэйт ставкаси ҳар бир банк томонидан, фондни жалб қилиш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш учун, кредитлаш бўйича операцион ҳаражатлар ва мақсадли фойда олиш учун етарли даражада ўрнатилади. Бу ставка ҳаммадан аввал муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкасига боғлиқ бўлиб, қайсики у, биз кўрсатганимиздек халқаро банкларни кредит операцияларини ўтказишга асосий манба бўлиб хизмат қилади;

3) LIBOR ставкаси бўйича – Лондон банклараро бозоридаги таклиф ставкаси. Бу ставка евродоллар бозорида қарз олиш баҳосини аниқлайди ва евробозорда молиявий ресурслар манбаи бўлиб кредит ставкасини аниқлаш учун база бўлиб хизмат қилади.

Кредит ставкаси қуйидаги формула билан аниқланади: база ставкасига (*прайм-рэйт, LIBOR ва бошқалар*) фоиз учун рисклар қўшилади.

Кредит рискларини молиявий, валютали ва мамлакат рискларига бўлиш мумкин.

Молиявий рисклар ёки қарзни қайтмаслик рискларини белгиланган тартибга асосан *учта **"С"*** билан баҳолаш мумкин:

- **character**–репутация, қарз олувчининг табиати ёки тартибли эканлиги;
- **cash flow** – унинг пул оқими;
- **capital** – қарздорнинг капитали.

Қарздорнинг репутациясини баҳолаш учун одатда бутун Жаҳон бўйича потенциал қарздорлар тўғрисида мавжуд маълумотлар, информация-татқиқотчи фирмалар хизматидан фойдаланилиб аниқланади. Бундан ташқари, банклар ўртасида мижоз билан ўтказилган операциялар тўғрисидаги конфиденциал маълумотларни ўртоқлашиш қабул қилинган. Ушбу маълумотлар асосида банклар асосий потенциал қарздорлар тўғрисида кредит тарихини шакллантирадилар.

Пул оқими ва қарздорнинг капиталини баҳолаш компания балансини биринчи бўлиб қўлга олгандан, қарздорнинг молиявий аҳволи "лаҳзалик сурат" сингари банкир хотирасида қолиши керак.

Валюта рисклари қуйидагилардан иборат бўлади:

- валюта курсларини ўзгаришидаги рискдан (валюта курси ўзгариши) риски;
- миллий валютанинг бир зумда девальвация бўлиши билан боғлиқ риск, бунинг натижасида хорижий валютада олинган кредит, қайтмай қолиши мумкин, маълумки бундай ҳолат 1998 йилдаги Россиядаги пул инқирози натижасида кўпгина корхоналарда содир бўлган эди;
- валюта назорати талабини ўзгаришидаги риск. Мисол учун, хорижга валютани олиб чиқиш, фоизларни тўлаш ва асосий қарзни тўлашлар кабилар ҳам қўшилган ҳолда, яъни бунда давлат томонидан валютанинг олиб чиқиб кетилиши бутунлай таъқиқланиши ёки маълум муддатга музлатиб қўйилиши мумкин.

Мамлакат рисклари валюта рискларини қамраб олади ҳамда қарз олувчининг давлатида макроиқтисодий шароитни қалтис ўзгариши рискини, қарз олувчи фирманинг миллийлаштирилиши эҳтимоли ва қарз олувчининг давлати ҳарбий низоларга қўшилиб кетиши каби ҳолатлар билан юзага келадиган рисклар бўлади.

Халқаро кредитлашда рискларни камайтириш учун, кредит таъминотида **гаров** ва **кафиллик** ишлатилади.

Одатда г а р о в сифатида қуйидагилар ишлатилади:

- қимматли қоғозлар (давлат облигациялари, юқори ликвидли акциялар ва ҳаказо);
- кўчмас мулклар (бинолар, асбоб-ускуналар ва ҳаказо);
- қимматли активлар (кемалар, самолётлар ва ҳаказо);
- омбордаги, йўлдаги товарлар ва ҳаказо;

Қарздорни кредитини қайтаришга қуйидагилар к а ф и л л и к бериши мумкин:

- давлат органлари ва ташкилотлари;
- йирик банклар;
- яхши кредит рейтингига эга бўлган корхоналар.

Кафиллик – кафиллик қоғози ёки векселлар билан тасдиқланади.

1.4. Нокредит банк операциялари

Ҳозирги босқичда банк хизматлари спектрининг кенгайиши ва банк даромадларида нокредит хизматлар улушининг кўпайиши Жаҳон миқёсида банк иши ривожланишида муҳим тамойиллар сифатида намоён бўлмоқда. Йирик банклар ўз мижозларининг барча молиявий хизматларга бўлган талабини қондира бориб, молиявий супермаркетларга айланмоқда. Банклар мижозлар келишувларини суғурта қиладилар, информацион ва консалтинг хизматларини кўрсатадилар, уларининг евробозорга, хорижий фонд ва деривatив бозорларга чиқишларини таъминлайдилар, бу бозорларда ишлашда воситачилик ва брокерлик хизматларини кўрсатади, андеррайтинг билан шуғулланади, яъни ўз корпоратив мижозлари акцияларини жойлаштириш бўйича датлабка ишларни амалга оширади, мижозларнинг мол-мулкларини ишончли (траст йўли билан) бошқаришни ҳам ўз зиммасига оладилар.

Молиявий комплекслар доирасида банклар, инвестиция, суғурта ва молия компаниялари, нафақа ва ўзаро фондлар ўртасида тафовутлар борган сари йўқолиб бормоқда. Банкларнинг суғурта компаниялари билан интеграллашуви ва бирлашуви тенденцияси тез-тез содир бўлмоқда. Бунга сабаб банк ва суғурта фаолияти ўртасида ўзаро яқинлашиш жараёнидир. Банклар жуда ҳам фаол даражада *суғурта хизматлари* соҳасига кириб бормоқда. Европада ҳозирги вақтда ҳаётни суғурталашни 19 %и банклар ҳисобига тўғри келади, Францияда банкларни улуши бу соҳада ўта баланд бўлиб, умуман банклар амалда ўз зиммасига суғурта компаниялари функцияларини ҳам олганлар.

Кейинги йилларда йирик банклар фаолиятида оғирлик маркази аста-секин *эмиссия-воситачилик хизматига* ўтиб кетмоқда. Халқаро банклар қимматли қоғозларни сотишдан олинадиган комиссион мукофот ҳисобидан фойдани, улар билан иккиламчи бозорда савдодан тушадиган даромадни кўпайтириб, консультация ва илмий-аналитик ишлар учун гонорарларни (қалам ҳақи), мол-мулкни сақлаш ва бошқаришдан мукофот суммаларини кўпайтира бориб ўз даромад манбаларини диверсификация қилишга эришмоқдалар. Экспертларнинг баҳолашига қараганда, йирик банкларнинг оладиган фойдасини ярмидан кўпи воситачиликдан тушадиган даромадларга тўғри келмоқда. Воситачилик операциялари банклар билан номолиявий корпорациялар ўртасида пайдо бўлаётган узоқ муддатли алоқалар асоси ҳисобланади. Бу алоқалар корпорацияларнинг назорат пакет акцияларни

сотиб олиб қўйиш, корпорацияларни халқаро даражада қўшилиши ва бирлашиши жараёнларига банкларни иштирок этиши йўлари билан содир бўлмоқда.

Воситачиликнинг тўғридан-тўғри кредитлашга нисбатан афзаллиги шундан иборатки, бунда банклар молиявий рискларни, шунингдек, ҳаттоки қарздордан ссуданинг қайтмаслик рискини ҳам қўшган ҳолда, қимматли қоғоз эгасининг зиммасига қўймоқда. Буларнинг натижасида капитал бозорининг таркиби жуда сезиларли даражада ўзгариб кетди. Агар ўтган асрнинг 70-йилларида халқаро капитал бозорининг 80 %ини банк кредитлари ташкил этган бўлса, 90-йилларга келиб капитал бозорида асосий ўринни эса худди шу миқдор улушида турли қимматли қоғозлар эмиссияси асосида берилган халқаро заёмлар эгаллади.

Қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган воситачилик операцияларини банклар одатда *чайқовчилик келишувлари билан* уйғунлаштириб олиб борадилар. Бунда халқаро банклар шундай хизматлар кўрсатади, яъни, инвесторларга «тоювчан» фоизлар билан облигацияларни сотиш, эмитентнинг облигация бўйича даромадини ўзи чиқарган икки валютали заём деб аталувчи бошқа қимматли қоғозларга қайта инвестиция қилиш имкониятини бериш ва ҳаказо Кейинги ҳолатда инвестор валюталар курсидаги тафовутдан қўшимча фойда олиши мумкин, чунки унга ёзилаётганда,яъни уни сотиб олинаётганда қимматли қоғознинг курси битта валюта курсида акс этсада, у ҳам қопланади ёки тўлаб берилади.

Нафақа фонди ва бошқа институционал инвесторлар билан банкларни *ишончли операциялари* ошиб борилиётганлиги узоқ муддатли капитал қўйилиши учун банкларга йирик манба бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро банклар уларга ишончли бошқаришга берилган фонд маблағларининг қимматли қоғозлар курсидаги тафовутдан фойда олиш мақсадида хорижга сармояни жойлаштиришда воситачилик қилишадилар.

Банклар *саноат корхоналарини ташкил топишида* фаол рол ўйнамоқдалар. Кейинги пайтларда қатор кредитлайдиган корпорацияларни трансмиллий монополистик иттифоқларга бирлашиши банклар томонидан қўллаб қувватланмоқда, чунки бунда қарз олувчи корхоналарни банкротлик риски камаяди ва шунинг билан бир қаторда уларни молиявий операциялари миқдори ошади, уларни юритиб банклар яхшигина фойда олади.

Банк капиталининг тўғридан-тўғри саноатга кириб бориши саноат компаниялари акцияларининг банклар томонидан сотиб олиниши, чиқарилиши ва жойлаштирилиши йўли билан содир бўлмоқда, янги корхоналарни таъсис этилишида банклар фаол иштирок этишмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида ТМК бош хўжалик субъектига айланган шароитда, уларнинг ҳисоб-китоб операциялари жуда ҳам ўзгариб кетди, халқаро ва трансмиллий банклар уларни ич-ичига кириб кетиб хизмат кўрсатмоқда. Агар аввал ҳисоб-китоб операциялари мижознинг топшириқномаси бўйича хорижий валютанинг олди-сотдиси билан ташқи савдо операциясига нисбатан хизмат кўрсатилган бўлса, эндиликда банклар ТМКнинг нафақат

ички молиявий ҳисоб-китобларини ва халқаро ҳисоб-китобларини, ташқи Жаҳон билан бўладиган барча молиявий муносабатларини энди банклар бошқармоқдалар. Банклар интеграллашган компьютер маркази базасида ТМКларнинг бутун *нақд маблағларини бошқариш тизимини* яратишди, уларнинг таркибига кирувчи ҳамма ишлаб чиқариш бўлимларини барча банк ҳисоб рақамлари ахволи тўғрисида уларни ихтиёрига аниқ информацияни йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этиш имкониятини бермоқда. Бунинг натижасида банк ҳисоби бўйича пул маблағининг ҳақиқий ҳаракати билан ТМК бухгалтерия китоби ҳаракати ўртасидаги вақт тафовути жуда сезиларли даражада қисқармоқда.

Кейинги вақтда кўпгина банклар халқаро молия бозорида фаолият юритишга ихтисослашган консалтинг компанияларини сиқиб чиқаришга ҳаракат қилиб, консалтинг бизнесига ҳам фаол даражада киришиб кетмоқдалар. Ҳозирги пайтда консалтинг хизмати йирик халқаро банкларга 25 % даромад келтирмоқда.

Мана анча вақтдан бери банклар *лойиҳаларни молиялаштиришда* ҳам иштирок этмоқдалар: лойиҳани амалга ошириш бўйича барча смета ҳаражатларини тўламоқда, ўзининг мутахассислари кучи билан лойиҳалаштиришда ҳам бевосита иштирок этмоқдалар ёки буюртмачини малакали консультация билан таъминламоқда. Банк билан ҳисоб-китоб буюртмачининг ҳеч қандай бошқа маблағлари жалб этилмасдан, янги қуриладиган корхона фойдасидан амалга оширилмоқда. Бутунлай олганда қатор ҳолатлар борки, бунда банклар ушбу объектлар акцияларининг шириклик эгасига айланмоқдалар.

Замонавий банк эндиликда тобора *информацион-аналитик марказга* айланиб бормоқда, ўз мижозларини молия, инвестиция ва товар бозори билан узвий ва мунтазам боғламоқда. Йирик банклар жуда кучли информация марказини тузмоқдалар. Банк ташкилотлари кенг масштабда информацион хизмат турларини кўрсатиб норасмий ҳолатда мижозларни ўзига “боғлаб” олмоқдалар. Банк консалтинги маълумот олиш учун ҳамма мумкин бўлган каналларни ишлатмоқдалар, мисол учун, кредит беришда улар мижозлардан информация тақдим қилишни доимо талаб қиладилар. Информация олишнинг муҳим каналларидан бири у ёки бу лойиҳани амалга оширишда корпорациянинг бошқаришга иштирок этиш ҳисобланади. Банклар корхоналар ишлайдиган бозор аҳволи тўғрисида кенг информацияга эгадирлар ва уларни мижозларга беришлари мумкин. Бундан ташқари банклар ички ва ташқи менежмент саволлари бўйича ўзининг мижозларини фаол равишда консультация беришга ўтмоқдалар, уларнинг иқтисодий сиёсатини ва ички тузилишини қайта кўриб чиқишни аниқлаган ҳамда тавсия этган ҳолда.

Кейинги йилларда янги *банк технологияси бўйича молиявий-информация* тарқатилиши яна ҳам кенг авж олмоқда. Бўлимлари бўлмаган телефон банклар ривожланмоқда (мисол учун, Буюк Британиядаги First Direct банки), бунда мижоз банк ходими билан шахсан кўришмасдан ҳисоб очиши ва

операцияларни амалга ошириши мумкин. Бу ҳолатда мижоз банкни қайда жойлашганлиги, банкирнингёки мижозларнинг кимлигига қаралмайди.

Интернет- банк фаолиятида истиқболли турларидан бирига айланиб бормоқда. Унинг асосий афзаллиги тезлик ва арзон хизмат кўрсатишдан иборатдир. Интернет орқали банк хизматини кўрсатиш таннархи, анъанавий хизмат кўрсатиш таннархи билан солиштирганда 8-10 баробар камаяди. Бу кўпгина банкларни ана шу сетга киришга ундамоқда, улардан баъзи бирлари мижозларга сет орқали хизмат кўрсатишни бошлаб юборишди. Мисол учун, энг йирик ва консерватив банклардан бири ҳисобланган Германиянинг Deutsche Bank анъанавий банк бизнесидан воз кечиб, Интернет-банк ривожланишига асосий эътиборни қаратмоқда. У филиалларнинг катта қисмидан холос бўлиб, асосий операциялар сонини Интернет тармоғига ўтказмоқда. Банкни сетдаги инвестицион режаси йилига 1 млрд еврога баҳоланмоқда. Deutsche Bank ҳақиқатда ўзининг реал филиалларини виртуал тизимга алмаштирмоқда.

Тармоқ орқали банк хизматлари ва ҳисоб-китобларининг кенг тарқалишига иккита асосий гуруҳдаги рисклар тўсқинлик қилмоқда. Биринчиси, тармоқда операциянинг махфийлигини ва хавфсизлигини таъминлаш масаласи. Тармоқда электрон хавфсизлик ҳозирча унчалик даражада ишончли эмас ва хакерлар вақти-вақти билан уларни бузиб, ўзларига анча-мунча манфаат чиқариб олишмоқда. Иккинчидан, тармоқда информациянинг очиқлиги ўсиб бормоқда ва ноқонуний олинган даромад ҳам очиқ-ойдин намоён бўлмоқда.

Бу рискларни камайтириш устида ўндан ошиқ давлатларнинг юз минглаб дастурчилари тинимсиз изланишмоқда. Информациянинг хавфсизлигини таъминлаш жуда катта ҳаракат ва молиявий маблағлар сарфланмоқда. Лекин бу йўналиш бўйичалар жуда кам реклама қилинмоқда.

Бу борада ҳисоб-китобларни сир сақлашнинг иложи йўқлиги кўпчиликнинг эътирозига сабабчи бўлмоқда, умуман бу ҳолат собиқ Совет Иттифоқи давридан аҳолини ўрганиб қолган одати, яъни ҳамма нарсани нақди асал деб кўникишидан келиб чиқади. Худди шундай талаб таклифни туғилишига сабаб бўлади. Яқинда Россия давлатида электрон “нақд пул” тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бу тизимда фойдаланувчи ўзининг компьютерига банкдаги ўз ҳисобидан пулни бир қисмини “ўтказиб” олади, у шу вақтдан бошлаб барча нақд пулнинг хусусиятини ўзида мужассамлаштиради. Улар мутлоқ махфий бўлиб, у компьютерингизда худди чўнтакдаги нақд пул сингари туради. Агар компьютер бузилиб қолса, пулингиз тешик чўнтакдаги пул тушиб қолгани сингари йўқолади. Лекин қайси рақамдан пул келиб тушганлигини кўрсатмаган ҳолда, у билан тўловни амалга оширса бўлади. Бу пуллар худди банк томонидан атайлаб “белгилаб” қўйилгандек электрон “нақд пул” эмитенти ҳисобланган барча мижозлар томонидан қабул қилинади. Бунда магазинга ёки бирон бир тижорат ташкилотига пулнинг қаердан келиб тушганлигини умуман фарқи йўқ. У келишувларни амалга оширади ва бу

“белгилаб” қўйилган пулларни махсус ҳисобда қолдиради, худди реал нақд пулни кассада сақлаган сингари. Электрон кассада пуллар тўплангандан кейин у электрон инкассацияни амалга оширади, яъни “электрон нақд пулни” тармоқ орқали ўз банкига топшириди ва шу вақтнинг ўзидаёқ ўзининг ҳисоб рақамига оддий “белги қўйилмаган” пулни олади. Балким ушбу ҳисоб-китоб усулини бизнинг давлатимизда ҳам эксперимент тариқасида қўлласа бўлади. Лекин бу усулни дунё иқтисодида қўллашнинг, албатта, келажаги гумон остида.

II БОБ. АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ (АҚШ) БАНК ТИЗИМИ

АҚШда ҳам, марказий банкнинг роли ўз давлатининг ички пул сиёсатини шакллантиришдан иборат. Пул сиёсатига мувофиқ марказий банклар иқтисодиётга зарур бўлган пул ва кредит оқимини бошқарадилар. Шунинг учун, марказий банкларнинг роли мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳимдир.

Форекс бозори тўғрисидаги умумий фикрни муҳокама қилганда марказий банкларнинг аҳамияти одатда бозорда интервенция ўтказиш масаласига асосий эътиборни қаратади. Интервенция ҳақиқатда жуда муҳим масаладир, лекин у марказий банкларнинг валюта бозорига ўтказадиган жуда катта таъсирнинг кичик бир қисми холос.

Бу масалаларда китобхонларимизнинг билим ва тассовурини кенгайтиришдан аввал Америка Қўшма Штатларининг Федерал резерв тизимини ўрганиб чиқамиз.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА ФЕДЕРАЛ РЕЗЕРВ ТИЗИМИ

Пайдо бўлиши

Федерал резерв тизими (ФРТ – Federal Reserve System (Fed)) 1913 йилда ташкил топган. Ўша йили конгресс Федерал резерв тизими тўғрисида Қонун қабул қилган. Қонунда Федерал резерв тизимининг вазифаси тўғрисида шундай дейилади:***“валютанинг эластиклигини таъминлаш, тижорат қоғозларини қайта ҳисоби учун маблағ яратиш, Қўшма Штатларнинг банк тизими ва бошқа мақсадларга эришиш устидан самарали назорат ўрнатишдир”.***

Қонун қуйидаги марказлашмаган тизимни-яъни Федерал Резерв Тизимини Вашингтондаги Кенгашини (Federal Reserve Board) ва бутун давлат бўйича 12 ҳудудийал федереал резерв банкларни таъсис этди. Бу банклар ўз мусттақиллигига округларда молиявий шарт-шароитларни ташкил қилишда етарли даражада эгадирлар.

Федерал резерв тизими операцияларини мувофиқлаштириш учун 1923 йилда Очиқ Бозор Инвестиция Қўмитаси (Open Market Investment Committee (OMIC) ташкил этилган. У Нью-Йорк, Бостон, Филадельфия, Чикаго ва Кливленда федерал резерв банклар бошқарувчиларидан ташкил топган эди. 1930 йилда OMIC Очиқ Бозор Сиёсати Бирлашмасига (Open Market Policy Conference (OMPC)) айлантирилди. У 12 та федерал резерв банкларни бошқарувчилари ва Кенгаш аъзоларидан ташкил топди.

Биринчи жаҳон уруши оқибатида, 1929 йилда фонд бозори ҳалокатга учради, 1930 йиллардаги депрессия (турғунлик) ҳамда 1933 йилда Рузвельт

маъмурияти пул инструментлари моҳиятини яхши тушуниб амалга оширган ўзгаришлари асосий ва катта ролни ўйнади.

Шулардан бири – Депозитларни Суғурталаш Федерал Корпорацияси (Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC)), Очиқ Бозор Сиёсати Бирлашмаси бўлиб, унинг бу борадаги мақоми расмий жиҳатдан 1930 йилда тасдиқланган.Унинг Кенгашига аъзо банкларга резерв талабларини ўзгартириш ваколати берилган.

1935 йилда қабул қилинган Банк Қонуни (Banking Act) Федерал резерв тизимининг бугунги кундаги кўриниш таркибини пайдо қилган. Ўшанда Кенгаш сўзи Федерал резерв тизимининг Бошқарувчилар Кенгашига (Board of Governors) алмаштирилган эди. Ҳозирги кунда Бошқарувчилар Кенгаши 7 та бошқарувчидан ташкил топиб, улардан бири Кенгаш раиси ҳисобланади. Молия вазири (Treasury Secretary) ва Пул муомаласи назорати назоратчиси (Comptroller of the Currency) Кенгаш таркибидан чиқарилган эди. OMPC бугунги кундаги Очиқ Бозор Федерал Қўмитаси (Federal Open Market Committee (FOMC)) номини олди.

Ҳудудий резерв банкларнинг автономлиги, FOMC нинг рухсатисиз ҳукумат қарз операцияларини ўтказиш ваколати берилиши билан ажратиб қўйилган. Қонунда яна шу нарса ҳам қайд этилганки, Кенгаш ўзининг ҳуқуқини, ишчанлик фаоллигини барқарор ривожлантириш учун мос шарт-шароит яратишга ишлатиши зарур.

Федерал резерв банк конгресдан ҳам, президентдан ҳам эркиндир, уларга бўй сунмайди. Аммо барча федерал резерв бошқарувчилари президент томонидан танлаб олинади ва конгресс томонидан тасдиқланади.

Ўз вақтида ФРТ Раиси бўлиб 1979 йилларда ишлаган Пол Волкер (Paul Volcker), иқтисодий қўрсаткичларнинг пул массасининг ўсиш суръатини (money supply) - M1 агрегати) билан боғлаган эди. M1га муомаладаги пул (кассадан ташқари, ФРТ ва депозит муассасалар), туристик чеклар, талаб қилингунча бўлган депозитлар ва бошқа чек ҳисоблари, ATS ҳисоблари (Маблағларни автоматик ўтказиш) ва ҳаказо киради.

1980 йилда депозит ва пул-кредит назорати муассасаларини назорат қилиш тўғрисидаги Қонун (Depository Institutions Deregulation and Money Control Act (MCA) резерв талаблар таркибини соддалаштирди ва кўпчилик (талаб қилиб олинадиган депозитлардан ташқари) депозитлар учун фоиз ставкасини юқоридан чегаралашни олиб ташлаш имконини берди. Аммо 1982 йилда M1 иқтисодий индикатор сифатида M2 агрегатига биринчиликни бўшатиб берди. M2 агрегати асосини M1 агрегати ташкил этади ва уни сотиш учун сотиб олинган келишувлар, тунги евродолларлар, пул бозорининг депозит ҳисоблари, йиғилиб борадиган ва муддатли депозитлар (100 000 доллардан ошмайдиган суммадагиси) ва умумий молиявий ҳисоблар бўйича қолдиқлар қўшимча равишда қўшилади. Ўша вақтдан бошлаб M2 агрегати қобилияти FOMCнинг ўта ишончли иқтисодий индикатори бўлиб қолмоқда, ўзининг афзаллигини кўрсатмоқда.

М3 М2 дан ташкил топади унга 100 000 доллардан юқори бўлган муддатли депозитлар, муддатли евродоллар депозитлари ва пул бозорининг ўзаро институтционал фондларининг барча ҳисоблари ҳам қўшилади.

ВАЛЮТА АЛМАШТИРИШДА ФЕДЕРАЛ РЕЗЕРВ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ

Ўзга марказий банклар сингари, Федерал резерв тизими валюта бозорига уч хил дастак билан таъсир қилиши мумкин:

1. ҳисоб ставкаси;
2. пул бозори инструментлари;
3. валюта операциялари.

Ҳисоб ставкаси

Ҳисоб ставкаси (discount rate)-фоиз ставкаси бўлиб, махсус ажратилган депозит муассасаси бевосита федерал резерв банкидан маблағни жалб этиш ҳуқуқига тушунилади. Бу ставка федерал резерв тизими томонидан назорат қилинади, лекин у бозор кучлари таъсири билан аниқланмайди. У бошқа фоиз ставкалари учун белги ва мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Прайм-рейт

Прайм-рейт(prime rate) фоиз ставкаси бўлиб, тижорат банклари томонидан чакана ссудалар бўйича ставка учун асос сифатида ишлатилади. *Прайм-рейт* ҳисоб ставкасига асосланади ва улар ҳамиша ҳисоб ставкасидан ошиқча бўлади. Улар ҳамиша ҳам бир бирига мутаносиб равишда ўзгаравермайди. Мисол учун, агар ҳисоб ставкаси кўтарилса, худди шундай прайм – рейт ҳам кўтарилади. Агар ҳисоб ставкаси пасайса, унда прайм-рейт уни кетидан эргашмасдан пасаймаслиги ҳам мумкин.Унда банклар қўшимча спрэд олиб, ўзларини қўшимча фойда билан таъминлайди.

Пул бозорининг инструментлари

Пул бозорининг инструментлари (money market instruments) форекс бозорига одатда билинар-билинмас даражада таъсир қилади. Ушбу инструментлар ичида федерал фондлар кўпроқ аҳамиятга эгадир(қайта сотиш учун сотиб оладиган келишувлар ва евродоллар шулар жумласидандир).

Федерал фондлар

Федерал фондлар (federal funds, ёки Fed funds)- доимо федерал резерв банкларда уларни мунтазам резерв қолдиғи мавжуд бўлади. Федерал фондларнинг қолдиқ ресурслари тижорат банклари ва йирик корпорациялар томонидан одатда тунги вақтда бир бирларига кредит бериш учун кенг ишлатилади. ФРТ уларнинг даражасини белгиласада, баҳолар ўзгариб туради, чунки улар бозорда белгиланади. Федерал фондларнинг даражасини

доимий оператив молиявий хизмат таркиби таъминлаб туриши мумкин. Одатга кўра трейдерлар улар тўғрисида Reuters ёки Telerate тизими бўйича билиб туради.Валюта трейдерларини одатда федерал фондлар бўйича ставкалар безовта қилишмайди. Одатда, уларнинг даражасини ўзгариши бозорда томонидан ҳисоб ставкасини ўзгарши мумкинлиги тўғрисида сигнал бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун федерал фондлар бўйича ставкалар гоҳида валюта бозори учун савдо сигнали бўлиб ҳисоблади.

Худди шундай ҳодиса сабабли 1994 йилда Қўшма Штатларнинг Федерал резерв тизимига босим ўтказилди, ФРТ раиси Алан Гринспэн федерал фондларнинг кўпайишини, федерал фондларидан фойдалана олиш талабларини соддалаштиришни эълон қилиб бозордаги вазиятни ўзгартириб юборди. Бунақанги тўғридан тўғри аралашиш таъсири мисли кўрилмаган ўзгаришларга сабаб бўлди ва унинг натижасида валюта бозорида юксак даражада беқарорлик келиб чиқди.

Қайта сотиш учун сотиб олиш келишуви

Қайта сотиш учун сотиб олиш келишуви (репо – repurchase agreements (repos)) – ФРТ томонидан ҳар куни амалга ошириладиган келишувлардир. Қайта сотиш учун сотиб олиш келишувлари ФРТ ва ҳукумат дилери ўртасида қимматли қоғоз билан амалга оширилади, бунда ФРТ қимматли қоғозни сотиб олади, (зудлик билан етказиб бериш шарти билан) ва шу қимматли қоғозни, шу суммага келишилган баҳода ва муддатда (одатда 15 кундан кеч қолмай ҳамда маълум фоиз ставкаси остида қайта сотиш шарти билан). Бу келишув банк тизими резервини вақтинчалик кўпайтиришга олиб келади. Валюта бозорига бунинг таъсири ҳаммадан аввал долларнинг заифлашишда ёки курснинг пасайишида намаён бўлада. Қайта сотиш учун сотиб олиш келишуви мижоз репоси ва тизим репосида бўлиши мумкин.

Қайта сотиб олиш учун сотиш келишуви

Қайта сотиб олиш учун сотиш келишуви (тескари репо – marched sale-purchase agreements) – қайта сотиш учун сотиб олишга тўғридан-тўғри тескари келадиган келишув ҳисобланади. ФРТ келишувни бажараётганда, у қимматли қоғозни дилерга ёки хорижий марказий банкка зудлик билан етказиб бериш, шунда мана шу қимматли қоғозни келишилган баҳо бўйича, келгусида белгиланган кунда (7 кундан кеч қолмай) сотиб олиш шарти билан келишувни амалга оширади. Бу шартнома вақтинчалик резервнинг бўшаб қолишига олиб келади. Валюта бозорига таъсири ҳаммадан аввал долларни кучли бўлишида акс этади, яъни доллар қимматлашади. Бу турдаги операциялар одатда савдо куни бошланишида содир бўлади.

Тўғри ва тескари репо операциялари умуман валюта савдосига чегараланган миқдорда таъсир ўтказади. ФРТ экспертлари бу масалада жуда устаси фаранг бўлиб кетганлар, уларнинг прогнозлари жуда ҳам аниқ чиқади. Валюта трейдерлари одатда ҳар кунлик операцияларга унчалик аҳамият бермайди, агарда ФРТ кутиладиган операцияни ўтказишдан ўзини

тўхтатаётган бўлса ёки тескари турдаги репони амалга ошираётган бўлса, улар буни савдо сигнали деб қабул қилишади.

Очиқ бозордаги бу операцияларни FOMC кўрсатмасига асосан, Нью-йорк федерал резерв банки амалга оширади.

Евродолларлар

Евродолларлар Қўшма Штатлардан ташқарида жойлашган тижорат банкларида номерланган долларлар билан депозитлар ўтказиш ҳисобланади. Давлатдан ташқаридаги барча валютадаги депозитлари келиб чиқиши билан евровалюталар деб аталади. Бу депозитларни ҳаммаси Европага жойлаштирилиши мумкин эмас. Шунинг учун, Япониядан ташқаридаги иенадаги депозитлар евроиеналар деб ҳисобланади, Англиядан ташқаридаги Британия фунти – евростерлинглар деб ҳисобланади ва ҳаказо Евродолларлар евровалюта бозорида энг кўп улушни ташкил этади.

“Евродолларни” деган атама, тасодифан муомалага киритилган, шимолий Еропадаги совет тижорат банкларининг француз бўлими “Евробанк” телеграф кодига эга бўлган. Қандайдир бир ҳодиса билан трейдерлар ўртасида ўша даврдан бошлаб бу атама ишлатилиб келмоқда.

Давлатдан ташқари валюта депозитларини эмиссия қилиш янгилик ҳисобланмайди. Пул мавжудлигининг бутун тарихи давомида баъзи бир хорижий валюталар уларни сақловчилар учун катта жозибадорлиги билан ажралиб турган. XX асрнинг бошларида евростерлинг жуда оммалашган, чунки бутун Жаҳонда Британия фунти эталон, яъни андаза бўлиб хизмат қилган. Иккинчи жаҳон уруши охирида фунт стерлинг эраси тугади ва бу евродоллар бозорининг гуллашига четдан бўлса ҳам кўмаклашди.

Урушдан кейинги даврда пул камомади жуда катта дефицит эди. АҚШ доллари асосий валюта эди ва унга талаб катта эди. Ҳаттоки коммунистик давлатлар, шундан Собиқ Совет Иттифоқи ҳам Лондонда доллар депозитини ушлардилар. 1957 йилда содир бўлган воқеа – соғлом иқтисодни чархлайдиган Британия инфляцияси ва Сувайиш канали инқирози – Бирлашган Қиролликда капитал ҳаракати устидан қаттиқ назорат ўрнатилишига олиб келди. Аммо Собиқ Совет Иттифоқи ўзининг доллар депозитини Лондондан Нью-Йоркка ўтказишга шошилмади, чунки Қўшма Штатлар Совет Иттифоқидаги Америка мол-мулкини экспроприация қилишга жавобан бу депозитларни музлатиб қўйиши мумкин эди.

Қўшма Штатлар Қонунчилигида ҳам бу бозорнинг ўсиши қўллаб-қувватланарди. ФРТда шундай тартиб қабул қилиндики, эндиликда муддатли депозитлар бўйича банклар максимал фоиз белгилаши мумкин, лекин талаб қилиб олинадиган депозитларга фоиз тўлаш тақиқланарди. Бу чегараланишлар Қўшма Штатлар ҳукумати томонидан 1933 йилдан бошлаб киритилган эди. Ушбу тартиб жуда кўп йиллар давомида амал қилиб, кейинчалик у бекор қилинган .

1958 йилда Европа давлатлари валютани эркин конвертабеллигига қайтган пайтда, Европада ҳали АҚШ доллари депозит шаклида ушлаб турилар эди,

чунки Қўшма Штатларда фоиз ставкаларига ўрнатилган чегараланишлар амал қилиб келар эди. Бундан ташқари Европанинг иқтисоди тикланганидан кейин, энг яхши инвестицион имкониятларга эгабўла бошлади. Шундай қилиб, евродоллар депозитлари Европани пул бозорида қисқа муддатли инструментлар соҳасида етмай турган кемтикни тўлдирди.

Хоҳлаган омонатчи АҚШ долларида, Қўшма Штатлардан ташқарида (у Америка фуқаросими ёки йўқми бундан қатъий назар) Евродоллар депозитларини яратиши мумкин. Мисол учун, Америка банкларида АҚШ доллари депозитини ушлаб турган хорижий фуқаро бемалол ушбу депозитни хорижий банкларга ўтказиши мумкин ёки Америка фуқароси АҚШ банкидаги ҳисоби бўйича ёзилган чекни хорижий банкларга қўйиши мумкин.

Евровалюта ставкаларини форвард билан шуғулланувчи трейдерлар форвард спрэдини ҳисоблаш учун ишлатадилар.Форвард спрэди қуйидаги формула билан топилади:

$$\text{Форвард спрэди} = \left[\text{спот ставкаси} \times (\text{евровалюта} - \text{евродоллар})\right] \times \frac{\text{Кунлар сони}}{360}$$

Агар олинган натижа ижобий бўлса, форвард спрэди мукофотни билдиради ва у спот ставкасига қўшилади. Агар тескариси бўлса, олинган натижа салбий чиқса, унда форвард спрэди дисконтни англатади ва спот ставкасидан айириб ташланади.

Валюта операциялари

Асосий марказий банклар кўп жиҳатдан валюта бозорларида ўтказиладиган операцияларига бевосита аралашиб қолган, бу ҳолатни очиқ бозорда интервенция (зўравонлик билан аралашиш) ўтказиш мисолида кўзатиш мумкин. Хусусан улар бу операциялари ёрдамида, бошқа марказий банкларга ва халқаро воситачилик ташкилотларига баъзи бир тўловларини амалга оширган. Бундан ташқари, 1962 йилдан бошлаб ФРТ бошқа марказий банклар билан валюта своп операциялари бўйича бир нечта келишувлар тузган. Мисол учун, 1990-1991 йилларда Ироқ Қувайтга бостириб кирганда, унга нисбатан қаратилган ҳамкорликдаги иттифоқчилик ҳаракатига ёрдам сифатида, ГФР Марказий банки ва Япония Банкига ФРТ дан тўловлар амалга оширилган. Худди шундай Жаҳон банкига ва БМТ га ҳам марказий банклар орқали тўловлар амалга оширилган.

Валюта курсларининг сезиларли даражада тебранишларини инобатга олсак, бу ҳолатларда марказий банклар билан бахслашишга тўғри келади ва беихтиёр қуйидаги саволларни бериш мумкин , яъни бу банклар фойда олиш фикри билан ҳаракат қилмаётибдими ?. *Асосий марказий банклар чайқовчилик савдосига ҳеч қанақа алоқаси йўқ.* Қўшма Штатлар валюта бозорида интервенцияни АҚШ Ғазначилиги ФРТ амалга оширади, у бозорда

барқарор шароитни яратишга ва фоиз ставкасини тартибга солишга қаратилган. Улар резервларни ўзгартириш мақсадига эга эмас.

Агар ФРТ интервенция ўтказишда долларни сотиб олса, унда у резервни камайтиради. Агар у долларни сотадиган бўлса, унда резервни кўпайтиради. Интервенция ўтказилишдаги функциялар ФРТ ва Ғазначилик ўртасида бўлинган. Агар Ғазначилик ўзининг барқарор Валюта фондидан валютасининг бир қисмини тўлайдиган бўлса, унда интервенция резервга ҳеч қанақа таъсир ўтказмайди. Мабодо интервенция ҲВФдан СДРни сотиш йўли билан молиялаштирилаётган бўлса, унда резерв қўпаяди. Резервнинг кўпайиши шунинг учун ҳам содир бўладики, СДР молиявий актив бўлиб, уни сотилиши туфайли пул яратади. Резервлар яна шу ҳолатда кўпаядики, қачонки Ғазначилик хорижий валюталарни АҚШ долларига алмаштирса, ФРТ ўзаро розичилик билан ўша курс бўйича сотиб олса ҳам интервенция содир бўлади. Бу усулни **“омборга жойлаш”** дейилади, бунда резерв кўпаяди, чунки Ғазначилик маблағни молиялаштирмоқда.

Нью-Йорк федерал резерв банкининг валюта бўлими ҳақиқий интервенцияни амалга оширади. **Валюта интервенциясини икки тури мавжуддир: яланғоч интервенция ва стерилланган инвестиция.**

Яланғоч(naked), ёки стерилланмаган (unsterilized) интервенция мутлақо валюта операциялари билан боғланган. Барча валюта бозорида содир бўлаётган хатти-ҳаракатлар, ўз-ўзича интервенция ҳисобланади. Чунки бунда ФРТ долларни хорижий банкларга нисбатан сотади ёки сотиб олади. Бу операциялар валюта бозорига таъсиридан ташқари ва ўз навбатида пул массасига ҳам таъсир қилаолади. Агар пул массасига таъсир қилса, кейинги навбатда фоиз ставкаси ва баҳолар иқтисодиётни барча соҳаларида автоматик равишда тузатилиши керак. Шунинг учун яланғоч валюта интервенцияси иқтисодиётга узоқ муддатли таъсир ўтказиб туради.

Стерилланган (sterilized) интервенция – бу шундай интервенцияки унда пул массасига таъсир ўтмай туриб, давом этади. Баъзи марказий банклар стерилланган интервенцияни афзал кўришади, чунки иқтисодиётнинг барча соҳасига таъсир қилмай фақат валюта бозорига таъсир қилиши ФРТ учун ҳам адолатлидир.

Стерилланган интервенция бошланғич валюта операцияларига нисбатан қўшимча чоралар қўлланилишини назарда тутади. Бу чоралар интервенция ўтказилиши билан юзага келган резервларнинг кўпайишини тенглаштириш учун, ҳукумат қимматли қоғозларини сотишдан иборат бўлади. Буни ўзимизча жуда содда тасаввур қилиб кўрмоқчи бўлсак, унда бу жараён шу тартибда амалга оширилади, яъни Марказий банк валюталарни сотилишини ҳукумат қимматли қоғозларини баъзи миқдорини сотиш йўли билан молиялаштиради.

Марказий банк резервларнинг барқарорлигини таъминлаш учун яна иккита усулни ишлатиши мумкин: пул чоп (зарб) қилиш мумкин ва ўз-ўзига чек ёзиб бериш мумкин. Марказий банклар худди шу усулларниқўллаганда, оғир инфляцион оқибатлари келиб чиқмаслиги лозим.

Демак стерилланган интервенциянинг аниқ валютага нисбатан талаб ва таклиф келиб чиқар экан, унинг таъсири қисқа муддатли ёки ҳеч бўлмаганда ўрта муддатли табиатга эга бўлиши айни муддаодир.

Валюта интервенциясининг сабаблари

Амалиётда трейдерлар жуда хушёр ва кузатувчан бўлишлари лозим, чунки улар марказий банклар ўтказаётган интервенция сабабларини доимо ҳам тушуниб, ўзи учун хавфсизлик яратиши ва мунтазам фойда олишга эришиши лозим. Баъзи бир трейдерлар марказий банклар ўз валютасини ҳимоя қилиш учун бозорда интенвенция сиёсатини ўтказмоқда деб ишонишади. Бундай ҳолга ишониш ҳамиша ҳам тўғри чиқавермайди. Марказий банклар интервенцияни қуйидаги сабабларга кўра ўтказитшади:

- бозор ликвидлигини таъминлаш учун,
- баъзи бир курс даражасини ҳимоя қилиш учун,
- курснинг пастга тушишини секинлаштириш учун,
- трендни ўзгартириш учун.

Бозор ликвидлигини таъминлаш

Агар инқироз иккита валютага таъсир қилса, форекс бозорининг амал қилиши издан чиқиши мумкин, чунки мана шу туфайли сотувчининг ёки ҳаридорнинг баҳоси пасаяди. Шундай вазиятда Марказий банк етмайдиган баҳони таъминлаш учун аралашиши мумкин. Албатта бунда банклар айнан, шундай ҳаракат қилади деб, ҳеч ким кафолат беролмайди, лекин банкларнинг шунақанги усуллар қўллаши азалдан маълум ҳолатларда тўлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун, таъсир ҳаммадан аввал қисқа муддатли бўлади, чунки марказий банкнинг мақсади бозор ҳаракати йўналишини ўзгартирмаган ҳолда, қийин вазиятда қолган трейдерларга қутқарув ёстиқчасини тақдим этишдир.

Баъзи бир курс даражасини ҳимоя қилиш

Марказий банкларнинг 1980 йилларда бозорга қайси савдо диапозонида бўлиш кераклиги тўғрисида берадиган буйруқбозлик қобилияти анча йиллар аввал йўқолиб кетди. Курс диапозонини ёки даражасини ҳимоя қилиш немис маркасига нисбатан ЕВТ валютасининг тебраниш зонаси белгиланиши билан қайта тикланган бўлса, 1998 йил охирида евронинг муомалага киритилиши билан у яна йўқолди. Марказий банклар спот курслари учун бўлса ҳам маълум даражада курсларни ушлаб туришга ҳаракат қилишади. Бунга Япония банки яққол мисол бўла олади, яъни асосий япон экспортёрлари шунчалик даражада обрўлики, улар ўзларининг манфаатини ҳимоя қилиш учун банкларни қандай ҳаракатлар қилиши лозимлигига ишонтира олади.

Курсни пастга тушишини секинлаштириш

Марказий банклар валюта операцияларини ишлатишда курснинг пастга тушишини секинлаштириш учун ҳаракат қиладилар, улар курс ҳаракати йўналишини ўзгартиришни, унинг даражасини ушлаб туришни назарда тутмаса ҳам уларнинг ҳаракат тезлигини ўзгартириш, яъни пасайтириш муаммоси билан мунтазам шуғулланиб туради. Агар валюта курси жуда тез пасаяётган бўлса, уни пасайишини секинлатиш учун банк валюталарни кичик миқдорда сотиб олиши мумкин. Трейдерлар бунда бу имкониятдан яхшигина фойдаланидилар, яъни арзон валютани сотиб олиб, сўнгра интервенциядан кейин уларни юқори баҳога сотишади.

Трендни ўзгариши

Баъзи марказий банклар, ўтказаётган интервенцияси муваффақиятли чиқиши учун ўзларининг олижаноб мақсадларига эришишига ҳар тарфлама ҳаракат қиладилар. Форекс бозорлари жуда ҳам йирик ва ўта мураккаб, улар жангсиз мағлуб бўлавермайдилар. Энг яхши мисол, марказий банклар бу йўналишда муваффақиятли ҳаракат қилиб, ҳамкорликда мураккаб узоқ муддатли интервенция ўтказишга хизмат қилинади, тарихдан маълумки шундай ҳамкорликдаги ҳаракатлардан кейин долларни тренди йўқорига кўтарилган. Трейдерлар бундай операциялардан манфаат чиқариб олиш мақсадида, марказий банклар тарафига ўтиб олиб натижани пойлашади.

Федерал Резерв Тизими тўғрисида қўшимча маълумотлар

Штаб квартираси – Америка Қўшма Штатларини, Вашингтон шаҳрида жойлашган

Ҳозирги Президенти (Кенгаш бошқарувчилари раиси 2006 йил февралидан бошлаб) - Бен Шалом Бернанке эгаллаб турибди

Кенгаш бошқарувчилари таркиби - 7 кишидан иборат

Уларни ҳар бири АҚШ Президенти томонидан ваколатини чўзиш хуқуқи билан 14 йилга тайинланади, АҚШ сенат Конгресси томонидан маъқўлланиб.

ФРТ Федерал резерв тўғрисидаги қонунга асосан ҳар йили АҚШ Конгресс Палатаси Вакиллари олдида йилига бир марта ва АҚШ Конгрессининг Банк Қўмитаси олдида эса йилига икки марта ҳисобот беради.

ФРТ банклари фаолияти йилига бир марта АҚШ Ҳисоб Палатаси ёки миллий даражадаги йирик хеч кимга боғлиқ бўлмаган аудиторлик фирмасидан аудитдан ўтади.

IV БОБ. ЕВРОПА ВАЛЮТА ИТТИФОҚИ БАНК ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЕВРОПА МАРКАЗИЙ БАНКИ (ЕМБ)

Европа марказий банки 1998 йилни 1 июнида ташкил топган. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона валюта **“евро”** муомалага киритилиши билан ЕМБ Европа ҳамжамиятида валюта сиёсатини юритишга масъулдир. ЕМБнинг ижро органи амалда икки қисмдан (Ҳукумат кенгаши ва Ижро кенгашидан) иборат бўлиб Европа марказий банклар тизими (ЕМБТ) ишини бошқариш билан шуғулланиши керак.

ЕМБ асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Пул муомаласини тартибга солиш;
- Валюта операцияларини ўтказиш;
- Аъзо давлатларнинг расмий валюта резервини сақлаш ва бошқариш;
- Тўлов тизими ишининг узлуксизлигини таъминлаш.

ЕМБ Европа валюта институти (European Monetary Institute (EMI)нинг меросхўри ҳисобланади.

ЕМБТ нинг мақсад ва вазифалари

Европа марказий банклар тизимининг асосий мақсади-Европа марказий банклар тизими ва Европа марказий банки Уставининг 2 моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, у баҳоларнинг барқарорлигини ушлаб туришга хизмат қилади. ЕМБТ ушбу асосий мақсадга зиён қилмасдан Ҳамдўстликнинг умумий иқтисодий сиёсатини қўллаб-қувватлаб туриши зарур. Мана шу олий мақсадларни ўз олдига қўйиб, ЕМБТ очиқ бозор иқтисодиёти тамойили, яъни эркин рақобат талабларига мос ҳолатда, ресурсларни самарали тақсимланишига кўмаклашиши зарур.

ЕМБТ нинг олдида турган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- Ҳамдўстликнинг валюта сиёсатини аниқлаш ва амалга ошириш;
- Валюта операцияларини амалга ошириш;
- Аъзо давлатларнинг расмий валюта резервини сақлаш ва бошқариш;
- Тўлов тизими ишин узлуксизлигини таъминлаш;
- Кредит институтлари ва молия тизими барқарорлиги устидан назорат масалаларида маъсул органлар амалга оширадиган сиёсатга ёрдам бериш.

Бундан ташқари, ЕМБТ Ҳамдўстлик ва миллий хокимият органларига унинг ваколатига кирадиган саволлар бўйича, айниқса Ҳамдўстлик ва аъзо давлатларнинг қонунчилиги масалаларида консультация бериш вазифасини ҳам ўтайди. Ва ниҳоят, ЕМБТ ва ЕМБ олдида турган вазифалар ечилишини кафолатлаш учун, миллий марказий банклар ёрдамида зарур статистик маълумотларни миллий ваколатли институтлардан ва беъвосита иқтисодий агентлардан тўплаши зарур.

ЕМБТ валюта функциялари ва операциялари

ЕМБТ Уставида ЕМБТнинг валюта функциялари ва операциялари белгилаб қўйилган. Шу шарт-шароитга мос равишда Европа валюта институтлари ЕМБТнинг валюта сиёсатини олиб бориш тамойилларини тайёрлаган ва ишлаб чиққан. ЕМБнинг Бошқарув кенгаши бу тамойиллар бўйича охирги қарорлар қабул қилади. ЕМБнинг Бошқарув кенгаши барча мавжуд имкониятларни ишлатмасликни ҳам ҳал қилади ёки тақдим этилган тамойиллар ва процедураларни баъзи бир деталларини ўзгартириши ҳам мумкин.

Валюта сиёсатининг инструментлари

Валюта сиёсатининг методологик асоси бир қанча инструментлардан ташкил топади. ЕМБТ очиқ бозорларида операцияларни амалга ошириб боради ва доимий амал қиладиган тизим ижросини таъминлайди. ЕМБТ худди шундай кредит институтлари ҳисобида ҳам минимал резервлар сақлашни талаб этиши мумкин.

Очиқ бозордаги операциялари

Очиқ бозордаги операциялар (open market operations) фоиз даражасини тартибга солишда ва бозорда ликвидлик вазиятини бошқаришда муҳим рол ўйнайди. Улар худди шундай валюта сиёсати самарадорлиги индикатори бўлиб хизмат қилади. ЕМБТ очиқ бозорда операциялар ўтказиш учун беш типдаги инструментлардан фойдаланади. Анча муҳим инструментлардан бири тескари келишув ҳисобланади, бу келишув шаклида қўлланиб, таъминланган ссудани қайтиб сотиб олиш шарти ила сотиш амалга оширилади.

ЕМБТ худди шундай аутрайт, қарз сертификатларни муомалага чиқариши, валюта свопларини ташкил қилиши ва депозитларни қайд қилинган шартларда инкассация қилиши мумкин. ЕМБ очиқ бозордаги операцияларининг инициатори ҳисобланади, бундай операцияларни ўтказиш шартлари ва ишлатиладиган инструментлар бўйича қарорлар қабул қилади. ЕМБТ ўтказадиган операцияларни мақсади, доимийлиги ва процедураси бўйича 4 та категорияга бўлиш мумкин:

- ***асосий қайта молиялаштириш операцияси;***
- ***узоқ муддатли қайта молиялаштириш операцияси;***
- ***нозик мослашув операцияси;***
- ***тузилмавий операциялар.***

Асосий қайта молиялаштириш операцияси тескари келишув билан мунтазам ликвидликни таъминловчи восита ҳисобланади, бунда ҳафталик вақти билан такрорланиб туради, унинг амал қилиш муддати икки ҳафтага тенгдир. Булар миллий марказий банклар томонидан стандарт тендер асосида ва олдиндан белгиланган графикка мос равишда ўтказилади. Асосий қайта молиялаштириш операцияси ЕМБТ ни очиқ бозорда бутун

операцияларни ўтказишда марказий ролни ўйнаши лозим ва молия секторини қайта молиялаштиришнинг аҳамиятли қисмини таъминлаши лозим.

Узоқ муддатли қайта молиялаштириш операциялари тескари келишув билан ликвидликни таъминлайди, бунда бир ойлик муддат билан такрорланиб туриб, амал қилиш муддати уч ойга тенг бўлади. Булар миллий марказий банклар томонидан стандарт тендерлар асосида ва олдиндан аниқланган графикка мос равишда ўтказилади. Бу операциялар қарама-қарши томонга қўшимча янада узоқ қайта молиялаштириш тақдим этишга йўналтирилади. Тартибга биноан ЕМБТ бу операцияларни қўллаб бозорга маълум сигналларни бериб турмайди, у бунда факат фоизни олувчи сифатида туради холос.

Нозик мослашув (созлаш) операцияси хусусан кўзда тутилмаган ҳолатларда ликвидликни ўзгаришини юмшатиш учун, бозорда ликвидлик вазиятини ва фоиз ставкаси даражасини бошқариш учун махсус асосда ишлатилиши мумкин. Нозик мослашув операцияси энг аввало тескари операция кўринишида амалга оширилади, яна аутрайт келишуви, валюта свопи ва депозитларни шартлар билан инкассация қилиш шаклларида ҳам бўлиши мумкин. Бу инструментлар ва процедуралар, нозик мослашув операциялари ўтказилишида қўлланилишида ҳар хил типдаги операцияларга ва аниқ мақсадларга, уларни ўтказишда кузда тутилган вазиятларни инобатга олиб мос тушиши керак. Нозик мослашув операциялари миллий марказий банклар томонидан соддалаштирилган тендер ёки иккитарафлама процедура асосида амалга оширилади. ЕМБ Бошқарув кенгаши истисно ҳолларда ечиш мумкин, ЕМБнинг ўзи нозик мослашув операцияларини иккитарафлама ўзи ўткарса.

ЕМБТ қарз сертификатларини эмиссия қилиш, тескари келишувлар ва аутрайт операциялар йўли билан ***структуравий операцияларни*** ҳам ўтказиши мумкин . Бу операциялар шу жумладан агар ЕМБ ЕМБТни структуравий позициясини молиявий секторга нисбатан йўналтиришни хоҳласа (мунтазам ёки гоҳида) амалга ошириши мумкин. Структуравий операциялар тескари келишув ва қарз инструментларини эмиссия қилиш кўринишида миллий марказий банклар стандарт тендер йўли билан амалга оширадилар. Структуравий операциялар аутрайт операцияси кўринишида иккитарафлама келишув асосида амалга оширилади.

Доимий амал қилувчи чизмалар

Доимий амал қилувчи чизмалар “тунги” ликвидликни таъминлайди ва ошиқча ликвидликни камайтиради, бозорга валюта сиёсатининг умумий тамойиллари тўғрисида сигнал беради ва аурнайт бозор фоиз ставкасини тартибга солади. Доимий амал қилувчи чизмада қарама-қарши томон ихтиёрида икки типдаги чизма мавжуд бўлади ва улар миллий марказий банклар томонидан марказлашмаган ҳолатда бошқарилади:

- Қарама-қарши томонлар кредитлашни маржа чизмаси ёрдамида миллий марказий банклар ўзлари танлаган активларга нисбатан “тунги” ликвидликни таъминлайди. Кредитлашни маржа чизмаси бўйича фоиз

ставкаси овернайт бозор фоиз ставкаси учун юқори чегара нуқтасини таъминлаши керак бўлади.

- Қарама-қарши томонлар миллий марказий банкларда “тунги” депозитни ташкил қилиш учун депозит чизмасини ишлатиш имкониятига эга бўладилар. Депозит чизмаси бўйича фоиз ставкаси, ҳаммадан аввал овернайт бозор фоиз ставкаси учун пастки чегара нуқтасини белгилаши керак.

Минимал резервлар

ЕМБТ минимал резервларни учинчи этапдан бошлаб қабул қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилган эди. ЕМБ Бошқарув кенгаши ихтиёрида минимал резервларни талаб қилишни қўллаш зарурияти мавжуд. Барча минимал резерв тизими, пул бозорида фоиз ставкасини барқарорлаштириш учун, таркибий ликвидлик дефицитини (ёки кўпайишини) пул экспанцияси билан бошқариш имкониятини яратади. Резерв талаби ҳар бир муассаса учун унинг баланс элементига боғлиқ ҳолда аниқланади. Фоиз ставкаси барқарорлиги сиёсатини амалга ошириш учун минимал резервлар тизими муассасалар учун ўртача шартлардан фойдаланиш имкониятини яратиши керак. Бу шуни англатадики, **резерв талабларини қўлланиши ўртача ойлик учун муассасани ҳар кунлик резерв кўрсатгичидан келиб чиқиб ҳисобланган кўрсатгичга асосланиши керак.**

Муҳолиф томонлар

ЕМБТ валюта сиёсати тамойилларини бозорнинг кенг иштирокчилари доираси манфаатини таъминлаш ғояси асосида шакллантиради. Минимал резервлар масаласига келганда, фақат уларнинг талабларига бўйсунувчи муассасалар учун, стандарт тендерлар асосида очиқ бозор операцияларида иштирок этиш ва доимий амал қилувчи чизмаларга кириш ҳуқуқига эга бўлганларга тааллуқлидир. Муҳолифат томон (бу асосан евро зонасидаги кредит муассасалари ҳисобланади) учун резерв талаблари қўлланилмайди. Нозик усул билан созлаш операциясига иштирок этувчи муассасалар доирасини чегаралашни белгилаш фақат ЕМБТ томонидан амалга ошириши мумкин. Аутрайд операциялари учун иштирокчилар таркибига олдиндан ҳеч қандай чеклашлар қўйилмайди. Валюта бозорининг фаол иштирокчилари эса валюта сиёсатини амалга татбиқ этиш мақсадида ўтказилаётган валюта свопини амалга оширишга жалб этилади.

Базовий (таянч пунктларга оид) активлар

ЕМБТ Уставининг 18.1 моддасига мувофиқ, барча кредит операциялари айнан бир хиллик таъминотига эга бўлиши зарур. ЕМБТ кенг активлар доирасини базавий сифатида ишлатилишига йўл очади. ЕМБТ ўзининг ички мақсади хусусияти учун, яроқли иккита активлар синфига, яъни биринчи ва

иккинчи тартибга бўлишади. Биринчи тартиб активлар синфига, ЕМБ томонидан белгиланган, Валюта иттифоқи критерияларига жавоб бериши учун ягона қониқтирувчи юқори ликвидли қарзга оид инструментлар киради.

Иккинчи синф активлар таркиби ЕМБ томонидан маьқўлланган, миллий марказий банклар томонидан белгиланган критерияларга тўғри келишлиги аниқланган, миллий молия бозорлари ва банк тизими учун катта аҳамият касб этадиган (нафақат юқори ликвидли) қўшимча активлардан иборат бўлади. Бу икки синф ўртасида ЕМБТ валюта операциялари учун уни сифати ва яроқлилиги нуқтаи назаридан умуман тафовути йўқ, фақат иккинчи тартибдаги активлар одатда аутрайд келишувларида ишлатилмайди. ЕМБТ валюта операциялари учун яроқли базовый активлар критерияси ЕМБТ томонидан кундузги кредитлар учун қўлланиладиган базовый активлар критериясига мос тушади. Бундан ташқари ЕМБТ га нисбатан қарама-қарши ишлатадиган томонлар тўғри келадиган хорижий активларни ҳам ишлатиши мумкин. Бунда аъзо давлатлар марказий банкдан маблағ олиш учун, қайсидир бошқа аъзо давлатлари активлари рўйҳатга олинган бўлса, уларни ишлатиб маблағ олиши мумкин.

Европа марказий банклар тизимининг тузилиши

ЕМБТ Европа иттифоқининг Европа марказий банки ва миллий марказий банклардан (ММБ) ташкил топган. Аммо аъзо давлатларнинг ММБ евро зонасига кирмайди ва ЕМБТ нинг махсус статусига эга бўлган аъзолари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирига ўзининг шахсий миллий валюта сиёсатини юритишга рухсат этилган, улар еврозона учун ягона валюта сиёсатига тааллуқли бўлган қарорларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишга иштирок этмайди.

ЕМБТ ЕМБ бошқарув органлари қабул қилган қарорлари билан бошқарилади, улар қуйидагилардан иборат:

- **Бошқарув кенгаши;**
- **Ижро кенгаши;**
- **Бош кенгаш.**

Бошқарув кенгаши барча аъзоларнинг Ижро кенгаши ва аъзо давлатларнинг ММБ бошқарувчиларидан ташкил топиб, Валюта иттифоқининг тўлиқ иштирок этувчи ММБлари тенг ҳуқуқга эга ҳисобланади. Кенгаш Бошқарувчиларининг асосий вазифасига қуйидагилар киради:

- ЕМБТга юклатилган функцияларни бажариш учун зарур бўлган директиваларни ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш;
- Ҳамдўстлик валюта сиёсатини шакллантиради, фоиз ставкаси ва ЕМБТининг резервини ташкил топиши ҳамда уларни амалга ошириш борасида директивалар ишлаб чиқади.

Ижро кенгаши президентдан, вице-президентдан ва 4 та бошқа аъзолардан ташкил топади. Буларни барчаси валюта ва банк фаолияти

соҳасида профессионал тажрибага эга бўлган одамлар ичидан танлаб олинади. Улар Европа муҳокамасидан ўтиб, Европарламент ва ЕМБ Бошқарув кенгаши (агар у биринчи марта тасдиқланаётган бўлса Европа валюта институти Кенгаши) билан маслаҳатлашилгандан кейин, аъзо давлатлар ҳукуматининг давлат бошлиғи ёки ҳукумати тавсияси бўйича, яъни умумий розиликлардан кейин тайинланади. Ижро кенгашининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- ЕМБ Бошқарув кенгаши таклиф этаётган директива ва қарорларга мос валюта сиёсатини амалга ошириш борасидаги кўрсатма ва йўриқномаларни ММБга етказиш вазифасини бажаради;
- ЕМБ Бошқарув кенгаши уларга нимани буюрса шу вазифаларни бажаради.

Бош кенгаш президент, вице-президент ва аъзо давлатларнинг ММБ лари барча бошқарувчиларини ҳамда ҳуқуқлари чекланган давлатларнинг ММБ бошқарувчиларидан ташкил топади. Бош кенгаш Европа валюта институтидан мерос бўйича ЕМБ қолган, яъни битта ёки ундан кўпроқ аъзо давлатларга қўйилган чегараланишларни учинчи босқичда ечиши керак бўлган вазифаларнинг натижаларини назорат қилади. Бош кенгаш яна қуйидаги вазифаларни ечишга ёрдам кўрсатади:

- ЕМБТ га консултатив ёрдам бериш вазифасини бажаради;
- Статистик маълумотларни йиғади;
- ЕМБ бўйича йиллик ва чораклик ҳамда ҳафталик йиғиладиган молиявий ҳисоботларни тайёрлайди;
- Барча ММБ банкларда ўтказаётган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини ягона стандартлаш тартибида юритади;
- ЕМБ аъзолик пул бадалини аниқлаш тартибини ишлаб чиқади, имзоланган шартномалар бўйича тадбирлар қабул қилади;
- ЕМБ хизматчиларини ишга қабул қилиш тартибини белгилайди;
- Ҳуқуқи чегараланган аъзо давлатларни миллий валюталари учун еврога нисбатан валюта курси фиксингининг зарурий охирги кўрсаткичларни тайёрлайди.

ЕМБТ – эркин тизим сифатида

ЕМБТ, ЕМБ, ММБ ваколатига кирувчи вазифаларни бажаришда, уларни бирон бир органига кирувчи ходимлар қарор қабул қилишда ташқи органни бирон бир йўриқномасига мурожаат қилиши мумкин эмас. Ҳамдўстликни институтлари ва органи ҳамда аъзо давлатларни ҳукумати ЕМБ ёки ММБ органи хизматчиларига уларнинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишда уларга таъсир қила олмайдилар. ЕМБТ Низоми ММБ бошқарувчилари ва Ижро кенгаши аъзолари учун лавозимда бўлган даврида эркин фаолият юритиш кафолатини таъминлаш борасида баъзи бир тадбирлар кўзда тутилган. Низомда шундай белгиланган:

- Бошқарувчилар учун хизматнинг минимал муддати 5 йил;
- Ижро кенгаши аъзолари учун хизматнинг минимал муддати 8 йил (шуни инобатга олиш зарурки, Президентдан ташқари, биринчи Ижро кенгаши аъзоларининг иш юритишларида узлуксизликни таъминлаш учун барчаси босқичма-боскич навбат билан тасдиқланиш тизими кўзда тутилган);
- Лавозимдан олиш жазоси факатгина ўз профессионал касбини бажаришга нолойик бўлиб қолганда ёки хизмат вазифасида ўта сезиларли ҳатога йўл қўйганда мумкин бўлиши мумкин;
- Европа суди барча келишилмовчиликларни ечишга ваколатлидир.

Х У Л О С А Л А Р

Бизнингча, 354 миллион кишилик ҳудудни бирлаштирган, ЯИМи Америка Қўшма Штатлари ЯИМ хажмидан 20 %, Япония давлатидан 50 % ошган Европа валюта иттифоқини янада атрофлича ва чуқур ўрганишга ҳақлидир. Европа блоки нафақат Америка Қўшма Штатлари ва Япония билан рақобатлаша олади, балки Жаҳонда иқтисодий лидер бўлиш имкониятига эга.

Аммо шу сингари жуда катта, оламшумул вазифаларни ечишда иқтисодий ва сиёсий реалликдан кўз юмиб бўлмайди. Европада иқтисодий яқинлашув бўйича жуда катта ҳаракатлар қилинмоқда, лекин шунга қарамасдан, фактлар шуни кўрсатмоқдаки, аввалги аъзоликка киргунга қадар давлатлар ўртасида мавжуд бўлган иқтисодий ўсиш ва инфляция даражасидаги тафовут, ишчи кучида мобилликнинг йўқлиги, юқори ишсизлик даражасининг мавжудлиги ва маданият соҳасида тафовутнинг борлиги муаммоси давом этиб келмоқда.

Иқтисодий тафовут (дивергенция)

Иқтисодий тафовутдаги тенденцияни ва давлатлар ўртасида ижтимоий фарқни мавжудлигини йўқотиш сиёсатини юритиш зарур. Аммо бу ҳолат билан одатда кўпгина татқиқотчилар ҳисоблашгиси келмайдилар. Европада Германиянинг сиёсий бирлашиши бир қанча қийинчиликларнинг юзага келганлигини кўрсатди. Германиядаги икки томон ўзаро умумий тил топишганига қарамай, уларнинг бирлашиши корхоналарни албатта қийнаб қўйди.

Қачонки бунақанги экспрементлар 11 та миллат (бир-бири билан жуда катта фарқланувчи тоифа) доирасида ўтказилиши кўзда тутилганда, ўз-ўзидан анчагина хулосалар чиқаришни талаб этади. Албатта, миллатлар ўртасида мавжуд тўсиқлар аста-секин йўқолади, лекин ҳозирги яшаётган авлод учун бу етарлими ёки йуқми бошқа масала.

Ишчи кучларини ноэластиклиги бошқа муҳим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Фақат ёшларгина яшаш жойини ташлаб бошқа давлатда ишлашга тайёр ва имкониятга эга бўлиши мумкин. Кўпгина Европаликлар ҳаттоки

хорижий тилларни яхши билган тақдирда ҳам, одатдаги ҳолатларини ўзгартириб, тараққиёт одимларига қараб, тез ёки секин иш режимига одатланишга тайёр эмаслар. Ижтимоий нафака (пособия) оладиган, ҳар тарафлама ижтимоий суғурта билан ҳимояланган ёлланма Европалик ишчи, АҚШ стандартларига жавоб бера олмайдилар.

XXI аср бошидан бошлаб ишсизлик даражаси жуда юқори бўлиб қолмоқда. 2008 йилнинг охирида бошланган халқаро молиявий-иқтисодий инқироз масалани яна ҳам қийинлаштирди. Бу сўзсиз равишда Жаҳон лидери бўлишга ҳаракат қилаётган Европа учун чақирувдир. Европа ҳукумати жуда қаттиқ босимга учрамоқда, чунки улар бир амаллаб ижтимоий нафакаларни (пособияларни) қисқартириш ва ишчи кучининг мобиллигини рағбатлантириш йўли билан ишчи ўринлари яратиш имкониятини топишга ҳаракат қилаяптилар.

Кўп ўн йилликлар давомида конвергенция кенг тарқалган жараён бўлиб бунда доимо табиий конвергенция назарда тутиларди. Агар реал фундаментал иқтисодий қонунлар инобатга олинмаса, фақат вақтни ўзи шуни кўрсатади эркин бозор кучлари барча ҳатоларни ўзи ошкор қилиб, ўзи тўғрилаб ҳам кўяди. Бу ҳолатни жуда содда қилиб айтадиган бўлсак, суньий механизмларнинг яшаш муддати ўта қисқа бўлади.

Валюта бозорига таъсир этиш

Европи киритишга тайёргарлик кўриш валюта бозорининг дилинг залидаги ишларни ўта сезиларли равишда камайтириш билан давом этди, чунки Европа валюта тизими ичида валюта дилерларига талаб йўқолди. Бундан ташқари пул бозорида фаол ишлайдиган кўпгина банклар Европа қитьасидаги бўлимларини бекитишди ва Лондонга жойлашишди. Бунақанги содир бўлган туб ўзгаришлардан кейин, форекс ҳамжамияти зўрға ўзига кела бошлади. 1999 йилнинг баҳоридан бошлаб қисқа даврдан кейин евро билан савдога кўникиб, уни хажми бироз кўпайди (1990-йилларнинг бошидаги кўрсатгичларга нисбатан). Европи киритилиши ҳамда электрон савдони қўлланиши муносабати билан валюта бозорини самарадорлиги ошди. Форекс бозорлари янги вазиятга қудратли қадамларини қўя бошладилар.

4.1. ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ

Европа Марказий банки учун Германиянинг Марказий банки (Bundesbank) модел бўлиб хизмат қилди. Германиянинг марказий банки бағоят мустақил ташкилот бўлиб, валюта барқарорлигини таъминлашга, паст инфляция кўрсатгичларига ва пул массасини назоратга мўлжалланган. Германия марказий банкининг Низоми иқтисодий тартибсизликдан қочиш вазифасини кўзда тутади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш учун ҳеч шубҳасиз шартлардан бири - икки поғонали банк тизимини ислоҳ қилиш, кредит ишидаги ижобий томонлардан унумли фойдаланиш, бир томондан марказий банк фукнциялари ва бошқа тарафдан хусусий банклар функциялари ўртасида аниқ чегараларни ўрнатишдан иборат эди. Марказлашган режали иқтисодиёт шароитида пулнинг роли қайта тақсимлаш ва назорат инструменти сифатида қаралса ва ўрганилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг роли марказий аҳамиятга эгадир. Пул ва унинг турли функциялари, яъни пул умумий алмашиш воситаси сифатида, ҳисоблаш бирлиги ҳамда қийматни ўтказиб бериш ва сақлаш учун восита сифатида иқтисодиётнинг юрак қони бўлиб ҳисобланади. Агар ҳаддан ташқари меъёрдан ошиқ пул массасини муомалада кўпайиб кетиши баҳо спералининг юқорига қараб ҳаракатга келишига сабабчи бўлиб қолса ва инфляцион чақмоқни келтириб чиқарса, шу пайтнинг ўзида пул массасининг камайиши натижасида дефляция ва ишсизлик келиб чиқади. Шунинг учун пул массасини муомалада керакли миқдорда бўлишлигини таъминлаш ўта муҳим масаладир, чунки у бир томондан иқтисодиётнинг ўсишини рағбатлантиради, иккинчи томондан инфляцион жараёнга олиб келмаслиги керак, бу эса балансни таъминлашда Марказий банкларнинг энг муҳим функцияларидан биридир. Марказий банк бу ўта муҳим вазифани уддалаш учун, пул миқдори базасини чиқариш ва юқотиш борасида яккахокимлик ҳуқуқига эга бўлиши керак ҳамда унинг қўлида пул оборотини тартибга солиш учун самарали молиявий инструментлар бўлиши керак. Бошқа тарафдан, давлатнинг пул чиқариш борасида аралашиш имконияти жуда қаттиқ чегаралашиши керак.

Тижорат банклари секторига нисбатан – уларни ҳуқуқий шаклига, алоҳида кредит муассасаларини гуруҳини мулки шаклига қарамасдан тескариси, яъни капитални бошқаришда марказий бошқарувга йўл қўйилмаслиги керак, чунки уларда мавжуд бўлган жамғарма натижасиз ишлатилмаслиги лозим, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ишлатилиши талаб этилади. Тижорат банклари кредит беришда фақат ва яна фақат битта критерияга, яъни рентабеллик даражасига қараб капиталнинг ишлатилишини таъминлаши лозим.

Банкларнинг иқтисодий функцияси

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимида меҳнатнинг қайта тақсимланиши жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки бу тизим иқтисодиётнинг барча секторлари билан ўзаро алоқадордир. Банкларни ўта муҳим вазифаси муомалада пул оборотини ва капитал оборотини узликсиз таъминлаш, саноат корхоналарини, худди шундай давлат бюджети ва хусусий хўжаликларнинг молиялаштириш имкониятини туғдириш, халқ хўжалигида жамғарманинг тўпланиши мақсадида пул маблағларининг қўйилиш имкониятига кенг доиралар яратишдир.

Банк фаолиятининг асосий функцияси кредит келишувлари ҳисобланади. Бунда банклар бир томондан кредит ресурсларини олишади ва шу асосда улар мижоз-омонатчилар олдида қарздор бўлиб қоладилар (пассив операциялар), бошқа тарафдан кредит беришади ва бу ҳисобдан кредит олувчи мижозларга нисбатан қарз берувчи бўлиб қоладилар (актив операциялар). Банкларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа хизматлар кўрсатиш операцияларидан кредит операцияларининг тафовути шундан иборатки, бу операцияларда банкнинг жавобгарлиги мижоз буютмасини тўғри ва ўз вақтида бажарганлиги билан чегараланса, кредит операцияларида кредит муассасаси келишувларни амалга ошириб, ўз зиммасига жуда катта рискни олишади.

Маълумки амалда жуда ҳам кам омонатчилар бевосита кредитга муҳтож бўлган корхоналарга тўғридан-тўғри кредит берилган. Шу сабабдан ҳам бу бозорда иштирок этувчилар ўртасида риск тўғрисида ҳар хил тасаввурлар мавжуд, улар банкларнинг ўртага қўшилиши ҳисобидан компенсация қилиниши лозим. Шу аснода омонатчилар ўзида катта ишончга эга бўлишади, юқори репутацияга эга бўлган биринчи даражали банклар ҳисобидан омонат муддати келганда ёки хоҳлаган пайтда ўз пулини ишлатиш имкониятига эга бўлишди. Аҳоли омонатини корхоналарга келажакда кредит шаклида бериш билан боғлиқ рискни шундай қилиб банклар ўз зиммасига олишади.

Банкларни вазифаси омонатнинг асосий суммасини қайтиш рискига билан мутаносиб равишда ўз муддатида қайтаришдир. Чунки омонатчиларнинг асосий қисми ўз капиталини қисқа муддат билан боғлашни афзал кўришади. Иқтисодиётда капитал куйилмаларни молиялаштириш одатда жуда узоқ муддатни талаб қилади. Шу сабабдан ҳам банклар капитал билан боғлиқ турли муддатлар ўртасида турли келишувларни таъминлаши зарур. Агар банк қарзларни қайта молиялаштириш муддатинг таъминлай олинмаса, у ҳолда банклар кредит рискига қўшимча равишда фоиз ўзгариш рискини ҳам ўз зиммаларига олишади.

Банкларни кейинги вазифаларидан бири турли миқдордаги омонатларни бир бирига мувофиқлаштиришдан иборатдир, яъни турли катта миқдордаги кичик омонатларни йирик кредитларга мувофиқлаштириш ёки нисбатан кичик миқдордаги йирик омонатларни бир қатор кичик кредитлар муддатларига мувофиқлаштириш .

Халқ хўжалигида банкларни марказий функцияси рискларни миқдори ва муддатини тартибга солишдан иборат. Банклар томонидан фақатгина рискларни ҳосил бўлиш тафовутидаги фарқни ўз зиммасига олишга нисбатан тайёр эканлиги иқтисодиётда фойдали молиялаштириш учун зарур, бу ҳолат бошқа бўш жамғармаларни жалб қилиш имкониятни беради, пул бозорида ва капитал бозорида талаб ва таклиф ўртасида миқдор муносабатини ва ликвидликни таъминлайди.

Кейинги банкларнинг иқтисодий функцияларидан бири шундан иборатки, банклар пул оборотн ва капитал оборотн учун асос яратадилар. Ҳисоб-китоб тизими соҳасида банкларни кўрсатадиган турли хизматлари халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун доимо зарурдир, бошқа хизматлар сингари улар ҳам келгусига захира билан қолдирилиши мумкин эмас ва омборларда сақланиши ҳам мумкин эмас. Негаки уларнинг бажарилиши вақтинчалик ўз измидан чиқса, иқтисодиёт циркуляциясида муҳим ўзилишлар келиб чиқади. Банклар томонидан ҳисоб-китоблар тизими узликсиз равишда молиялаштирилиши таъминланиши даркор.

Немисча мисол

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак кейинги пайтларда Германия Федератив Республикаси банк тизимини ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Негаки айнан шу мамлакат банклари халқаро миқёсларда ўзининг юқори самарали эканлигини исботлаган ва кўп қирралиги, ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Немис кредит муассасалари ўзининг сифатли ва ишончли хизматлари билан Германия Федератив Республикаси ижтимоий ҳаёти таркибида жуда катта ўрин эгаллайди. Бундан 60 йил олдин, яъни иккинчи жаҳон урушидан кейин жуда оғир шароитда мижозлар манфаатидан келиб чиқиб банк тизими шаклланиши бошланган эди, энди нисбатан анча-мунча яхши шароитда бу иш яна давом эттирилмоқда, халқаро молиявий инқироз таъсирларидан қутилиш осонлашмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, немис банк тизимига қизиқишнинг асосий сабаби шундаки, у асосан Германияда иқтисодий самарадорлик таъминланишининг ўзига хос томони бор, у асосан барқарор пул ва валюта тизими мавжудлигига асосланади. Шунингдек, либерал иқтисодий қонунчиликка ва ижтимоий манфаатлар мувозанатини сақланишига таянади.

Иқтисодий юксалиш омиллари

Кейинги 50 йилликда банк иши Германия Федератив Республикасида динамик жиҳатдан фаол ривожланган тармоққа айланди, бутун халқ хўжалигининг мадади ёрдамида озиқланди, иш билан бандлик муаммолари ҳал бўла бошлади. Ялпи ижтимоий маҳсулот билан таққослаганда банк тизими миқдори 1960 йил билан солиштирадиган бўлсак қарийб икки

маротаба тезроқ кўпайган. Ўша вақтлардан бошлаб кредит муассасаларининг ялпи саноат тармоқларидаги улуши 1,8 % дан 4 % гача кўпайган. Худди шунингдек, бошқа саноат тармоқларидаги ходимлар сонининг кўпайишига нисбатан кредит ишида шуғулланадиган ходимларнинг сони ҳам кўпайган. Ҳозирги пайтда кредит ишида почта банклари ва марказий банк тизимига кирувчи соҳадаги ходимларнинг сонини қўшиб ҳисоблаганда 800 мингтага етади, бу Германия Федератив Республикасида хизмат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг 3 фоизига тенгдир.

Мамлакатда мустақил ҳуқуқий асосга эга бўлган кредит муассасаларининг сони 4 000 тадан ошади. Бунинг таркибига 1 000 дан ошиқ унча катта бўлмаган ва кичик банклар киради, уларнинг фаолият миқдори 100 миллион еврони ташкил этади. Бу кредит муассасаларининг 45 000 дан ортиқ банк бўлимлари мавжуд. Германия Федератив Республикасида жамиси бўлиб 49 000 мингга яқин банк бўлимлари мавжуд Мамлакат аҳолиси 80 миллион деб ҳисобласак, ҳар битта банк бўлими ўртача 1 600 кишига хизмат кўрсатади. Шу ҳисобдан Германия Жаҳон давлатлари ўртасида жуда кенг банк тармоғи билан таъминланган давлатлар қаторига киради.

3-чизма



Германия Федератив Республикасининг банк тизими тузилиши

Универсал банклар	Ихтисослашган банклар

Хусусий тижорат банклари	Кооператив кредит муассасалари	Ижтимоий-ҳуқуқий кредит муассасалари

Хусусий банклар	Ижтимоий-ҳуқуқий муассасалар

Катта миқдордаги бўлимларга эга бўлган йирик банклар	**Кредит ширкатлари (Фольксбанк, Райфейзенбанк)**	**Жамғарма кассалар**
Ҳудудий банклар ва бошқа кредит банклари	**Марказий кооператив банклар**	**Жиро-централи**
Хусусий банкирлар		
Хорижий банкларни бўлимлари		

Хусусий ипотека банклари	**Ижтимоий-ҳуқуқий ипотека кредит муассасалари**
Кемачилик саҳадаги кредит банклари	**Махсус топшириқларни бажарувчи кредит муассасалари**
Махсус вазифалар бўйича кредит муассасалари	**Ижтимоий жамғарма кассалари**
Шахсий уй-жой қурилишини молиялаштирувчи хусусий жамғарма кассалари	**Почта жирокассалари, почта жамғарма кассалари қошидаги жирокассалар**
Қимматли қоғозларни сақловчи банклар	
Ҳомийлик кўрсатувчи банклар (матлубот, кредит жамиятлари пул маблағларини жамғариш имкониятини берувчиларни қўшган ҳолда)	

Универсал банк тизими

Саноати ривожланган бошқа давлатларга солиштирганда немис банк тизимини ўзига хос ҳарактерли томони-юқори даражада универсал кредит муассасаларини мавжудлиги билан ажралиб туради. Мулк шаклига нисбатан ҳуқуқга эгалик тафовути мавжудлигига, банкларни хажмига, корхоналарни ташкил қилинишига ва ишини ҳарактерига қарамай асосий банкларни ҳаммаси битта соябон остида жам бўлган барча банк операцияларини кўрсатишади. Немис тижорат банкларини учта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

- 350 тага яқин хусусий банклар (кредит банклари), бунинг таркибига 3 та йирик банклар, ҳудудий банклари ва бошқа кредит банклари, хусусий банклар ҳамда банк операцияларининг жами қисмида улуши 1/3 тенг бўлган хорижий банкларнинг бўлимлари ҳам киради;
- 700 дан ошиқ ижтимоий-ҳуқуқий жамғарма кассалари ва замин банклари (жироцентраллар), уларнинг улуши банк тизмида 50 % атрофига тенг келиб қолади;
- Ўрта ҳисобда 3 000 та кооператив банклар (Фольксбанк и Райфейзенбанк), уларнинг марказий банклардаги улуши 20 % атрофига тўғри келади.

Хусусий банклар, кооператив кредит муассасалари ва ижтимоий-ҳуқуқий жамғарма кассаларининг барчаси ҳар хил тижорий-сиёсий мақсадларни кўзлашига қарамай, бу соҳада, яъни меҳнат тақсимотида тафовут йўқ. Худди шунингдек, уларнинг бозордаги фаолиятини ҳам таҳлил қиладиган бўлсак, бу учта гуруҳдаги кредит муассасалари ўртасида тафовут умуман мавжуд эмас. Агар жамғарма кассалари ва кооператив банклар номига ўз олдиларига, худди хусусий банклар сингари олинадиган фойдани максималлаштириш ғоясини қўйишмаса-да, лекин бари бир асосий ғоя жамият аъзоларининг эҳтиёжини етарли даражада қондиришга эришиш мақсадини қўйиб фаолият

юритишади. Барча кредит муассасалари ўз фаолиятини узоқ муддатга корхонанинг мустаҳкамлигини ва фойдага эришишни кўзлаб иш юритишга мажбур, шундагина улар банк сиёсатида ҳосил бўлган “Илоҳий учбурчак” доирасида энг юқори фаолият мақсади ҳисобланган ғоя ишончни таъминлаш билан бир қаторда юқори ликвидликка эришади. Немис универсал банк тизимини яратилиши шуга асосланадики, Германия давлати саноатини ривожланиши давридан бошлаб, етарли миқдорда капитал билан таъминланишга эришмаган, худди шунингдек етарли равишда қимматли қоғозлар савдосини ҳам ташкил эта олмаган. Шунинг учун ҳам катта миқдорда банк кредитларини ишлатишнинг имкони бўлмаган ва охир оқибатда йирик корхоналарни молиялаштирилмаган. Бу тизим иккита жаҳон урушидан кейин саноатни тиклаш вақтидагина ўзининг самарали эканлигини исботлади.

Ҳозирги вақтда банк тизимида шундай ташкилий бўлиниш мавжуд: қайси давлатда бир тарафда кредит келишувлари ва пул омонатлари келишувлари ва иккинчи тарафда қимматли қоғозлар савдоси бўлса-демак, у ерда универсал банк тизими яратиш тенденцияси кетаётганлигини кўрсатади.

Англия банк тизимига нисбатан универсал банк тизимининг асосий афзаллиги шундан иборатки, у жуда юқори даражада барқарор ва ўта самарали, шунинг учун ҳам пул омонатлари юқори даражада ҳимояланган. Шунингдек ички фаолиятда бўлиниш чегарсининг мавжуд эмаслиги, кичик ва ўрта даражали мижозлар билан яна ҳам қулай шароитда келишувлар ва хизматлар кўрсатиш имкониятини таъминлайди. Универсал асосда амал қилувчи бу банклар, бир қўлдан мижозларга жуда кенг сервис турларини кўрсатиш имкониятига эга, кенг ассортиментда таклиф этилаётган хизмат ҳисобидан у хоҳлаган баҳога бу хизматларни сотишга мажбур эмас, демак бу келишувларни тўғри келмайдиган вақтда амалга ошириши мумкин. Хуллас, бир сўз билан айтганда, универсал банклар ҳеч қачон ҳеч кимдан панд еб қолмайди.

Универсал банк тизимини танқид қилувчилар бир томондан банкларга анча-мунча саноатнинг таъсири катта деб кўрсатадилар, ҳақиқатда ҳам банклар саноатни бошқаришда кузатув кенгашидаги банк мандати ва овоз ҳуқуқи ваколати ҳисобидан уларни фаолиятига аралашадилар, кредит келишувлари ва қимматли қоғозлар борасидаги келшувлар ҳамда мижозларга пул омонатлари бўйича консультациялар бериш масалаларида эса келишмаслик вазиятлари бўлиб туради.

Ихтисослашган банклар

Германия давлатида амал қилаётган универсал тижорат банклари билан ёнма ён бир қаторда ихтисослашган банклар ҳам мавжуд. Фақатгина маълум соҳаларда фаолият юритадиган ихтисослашган банклар ҳам мавжуд. Буларнинг таркибига ипотека банклари ва махсус вазифни бошқа кредит муассасалари киришади ва улар реал қимматликлар кафиллигида кредит

беришади. Махсус вазифали кредит муассасалари, ихтисослашган банклар қайтариш муддати узайтириладиган ссуда, индивидуал қурилиш учун ссудалар беришади (почта банклари, ўзларига ёрдам кўрсатувчи саноат кредит муассасалари ва бошқа кредит муассасалари ҳам шулар жумласидан). Германияда банк ланшафти ўта турли-туманлиги билан ўзига хосдир, жами кредит муассаларининг ¼ қисми ихтисослашган банклар даражасига етган. Ҳар учтадан битта йирик банк ихтисослашган банкдир, улар фаолиятидаги пул миқдори 5 млрд евродан ошиқ суммани ташкил этади.

2009 йилда тижорат ва ихтисослашган банклар ўзаро нобанк секторига, яъни корхоналарга, хусусий шахсларга ва ижтимоий бюджетга 3,5 трлн. Евродан ошиқ кредит маблағлари беришган, шундан 250 млрд. евроси давлат облигацияларини ва саноат корхоналари акцияларини сотиб олиш ҳисобидан амалга оширилган. Жами берилган кредитлар миқдорининг 80 фоиз улуши тижорат банклари зиммасига ва сотиб олинган қимматли қоғозлар соҳасида эса бундан ҳам кўпроқ, яъни 90 фоизга тўғри келади.

ИТТИФОҚЛАР

Қонуний органга, кузатув органига ва бошқа давлат органларига ва шунингдек жамоатчиликка нисбатан уларни қизиқишини ҳимоя қилиш учун, демократик тартиблар доирасида ва бу қонуний ҳуқуқ ҳисобланади – банкларнинг барча гуруҳлари иттифоқ тузганлар. Федерация даражасида амал қилувчи марказий иттифоқларга хусусий банклар, жамғарма кассалари ва кооператив банклар ҳам қарашлидир, уларни ҳудудийал ва локал ташкилотлари ҳам мавжуд ва улар бу иттифоқларга бўйсунишади. Бундан ташқари бу иттифоқ таркибига ревизион бирлашмалар ҳам киради, уларнинг вазифаси, давлат назорат органи мавжудлигига қарамасдан иттифоқ таркибига кирувчи банкларда назорат репутациясини ўтказиб ва ликвидлигини мунтазам текшириб туришдир. Омонатчилар манфаатини ҳимоя қилиш учун иттифоқлар омонатларни ҳимоя қилишни кенг тизими ишлаб чиқилганлар, шунинг ҳисобидан мижозлар ҳисобидаги кредит қолдиғи амалда тўлиқ миқдорда кафолатланади.

Иқтисодий – сиёсий банк иттифоқлари билан ёнма-ён, федерация даражасида кредит муассасаларининг катта гуруҳларининг ижтимоий-сиёсий иттифоқлари ҳам амал қилади. Улар иш берувчилар сифатида банк манфаатларини ҳимоя қиладилар. Бу иш берувчи иттифоқларнинг асосий вазифаси касаба иттифоқи билан ҳамкорликда банк иши ходимлари учун иш ҳақи тарифларини оширишни белгилаш билан шуғулланади ва улар бу йиғилишни ҳар йили ўтказиб туришади. Бундан ташқари, бу иттифоқлар давлат муассасалари билан ҳамкорликда банк коммерсантларини касбий ўқитиш учун янгича асосларни ишлаб чиқишда иштирок этишади, касбий малакани оширишни ташкил этиш бўйича тадбир таркибига қўшилишади.

КУЗАТУВ ОРГАНИ

Кредит муассасаларининг фаолияти уларни иқтисодиёт ва жамият олдида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, ҳуқуқий нормаларга мувофиқ қатъиян чекланган. Фуқаролик ва ижтимоий ҳуқуқда белгиланган умумий қўрсатмалар билан бир қаторда, шунингдек, алоҳида банк гуруҳлари учун махсус қонунларнинг мавжуд бўлишига қарамай, Германияда биринчи навбатда **“Кредит иши тўғрисида”** (KWG) қонун ишлаб чиқилган. Ушбу қонунга мувофиқ, барча кредит муассасалари ўзининг ҳаракат тарзини унга мувофиқлаштиришга мажбурдирлар. Ушбу қонунга маълум ўтган вақтлар ичида ривожланиш тенденцияларига мувофиқ, кредит аппаратининг амал қилиш тартиби ва қобилиятини таъминлаш учун ҳамда кредиторларни ҳар хил йўқотишлардан ҳимоя қилиш учун маълум ўзгартишлар киритилиб турилади.

Кредит иши тўғрисидаги қонун асосида Берлинда жойлашган “Кредит ишини текшириш” федерал муассасаси барча кредит муассасалари устидан давлат назоратини амалга оширади. Бу муассаса мустақил федерал юқори орган ҳисобланади, федерал молия вазирлиги кўрсатмаларига ва унинг хизмат назоратигагина бўйсунади. Бу муассасанинг Президенти федерал ҳукуматнинг таклифи билан ва немис федерал банкининг фикри инобатга олиниб, федерал Президент томонидан тайинланади. Қонунга мувофиқ бу муассаса олдига “Кредит ишида қонунбўзарликка қарши кураш” вазифаси қўйилган. Бу вазифани бажариш учун кредит муассасалари юқорида қайд этилган назорат органига маълум вақтдан кейин ўзларининг актив ишбилармонлик фаолияти турлари ва миқдори тўғрисидаги тўлиқ маълумотни тақдим қилишга мажбурдирлар. Бунга қўшимча равишда назорат тизими доирасида эълон ва хабарларни тақдим қилиб туриш мажбурияти ҳам кўзда тутилган. Ушбу муассаса мажбуриятига алоҳида кредит муассасалари ёки уларни мижозлари ўртасидаги банк келишувлари устидан чиққан тортишувларни кўриб чиқиш масалалари кирмайди.

Кредит иши тўғрисидаги қонунда биринчи навбатда кузатув ва назорат шакллари, кредит муассасанинг тижорат фаолияти доираси, шахсий капитали ва ликвидлиги тўғрисидаги кўрсатмалар ёритилган. Қонуннинг анъанавий кўрсатмалари қўшимча равишда муассаса томонидан аниқ тамойиллар билан ишлаб чиқилиб тўлдирилади ва федерал банк билан келишилиб чоп этилади. Мисол учун, кредит муассасанинг кредитлари ва иштироки ва бошқа келишувлари, маълум рискка берилгани учун, шахсий капиталдан ошиб кетмаслиги керак, чунки кредит муассасаси шу миқдорда жавобгарликни ўз бўйнига олади. Қолган тамойиллар қуйидагичадир:

1 –тамойил. Узок муддатли кредитлар ва омонатлар узоқ муддатга қайта молиялаштирилиши зарур, шунда мижоз бўлмаган фуқароларнинг 60 % жамғарма омонатлари ва 10 % талаб қилиб оладиган муддатли омонатларни узоқ муддатли маблағлар деб ҳисоблаш мумкин.

2–тамойил. Кредит келишувида пассив томонни баъзи бир алоҳида позициялари маълум пропорциядан ошиб кетмаслиги зарур.

3–тамойил. Қўшимча равишда 1970-йилларнинг ўрталарида, баҳони шаклланиши бўйича – асосан очиқ валюта курси позицияси бўйича норма шахсий капиталга нисбатан кредит муассасанинг жавобгарлик даражаси 60 % гача камайтирилди. 1980 йилларнинг ўрталарида банк назоратида умумлашган тамойил киритилди, унга асосан бош банкнинг шахсий капитали ва кредитлари ҳамда унинг давлатдан ташқари шўъба банклари юқорида қайд этилган муносабатга нисбатан бирга қўшиб ҳисобланиши талаб этиладиган бўлди.

Кредит иши тўғрисидаги қонунда кредит муассасаларининг федерал назорат муассасасига ва федерал банкка хабарномалар бериш мажбурияти ҳам қайд этиб ўтилган ва улар қуйидагилардир: йиллик баланс, катта миллионлик кредитлар ва кредит муассасаси иштирокчи бўлган корхоналарга берилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласига кириб, мунтазам тақдим этиб борилиши керак.

Банк келишувини амалга ошириш борасида кредит ишини юритиш учун федерал назорат муассасасидан ёзма равишда рухсатнома олиш зарур, бу рухсатнома ҳақиқий эмас деб эълон қилиниши ҳам мумкин. Банк келишувлари деганда асосан қуйидагилар тушунилади: омонат келишувлари; кредит келишувлари; векселларни дисконтироват қилиш; қимматли қоғозлар билан келишувлар; депозит операциялари; инвестицион келишувлар; гарантия бериш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишлар киради. Қонун банк ишини амалга ошириш учун қатор шартлар бажарилишини талаб этади. Шулардан бири-кредит муасасасининг етарли миқдорда шахсий капиталини борлиги асосланиши керак, чунки кредит муассасаси шу миқдор даражасида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

МАРКАЗИЙ БАНК

Германия Федератив Республикаси Марказий банки немис федерал банки ҳисобланади ва у Европа Марказий банки таркибига киради. У Франкфуртнинг Майнеда жойлашган марказий бошқармасида ва 9 та (1992 йилгача 11та) бош бошқарма сифатида марказий банкларидан ташкил топган ҳамда 200 га яқин бош бўлимлари ва филиаллари мавжуд. Федерал банкнинг бевосита федерал юридик шахс сифатидаги ижтимоий ҳуқуқи 100 % федерацияга тегишлидир, у федерал назорат муассасаси сифатида кузатув фукциясини ҳам амалга оширади. Федерал банкнинг ваколати ва вазифалари махсус қонун билан белгиланган.

V – БОБ. АНГЛИЯ ДАВЛАТИ БАНК ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИ

Лондон – Нью-Йоркдан кейин, иккинчи ўринда турадиган энг йирик халқаро молия марказидир. Унинг ўрни евровалюта ва еврооблигация бозорида операцияларнинг миқёси кенгайган сайин мунтазам равишда кучайиб бормоқда. Лондон жаҳон миқёсида халқаро пул ва капитал бозорида айланма суммасининг йириклиги бўйича лидерлик ўрнини мустаҳкам эгаллаб келмоқда. Лондон шаҳри халқаро банк бизнесида новаторлик ва динамизм масалаларида ҳам ўрнак бўлиб келмоқда. Буюк Британиянинг кредит-банк тизими капиталистик Жаҳонда ўта кучли даражада ривожланган ҳисобланади. Улар турли молиявий муассасалар ўртасида меҳнат тақсимоти юқори даражада эканлиги билан, кенг миқёсда ривожланганлиги билан ва молия-банк институтларини турли типдаги хилларининг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Англия Банки кредит-банк муассасалари пирамидасининг энг чуққисида туради. У 1694 йили акционерлик жамияти сифатида, Франция билан урушни молиялаштириш учун ташкил этилган. 1844 йилдаги АКТга мувофиқ, унга Англия ва Уэльс ҳудудида банкноталар чиқаришнинг яккаҳокимлик ҳуқуқи берилган. 1946 йили Англия Банки миллийлаштирилган.

Англия Банки мамлакатнинг марказий банки сифатида пул-кредит тизимининг амал қилиш бўйича умумий шарт-шароитларни таъминлаш ва давлатнинг молиялаштириш функцияларини бажаради. У кредит-банк институтлари устидан назоратни амалга оширади, иқтисодий муҳитга қараб пул ва валюта ҳамда капитал бозорларида тегишли акциялар ўтказади. Банк ҳукумат органлари ҳисобини юритади, ғазначилик векселларини сотиш йўли билан қисқа муддатли ресурсларни жалб этади, давлат қарзини молиялаштириш ва уни бошқариш билан шуғулланади.

Англия Банки билан ва кредит-банк муассасалари ўртасида боғловчи бўғун сифатида дисконт (ҳисоб) уйларидир. Улар бошқа банкларга маблағларни шундай шаклда сармоя сифатида киритиш имкониятини беради ва иштирокчига ликвидлик ва маълум даражада даромад олишни кафолатлайди. Улар ҳукуматнинг қимматли қоғозлари билан ўтказиладиган оперцияларнинг асосий улушига хизмат кўрсатади. Лондон дисконт бозори Уюшмаси аъзолари қуйидагилар: “Александерс Дискаунт ПЛК”, “Кейтер Аллен лтд.”, “Клайн дискаунт компани лтд.”, “Джерард энд нэшнл ПЛК”, “Джиллет бразерз дискаунт компани ПЛК”, “Джессел, Тойнби ПЛК”, “Кинг энд Шэкссон ПЛК”, “Пейдж энд Гуайтер ПЛК”, “Джералд Квин”, “Коун энд компани лтд.”, “Секкомб Маршалл энд Кэмпион ПЛК”, “Смит Сент-Обин энд компани лтд.”, “Юнион дискаунт компани оф Лондон ПЛК”.

Англияда кредит тизимининг илғор бўғини тижорат банкларидир. Улар қуйидагиларга бўлинади:

1) депозит банклари;
2) савдо банклари;

3) “заморск” банклари;
4) хорижий банклар.

Депозит банклари ҳаммадан аввал Лондон банкларининг ичида «катта тўртлик» гуруҳи сифатида ажралиб туради. Булар Буюк Британиянинг молиявий капиталини кўз-кўз қилувчи ва мамлакатнинг молиявий қувватини намоён қилувчи муассасалардир. Буларга энг йирик банк монополиялари ҳисобланган: “Барклейс ПЛК”, “Нэшнл вестминстер бэнк ПЛК”, “Мидленд бэнк ПЛК” ва “Ллойдс бэнк ПЛК”. Лондон бозорида “Кауттс энд компани” банки ҳаммадан олдинда туради, унга “Нэшнл вестминстер” ва “Уиллиамс энд Глин`с Бэнк” лар эгалик қилади. Йирик депозит банклар қаторига қуйидаги шотланд банклари ҳам киради: “Бэнк оф Скотленд”, “Калайдсдейл бэнк” ва “Ройал бэнк оф Скотленд” ҳамда шимолий ирландия банклари ҳам киради.

Мамлакатнинг барча ҳудудларида 13 мингдан ошиқ бўлимларга эга бўлган Клиринг банклари жойлашган. Улар мамлакатда депозит-ссуда операцияларининг жуда катта қисмини назорат қилади. Клиринг банклари жаҳон миқёсда Буюк Британиянинг мустаҳкам лидерлигини ушлаб турибди. “Нэшнл вестминстер”, “Ллойдс” ва “Мидленд” банклари кредит карточкалари операциялари билан шуғулланувчи “Эксесс” акционер компаниясига эгалик қилишади. Клиринг банклари кенг автобанк (автоматик касса аппаратлари) тармоғига эгалик қилади, улар мижозларга Буюк Британиянинг хоҳлаган жойида қатор операцияларни суткани хоҳлаган вақтида бажариш имкониятини беради (нақд пул олиш, ҳисоб рақамини қолдиғини билиш, чек китобчасига буюртма бериш, ҳисобдан кўчирма олиш).

Савдо банклари – ўта обрўйли молиявий муассасалардир. Уларни обрўйи ва кучи нафақат уларни капитали миқдорида ёки депозит-ссуда орперациялари миқдорида, балки бозордаги вазиятни аниқ кўра билишида ҳамда ҳатосиз равишда ўз фаолиятининг манфаатли йўналишини топа билишидадир. Анъанага асосан савдо банклари Лондон шаҳрида жамланган. Улар шунингдек шунга ўхшаш йирик шаҳарларда, яъни Бирмингем, Лидс, Манчестер, Эдинбург ва Глазго ҳам ўз бўлимларига эга. Савдо банклари ташқи савдони молиялаштириш, акцепт бизнеси билан, корпоратив омонатчиларни фаол кредитлайди, инвестицияни бошқаради, инвестиция саволлари бўйича консултациялар беради, молиявий консорциумлар ташкил қилади, таъсисчилик фаолиятига воситачилик қилади, компанияларнинг бирлашиши ва қўшилиши бўйича операцияларда иштирок этади, валюта бозорида ва қимматбаҳо металлар бозорида операцияларни амалга оширади, молиявий операцияларни ўтказиш бўйича консультациялар беради. Бундан ташқари, улар асбоб-анжомларни лизинга бериш операцияларини фаол кенгайтирадилар, суғурта соҳасига ҳам кириб борадилар, муддати узайтирилган сотувларни кредитлаш, кемалар ва самолиётларни фрахт операциялари борасида воситачилик фаолиятини олиб борадилар ҳамда мол-мулкни бошқариш билан ҳам шуғулланишадилар. Савдо банклари ўрта

муддатли кредитлар бозорининг анча-мунча қисмини назорат қиладилар. Уларни роли эмиссион уйлар сифатида янада сезиларлидир, қимматли қоғозларни жойлаштиришда ва иккиламчи бозордаги операцияларда воситачи бўлиб хизмат кўрсатадилар. Улар еврооблигация бозоридаги операцияларда ва синдикатланган консорциумларда иштирокчи бўлиб хизмат кўрсатади.

“Заморск” банклари ёки Ҳамдўстлик банклари Британия заморск банклари уюшмасида аъзо ҳисобланади. Улар 12 та банкни ўз таркибига олган, бош конторaси Лондонда жойлашган. Яна 10 та банк Лондон Ситида ўзларининг ваколатхоналарига эга. Бу банкларнинг кўпчилигини капитали Британия молия алигархиясининг қўлида. Улардан энг йириги –“Стандард чартед бэнк” бўлиб, унинг 1360 та бўлими мавжуд, қолганларини барчаси – 3500 та бўлимларга эга. Ҳамдўстлик банклари нисбатан “чакана” депозит-ссуда операциялари билан шуғулланади, улар маълум ҳудудийларда ва Британия империясининг собиқ давлатларида қайсидир операцияларга “ихтисослашган”. “Барклейс бэнк интернэшнл” асосан Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) ва Кариб хавзаси давлатларида кўпчиликни ташкил этади, “Ллойдс энд Болса интернэшнл” Европа ва Жанубий Америка контитентига, “Нэшнл энд гриндлейс бэнк” Жанубий Осиё, Шарқий ва Марказий Африка давлатларида жойлашган.

Жаҳоннинг молиявий марказларининг биронтасида ҳам хорижий банклар Лондон Ситидагидай кўп эмас (уларнинг сони 400дан ошиқ). Уларда 50 мингга яқин одам фаолият юритади, уларнинг ялпи активлари Бирлашган Кироллиқнинг бутун банкларининг активларини 60 фоизидан ошади. Хорижий банклар улушига хорижий валютадаги ялпи депозитларнинг 80 фоизига тўғри келади. Депозит банклар тизимига жамғарма институтлари бирлашиб кетган, уларни қаторига “Нэшнл сейвинз бэнк”, “Нэшнл жиробанк” ва бошқа жамғарма ишончли банклар киради. Уларнинг асосий функциялари майда ва ўрта омонатчилардан омонатларни қабул қилиш ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари бўйича ҳисоб-китобни амалга ошириш, ижарага олиш, кейин тўлаш шарти билан товарларни сотиб олиш, почта орқали етказиш билан товарларга бюртма бериш, коммунал хизматлар учун пул тўловини ўтказиш, ипотека бўйича мунтазам тўловларни бажариш, суғурта бадалликлари ва фоизларни тўлаш ва ҳаказо

Депозит-ссуда операциялари соҳасида тамойилиал жиҳатдан янги бўлиб, қурилиш жамиятлари активларини ривожланиши ва усиши ҳисобланади. Улар ширкатлар сифатида ўзларини намоён қилиб, аҳолидан омонатларни қабул қилади ва қурилишга ёки яшаш уйларини сотиб олишга узоқ муддатли индивидуал ссудалар беради. Буюк Британиянинг кредит-банк тизими таркибида инвестицион институтлар: суғурта компаниялари, пенсия фондлари, инвестицион трестлар, ишончли пай фондлари муҳим рол ўйнайди.

Англия Банкининг тарихи

Англия Банки дунёда энг қадимий марказий банклардан бири ҳисобланади. Бу институт Англияда XVII асрнинг охирларида банкротлик ҳолатига тушган ҳукумат ва молиячилар гуруҳи ўртасида келишув натижасида пайдо бўлган. 1690-йилларда Англия банк тизими ***кредитор-банкирлардан ва заргарлардан*** ташкил топган эди, уларнинг биринчиси, заём маблағларидан кредитлар, иккинчиси олтинни депозитга қабул қилиб, сўнгра ссудалар берар эди. 1688 йили ниҳоятда қимматга тушган фуқаролар уруши тугагач, Англия тахтига Вильям ва Мэри ўтирган. Ҳокимиятга сиёсий партия келиб, меркантализм ва колонияларни талон-тарож қилиб босиб олиш билан шуғулланган. Англиянинг энг улкан рақиби Франция Империяси бўлиб, уни билан ярим асрлик уруш олиб борилган. Милитаризм сиёсати жуда ҳам қимматга тушган, 1690 йилда Англия ҳукумати хазинаси бўм-бўш бўлиб, пул қолмаган. Шунча йиллик урушлар кейин унинг облигацияларини одамлар сотиб олишларига ҳукумат ишонтира олмаган. Яна ҳам юқори ставкада солиқларни йиғишнинг, ҳам иложи бўлмаган.

Ўшанда, яъни 1693 йилда Обшина Палатаси тузилиб, унинг мақсади ҳукумат учун пул олиш усулини қидиришдан иборат эди. Вильям Петерсон деган Шотландиялик молиячи пайдо бўлиб, ҳукуматга бутунлай янги режани, яъни ўзининг молиявий гуруҳи номидан таклиф киритди. Давлат томондан маълум имтиёз ҳисобига Англия Банки тузиш таклифини киритди, янги банкноталар чиқариб, камомадни қоплаши лозим эди. Шундай қилиб, келишув тузилди. Бирданига, Парламент томонидан Банк тасдиқланганидан кейин, кирол Вильямнинг ўзи ва Парламент аъзоларининг баъзи бирлари янги “пул фабрикасининг” акциядори бўлдилар.

Вильям Петерсон Англия ҳукуматидан янги банкнотага қонуний тўлов воситаси мақомини берилишини сўради. Британия ҳукумати бу таклифни инкор қилди, бу ҳаддин ташқари узоққа чўзиладиган таклиф эди. Парламент янги Банкга ҳукумат омонатлари унда сақлаш ва ҳукумат қарзини тўлаш учун янги қимматли қоғозлар чиқариш имтиёзлари берди. Англия банки ҳукумат қарзини тўлаш учун бирданига 760 000 фунт стерлинг миқдорда янги пулни муомалага чиқарди. Бу ўз навбатида пулнинг қадрсизланишини, яъни инфляцияни келтириб чиқарди ва икки йил ичида Банк умуман тўлов қобилиятини йўқотди, бу албатта ўз навбатада хусусий заргарларга маълум афзаллик келдирди. Англия Банкининг банкноталари муомалада мавжуд бўлган метал монеталарга эркин алмаштирса бўлар эди.

1696 йили Англия Банки магнат томонидан бошқарилаётган Whig сиёсий партияси рақобатчи тазйиқи билан тўқнашди. Тори партияси янги National Land Bank таъсис этишга ўриниб кўрди, ваҳоланки бу корхона тузилмади, Англия Банки бирданига чора-тадбирлар қабул қилди. Кейинги йилда Парламент Англияда йирик банклар таъсис этишни тақиқловчи қонун қабул қилди. Ушбу қонунга мувофиқ агар кимки Англия Банкининг банкноталарини қалбакилаштирса унга ўлим жазоси қўлланалидиган бўлди.

1708 йили қонун яна ҳам қатъийлашди. Энди тақдим этиладиган векселларни чиқариш (бу ҳуқуқ фақат Англия Банкига берилган) ва 6 кишидан кўп таъсисчи билан компания тузиш ҳамда 6 ойгача муддатга қисқа муддатли кредит бериш ноқонуний деб топилди. Шундай қилиб, Англия Банкининг рақобатчилари бўлиб, иштирокчилари етти кишидан кам бўлган кичик банклар бўлиши мумкин. Ушбу шароитларга қарамасдан, Англия Банки бари бир қиролича Анна тахтда бўлган пайтда Тори партияси томонидан кучли рақиб билан тўқнашишга тўғри келди.

Англия Банки ҳозирги босқичда

Англия банки, бошқа давлатларнинг марказий банклари сингари, бугунги кунда ўзгараётган шароитларга мослашиш борасида, ундан янги ҳаракатлар талаб қилинаётган бир пайтда молиявий ва иқтисодий ўзгаришлар марказида бўлиб қолмоқда. Булар уларнинг функциясида, фаолиятни ташкил қилишда ва технологияда ҳамда банклараро кооперацияда ва халқаро ҳамкорликда радикал янги ёндашиш билан, тамойилиал ўзгаришлар киритилишини талаб қилмоқда.

Англия Банки бажарадиган кўпсонли функцияларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ. Банк мақомидан келиб чиқадиган, тўғридан-тўғри профессионал (депозитлар-ссудалар, ҳисоб-китоблар ва эмиссия операциялари бўйича) мажбуриятлар;

2-гуруҳ. Назорат функциялари, яъни давлат унинг ёрдамида пул-кредит тизимига аралашади ҳамда иқтисодий жараёнларни кечишига таъсир қилишга ҳаракат қилиб кўради.

Ушбу ролларни бажаришда Англия Банки энг аввало анъаналарга суяниб иш тутади, юридик нормалар кейинги режада туради. Кредит-банк муассасаси фаолиятини регламентга соладиган турли тартиб ва процедуралар ушбу муасасалар билан Англия Банки ўртасида худди “жентельмент келишуви” сингари белгиланган.

Давлат, унинг марказий банки ва хусусий банклар ўртасидаги ўзаро муносабат хусусияти Англия Банкини бир вақтнинг ўзида худди “Ситининг ўнг қўли ва ҳукуматда Ситининг вакили” сифатида баҳолаш имкониятини беради. Бу Англия Банкига икки томонлама рол ўйнаш имкониятини беради, маблағлар билан пул-кредит сиёсатида яна ҳам эгилувчан ва эркин сиёсатда мустақил ҳаракатланиш имкониятини беради, бир пайтнинг ўзида эса Ситининг молиявий алигархлари шундай ишончда бўладиларки, улар хоҳлаган ҳукуматда ва хоҳлаган иқтисодий курсда ўзларини манфаатларини ҳимоя қила оладилар.

Англия Банкининг алоҳида функцияларига кенгроқ ва аниқроқ тўхталиб ўтамиз.

Англия Банкининг кўп сонли функциялари мавжуд, уларни барчаси учта бош мақсадга эришишга қаратилган. Улар:

1. Ҳукумат билан келишган ҳолда энг аввало бозордаги операциялар ёрдамида миллий валюта қийматини ушлаб туриш, бошқача сўз билан айтганда пул сиёсатини амалга ошириш;
2. Банклар, Ситидаги молиявий бозор иштирокчилари устидан тўғридан-тўғри назорат олиб бориб, молиявий тизим барқарорлигини ҳамда мустаҳкам ва самарали тўлов тизимини таъминлаш;
3. Мамлакат ичкарисида молия тизимини рақобатбардошлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш ҳамда Лондон Ситининг йирик халқаро молиявий марказ сифатида позициясини мустаҳкамлаш.

Англия Банки функциялари

Англия Банки хоҳлаган бошқа бир банк сингари ўзининг мижозларига қатор хизмат турларини кўрсатади. Мижозлар гуруҳини, нисбатан учта муҳим гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Тижорат банклари. Барча клиринг банклари Англия Банкида ўзларининг ҳисоб рақамларини очадилар. Клиринг операцияларида Англия Банкида очилган клиринг ҳисоб рақамлари ишлатилади. Банклар ҳисоб рақамида маълум суммани сақлашлари керак ва уни кўпайтириб юбориш ваколатига ҳам эга эмас. (Буюк Британияда фаолият юритаётган барча банклар Англия Банкидаги (депозит) ҳисобида жами жалб қилган депозит суммасининг 0,35 фоизини сақлаши зарур). Бу ўрнатилган резерв нормаси бўлиб, Англия банкининг бош даромад манбаи ҳисобланади.
2. Бошқа мамлакатларнинг марказий банклари Англия Банкида ҳисоб рақамларига эга ва олтинини сақлашади ҳамда Лондонда ўз ишларини Англия Банки орқали юритишлари мумкин.
3. Ҳукумат ҳисобини Англия Банкида сақлашади, шундай қилиб тўловлар, бюджетга солиқлар ва бюджетдан ижтимоий иҳтиёжларга тўловлар Англия банкидаги ҳисоб рақамидан амалга оширилади.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ Англия Банкининг учта биринчи функциясини қўрсатиш мумкин:

1. Англия Банки тижорат банклари учун хизмат қилади;
2. Англия Банки бошқа марказий банклар учун ҳам хизмат қилади;
3. Англия Банки ҳукумат учун ҳам хизмат қилади.

Англия Банкининг бошқа функциялари:

1. Монитар сиёсатни амалга оширади. Англия банки сиёсат усуллари бўйича маслаҳат беради ва унинг бажарилишига масъулдир, яъни жавобгардир.
2. Банкноталар эмиссиясини амалга оширади.
3. Валюта операциялари ва назоратни амалга оширади, Ғазначилик номидан мамлакатнинг олтин валюта резервини бошқаради.

4. Кредит муассасалари, валюта ва кредит бозорлари –бутунлай банк тизими устидан назоратни амалга оширади.

5. Англия Банки – Европа Валюта Институти (EMI – European Monetary Institute), яъни 1998 йили ташкил этилган Европа марказий банкининг аъзосидир.

Англия Банки формал жиҳатдан ҳукуматга бўйсунмайди, лекин Молия вазирлиги раҳбарлигида ишлайди. Англия Банки Бошқарувчисининг ваколат муддати ҳукуматнинг сайланиш муддатига боғлиқ эмас.

Англия Банкининг баъзи бир функцияларини чуқурроқ ва кенгроқ кўриб чиқамиз.

Англия Банкининг жуда мураккаб ролларидан бири пул-кредит соҳасини тартибга солиш ва назорат қилишни бажаришга тўғри келади. Ушбу функцияни бажаришда Англия банки миллий иқтисодий сиёсат билан уйғунлаштириб, чуқур профессионал билим ҳамда оқилона сиёсий маневрлар билан олиб борилиши талаб этилади. Унинг ҳар бир қадамида турадиган қарашларнинг доираси ўзгаришсиз кенгаяди ва гоҳида қарама-қаршиликларга гирифтор бўлади:

- Ички пул сиёсати манфаати фунт стерлингнинг курсини барқарорлаштириш вазифаларига гоҳида зид келади;
- Янги заёмлар чиқариш йўли билан бюджет камомадини молиялаштириш, ҳукуматни инфляцияга қарши курашиш ҳаракатини издан чиқаради;
- Кредит миқдорлари устидан назорат банклар ўртасида рақобатни рағбатлантириш билан тўғри келмайди.

Шунга қарамай, Англияда иқтисодиётни пул-кредит усули билан тартибга солиш давлатнинг монополистик аралашувининг муҳим инструментлари бири бўлиб қолмоқда, бунда марказий банкнинг роли ниҳоятда каттадир, бундан ташқари давлатга қарашли таъсири катта бўлган бирон-бир бошқа кредит муассасаси мавжуд эмас.

Марказий банкнинг биринчи мақсади миллий валюта қийматини ушлаб туриш ҳисобланади. Пул сиёсати асосан пул улчов бирлиги қийматини реал барқарорлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир. Буюк Британияда пул сиёсати энг аввало фоиз ставкаси билан тартибга солиш ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда “барқарор баҳо даражаси” тушунчаси кўп давлатларда амалий мазмун билан тўлдирилмоқда. Уларни кўпчилигида барқарорлик жуда паст даражадаги инфляция билан боғлиқдир. Беқарорлик ҳолатида барча айб пул сиёсатини ночор бошқарилишига ёки уни бутунлай йўқлигига тақаб қўйилмаслиги керак.Унинг сабаблари, тартибга асосан яна ҳам чуқурда яшириниб ётибди. Хуллас ўтган асрнинг 70-йиллари бошларида қисқа муддатли барқарорлик мақсади ва баҳолар барқарорлиги нефт инқирози таъсири остида ва касаба иттифоқларининг талабларини кучайиши оқибатида бир-бирига қарма-қарши ҳолатда юзага келган, бу шароитда марказий

банклар, аҳволни ўзгартириш учун бирон-бир чора қилишнинг иложи бўлмаган.

Ҳозирги пайтда Англияда баҳо барқарорлигига эришишни иккита йўналиши мавжуд:

1. ўртача инфляция даражасининг 25 % ёки ундан паст даражасига эришиш;
2. пул сиёсатини амалга ошириш режимида яна ҳам очиқликка (эркинликка) эришиш.

Монитар сиёсатни олиб боришда, яъни энг аввало фоиз ставкаси даражасини аниқлашда инфлацион мақсадга етишни таъминлаш Англия Банкига ва Ғазначиликка юклатилган (Англия Банки бошқа банклардан фарқи ҳукуматга бўйсунмай ҳаракат қила олмайди). 1946 йилда Англия Банки тўғрисидаги қабул қилинган АКТга мувофиқ Ғазначиликка Англия Банкига кўрсатма чиқариш ваколати берилган, ваҳоланки Ғазначилик ҳеч қачон бу ҳуқуқдан фойдаланмаган. Уларни ўртасида муносабат шундайки фоиз ставкаси бўйича финал қарорни Молия Вазири қабул қилади. Шунга қарамай, Англия Банки қарор қабул қилишда жуда муҳим рол уйнайди. Эндиликда Англия Банки Инфляция бўйича (Inflation Report) чораклик ҳисоботни, яъни фоиз ставкаси бўйича Вазир ва Бошқарувчининг протокол учрашуви бўлиб ўтиб, 6 ҳафтадан кейин чоп этилади, унда информациялар чуқур таҳлил этилган мазмунга эга бўлади.

Англия Банки инфляция ва фоиз ставкаси бўйича Ҳисобот тайёрлашда эътиборни ички ва ташқи иқтисодий ва монитар омилларга қаратади. Фоиз ставкаси бўйича Банк Кенгаши саноатга ва Англияни турли ҳудудийларидаги савдога таъсир қилувчи информацияларни ўзгаришини ҳам ҳисобот акс эттириб ўтади.

Фоиз ставкаси.

Англия Банки ички пул бозорида ўзини ролини бажара бориб, қисқа муддат доирасида фоиз ставкасига таъсир қилади. Англия Банки ҳукумат банки бўлиб, ҳукумат ҳисобидан тижорат банклар ҳисобига ва тескари тўловлар оқими характерини жуда ҳам аниқ айтиб беришга қодир. У вазиятга қараб ҳаракат қилади. Қачонки тўловлар оқими банклар ҳисобидан ҳукумат ҳисобига қайтиш оқими кўпайса, шундай вазият юзага келадики, бунда банк активларининг ликвидлик запаси камаяди ва пул бозорида маблағларнинг етишмаслиги ҳолати пайдо бўлади. Тескари ҳолатда нақд маблағларнинг ошиқчалиги юзага келади, яна ҳам одатий ҳолатда – дефицит ҳам бўлиши мумкин, Бу ҳолатларни Англия Банки бартараф этиб туради, у шундай фоиз ставкаси ўрнатиши мумкинки, унда маблағлар ҳар куни етарли даражада таъминланади.

Англия Банки ҳар битта банк билан индивидуал ишламаслиги учун, воситачи сифатида ҳисоб уйларини ишга солатади. Улар ихтисослашган дилерлар бўлиб, уларда савдо векселлари запаси мавжуд бўлади ва зарур бўлганда бош банклар ошиқча маблағни уларга жойлаштирадилар. Ҳисоб

уйлари Англия Банкининг заём хизматларидан фойдаланади, яъни ҳисоб уйларининг қимматли қоғозларини сотиб олиб ёки ссуда бериб уларни нақд маблағлар билан таъминлайди. Бу операцияларни амалга оширишда қўлланадиган ставкалар, умуман иқтисодиёт учун белгиланган фоиз ставкасига таъсир қилади. Қачонки Англия Банки бу ставкани ўзгартирса, бирданига тижорат банклари ўзларининг база ставкаларини ўзгартиришади, чунки уша бўйича депозит ва ссуда фоизи ставкалари аниқланади.

Валюта курси.

Фоиз ставкаси ички пул шарт-шароитларига, яъни кредит шарт-шароитига, истеъмол талабига, инвестицияга, маҳсулот ишлаб чиқаришга ва баҳоларга таъсир қилади. Улар худди шунингдек фунт стерлингнинг бошқа валюталарга ўтказиш қийматига ҳам таъсир қилади. Бошқа тенг шароитларда, фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, фунт стерлинг шунча кўп хорижий маблағларни ўзига жалб қилади, улар фунт стерлингнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан юзага келадиган валюта курсига таъсир қилади.

Англия Банки мамлакат олтин ва валюта запасларини ишлатиб, валюта курсига таъсир қилиши мумкин. Англия Банки Ғазначилик номидан запасларни бошқаради. Резервлар махсус ҳисобда сақланади, у Валюта Тенглаштириш Ҳисоби (Exchange Equalisation Account) деб аталади. У 1930 йилларда фунт стерлингнинг “ташқи қиймати” кутилмаганда тебраниши олдини олиш мақсадида ташкил этилган. Жараён валюта интервенцияси деб аталади, уни мазмуни шундан иборатки, қачонки валюта курсининг пасайишини ушлаб туриш керак бўлса, хорижий валютага Англия Банки фунт стерлингнинг сотиб олади, курс кўтарилмаслигига ҳаракат қилиб уларни сотади. Бу операциялар, албатта бозорда фунт стерлинг курсини аниқ белгилаб бермаслиги мумкин, зеро расмий интервенция билан бир қаторда кўпгина бошқа усуллар ҳам мавжуд.

Буюк Британия 1990-йил 8 октябрдан бошлаб Валюта курси механизми (ERM – exchange rate mechanism) аъзоси бўлган, шунинг учун ҳам хорижий валюталарга нисбатан ўз валюта курсини маълум доирада ушлаб туришга мажбур бўлган. 1992 йилнинг 16 сентябрдан ERM дан Англия чиққандан кейин сузиб юрувчи валюта курсига ўтилган.

Қисқа вақтли фоиз ставкаси ва валюта интервенцияси Буюк Британия монитар сиёсатининг тамойилиал инструменти ҳисобланади. Ўтган даврда бошқа инструментлар ҳам ишлатилган. Мисол учун, 1980 йилларнинг бошларида Англия Банки муомалада пул массасини камайтириш мақсадида, ҳукумат эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган давлат қарзининг катта қисмини сотиб юборган. 1985 йили бу сиёсат бекор қилинган. Бошқа инструментлар, шулардан “банк кредитларига чекловларнинг” махсус нормаларнинг киритилиши (1971 йили бекор қилинган); Англия Банкида банкларга омонатларни қанчалик тез ўсишига мувофиқ резерв сақлашга талаби (1980 йилда бекор қилинган); мижозларга бериладиган кредитлар

миқдорини камайтиришга, банк кредитлари бўйича қўлланмани чоп этишга қаратилган.

Ҳозирги замон монитар сиёсатнинг муҳим инструментларидан бири резерв сиёсати ҳисобланади, бунда марказий банк томонидан тижорат банкларига ва бошқа кредит институтларига мажбурий (минимал) резерв талабини ўзгаришига асосланган амалиёт киритилади. Барча пул-кредит назоратининг асосий қуроллари биринчи навбатда марказий банкдаги кредит муассасаларининг резерв ҳисобидаги қолдиқ миқдорини тартибга солишга ёки бу ҳисобни тўлдириш шарт-шароитига йўналтирилган.

Тарихан мажбурий резервлар тижорат банклар учун доимо омонатчиларга депозитларни қайтариш бўйича ва бошқа банқлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда тўлов мажбуриятларини узлуксиз бажариш учун ривожланган. Бошқа сўз билан айтганда марказий банкда сақланаётган тижорат банкининг касса резервлари, депозитни қоплаш учун кафолат фонди бўлиб хизмат қилади.

Юқори ривожланган икки табақали банк тизими яратилиши билан, марказий банк ҳисобига тижорат банкларни жойлаштирадиган касса резерви, омонатлар бўйича қарзни қоплаш учун кафолат фонди бўлиши амалиёти тўгатилди. Бу ерда банк операцияларини амалга оширишни ташкил қилиш техникасининг яхшиланиши ҳамда депозитларни суғурта қилиш тизимини яратилиши ҳам маълум рол ўйнади. Баъзи бир иқтисодчилар таъкидлаганидек, ҳозирги замон банкларида ўзининг 2 фоиздан юқори бўлмаган пул маблағларини керагида бўлишлигини етарли деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги пайтда минимал резервлар иккита мақсатга қаратилган:

1. улар тижорат банкларининг доимий ликвидлигини таъминлаши лозим;
2. улар, пул массасини, тижорат банкларини тўловга ва кредитга қобилиятлигини тартибга солиш учун марказий банкнинг инструменти ҳисобланади.

Марказий банк томонидан кўрсатилган резервлар нормаси билан тартибга солиниши бевосита тижорат банкларнинг айланма фонди миқдорига таъсир қилади, бу ўз навбатида уларнинг кредит-молия салоҳиятига таъсир кўрсатади. Мажбурий резервлар нормаси кўпайганда банкларнинг айланма фондлари миқдори камаяди ва тескари ҳолатда, яъни резервлар нормаси камайса, айланма фондлар миқдори кўпаяди.

Ҳақиқатда, мажбурий резервлар тижорат банкларининг касса (пул) резервларини бир қисмини ўзида мужассамлаштиради, улар нақд-пул шаклида доимо сақланиши зарур, ҳеч бўлмаса депозитларни жалб қилганлиги, заём ва кредитларни олганлиги мажбуриятининг таъминоти сифатида марказий банкда омонат шаклида ёки қимматли қоғозлар шаклида сақланиши зарур. Банк амалиётида марказий банкдаги махсус ҳисоб рақамида сақланётган банк резервининг улуши қонун билан киритилган ва у “резерв талаблари”деб номланади. Айнан мана шу, улуши ўнчалик катта

бўлмаса ҳам мажбурий резервлар тизимида олдиндаги жойлардан бирини эгаллайди.

Одатда марказий банкда тижорат банкларининг минимал қолдиқ (баланси), яъни мажбурий резервлар нормаси-кредит институтларининг активи ёки пассивининг тегишли моддасига мувофиқ фоиз муносабатида миллий банк қонунчилиги билан белгиланади. Резервлар нормаси банкнинг фаолият муддатига қараб, банк активлари ва пассивлари миқдорига қараб, улар тарафдан жалб этилаётган депозитларнинг тури (талаб қилиб олгунча, муддатли, йиғилиб бориладиган, махсус ва бошқа омонатлар) ва миқдорига қараб, миллий ва ҳорижий валютада эканлиги, омонатчининг фуқаролиги (резидент ёки норезидентлиги), банкнинг қайси ҳудудийда фаолият юритаётганлиги ва бошқа шарт-шароитларга қараб диффиренцасия қилиниши мумкин.

Умуман олганда минимал резервлар миқдори икки хил усул билан аниқланиши мумкин, яъни банк активларига нисбатан ёки банк пасивларига нисбатан. Банк пассивларига нисбатан резервлар талабини аниқлаш усули анча эски усул ҳисобланади. Унинг мазмуни шундан иборатки, тижорат банклари мижозлардан жалб этилган депозитлар учун марказий банкдаги ҳисоб рақамида мажбурий равишда резерв ташкил қилишлари зарур. Олдин эслатиб ўтилганидек, Буюк Британияда тижорат банклари Англия Банкидаги ҳисобида фунт стерлингда жалб этилган депозитлари учун 0,35 фоиз резерв сақлаши зарур. Баъзи бир давлатларда минимал резервларни ҳисобланиш базаси бўлиб берилган кредитлар миқдори ҳисобланади. Амалиётда пассивлар бўйича мажбурий резервлар нормаси, банкнинг жами пасивларига ёки уларни баъзи бир моддаларига нисбатан қўлланиши мумкин. Марказий банк томонидан бунақанги танланган ёндашувнинг қўлланиши, банкларнинг у ёки бу турдаги депозит операцияларини рағбатлантириш ёки чегараланиш мақсадида амалга оширилади.

Банк пассивларига нисбатан резерв талабларини аниқлаш усулининг турли туманлиги, банк пассивларининг умумий миқдори ўзгаришига минимал резервларнинг ўрнатилиши усули (яъни асосий корреспондент ҳисобга пулнинг тушиши натижасида ва ундан пул маблағларини берилиши шаклланади, маълум вақтдагина уларнинг қолдиғи кўпайиши ёки камайиши мумкин).

Иккинчи усул, банк активларига нисбатан резерв талабларини аниқланиши ҳисобланади, у ҳақиқий француз ихтироси бўлиб, амалда жуда кам қўлланилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, кредит қўйилмаларини умумий юқори қисмига ёки уларни ўсишига лимит (миқдорий чегара) ўрнатилишидир. Шуни қайд этиш лозимки, кўрсатилган параметрлар ҳар битта банк учун индивидуал тартибда белгиланади. Худди шундай, банк томонидан битта мижозга бериладиган кредитнинг миқдори ва сони ҳам лимитланиши мумкин. Бунақанги директив параметрлар “кредит потолоклари” деб ном олиб, ҳудди шундай кредит потолоклари методи деб аталган. Англияда бу метод 1971 йилгача ишлатилган. Ўрнатилган кредит

лимитларини бузган тижорат банклари учун, Англия Банки томонидан юқори ҳисоб фоизи тўлаш кўринишида ёки ушбу лимитдан ошган тенг сумма Англия Банкидаги фоизсиз ҳисобга мажбурий ўтказиш билан жазолашга тортилган.

Шундай қилиб, марказий банк кредит чегараланишлари техникасини қўллаб, муомаладаги пул массасини ўсиш даражасини тартибга солиш мумкин.

Резерв базасини банк пассивларига ёки активларига нисбатан аниқлашни ҳар бир усулининг ўзига хос афзалликлари ва камчиликлари мавжуд. Бир томондан мажбурий резервлар банк ликвидлигини яхшиланишига кўмаклашади, (агар у банкнинг пассив операциялари асосида ҳисобланса). Ушбу ҳолатда уларнинг иқтисодиётга таъсири ўртача бўлади. Пассив операциялар бўйича мажбурий резервларнинг ўрнатилиши банк томонидан бериладиган ссудаларнинг камайишига олиб келади, яъни ресурслар қимматлашади (агар банк умумий актив кредит операциялари миқдорини камайтириш ниятида бўлмаса). Бунинг натижасида банк томонидан актив операциялар бўйича оладиган фоиз ставкаси ўсади ва кредитлар миқдори камаяди. Бошқа тарафдан, кредит операцияларига асосланган мажбурий резервларнинг нормалари, тўғридан-тўғри инвестиция киритилишига тўсиқ, яъни чегараланиш бўлади ва умуман ўртача фоиз ставкасини ушлаб туриш имкониятини туғдиради. Мустасно давр ҳам бўлади (марказий банк мисол учун, хорижий капитални жалб этиб мамлакат тўлов балансини тартибга солишга қаратилаётган сиёсат юритаётган бўлса). Банк активларига нисбатан резерв талабларининг ўрнатилиш усули сезиларли камчиликлардан ҳоли эмас. Кредитни чегаралаш - бу кредитга жуда қаттиқ таъсир қилиш шакли ҳисобланади. Ўз навбатида бунақанги амалиёт мамлакатда актив фаолиятнинг пасайишига олиб келади, умуман банк тизимини амал қилишини ёмонлаштиради, банк фаолиятида рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, кичик ва ўрта фирмалар томонидан банк кредитини олишни қийинлаштиради, уларни тўловга ва кредитга қобилиятини ҳамда молиявий аҳволини ёмонлаштиради.

Охир оқибатда резерв нормалари тижорат банклари рентабеллигига салбий таъсир кўрсатади, марказий банкнинг махсус рақамида банкларнинг пассивлари ёки активларининг бир қисмини “музлатилиши” банк даромадларининг камайишига олиб келади. Олинмаган фойда юзага келганлиги оқибатида, банклар кредитлар бўйича фоизни ошириш ҳисобига ёки жалб қилинган маблағларга тўланадиган фоизларни камайтириш йўли билан йўқотилган фойдани қоплашга ҳаракат қиладилар.

Буюк Британияда жуда қисқа муддат оралиғида кредит чеклашлари амалиётда қўлланилган. Кўпгина ғарб иқтисодчилари фикрига қараганда ушбу усул инфляцияга қарши курашишда анча-мунча самарали хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, марказий банклар инфляция кучаяётган ёки тўлов баланси инқирозга учраган даврда банк кредитлари миқдорини тўғридан-тўғри чеклашга боришади.

Марказий банк олдида тижорат банкларининг мажбуриятларини бажарилиши (ушлаб турилишини) ҳисоботи даври билан ва бажарилиш даври ўртасидаги муносабатни баъзи бир вариантлари мавжуд, қайсики бу даврда минимал резервлар суммаси резерв ҳисобида сақланиши зарур. Мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб даври ва бажарилиш даври турли давлатларда бир хил эмас.

Масала шундаки, кўрсатилган резервларнинг ҳисоб-китоб даври билан сақлаш даври ўртасида интервал вақт миқдори турличадир. Ушбу интервал қанчалик катта бўлса, бу вақтда пул-кредит соҳасидаги аҳвол билан резервларнинг миқдори шунча кам реал боғланган бўлади, худди шунингдек марказий банкнинг, айниқса қисқа муддатдаги тартибга солувчи чора-тадбирлари самараси шунча кам бўлади.

1980-йилларда баъзи бир давлатларда молиявий либераллашув курсининг ўзгариши билан минимал резервларнинг пул-кредит сиёсатида ролининг самараси камайиб кетди. Бари бир кредит институтларини жорий ва муддатли омонатларини қабул қилиш ва сақлаш ҳозирги замон марказий банкларнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб қолиши давом этмоқда (ваҳоланки марказий банклар балансида бу депозитларни улуши унчалик катта бўлмаса ҳам). Бу сиз марказий банклар ўзининг қолган функцияларини, яъни “банкларнинг банки”, “ҳукуматнинг банкири ва кассири”, расмий пул-кредит ва валюта сиёсатини олиб бориш, иқтисодиётга зарур бўлган нақд пулсиз ва нақд-пул шаклидаги миқдор билан таъминлаш, давлатни ички ва ташқи қарзини бошқариш, банклар ва молиявий бозорлар устидан назоратни олиб бориш каби функцияларини бажара олмайди.

Англия Банкининг муҳим функцияларидан бири - давлат қарзини бошқариш ҳисобланади. Англия ҳукумати солиқлар кўринишида оладиган тушумга нисбатан одатга кўра бюджетдан ошиқча сарф-ҳаражатларни амалга оширади.

Ҳукумат билан бозор ўртасидаги ҳар кунлик маблағларнинг оқими Англия Банкидаги Миллий Кредит Фонди (National Loans Fond - NLF) ҳисобидаги маблағ ҳаракатида ўз аксини топади. NLF нинг қисқа муддатли дефицити юзага келган пайтда, уни Англия Банкидан маблағ олиб қоплаш мумкин, ошиқча бўлган маблағ Банкга жойлаштиради.

Бунақанги тўғридан тўғри молиялаштириш фақат қисқа муддатли бўлиб ва Англия Банкининг тамойилиал роли ҳисобланади, қайсики у Ғазначилик номидан иш тутиб, маблағларни жалб этиш мумкин. Англия Банки амалдаги қарзлар миқдорини ва ҳукуматнинг янги қарзларини назорат қилади. Ҳукумат заёмининг учта асосий шакли мавжуд бўлиб, улар **ғазначилик векселлари, ҳукумат фонд қоғозлари** (номи чиққан, жуда юқори ишончга эга бўлган қимматли қоғозлар) ва **валюта бозоридаги заёмлар** ҳисобланади.

Ғазначилик векселлари – бу Англия Банки томонидан ҳар ҳафтада мунтазам равишда чиқариладиган қисқа муддатли (одатда 3 ёки 6 ойлик) қимматли қоғозлар IOU – I owe you. Уларнинг бош мақсади, ҳукумат ҳаражатларини молиялаштириш ҳисобланмайди, балки монитар сиёсат

ўткаришга ёрдам бериб, тизимдан нақд маблағни чиқариб олишдир. Муомалага чиқариладиган векселларнинг сони келгусидаги маблағлар оқимига боғлиқ. Векселлар, улар қопланайдиган таннархидан паст баҳода сотилади, дисконт фоиз ставксида ўз аксини топади. (Мисол учун, вексел 3 ой муддат билан, фоиз ставкаси 7 % бўлса, 1 000 000 ф.ст., 983 000 ф.ст. сотилади. Шунда 3 ойлик фойда 17 000 ф.ст. ташкил этади, йиллик фоиз ставкаси 7 % тенг бўлганда). Векселлар бозорда бир неча бор сотиб олиниши ва сотилиши мумкин.

Ҳукуматнинг юқори ишончли қимматли қоғозлари – бу узоқ муддатли қимматли қоғозлардир (уларнинг ҳаёти 5 йилдан 40 йилгача чўзилади), улар ҳукумат ҳаражатлари даромадларидан ошиши натижасида юзага келайдиган дефицитни молиялаштириш учун чиқарилади. Улар бўйича фоиз купон фоизини ўзида акс эттиради ва ҳар 6 ойда тўланади. Мисол учун, “8 % Teasury Stock 2015” қимматли қоғозининг номинал қийматидан уни эгасига йилига 8 % тўлаш кўзда тутилган, у 2015 йилга бориб тўлиқ қопланади. Облигациялар “биринчи даражали” қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлади, уларни баҳоси фоиз ставкасининг ўзгаришига, бозордаги шарт-шароитга, узоқ муддатли қимматли қоғозларга инвесторларнинг тўлашга тайёр бўлган баҳоларига қараб ўзгаради.

Бош мақсад- ҳар йили етарли миқдорда шунақанги қимматли қоғозларни сотиб, давлат секторининг маблағга бўлган эҳтиёжининг қондириш, бюджет дефицитнинг (PSBR – public sector borrowing requirement) қоплаш, қайсики унинг таркибига нафақат ҳукумат бюджети, балки маҳаллий органларнинг бюджети ва давлат корпорациялари ҳам киради. Қачонки бюджет даромадлари ҳаражатлардан ошса (бундай ҳолат Англияда 1980 йилларни охирида бўлган), мақсад – бу қимматли қоғозларни сотиб олиб бюджетни тенглаштириш, яъни уларни оборотдан чиқариб олиш.

Бу қимматли қоғозларни (2 млрд.ф.ст. суммага тенг) янги пакети аукционга, яъни ким ошди савдосига қўйилган. 1995-1996 молия йилида 8 та аукцион ўтказиш мўлжалланганди. Облигациялар жуда камдан кам ҳолатларда номинал қиймати билан сотилади, шунинг учун, у қопланаётганда йиллик даромади купон фоиз ставкасидан (купон даромадидан) фарқланиб туради (Мисол учун, агар 20 йиллик облигация, қиймати 100 ф.ст. 8 % купон фоизи билан 98 ф.ст.сотилаётган бўлса, унинг даромадлилиги 8,2 % ни ташкил этади). Кам миқдордаги облигацияларни “биринчи даражали” облигацияларнинг иштирокчилари (GEMM – gilt-edged market dealers) иккиламчи бозорда таклиф-талабдан ошиқча бўлган тақдирдагина муомалага чиқаришади. Ушбу бозорнинг иштирокчилари, булар Англия банки билан тўғридан-тўғри контактда бўлган дилерлардир. Англия Банки барча чиқарилган облигациялар пакетини бирданига сотмаслиги мумкин, қулай шароитни пойлаб, бозордаги аҳволга қараб аста-секин сотиши мумкин. Облигациянинг шакли, муддати ва сони тўғрисида қарор ушбу вақтдаги бозордаги шарт-шароитга қараб қабул қилинади. Ҳеч

қайси ҳолатда ҳам ўзгармас шарт бор, у ҳам бўлса облигация инвестор учун доимо жозибадор бўлиши лозим.

Англия Банкининг Рўйҳатдан Ўтказиш Департаменти “биринчи даражали” қимматли қоғозларни ушлаб турганларнинг реестрини юритади. Бу маълумотларни қайта ишлашнинг бош усули, қимматли қоғозларнинг бир миллионга яқин ҳисобини қайд этади, йили бўйи эса бу ярим миллионга яқин бўлди. Бунга қўшимча равишда Англия Банкида Central Gilts Office мавжуд бўлиб, у орқали “биринчи даражали” облигациялар иштирокчиларининг автоматлашган тўловлари ўтади.

Валюта заёмларини турли-туман шакллари мавжуд, уларнинг миқдори ҳукумат валютада резервлари тузишни хоҳлаш-хоҳламаслигига боғлиқ. Валюта заёмлари бошқа валютада акс эттирилган облигацияларни ва Халқаро Валюта Фондидан (1960 ва 1970 йилларда) олинган қисқа муддатли кредитларни ўз таркибига киритади. Заёмларнинг анча қисми ECU да бўлиб, 1 ой муддатли ғазначилик вексели шаклида ва 3 йил муддатли ғазначилик чиптаси шаклида бўлади.

“Англия Банки “ – Англияда ва Уэльсда ягона эмиссион институтдир. (Монеталарни Ғазначилик номидан Қироллик зарбхонаси чиқаради ва уларни чиқариш Англия Банки ваколатига кирмайди). Банкнота чиқаришдан олинадиган барча фойда ҳукумат ихтиёридадир.

Англия Банки ўз банкнотларини мана 300 йил давомида чиқариб келмоқда. Эмиссия катта меҳнат ҳаражати ва кичик бўлмаган маблағларни талаб қилади. Банкнотларни дизайни ва уларни чиқариш Эссексда жойлашган Банк чоп қилиш фабрикасининг вазифасига киради. Банк нафақат пул чоп қилади, у ўзининг (5та бўлими: Бристол, Бирмингем, Лидс, Манчестер ва Ньюкаслдаги) бўлимлари орқали, бутун давлат бўйича тижорат банкларини таъминлайди, муомаладан яроқсиз бўлиб қолган купюраларни чиқариб олади. Бирлиги 5 ф.ст. қийматидаги купюрани ўртача муомаладаги муддати 1 йил, 50 ф.ст.нинг муддати 3-4 йил.

Агар олдинлари банкнотларни олтинга алмаштириш мумкин бўлган бўлса, 1844 йилдан бошлаб эмиссия фидуциар ҳарактерга эга, яъни ҳукумат муомалага хоҳлаган миқдордаги пулни чиқариш мумкин, Банкнинг қарз ишончномаси сейфига уларни жойлаштирган ҳолда. Амалиётда эмиссия миқдори ҳукуматни заёмларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб тиқиштирилмайди, балки пул муомаласи ўзининг эҳтиёжидан, тижорат банклари томонидан пул белгиларига талабни Англия Банкининг таъминлаш имкониятидан келиб чиқиб аниқланади. Шунинг учун, нисбатан унчалик катта бўлмаган миллий қарз Эмиссион Департаментнинг зиммасига тушади.

Турли давлатларда кредит-молия муассасалари устидан ўрнатилган назорат, бу фаолиятнинг ташкил қилинганлиги шакли ва тизимнинг ички тузилиши билан ажралиб туради. Назорат функцияси фақатгина марказий банк ваколатига кирадиган давлатлар қаторига Буюк Британия ҳам киради.

Англия Банки назорат функциясини қуйидаги йўллар билан амалга оширади :

- дастлаб молиявий муассасаларнинг банк хизмати бозорига чиқишини тартибга солиш йўли билан назоратни амалга оширади. Банкларнинг ташкил қилиниши банк қонунчилиги билан тартибга солинади. Мисол учун, банклар учун дастлабки капиталнинг минимал миқдори 5 миллион фунт стерлингдан ва бошқа кредит институтлариники 1 миллион фунт стерлингдан кам бўлмаслиги зарур;
- банклар учун иқтисодий нормативларни ва фаолият нормаларининг ўрнатилиши ҳамда уларга риоя қилинганлиги устидан ҳужжатли текширувни амалга ошириш йўли билан;
- жойларда инспекцион текширув ўтказиш билан (Англияда бу мажбурият ташқи аудитга юклатилган);
- аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича кредит муассасаларига талабномалар қўйиш ва банклар томонидан уларнинг аниқ бир белгиланган муддатда бажарилишини назорат қилиш;
- зарурият бўлганда кредит муассасаси фаолиятига аралашиш.

Банк назоратини такомиллаштириш.

Бэрингс ва Банк оф кредит энд коммерс интернешнл банкларининг банкротликка учраганлиги банк назорати тизимининг заиф жойлари борлигини кўрсатиб қўйди, шунинг учун ҳам лейбористлар томонидан Англия Банки қаттиқ танқид остига олинди, ҳаттоки улар Англия Банкидан назорат функциясини тортиб олиб ва уни банк комитетига бериш таклифини киритдилар. Лекин Британия банк уюшмаси бунақанги чора-тадбирга қарши чиқди, чунки молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш бўйича вазифалар ва улар томонидан банк назоратини амалга ошириш чамбарчас боғлиқдир. Собиқ “Артур Андерсон” консалтинг фирмасининг таклифига асосан Англия Банки назорат департаментини қайта ташкил қилишни режалаштирди, ҳамда ҳозирги замон технологияларини фаол қўллай бошлади. Бир вақтнинг ўзида Банк ва “Артур Андерсон” вакиллари таъкидладиларки, Буюк Британияда банк назорати фалсафасини тубдан ўзгартириш зарурияти йўқ. Эндиликда назорат органлари банклар тўқнаш келадиган рискларни мунтазам равишда инобатга олишлари зарур. “Артур Андерсон” фирмаси, яъни “рискларни баҳолаш модели ва назорат инструментлари” тўғрисида махсус компьютер дастури ишлаб чиқди, Англия Банки уни келгусида амалда қўлламоқчи. Бир вақтнинг ўзида Банк назорат функциясини бажарилишининг сифати устидан доимий ички назоратни амалга оширишни режалаштирмоқда. “Артур Андерсон” банк ва молиявий компаниялар фаолиятини тартибга солинишини такомиллаштириш бўйича Англия Банкига тавсияномалар билан маъруза чоп қилишди. Маъруза хулосаларини “Йирик ўзгаришлар дастури” деб атаб, уни Банк маъқўллади. Англия Банки ишининг бу соҳадаги камчиликлари қуйдагилардир:

1. йирик банкларнинг кенг тарқалган тармоқларини қўзатиш учун, назорат идораларининг ресурслари етмайди;

2. депозитларни қабул қилувчи ва қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказувчи фирмалар, банклар ва кўпгина ҳозирги замон молиявий институтлар уларни ўтказишда албатта рискларга тўқнаш келадилар;

3. тартибга солувчи идоралар ҳамма вақт ҳам банклар қандай рискларга тўқнаш келишини аниқ тасоввур қила олмайди;

4. яқин вақтларгача тартибга солувчи идоралар ўзининг ишида суммали қўрсатгичларга таянар эди. Бошқаришда ночор жойларни аниқлаш ва ички назорат жуда муҳим вазифаларни ўзида мужассамлаштиради. Уларни ўзгартиришни Англия Банки эълон қилди, келгусида у молиявий инструментлар билан амалга ошириладиган соҳадаги инспекторлар ва экспертларни янада кўпроқ жалб қилишни кўзда тутмоқда. Банкларни мониторинг қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу ислоҳотлар натижасида Англия Банкининг назорат соҳасига сарфлайдиган ҳаражатлари (1997 йилда 35 млн. фунт стерлинг эди) 7-8 миллион фунт стерлингга кўпайиши мумкин.

Тижорат банклари

Британия банк тизимининг иккинчи поғонаси тижорат банклари ва молиявий компаниялар ҳисобланади.

Британия тижорат банклари тизими жуда кучли дифференциялашган. Унда махсус банклар тамойили амал қилади. Унда иккита анъана кузатилади: бир томондан, пул талаби ва таклифи ўзгаришига банкларни мослаштиришга ҳаракат қилиб, ихтисослаштириш, иккинчи тарафдан, йирик тижорат банклари ва хориждаги жамғарма кассалар операцияларини кенгайтириш анъанаси (тенденцияси) амал қилмоқда.

Англия Банки Англияда тижорат банклари учта гуруҳга бўлинади:

1. депозит (чакана (retail banks) банклари ёки “кўчанинг бош банклари (high street banks))”;
2. ҳисоб уйлари;
3. акцепт уйлари, хорижий банклар, бошқа банклар.

Депозит банклари

Англиянинг муҳим депозит банкларига клиринг банклари киради. Булар энг йирик акциядорлик банклари бўлиб, улар клиринг мажбурияти билан боғланган. 60 йилларнинг охирида жуда йирик қўшилишлардан кейин, барча клиринг банклар “катта тўртлик”: “Барклайз”, “Нэшнл вестминстер бэнк”, “Мидленд бэнк” ва “Ллойдс бэнк”ка бирлашди. Яна 2 та банкни қўшиш мумкин –“Уильямс энд Глайнс” (уни “Стандарт Чартед” назорат қилади) ва “Каутс” (уни “Нэшнл вестминстер бэнк” назорат қилади). Ҳозирги вақтда бу олтита банкнинг Англияда ва Уильсда 12 мингдан ошиқ бўлимлари мавжуд.

Англиянинг йирик банкларига Шотландияда ва Шимолий Ирландияда ўз филиалларини очиш тақиқланган, шунинг учун улар кўпинча маҳаллий депозит банкларда иштирок этишади (Шотландия ва Шимолий Ирландияда тижорат банклари сиёсатига таъсир қилиш имкониятига эга бўлиш учун). Бу 6 та банкларга (уларнинг шўъба компаниялари билан биргаликда олганда) барча депозит банкларнинг қарийб 90 % операциялари ва Буюк Битания банк омонатларининг тенг ярмига тўғри келади. Бошқа мамлакатларга солиштирганда, Англиянинг гигант банклари 70-йилларнинг бошларида юқори позицияни эгаллаган бўлса, 80-чи йилларнинг бошларида уларнинг халқаро аҳволи ёмонлашди ва пасайди.

“Барклайз бэнк” Буюк Британияда энг йирик банк ҳисобланади. Унинг атрофида кўпгина “шўъба” компаниялар гуруҳланган, худди бошқа гигант банклар сингари. “Барклайз бэнк Ю.К.Менежмент Лимитед” дан ташқари, яна бошқа “шўъба” компаниялари мавжуд “Барклайз бэнк”нинг уларда 100 % улуши иштирок этади. Бу – “Барклайз Мерканд ЛТД” 50 та давлатда 1650 филиали билан, “Барклайз Иншурэнс Сервис Компани ЛТД” (суғурта компанияси сифатида) ва “Барклайз бэнк траст компани”. Яна “Барклайз Экспортэнд Файненс Компани Лтд., у лизинг, экспортни молиялаш ва факторинг операцияларини бажаради. Бундан ташқари яна кўп кичик “шўъба” компаниялари мавжуд.

Клиринг банкларининг асосий операциялари – омонатларни қабул қилиш ва кредитлар беришдир. Клиринг банклари йирик, ўрта ва кичик саноат корхоналари ҳамда аҳоли учун тўловларни амалга оширади. Бу банклар ўртасидаги тўлов оборoти, клиринг келишуви доирасида, яъни ўзаро талабларни инобатга олиш ва қолдиқларни ўтказиш усули билан амалга ошади. 70-чи йилларда ҳар йили ушбу банклар ўртасида 1 млрд. фунт стерлинг атрофида чеклар ёрдамида ҳисоб китоблар амалга оширилган. Клиринг банкларида универсаллашиш тенденцияси кучли намоён бўлмоқда ва улар яна ҳам кўпроқ нобанк хизматларини кўрсатмоқда. Унинг хизматлари: индивидуал қурилишга тайёргарлик, саноатга молиявий операцияларда кўмак кўрсатиш, экспортни тайёрлаш ва молиялаштириш, иш ҳақини ҳисоблаш учун корхоналарга компьютерларни ижарага бериш ва бошқалар.

Клиринг банкларга ҳаётни суғурта қилишда ва саёҳатни ташкил қилишда воситачилик қилиш каби янги йўналишлар кириб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси клиринг банкларни худди молиявий конгломератлар сифатида характерлаб, уларда банк операциялари умумий фаолиятининг маълум қисми бўлиб қолаётганлигини кузатиш мумкин.

Молиявий бозорнинг либераллашганлиги, коммуникация ва компьютер технологиясининг тараққиёти тақдим қилинаётган хизматларни доимий кенгайтириш учун ўта қулай муҳит яратмоқда. Банк хизматлари соҳасида юқори рақобатнинг мавжудлиги банкларни бошқа молиявий институтлар билан бирлашишга ундамоқда. Буюк Британияда – Hong Kong and Shanghai Banking Corporation Holdings деган ниҳоятда йирик, жаҳонда 9-чи ўринни

эгаллаган банк молия бирлашмаси ташкил топиши бу жараёнга яққол мисол бўла олади. Бу бирлашмага капиталлари осиёдан чиққан халқаро компаниялар ва 2-та Британиянинг банклари (Samuel Montagu ва Midland Bank) кирган.

Бу Осиё, Гонконг, Австралия, Янги Зелландия, АҚШ, Канада ва Буюк Британия каби давлатларнинг манфаатлар соҳаси гуруҳидир. Булар ихтисослашган бирлашмалар ва фондлар бўлиб, хусусан Hong Kong Bank Group таркибида Wardly Group ва Midland Group таркибида Montagu Private Equityлардир.

Гуруҳ кўрсатадиган хизматлар тури амалда чегараланмаган:

- чакана ва корпоратив хизмат кўрсатиш;
- савдога хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоб операциялари;
- индивидуал ва инвестицион банк сервиси;
- капитал бозорида хизматлар;
- истеъмолни ва тижоратни молиялаштириш (тўлов муддати кечиктирилган ҳаридни молиялаштириш);
- нафақа ва инвестицион фондларни бошқариш;
- ишончнома бўйича ҳар хил турдаги мулклар устидан васийлик назоратини олиб бориш;
- суғурталаш;
- хавфсизлик ва кўриқлаш хизматлари.

Клиринг банкларига 1968 йилда катта қарзи бўлиб ва йирик банкларни қаршилигига қарамай почта идоралари томонидан тузилган “Нешнл Жиро” (Girobank) сингари, почта пул ўтказишларини бошқарадиган банк институтини ҳам киритса бўлади. “Нешнл Жиро” янги почта ва чек хизматларини кўрсатади ва клиринг банкларга жуда муҳим рақобат муҳитини яратмоқда. Бутл шаҳрида электрон ҳисоб-китоблар маркази тузилган ва “Жиро” банк бўлимлари тармоғи орқали 22 мингта почта хизмати бўлимларининг почта тўловларига хизмат кўрсатади. 1973 йилнинг ўзидаёқ у 500дан ошиқ саноат ва аҳоли ўртасида мижозларга эга бўлган. Клиринг банклардан фарқи, пул ўтказишлар учун улар юқори ва гоҳида айтиб бўлмас йиғимлар олишса, “Нешнл Жиро” олдиндан чоп қилинган ставкаларда, ўта адолатли ставкада тўлов учун хақ олишади. “Меркантил Кредит” махсус банк билан биргаликда почта хизмати сифатида 5 йил муддатгача, имтиёзли шарт билан кредит беради. “Нешнл Жиро” бундан ташқари бошқа мамлакатларнинг худди шундай корхоналари билан ҳам ҳамкорлик қилишади.

Депозит банкларга молиявий уй деб аталувчи, ҳаммадан аввал истеъмол кредити берувчи махсус банклар ҳам киради. Уларнинг 2/3 актив операциялари муддати кечиктирилган истеъмол кредитларига тўғри келади, ўз навбатида бу кредитларнинг 60 фоизидан кўпроғи автомобил сотиб олишни молиялаштириш учун сарфланди. Истеъмол кредити берилишини расмийлаштириш учун мижоз сўровнома шаклини тўлдиради. Ундаги

маълумот мазмунини таҳлил қилгандан кейин, банк кредит берилиши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Кредит берилишидан олдин ссуда миқдори ва қоплаш муддати аниқланади. Ҳозирги вақтда ссуда 500 фунт стерлингнинг 100 мартасидан бошлаб берилади ва юқорисининг чегараланган лимити йўқ. Хусусий шахсларга ссудаларни қопланишини суғурта қилиш имконияти берилади. Ссудадан фойдаланишнинг минимал муддати -5 йил.

Лизинг операциялари жуда катта аҳамият касб этмоқда. Молиявий уйлар йирик банкларни ёки суғурта компанияларни шўъба қорхоналари ҳисобланади, бу банкларнинг кредитини ўз маблағлари билан қўллаб қувватлаб туради. Йирик молиявий уйлар жамғарма омонатларни жалб қилиш имкониятига эга бўлиш ва универсал банкларга ривожланиб айланиш учун банк операцияларини максимал кенгайтиришга ҳаракат қиладилар. Молиявий уйларга савдо марказларидаги (MoneyShops) махсус банк точкаларини ҳам киритиш мумкин. Биринчи махсус банк бўлимлари 1970-йилларда ташкил топган. Бу “Ферст Нэшнл Сити Банк оф Нью-Йорк” Америка банкининг филиали бўлган. Кейинроқ Англиянинг йирик банклари савдо марказларида ўз бўлимларини оча бошлади. 1974 йилнинг охирларида уларни сони 120 тани ташкил этган. Улар банкларда ҳисоб рақамлари бўлмаган шахсларга мўлжалланган. Чек ва кредит карточкалари ишлатилиши йўли билан йирик банклар орқали чек айланишининг кучли ривожланишига қарамасдан, у ҳаммадан аввал хусусий шахсларга мўлжалланган, 1974 йил фақат 35 %, 1981 йили 57 % барча балоғатга етган Британияликларнинг жорий ҳисоб рақамлари бўлмаган. Айниқса ишчилар ўртасида ҳафта ёки ун кунлик (декада) охирида нақд тўловлар кенг тарқалган. Бунга махсус банк бўлимлари фаол иштирок этадилар. Уларда ишончли муҳит имитация қилинади, улар клиринг банкларга нисбатан узоқ, ҳаттоки шанба куни ҳам ишлашади. Улар ҳаммадан аввал хусусий шахсларга, моддий таъминотсиз индивидуал кредитлар беришади. Улар одатий банк ва инвестицион операциялар билан шуғулланишни ҳам бошлашмоқда. Молиявий уйлар банк кредитлари ва векселларнинг ҳисоби ҳамда йирик саноат ва савдо компанияларининг омонатларини жалб қилиш йўли билан пул ишлайдилар.

Депозит банкларининг кейинги гуруҳи савдо банклари (Merchant Banks) ҳисобланади. Улар Англияда кенг тарқалган ва азалий анъаналарга эга. Савдо банкларини ва клиринг банклари билан солиштириб фарқлаш қийин. Улардан энг йириги “Гамброс Бэнк”бўлиб, у 1972 йили Жаҳоннинг илғор банклари рўйҳатида бор-йўғи 172-жойни эгаллаган. Аммо савдо банклари нафақат ички операцияларда, балки халқаро бизнесда ҳам таллуқли ва ишонарли рол ўйнайди. Улар савдо корхоналарида юзага келган, аста-секин банк операцияларини ўзлаштириб олган. Баъзи бир ҳозирги замон савдо банклари банк операциялари билан бир қаторда саноат ва савдо функцияларини ҳам бажаришади. Мана 100 йилдан ошиқ даврдан бери “Н.М. Ротшильд ва ўғиллари”, “Дж. Генри Шредер Вагг энд К”, “Бэрринг Бразерз”, “С.Г. Варбург энд К”, ёки “ЛазардБразерз энд К” савдо банклари амал қилиб

келмоқда. Аммо баъзи бир йирик клиринг банклари ё ўзининг махсус савдо банкларига эга (мисол учун “Барклайз” гуруҳи учун, ёки анъанавий савдо банклари).

Савдо банкларини клиринг банкларидан тафовути ва бир пайтнинг ўзида уларнинг имтиёзи шундаки, улар молиявий аҳволи ва ўзининг операциялари тўғрисидаги батафсил маълумотни чоп қилиши шарт эмас. Ушбу имтиёз сабабли савдо банклари кўп йиллар давомида эркин ривожланиши мумкин. Савдо банклари энг аввало 3-та асосий соҳа билан шуғулланишади:

1. Айнан банкга тегишли операциялари билан. Бунда анъанавий акцепт-кредит операциялари тушунилади. Бу акцептор уйларнинг Қўмитасига ҳам тегишлидир (17 та таниқли савдо банклари “Акцептор уйлар деб номланган Қўмитага” – Acceptiry Houses Committee бирлашганлар). Агар савдо банки векселни акцепт қилишга тайёр эканлигини эълон қилса ва шунинг билан маълум муддатдан кейин вексел тақдим қилинган вақтда тўлайди, бунақанги вексел жуда юқори ишончли ҳисобланади. Агар бу вексел бошқа банкда ҳисобга олинса, у бўйича ҳисоб ставкаси паст бўлиши мумкин. Акцепт, худди шунингдек савдо банкининг тўлов кафолати, чунки бу банкка акцепт ҳуқуқи тегишли бўлади. Шунинг учун ҳам савдо банкининг бу акцепти, қайсидир хорижий банкларнинг кафолатига нисбатан ҳам жуда юқори қадрланади.

Савдо банкининг кейинги операция турларидан бири фунт стерлингда бир кундан 6 ой муддатгача заёмлар қабул қилиш ва бериш ҳисобланади. Аммо шунингдек хорижий валютада омонатлар қабул қилиниши мумкин, лекин кредитлар фақатгина фунт стерлингда берилади. Савдо банклари энг бошида еврооперацияларни пайдо бўлишида жуда катта рол ўйнаган, улардан иккитаси евродоллар ихтирочилари ҳисобланади. Агар йирик маблағлар узоқ муддатга керак бўлиб қолса, унда савдо банклари консорциумларни тузганлар. Бошқа банклар билан ёки маблағларни бошқа эгалари биргаликда консорциумлар қарз мажбуриятларини чиқарганлар, маълум вазиятларда еврозаёмларни муомалага чиқарганлар. Уларнинг фаолият соҳасига экспортни молиялаштириш операциялари ҳам киради.

2. Тадбиркорларга хизмат кўрсатиш. Бу ишбилармонларга маслаҳатлар беришдир (мисол учун, корхоналарни қўшилишида жуда мақбул молиялаштириш имкониятлари аниқлаб топиш; акцияларни ҳарит қилишни мақсадга мувофиқлиги таниқлаш тўғрисида маслаҳатлар бериш ҳамда қимматли қоғозлар бозорига янги шаклдаги қоғозларни киритиш).

3. Қимматли қоғозларни бошқариш. Бу хизматлар нафақат қимматли қоғозларни сақлаш, балки ҳаммадан аввал тегишли жамиятларни назорат қилишдир, уларга саноат ва савдо акционерлик жамиятлари, инвестицион компаниялар, пенсия фондлари ва бошқа хусусий фондлар киради. Йирик савдо банклари маблағни бошқаришда ўзининг алмаштириб бўлмаслигини тасдиқлаш учун ўзининг портфелига 100 минг фунт стерлингдан қиймат баҳоси паст бўлганларни қабул қилмайди. Савдо банклари бизнеснинг учта соҳасида ҳар хил даражада иштирок этишади. Йирик банклар ўртасида

ихтисослашиш мавжуд. “Самуэль Монтэгю” банки ишбилармонларга хизмат кўрсатмайди, у капиталистик жаҳонда йирик олтин савдоси ва Лондонда йирик валюта савдоси билан шуғулланади. “Роберт Флемминг” банки портфел операцияларида ва фонд активларини бошқаришда биринчи турибди. “Ротшильд” банки асосан еврооперация ва олтин савдоси билан шуғулланади. Лондондаги Ротшильдлар уйида ҳар куни олтин билан савдо (goldfixing) амалга ошади. Бу савдода анъанавий равишда раислик қилиб келадиган Родшильд банк уйидан ташқари, яна 4 банк Лондондаги олтин савдосига киритишган(“Джонсон, Матей энд К”, “Самуэль Монтэгю энд К”, “Мокатта энд Голдсмит энд Шарпс” ва “Пикслей” банклари). Олтин билан савдо бир неча минут давом этади ва унинг натижаси бир вақтнинг ўзида Жаҳоннинг барча молиявий марказларига тарқалади. Аммо Лондон ўзининг бу борада аҳамиятини йўқотди. Ҳозирги вақтда олтиннинг 85 %и Жанубий Африкадан, Цюрихда жойлашган 3та банклар орқали ўтиб халқаро бозорга тушмоқда, фақат 15 % олтингина Лондон орқали ўтади.

Олтинга талаб, таклиф ва унинг баҳоси тўғрисида Лондон билан Цюрих доимо келишиб олишади, ва шу асосда лондон Сити олтин билан операцияларни амалга оширишни давом эттиради. Олтин билан савдо бошқа товарлар билан ўтказиладиган савдодан жуда ҳам кам фарқ қилади (мисол учун, лондон савдо биржаси ёки қимматбаҳо металлар лодон биржасидан). Савдо банклари фаолияти шуни кўрсатадики, улар операция турлари нуқтаи назарлардан клиринг банклардан катта фарқ қилиши мумкин. Тафовут фақат уларнинг амалга ошириш усулларида кўзга ташланади. Иқтисодий адабиётларда клиринг банклари уларнинг стандарт банк хизматлари “тайёр кўйлаклар магазинининг эгаси” деб аталса, савдо уйлари – “молиявий операциялар модельери”деб аталади.

Ҳисоб уйлари

Англияда кейинги типдаги банклар ҳисоб уйлари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Лондонда 8та ҳисоб уйлари амал қилмоқда ва алоҳида кичик ихтисослашган маклер фирмалар (running brokers, money brokers) билан биргаликда, бўларни ҳаммаси бир жойда Лондон ҳисоб бозорини ташкил этган. Ҳисоб уйлари Лондон ҳисоб бозори уюшмасига (London Discount Market Association, LDMA) бирлашган, уларнинг аъзолари бўлиб ҳисоб уйлари ҳисобланади: CL Alexanders Discount Plc. ; Cater Allen Ltd. ; Clive Discount Co. Ltd; Gerrald and National Ltd; king and Shaxson Ltd ; Quin Cope Limitet ; Seccombe Marshall and Campion Plc ; Union Discount Company Ltd.

Ҳисоб уйлари – бу Лондон бозорининг ўзига хос типдаги молиявий институтларидан биридир. Улар талаб бўйича кафолатланган депозит йўллари билан ликвидли фондларни банклар учун (белгиланган кунгача ёки белгиланган кундаги келишилган кредит ставкаси бўйича) манфаатли сотишни таъминлайди. Бу фондлар қисқа муддатли ғазначилик облигациялари (T-bills), тижорат векселлари (commercial bills) ва биринчи даражали фонд қоғозлари (gilt-edged securities, gilts) қўшилган ҳолда турли

активларни сотиб олиш учун ишлатилади. Ҳисоб уйлари Англия Банки ва қолган банк тизими ўртасида буфер сифатида амал қилади, уларни ёрдамида Англия Банки банк тизимини молиявий ресурслар билан таъминлайди ва ошиқчасини чегириб олади. Худди шундай Англия Банки фоиз ставкасига таъсир ўтказади.

Ҳисоб уйларининг Англия компаниялари учун бош функцияси векселларни дисконти (қайта ҳисоби) орқали заём маблағлари билан таъминлаш ҳисобланади ҳамда инвестиция портфелига турли шаклдаги қисқа муддатли қўйилмаларни жалб қилишдир.

Ҳукумат томонидан молиялаштириш соҳасида уларнинг бош вазифаси – қисқа муддатли ғазначилик облигацияларини сотишни таъминлашдир, чунки ҳукуматнинг қисқа муддатли заёмлари тадбири ёрдамида жуда катта бўш маблағлар бюджет эҳтиёжини молиялаштиришга жалб этилади. Бундан ташқари Ҳисоб уйлари – ҳукуматнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини (акцияларни) ҳамда маҳаллий ҳукуматнинг акция ва облигацияларини сотиш бўйича фаол агенти вазифасини ҳам ўтайди. Ҳисоб уйларининг фаолияти иккиламчи бозорда доллар ва фунт стерлинг депозит сертификатларини келишувларида ҳам аҳамиятлидир.

Брокер-фирмалар (маклерлар) агентлар ҳисобланади, улар маълум тўловга векселларни сотиб олишга воситачилик қилишади. Ҳисоб уйлари бўш маблағларни кечаю кундуз йиғишади. Бунда, энг аввало, клиринг банкларни ҳамда саноат ва савдо компанияларнинг муддатсиз ёки жорий ҳисобларидаги пуллари тўғрисида гап кетмоқда. Кечаю кундуз йиғиладиган маблағларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар бир кун давомида ҳам бошқа омонатчига ўтиши мумкин. Бир кунлик чақириб олиш имконияти шуни англатадики, бир томондан омонатчи учун жуда катта страховка, қайсики пулни қўйиши биланоқ шу куннинг ўзида, яна уни кредитга бериб юборади. Бошқа тарафдан, бу маблағлар учун фоизлар олиш мумкин, шундай экан, демак клиринг банклари маблағни ўзида ушлаб, фойдасиз ишлатгандан кўра, ҳисоб уйларига ўзиниг бўш маблағларини жойлаштириб яна ҳам кўпроқ манфаат олиш мумкин. Бу маблағларни ҳисоб уйлари Англия Банкининг резерв таъминоти ҳисобланган қимматли қоғозларга жойлаштиради, мисол учун, савдо векселларига, ғазначилик векселларига (қисқа муддатли ва ҳақиқатда жуда қисқа муддатга амал қилаётган ҳукумат заёмларига ҳамда коммунал қарз мажбуриятларига ва бошқа банкларнинг қоғозларига). Омонатларни ҳар куни чақириб олиш имконияти мавжуд ва уларни 30, 60, 90 кунларга амалда жойлаштириш мумкин, гоҳида бундан ҳам тез жалб қилиш имкониятлари мавжуд. Агар, мисол учун, бирон-бир омонатчи катта суммадаги маблағни бирданига талаб қилиб қолса, унда жуда тезликда янги маблағларни жалб қилиш зарур бўлиб қолади. Агар ҳисоб уйи кутилмаган ҳолда омонатчилар томонидан катта суммани талаб қилиб олиши натижасида бирданига янги маблағни топа олмай қолса, Англия Банкига кредит сўраб мурожаат қилади. Аммо бу имконият фақат махсус ҳисоб уйларига , мисол учун Seccombe Marshall and Campion Pl берилган, чунки у Англия Банки

билан барча ҳисоб уйларини боғловчи бўғун ҳисобланади. Англия Банкида бунақанги қайта молиялаштириш имконияти жуда катта ваколат ҳисобланади, улар фақатгина ҳисоб уйларига тегишлидир. Улар бу ваколатни амалда ўзларига қўшимча мажбуриятни олиш билан, яъни Англия Банки ҳар кунлик чиқарадиган ғазначиликнинг барча веселларига уларни обуна қилиш шартини тиқиштириб, сотиб олишни юклаб қўяди. Ҳисоб уйларини Англия Банки билан бунақанги алоқаларининг ўрнатилиши пул сиёсатининг иккита аспектидан келиб чиқади. Бир томондан Англия Банки ҳисоб уйлари билан ҳар кунлик алоқалари орқали банкларда мавжуд бўлган пул маблағларини янада самарали ишлатиш мақсадида уларга ўз таъсирини ўтказади, бошқа тарафдан у ҳисоб уйлари орқали пул маблағи оқимини тартибга солиб, ўзининг кредит фоиз сиёсатини амалга оширади.

Халқаро молиявий марказ сифатида Лондоннинг халқаро аҳамияти, ҳаммадан аввал, хорижда Британия банкларининг тутган ўрни ва Лондон Ситида хорижий банкларнинг мавжудлиги билан аниқланади. Британиянинг хориждаги банклари (Overseas banks) шундай муассасаларки, уларнинг бош штаб-квартираси Лондонда жойлашган, филиаллари эса - энг аввало Британиянинг собиқ колонияларида. Буларнинг бошида “Барклайз меркант банк” хориждаги 1650 филиали билан олдинда туради. “Стандарт Чартед” 1400 дан ошиқ филиалларига эга. Ваҳоланки Америкадаги Ситибэнкнинг хорижда бор йўғи 300 атрофида филиаллари мавжуд.

Бошқа банклар

Англияда **хорижий банклар** (Foreign Banks) баланс суммаси бўйича йирик банклар гуруҳига киради. 1978 йилда Лондонда 63 давлатнинг 308 та филиаллари мавжуд бўлган. Бу банк институтлари ичида 24 Япония ва 53 та банк Европа Иттифоқи аъзо давлатларига тўғри келади. Лондонда Нью-Йоркка нисбатан 2 марта кўп хорижий банкларнинг филиаллар тўпланган. Лондондаги хорижий банкларга Москва Халқ Банки (Moscow Narodny Bank) ҳам киради.

Англияда кейинги банк гуруҳи **консорциал банклар** (Consortia Banks) ҳисобланади. Кейинги банк статистикаси бўйича бу институтларда, камида иккита давлатнинг банклари иштирок этади, улардан биронтаси ҳам назорат пакетига эга бўлмайди, бу институтлар евробозорни кучайиши билан бирга тез ривожланмоқда, уларга ҳаммадан аввал трансмиллий ва мультимиллий саноат концернлари қарашлидир. Демак улар илғор капиталистик мамлакатларнинг улуш қўшиши асосида ташкил этилган экан, улар евробозорда жуда катта маблағларини жуда катта чузилган муддатга сафарбар қилиш имкониятига эга, капиталистик Жаҳонда бошқа бирон бир турдаги банклар буни эплаша олмайди. Ҳозирги замон капитализм шароитида капитални интермиллийлашуви жараёни ривожланиши айниқса консорциал банкларнинг пайдо бўлиши тезлаштирди. Энг йирик консорциал банкларга қуйидагилар киради: “Мидленд энд интернэшнл бэнк лтд” банки, у

Британия, Америка ва австралия ҳамкорлари ўртасида тузилган; “Вестерн Америкенбэнк юроп лтд.” Британия, Америка ва Япония ҳамкорлари билан; “Индастриел коммершиел бэрл” АҚШ, Япония ва Буюк Британия ҳамкорлари билан тузилган.

Буюк Британияда яна кўп банка ўхшаган махсус кредит-молия институтлари мавжуд. Уларни ичида: **“Жамғарма институтлари”** ва олдинлари асосан маҳаллий жамғарма кассалари ролини ўйнаган “Ишончли жамғарма банклари” мавжуд. Кейин улар реорганизация қилинган ва 16 та йирик ҳудудийал муассасалар тузилган, лекин уларнинг ҳуқуқий статуси ноаниқлигича қолган. 1986 йилнинг охирида улар ягона акционер Ишончли-жамғарма банкка айланган, фаолият миқёси ва капитали бўйича “катта тўртлик”дан кейин туради ва тижорат банкларининг барча асосий функцияларини бажаради.

Миллий жамғарма банк (собиқ почта-жамғарма банки)ларнинг сони 20 мингдан ошиқ бўлиб, почта бўлимлари тармоғи орқали аҳоли жамғармаларини тўплаш билан шуғулланади. Миллий жамғарма банкда омонатларнинг миқдори 1986 йил охирида 8 млрд. фунт стерлингнинг ташкил этган.

Қурилиш жамиятлари – 200 йилдан ошиқ муддатдан бери амал қилиб келмоқда, ҳозирда аҳолини жамғармасини тўплаш билан шуғулланади. Уларнинг йиғма активлари 80-йилларда кўпайган ва 130 млрд. Ф.ст. ошиб кетган. Уларнинг энг йириклари – Галифакс, Эбби Нэшнл, Нэйшнвайд ва бошқалардир. Барча жамғарма институтлар битта нарсани тўплайдиларки, уларнинг ресурсларини асосий манбаъси – аҳолининг кичик омонатларидир.

Суғурта компаниялари ва пенсия фондлари – йиғилган ссуда капиталини узоқ муддатли инвестицияга йўналтиради. Уларда молия-кредит фаолияти иккинчи даражали ҳисобланади, уларни профессионал ихтисослашиши-суғурта иши ва хусусий пенсия таъминотидир. Улар тарафдан сафарбар қилинадиган маблағлар 20-25 йил муддатлик операцияларга (асосан акция ва бошқа қимматли қоғозларга) жойлаштирилади. Суғурта компаниялари ва пенсия фондларининг активлари 1986 йилнинг охирида 150-160 млрд.ф.стерлингнинг ташкил қилган. Англиянинг суғурта монополиялари (Ройал, Коммершл юнион ва бошқалар) Жаҳоннинг йирик компаниялари қаторига киради.

Инвестицион трестлар – фақат қимматли қоғозлар операциялари билан шуғулланади. Ўзининг шахсий акциялари ва облигацияларини эмиссия қилиш йўли билан, улар капитални жалб қилади ва бошқа компаниялар қимматли қоғозларига қўйишади. Бу муассасаларнинг ўзига хослиги, улар мунтазам тушум тушиш манбаъси (депозитлар, суғурта бадалликлари ва б.қ.)га эга эмас, бозор конъюктурасига жуда ҳам боғлиқ ҳолатда фаолият юритади. Қимматли қоғозларнинг курслари тушган пайтда улар молиявий муаммолар билан тўқнашади ва зиён кўрадилар.

Ишончли пай фондлари – ўзининг ихтисослашиши бўйича инвестицион трестларга ўхшаб кетади, улар пул капиталини тўплашади ва уларни

қимматли қоғозларга жойлаштиришади. Демак пайчи хоҳлаган вақтда ўзининг пайини бошқариш компаниясига сотиши мумкин, шунда бу фондларнинг капитали ўзгарувчан миқдорни ўзида мужассамлаштиради, яъни пайларни сотиш ва сотиб олишга кўпроқ боғлиқ. Фондларнинг активлари таркиби инвестицион трестларининг активлари сингари бўлиб, 80 % га яқинини хусусий компанияларни акцияларидан ташкил топган, кўпчилик ишончли пай фондлари банклар ва суғурта компаниялари билан боғланган.

Молиявий корпорациялар оддий ссуда капитали манбаъсига қўли етмаган хусусий фирмаларни кредитлашга ихтисослашган. Жуда йирик молия корпорациялари саноат, қишлоқ хўжалиги ва ипотека корпорациялари ва б.қ. ҳисобланади.

Венчур молиялаштириш фирмалари ихтисослашган муассасалар бўлиб, нисбатан 80-чи йилларда юзага келган. Улар энг кўп илғор тармоқларни янги ва кенгаяётган компанияларни сотиб олишга иштирок этиш ва кредитлаш билан шуғулланишади, бу операциялар албатта, юқори риск билан боғликдир.

Шотландия банк тизими

Агар Бирлашиш тўғрисидаги қонун (Union Act) ўн йилдан ошиқ муддатга кеч қолиб қабул қилинмаганда эди, Англия Банки ўрнида бирлашган Англия ва Шотландия Банки тузилган бўлар эди. Аммо Шотландия да банк соҳасининг ривожланиши ихтиёрий тартибда амалга ошмоқда. Бошланишида у жойда банкларга рухсат бериш концепцияси амалда устувор турар эди. Шотландия Банки (Bank of Scotland), Англия Банки таъсис этилган муддатдан бир йил кейин, яъни 1695 йилда Шотландия савдогарлари гуруҳи томонидан тузилган, Шотландия Парламенти унга топширган махсус имконга мувофиқ, 21 йил давомида монопол ҳуқуқга эгалик қилган.

Банк энг аввало ўз бўлимини эксперимент тариқасида туза бошлади, бундан ташқари муомалага номинал қиймати бор йўғи бир фунт бўлган банкнотани чиқарди. Қачонки 1716 йили унинг монопол ҳуқуқининг амал қилиш муддати охирига етганда, Банк тиш тирноғи билан курашди, лекин рақобат келажагига муваффақиятсиз қаршилик кўрсатди ва 1727 йилда иккинчи чартер Шотландия нинг Қироллик Банкига (Royal Bank of Scotland) топширилди.

Банкнинг чартер олиш йўли билан рўйҳатдан ўтиши ўта зарур эди, бу шунинг учун зарур эдики, шунинг билан банк масъулияти чекланган ҳуқуқига эга бўларди. Шотландия да акционерлик жамиятларига банк фаолияти билан шуғулланиш учун ҳеч қанақанги тўсиқ йўқ эди, агар акционерлар банк қарзи учун чегараланмаган жавобгарликни ўзларига қабул қилишга тайёр бўлсалар, аммо давлатда чартер ҳуқуқига эга бўлмаган, акционерлик банклари ҳамма жойда жуда тез пайдо бўла бошлади.

Шундан кейин, битта, охирги чартер 1746 йилда Британиянинг Льняной Компания (British Linen Company)сига берилган. Барча қолган банклар

одатдаги қонунларга мувофиқ таъсис этилган эти. Ҳеч қанақа ҳамкорларни сонини чегаралаш амалиёти йўқ эди, банк иши ривожланишининг бошлангич босқичидаги унчалик катта бўлмаган даврдаги сувистеъмолликдан кейин, бизнес йирик ва молиявий жиҳатдан кучлик акционерлик компаниялари қўлига ўтди. 1772 йили, банкнота эмиссиясининг ошиқчалиги натижасида содир бўлган Эйр Бэнк (Air Bank)нинг банкротлиги, ўнчалик катта бўлмаган банкларга аҳолининг ишончини йўқотди, уларнинг ўрнига акционер банклар ҳамда катта капитал ресурсига эга бўлган хусусий банклар пайдо бўлдилар.

Шотландия банк тизими бошқа давлатларда амал қилаётган тизимдан ўзига хос томонлари билан ажралиб турарди. У ўз таркибига банклар ўртасида кескин рақобатни ва ўзаро банкноталарни қоплашнинг мунтазам амалиётига қаттиқ амал қилиниши; ҳафтада икки марта банкноталарнинг алмашиниши содир бўлган ва баланс ўша жойнинг ўзида чиқарилган. Банк бўлимларни очиш тизими фаолиятнинг энг бошланишида ўзлаштирилган эди, депозит бизнесини ва кредит инструментлари интенсив ва бошқа давлатларга нисбатан баланд ривожланиши йўлга қўйилган эди.

1826 йилга келиб Шотландия да учта чартер банклар (24 бўлими) билан бир қаторда, яна 22 та акционер банклар (97 бўлими) билан ва 11 та хусусий банклар фаолият юритган, ўша пайтда Англияда акционер банкларни тузишга рухсат берадиган қонунлар қабул қилинган эди. Англия Банки ҳали бирон та ҳам бўлимини таъсис этмаган эди. Шотландия банк бизнеси тарихида бор-йўғи битта сезирарли омадсизлик – Эйр Бэнк банкротлиги содир бўлганди ва аҳолини жами кўрган зиёни 36 000 фунт доирасида баҳоланган эди.

Шотландия да қонун чиқарувчиларни аралашувини билмайдиган, депозит соҳаси юқори ривожланган банклар, уларни кўриниб турган ютуқлари ва тақиқлашга олиб келувчи суистеъмол қилиш фактларининг йўқлиги, мустаҳкам шохобчаларнинг амал қилиши инглизларнинг кўз илғамас туйғусига таъсир қилмасдан қолмади, чунки ўша пайтда уларда катта миқдордаги кичик банкларни қўлаши жараёнини ҳамма гувоҳ бўлиб турган эди. Эҳтимол, континентда банк бизнесининг эркин бўлишини истайдиганларни бу тизим жуда илҳомлантириб юборган бўлиши ҳам мумкин.

1825 йилда Парламентнинг иккита палатаси қўмитаси томонидан бир фунтлик банкноталарни эмиссия амалиётини нисбатан зиёнли эканлигини аниқлаш борасида ўтказилган суриштирув ва бунақанги банкноталарни худди Англиядаги сингари тақиқлаш тўғрисидаги таклиф Шотландияда шўъбағин эътирозларни келтириб чиқарди. Бу вақтда шотландлар ҳар кунлик ҳисоб-китобларида олтинни ўрнига бир фунтлик банкнотани кўп йиллардан бери ишлатиб келмоқда эди, ва шундай қилиб, уларни тақиқлаш нисбатан норозичилик биргина банк манфаатидан келиб чиқмаган эди. Тақиқлашга қаршиларнинг ичида жуда таниқли бўлган сэр Вальтер Скотт ҳам бор эди. Умуман олганда, 1826 йилда қонун суриштируви ташаббускорларига Шотландия банк бизнеси тажрибасига апеллация қилиш мураккаб эди,

чунки бир фунтлик банкнотанинг эмиссияси оқибатида содир бўлган у-бу талофатни аниқлаб бўлмас эди.

Шотландия бир фунтлик банкноталарни тақиқлаш амалиётидан қочган бўлишига қарамай, 1845 йилдаги Пила Қонунига риоя этишга мажбур эди. Қонун, у қабул қилинган вақтгача амал қилган Шотландия банкларига эмиссион фаолиятда монополия ҳуқуқини берган эди. Фидуциар эмиссиянинг ҳар бир миқдори, ўтган йилнинг ўртача қўрсатгич даражаси чегараланиб аниқланар эди. Шотландия банкларининг Англия банкларидан фарқи албатта кайсики улар қўшимча банкноталарни олтин билан тўла таъминлаш имкониятига эга бўлса қайд этилган миқдордан юқорисига банкноталарни чиқариш ҳуқуқига эга эдилар. Бундан ташқари иккита банк қўшилиб кетган тақдирда ҳам, улар ўзларида фидуциар эмиссия миқдори ҳуқуқини сақлаб қолганлар, албатта уларнинг суммаси индивидуал эмиссиялар миқдорига тенг бўлган.

Пила Қонунига мувофиқ ўрнатилган назорат яна узоқ йиллар салбий қарашларга сабаб бўлган. 1864 йилда Шотландиядан шикоят тушган, банк активларини бузилиши оқибатида Шотландия банкларининг эмиссияси қисқарган, қачонки бу вақтда пайдо бўлган ваакумни Англия банклари банкноталари билан тўлдириш имконияти бўлмаган, чунки 5 фунтдан кам бўлмаган қийматдаги банкноталар чиқарилган холос. Пила Қонуни рақиблари хурсандчилигига, кейинги ўттиз йил давомида бу давлат тарихида, яъни Шотландия да иккита ёмон банк туфони содир бўлган, унгача ўтган юз йил ичида бор йўғи битта салбий ҳолат содир бўлган, яъни Эйр Бэнк банкротликга учраган ҳолат билан солиштириб бўладими ахир. Бу Вестерн Бэнк (Western Bank) 1857 йилда ва Глазго Бэнк (Glasgow Bank) 1878 йилда иақирозга учраган эдилар.

Буюк Британияда банк депозитлари

Қатор давлатларда умумқабул қилинган тартибга асосан депозитлар талаб қилиб олингунгача ва муддатли омонатларга бўлинади. Буюк Британия банк статистикаси **жорий ҳисобларга** (current accounts) ва **жамғарма ҳисобларга** (depopsit/savings accounts) бўлинади. Буюк Британияда жорий ҳисоблардан фойдаланишда битта ўзига хос хусусиятга эга, яъни ҳисоб эгалари овердрафт (overdraft) шаклидаги қисқа муддатли кредитлар олганда, ҳисоб қолдиғидан ошадиган суммага чек ёзиш йўли билан топшириқнома ёзиш ваколатига эгадирлар. Банк билан олдиндан келишилганига, рухсат этилган овердрафт дейилади ва рухсат этилмаганига, мижоз банкни розичилигини олмасдан, ҳисобида етарли суммадаги қолдиқ бўлмасада, уни тўлаш учун чек ёзишга тушунилади. Иш куни охирида банк рухсат этилмаган овердрафтлар ведомостини тузади ва ҳар бир алоҳида ҳолатлар бўйича бўлим бошқарувчиси чекни тўлаш учун ссуда бериш ёки бермасликни ҳал қилади. Агар ссуда берилса банк база ставкасидан 7-8 % юқори миқдорда кунига

фоиз ҳисоблайди. Рухсат этилган овердрафтда эса, банк база ставкасидан 2-3 % ошиқча ҳисобланади.

Жорий ҳисобни юритганлиги учун банк хизмат ҳақини, банк томонидан тасдиқланган, хизмат ҳақи перйскуранти бўйича комиссия чегириб олади. Ҳисоб бўйича комиссия чоракда ёки ярим йилда бир марта ҳисобланади. Кўпгина Англия банклари ҳисоб эгалари фойдасига маълум фоиз ҳисоблайди, агар ҳисоб қолдиғи барқарор ва маълум даража(одатда 100 ф.стрелинг)дан кам бўлмаса. Ҳисобланган фоиз омонатчига тўланмайди, банк томонидан ҳисобни юритишга ва бошқа кўрсатилган хизматлар учун олинадиган комиссия суммасидан чегириб ташланади.

Депозитларни ва жамғарма ҳисобларни турли шакллари мавжуд. Унинг турлари асосан 80-йилларнинг бошларида кенгайди, қачонки ҳукумат ўз декрети билан банк фаолиятини олдинги чекланганликлари бекор қилиб, банк соҳасида рақобатни тез кучайишига шароит яратилгандан кейин.

Чақириб олиш огоҳлантирилиши билан - 7-кунлик жамғарма омонати. Бу нисбатан унда сақланаётган маблағни тезроқ ишлатишга мўлжалланган ва омонатчи учун ликвидликни таъминлаш воситаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Унинг асосий томонлари:

- Нисбатан фоизи ўнчалик юқори эмас;
- Бадали ва суммани талаб қилиб олиш бўйича чегараланиш йўқ, пулни талаб қилиб олиш бўйича 7-кунлик огоҳлантириш талаб этилади ва агар зудлик билан пулни талаб қилиб олиниши содир бўлса 7 кунлик фоиз ушлаб қолинади;
- Икки вариантда амал қилади: жамғарма китобчали ёки китобчасиз, яъни доимий равишда банк томонидан мижозга кўчирма бериш асосида (уларнинг фарқи шундаки, жамғарма китобчанинг борлиги мижоз ўз ҳисобидан суммани (одатда 10 ф.ст., яъни аниқланган минимум доирасида) банкнинг турли бўлимларидан олиши мумкин).

Мунтазам бадали билан жамғарма ҳисоб. У ўрта муддатли жамғармаларни жалб қилишга мўлжалланган. У никоҳдан ўтишни мўлжаллаётган ёки яқинда оила қўрган ёшлар учун ниҳоятда жозибадор. Мебеллар, автомашиналар, туристик саёҳатлар ва бошқалар учун мақсадли жамғаришни кўзда тутади.

Юқори фоизли инвестицион ҳисоб. У пулни узоқ муддат сақлаш учун қўзда тутилган ва нисбатан имконияти юқори бўлган қари кишилар учун мўлжалланган.

Асосий томонлари:

- 7-кунлик огоҳлантирувчи омонатга нисбатан, юқори фоиз ставкаси тўланади;
- Омонат суммаси купайиши билан, фоиз ошиб боради (ойида, ҳар чаракда ёки ярим йилда бир марта ҳисобланиб борилади);
- Омонатнинг минимал суммаси 2 минг ф.ст.;
- Пулни олдиндан талаб қилиб олишнинг огоҳлантириш муддати – 30 кундан кам эмас;

- Омонатни қисман кўпайтириш имконияти чегарланмаган.

Омонатни қайдэтилган суммасини қайдэтилган муддатга қўйиш. Шунга ўхшаш сертификат омонати АҚШда ҳам мавжуд. Унинг ўзига хос томонлари:

- Омонат муддати – 14 кундан – 18 ойгача;
- Омонатнинг минимал суммаси – 2,5 минг ф.ст.;
- Қатъий фоиз ставкаси – омонат муддати тугаши билан фоиз тўланади.

Фоиз ставкаси-ўзгарувчи депозит. Ҳисоб ўрта муддатли ва узоқ муддатли суммаларни сақлашга мўлжалланган. Омонат муддати 7 кундан – 18 ойгача. Ставка биринчи йил давомида қатъий ўзгармасдир, кейин пул бозоридаги ставкага "боғланиб сузувчи" ставка қўлланилади.

Пул фондлари. 1983 йили биринчи бор киритилган ва Американинг науҳисоби сингари амал қилади: у бўйича фоиз тўланади ва бир вақтнинг ўзида чек ёзиб беришга ҳам рухсат этилади. Ҳозирча Буюк Британияда бу тартиб кенг ривожланмаган, чунки банклар кенг миқёсда жорий ва жамғарма ҳисоблардан пул фонди ҳисобига маблағларни ўтказиш ёйилиб кетишидан чўчишади.

Унинг ўзига хос томонлари:

- Фоизи пул бозоридаги ставкага "боғланган";
- Минимал қолдиқ 1000 ф.ст.;
- 7-кун олдин огоҳлантириб, 250 ф.ст.дан юқори суммани омонатдан муддатидан олдин олишга рухсат этилади;
- Ҳисобга нисбатан чек ёзишга рухсат этилади.

Бериб юбориладиган омонат сертификатлари. АҚШ даги сингари бу пул бозорининг "улгуржи" инструменти ҳисобланади, нисбатан тадбиркор фирмалар, йирик инвесторлар томонидан ишлатилади. Унинг ўзига хос томонлари:

- Сертификат бериладиган вақтда аниқ, ўзгармас фоиз ставкаси ўрнатилади;
- Минимал номинал сумма - 5 минг ф.ст., максимали – 500 минг ф.ст.;
- Сертификат тақдим этувчига чиқарилади;
- Лондонда ривожланган иккиламчи бозорнинг мавжудлиги.

Англия банклари амалиётида ва бошқа омонат ҳисоблари турлари ҳам қўлланилади. Уларнинг, яъни ҳисобларнинг турли туманлари ўта қизиқарли, баъзи бирлари тўловларни режалаштириш учун ишлатилса, бошқалари пулни мунтазам ҳаражат қилишга мўлжалланган. Иккита турдаги шунақанги ҳисобларни кўриб чиқамиз.

Одатий бюджет ҳисоби (budget account). Омонатчи барча доимий турдаги йил давомида тўланиши керак бўлган тўловларни (газ, электр-энергияси, суғурта полиси, ипотека ва бошқаларни) йиғади, уларни 12 ойга бўлади ва

ҳар ойига 1/12 қисмини навбатдаги бадал сифатида киритади. Банк барча тўловларни уларни муддати келганда ўтказиб боради. Йил охирида ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар бўйича охирги ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Фоизлар на кредит, на дебет қолдиғи бўйича ҳисобланади. Банкнинг йиллик комиссияси тўловларнинг жами миқдори бўйича ҳисобланади.

Касса тушумлари ҳисоби (cashflow account). Омонатчи мунтазам равишда ҳар ойлик тўловни амалга ошириб боради (20 ф.ст. кам бўлмаган миқдорда) ва унга ҳар ойлик бадаллик қийматидан 30-марта кўп миқдорда ссуда олиш учун лимит очилади. Кредит махсус чек китобчаси ёрдамида мунтазам тўловларни амалга ошириш учун ишлатилади. Яна иккита оддий бюджет ҳисобидан фарқи мавжуд: олдин кўзда тутилмаган ҳаражатларни тўлаш мумкин ва ҳар йили ҳисобни “тозалаш” талаб этилмайди.

Англияда ҳозирги пайтда ихтисослашган банклар билан бир қаторда жамғармаларни жалб этиш билан, барча молия-кредит йўналишидаги муассасалар шуғулланишади. Уларни ичида тижорат банклари, суғурта компаниялари, пенсия фондлари, траст компаниялари ва бошқалар.

Жағармачиларнинг 70 фоизга яқини депозит банкларда жорий ҳисобларини ҳамда клиринг банкларда жорий ҳисоблари бўлишини орзу қилади.

Жорий ҳисоблар қуйидаги тартибда бўлинадилар:

- Тўланадиган ҳисоблар, улар бўйича ставка 4 % ни ташкил этади;
- Тўлов кўзда тутилмаган ҳисоблар, уларнинг эгаларига пулсиз хизмат кўрсатилади, то ҳисоб кредитор бўлиб қолгунча (уларда маблағ бўлиб турганча).

Кейинги йилларда банклар ва қурилиш жамиятлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилди, қачонки жорий ҳисоблардан омонатларнинг тўланиши бўйича барча операцияларнинг пулсизлигини сақлаб қолиш борасда. Ушбу тактиканинг йўтуғи сезиларли бўлди, унчалик юқори бўлмаган тўлов (2 % дан 5 % гача) даражасига қарамасдан. Бундан ташқари, бошқа мамлакатларнинг фуқаролари ҳисоби фискал иммунитетига эга (солиққа тортилишдан эркин, яъни солиққа тортилмайди). Бу хорижий мижозларни жалб қилиш учун ижобий натижа берди.

Аҳолига классик омонатларнинг турларини таклиф қилишни Миллий Жамғарма Банки амалга 1966 йилдан бери иккита ҳисоблар шаклида оширади, яъни одатий ва инвестицион. Одатий, яъни кичик жамғармаларни тўплаш кўзда тутилган ва биринчи бадаллик суммаси 70 фунт стерлинг ва ундан солиқ олинмайди. Худди шунингдек 25 пенс қўйилиб очиладиган ҳисоблар амалиёти ҳам мавжуд, лекин суммаси 250 фунт стерлинга фоиз ҳисобланади, улар жамғарма омонатлари деб аталади. Белгиланган тартибга кўра, жамғарма омонатнинг мавжудлиги жамғармакитобчаси расмийлаштириш билан тасдиқланади, унда кирим ва чиқим айланмаси ўз аксини топади.

Депозит ҳисоби муддатли ҳисобнинг турларидан биттаси ҳисобланади ва у бўйича фоиз ставкаси 5 % ташкил этади. Амалиётда, муддатли омонатлар мазмуни бўйича олдиндан огоҳлантириш омонати ҳисобланади.

Омонатларнинг қизиқарли шаклларини траст жамғарма банклари амлиётда қўллашади, омонатчи томонидан очиладиган ҳисобга, омонат миқдорига қараб даромад тўланади. Банк операцияларидаги бунақанги маневр омонатчиларни жамланган маблағларини манфаатли фоизлар билан бошқа банкларга жойлаштиришга асосланади.

Банклар ва қурилиш жамиятлари омонатчилар депозит ҳисобларда минимал суммага эга бўлиб ва юқори (6-10 %) ҳақ олиш мажбуриятини таклиф қиладилар. 1979 йилдан Буюк Британияда омонатларни суғурта қилиш амалиёти киритилган ва у аҳолига қўрсатиладиган ижтимоий кафолатнинг бир шакли ҳисобланади. Миллий валютадаги барча омонатлар суғурта қилинади ва улар бўйича 0,75 % то биринчи 20 минг фунт стерлинггача қопланади.

Англияда банк депозитларини суғурталаш тартиби

Буюк Британияда 1979 ва 1987 йилларда Банк актлари қабул қилинган эди. Қабул қилинган актга мувофиқ 1979 йилда банклар Англия иқтисодиётида инқироз вазияти содир бўлса омонатчиларга кафолат беришлари шарт эди. Қонун билан омонатчиларнинг “депозитларини ҳимоя чизмаси” тасдиқланган, қайсики унда банкларнинг ҳаракати учун мажбурликлар қўзда тутилган эди. Хусусан, ҳар бир банк ва депозитларни қабул қилувчи лицензияга эга бўлган ташкилот, махсус суғурта фондларини тузиши шарт, унинг минимал миқдори 5 млн. ф. ст. қилиб белгиланган эди. Бу фондлар Англия Банки депозитларни Ҳимоя Қилиш Кенгаши назорати остида бўлади ва у фақат унинг розичилиги билан келгусида ишлатилиши мумкин. “Депозитларни ҳимоя қилиш чизмасига” мувофиқ ҳар бир индивидуал омонатчи 10 000 фунт стерлингдан ошмаган омонати бўйича кафолатланган сумманинг қайтарилиши 75 % ҳисоб-китобидан келиб чиқиб суғурта суммасини олишга мўлжал қилса бўлади. Бу шуни англатадики, 8 000 омонат бўйича, мисол учун, омонатчи 6 000 фунт стерлинг олиши мумкин, 25 000 фунт стерлинг омонати бўйича – минимум – 7 500, яъни суғуртани максимал миқдорини олиши мумкин. Кўрсатилган чизма 80-йилларда қўлланди. Мисол учун, Мербо Финанс депозитни қабул қилган лицензияли ташкилотлардан бири банкротликка учраб, ўзининг омнатчиларига 700 000 фунтдан бироз кам суммани тўлаб берган.

Аммо 1979 йилдаги Акт 80-чи йиллардаги қатор сезиларли инқирозли кўринишларнинг олдини ола олмади (хусусан, 1983-1984 йилларда Джонсон Меттью Бэнкерс банк гуруҳининг банкротлиги тўғрисида гап кетмоқда). Шу муносабат билан 1987 йили банк иши бўйича янги қонун лойиҳаси имзоланди, 1987 йилдаги Банк актида омонатлар ҳимояси тизими қисман ўзгартирди. “Депозитларни ҳимоя қилиш чизмаси” умуман олдингидай

қолди, фарқи шундаки, 75 % компенсация бериладиган омонатнинг максимал суммаси, - 15 000 фунт стерлинггача кўпайтирилди.

Буюк Британияда 1994 йилнинг феврал ойида ўта таниқли, 233 йил ҳеч бир тарихида салбий ҳолат бўлмаган Barings банки банкрот бўлди. Унинг бошқарув раиси ёш Ник Месон минглаб омонатчиларга, банк эгаларига, Англия разведкасига ва шахсан Буюк Британия киролича сига мурожаат қилиб, бефойда ёрдам сўраган.

Англияда ҳозирги вақтда омонатчилар томонидан қўйилган депозит суммасининг ¾ қисми ҳимояланган холос. Максимал компенцасия миқдори 20 000 фунт стерлингнинг (30 000 АҚШ долларини) ташкил этади.

1994 йилиАнглияда депозитларнинг ҳимояларини тартибга солиш мақсадида Европа Иттифоқининг (ЕИ) тегишли Директиваси қабул қилинди. Унинг асосий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Англия ҳудудсида жойлашган, ғарбийЕвропа банк бўлимларнинг барчасида очилган депозитлар компенцасия қилинади;
- Нафақат фунт стерлингда, балки бошқа валюталарда очилган депозитлар ҳам компенцасия қилинади;
- 20000 фунт стерлинг суммадаги депозит бўйича максимал компенцасия миқдори 90 % гача кўпайтирилади;
- Депозитларни ҳимоя қилиш тизимида кўзда тутилган хорижий банкининг омонатчилари банк жойлашган давлатда маблағ етмаслик ҳолати содир бўлса компенсация олишади. Оширилган компенсация олиш мақсадида депозитларни ҳимоя қилиш Англия Фондига қўшилиш имкониятига эга бўлдилар. Хусусан, Англия ҳудудсида жойлашган Ғарбий Европа банклари оладиган банк ҳуқуқларига тенг депозитларга тегишли қисми бўйича ҳам.

Буюк Британияда кредит келишувлари

Банк фаолиятининг бошқа муҳим фаолиятларидан бири унинг актив операцияларидир - бунда даромад олиш ва банк ликвидлигини таъминлаш мақсадида – пул ресурсларини самарали жойлаштириш тушунилади. Ушбу гуруҳдаги операциялардан бири – кредит (ёки ссуда) операцияларидир.

Ғарб банклари амалиётида деловой (тижорат) ва персонал кредитлар ўртасида чегараланиш жараёни кечмоқда. Бу категорияларга турли шаклдаги кредит келишувлари, кредит берилишининг шартларини аниқланиши, уни қайтарилиши ва бошқалар мос тушади. Биз Буюк Британияда деловой фирмаларга ва индивидуал мижозларга банк кредити беришнинг кенг тарқалган усулларини кўриб чиқамиз.

Англия банклари корхоналарга қисқа муддатли кредит беришнинг асосий шакли сифатида овердрафтни ишлатади. Овердрафт жорий ҳисоб билан чамбарчас боғланган: тегишли келишув бўлган тақдирда банк ҳисоб эгасига, белгиланган лимит доирасида, ҳисобни кредит қолдиғидан ошадиган суммага чек ёзиш ваколати берилиши тартиби билан амалга оширилади.

Буюк Британияда овердрафт муддати – бир неча ойдан бир неча йилгача, лекин банк тартибига асосан йилда бир марта кредитни тўлиқ қайтаришни талаб қилади ва ҳар йили мижозни ишлари устидан текшириш ўтказади. Агар қарздорнинг тўловга қобилиятли эканлигига ишончсизлик пайдо бўлса, шартнома тўхтатилади.

Овердрафт бўйича фоиз ҳар куни қопланмаган қолдиқ бўйича ҳисобланади. Бу шаклдаги кредит энг арзон ҳисобланади, чунки мижоз ҳақиқатда ишлатган суммаси учунгина хақ тўлайди холос.

Англия банклари томонидан қўлланиладиган, анъанавий бошқа кредитлаш шаклларидан бири –ссуда ҳисоби бўйича кредит (credit on loan account) ҳисобланади. Овердрафдан фарқи-мижоз махсус ссуда ҳисоби очади, дебет қисмига кредит суммасини ўтказади. Бир вақтнинг ўзида мижозни жорий ҳисоби кредитланади ва охирида уни оддий тартибга биноан, яъни чек ёзиб ва нақдини олиб ишлатиши мумкин. Ссуда ҳисоби бўйича кредитлаш, капитал ҳаражатларни молиялаштириш учун ва турли хил тижорат лойиҳаларини амалга ошириш учун берилади.

Ссуда ҳисоби бўйича кредит муддати турличадир. Улар сотиб олинадиган асбоб-ускунани иқтисодий ҳаёт муддатига ёки лойиҳани ҳисобланган вақтига боғлиқдир. Одатда бу кредитлар ўрта ва узоқ муддатли категорияларга киради. Фоизлар кредитнинг қопланмаган қисмидан ҳар чоракда ҳисобланади ва мижознинг жорий ҳисобидан ундириб олинади. Баъзи бир ҳолатларда кредит ссуда ҳисобидан, қарзни асосий суммасини қоплашга бадаллар билан биргаликда ундириб олиш амалиёти ҳам қўлланилади.

Фоиз ставкасининг миқдори банкнинг база ставкасига “устама” (қатъий ставкали бўлган ҳолда) ёки бозор ставкаси мунтазам ўзгаришига қараб ўзгарувчанлик йўли билан (мўлжал сифатида, “ЛИБОР” – банклараро кредитлар бўйича ставкалар ишлатилиб) аниқланади.

Лизинг.

Буюк Британияда лизинг операциялари жуда кенг оммабоп бўлиб кетди. 70-йилларнинг бошларида йирик ва қимматбаҳо асбоб-ускуналарнинг ижарасини молиялаштириш билан молиявий уйлар шуғулланар эди, қайсики улар лизингни ижарага оладиган асбоб-ускунани тўлиқ тўлаш ва “ижарадан кейин сотиш” (Sale and lease back) шарти билан келишиш тартибини амалиётгда қўллар. Кейинги ҳолатда компания ўзининг асбоб-ускунасини молиявий компанияга сотади, кейин уни орқа тарафга ижарага олади. Кейинчалик лизинг соҳасига йирик банклар кириб келдилар, улар лизинг шаклига иштирок этиш ҳуқуқини сотиб олдилар ва ижара операцияларини кредитлашни бошлашдилар.

Хусусий шахсларни кредитлашнинг оммобоп шаклларига қуйидагилар киради:

- Персонал ссудалар;
- Бюджет ҳисоби;
- Уйларни сотиб олиш ссудалари.

Персонал ссудалар (personal loan) – индивидуал қарздор учун ссуда ҳисобининг очилиши билан боғланган. Улар, одатдагидек, узоқ давр фойдаланиладиган истеъмол товарларни (автомашина, телевизор, мебелларни) сотиб олиш муддатини узайтиришни молиялаштириш учун, ёки махсус турдаги ҳаражатлар – саёҳат, тўйлар, турар жойни ремонт қилиш ва бошқаларга берилади.

Кўпчилик ҳолатларда заёмнинг суммаси чекланган- 500 дан то 5000 фунт стерлинггача (уйни ремонти ва жихозлаш ссудаси бўйича – 10000 фунт стерлинггача). Ҳарит ва ҳаражат қийматининг ¼ дан то 1/3 қисми қарз олувчининг шахсий маблағи ҳисобидан қопланиши зарур. Қарзнинг қайтарилиши ссуданинг Бюджет ҳисобидан (budget account) тенг ўртача ойлик бадалига фоиз суммаси қўшилиб амалга оширилади. Ушбу шаклда қарздор ҳисобга маълум суммани ўтказиш мажбуриятини олади, банк эса мунтазам тўловларни тўлаб боради, зарур бўлганда кредит ҳам беради. Кредитлаш лимити бадаллик миқдорига боғлиқ бўлади: одатда кредит лимити бадаллик суммасидан 30 марта кўп бўлади. Ҳисоб очилишида бир йилда талаб этилаётган тўловларнинг ҳисоб-китоби тузилади, ҳисобланган сумманинг минимум 1/12 қисмига тенг бадаллик суммаси бўлиши талаб этилади. Аммо мижоз кўзда тутилмаган ҳаражатларни (мисол учун, автомобил ремонти ва бошқа ҳисобларни) ҳам тўлаши мумкин, албатта кредит лимити доирасида. Келишув ҳар 12 ойда қайта тузилади.

Уй сотиб олиш учун кредитлар (home loan) Англия банклари амалиётига киритилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аввалари бу кредитга бўлган талабни махсус институтлар – қурилиш жамиятлари ва бошқа молиявий муассасалар қондириб келар эди. Аммо 80-йилнинг бошидан бошлаб, уй-жойни сотиб олиш кредит бозорига банклар жуда фаол кириб бормоқдалар.

Буюк Британияда кредит карточкалари

Буюк Британияда банклар ўз мижозларига кенг доирада хизмат турларини кўрсатади. Ўртача Британия тижорат банклари даромадининг ярмига яқини берилган кредитлардан олинган фоизлар ташкил қилса, қолганлари бошқа банк операцияларига тўғри келади. Банк хизматлари қаторида муҳим ўринни кредит карточкалари ҳам эгаллайди.

Кредит карточкалари банк мижозига на фақат кредит олиш, балки нақд пул олиш ёки ҳаридлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини беради. Қатор яна бошқа хизматлар, уларнинг ичида, мисол учун, авиабилет сотиб олишда имтиёзлар, саёҳат вақтида бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, касаллик ёки иш ўрнини йўқотган ҳолатларда ҳар хил қарзларни тўлаш, юридек ёрдам ва ҳаказо амалга ошириш кўзда тутилган. Карточканинг турига боғлиқ ҳолда битта хизмат тури кредит карточканинг ажралмас атрибути ҳисобланса, бошқалари маълум тўловга қўшимча сифатида имконият беради.

Буюк Британияда кредит карточкаларини ишлатилишини тартибга солинишининг юридик асоси-1974 йилда қабул қилинган “Истеъмол кредити

тўғрисида”ги (Consumer Credit Ast) Қонуни ҳисобланади. Унга мувофиқ банклар мижозлар билан махсус шартнома тузадилар, унда кредит карточкани ишлатиш хусусиятлари ўз аксини топади.

Тарқалган фикрларга қараганда кредит карточкаларни ишлатилиши билан боғлиқ бўлган, ҳуқуқий тартибга солиниш қонунчилиги Буюк Британияда ҳали керакли даражада ривожланмаган. Адекват статус базасининг йўқлиги, ўзини орқасидан бу бўшлиқни тўлдириш учун шартнома шаклини юзага келишини туғдирди, бунда албатта банклар, ўзининг манфаатини тегишли даражада кўзлаб, қўшилиш шартномаларини ишлаб чиқдилар. Буюк Британияда банк ва мижозлар ўртасида муносабатларнинг шартнома асоси, хусусан шартнома шартларини назарда тутади. Уларнинг мазмуни узоқ вақтлар давомида ишлаб чиқилган конструкцияни, яъни “виждонли банк амалиёти” (Good banking) шиорини ўзида акс эттиради.

“Виждонли банк амалиёти” конструкциясининг пластик карточка ишлатилиши қисмида (Good banking дебет ва кредит карточкалари ўртасида тафовут юритмайди) ҳисобни очилишига тегишли, шартнома шартларини ўзгартиришга муносабат усули, карточкани ҳимоялаш, уларни йўқотиш оқибатлари шартлари ўрнатилган.

Тартибга асосан, ҳар бир банк бир нечта турдаги кредит карточкаларни ишлатиш имкониятини беради. Мисол учун, National Westminster Bank (қисқача NatWest) учун кенг танлаш имконияти характерлидир, хусусан у мижозларига қуйидаги кредит карточкалари турларини таклиф қилади: Visa Primary, Access, Visa, Mastercard, Visa Gold. Кредит карточканинг ҳар бир тури мижозга ўзининг спектр хизматларини тақдим этади. Карточкадан фойдаланганлик учун тўлов жуда фарқланади. Мисол учун, NatWest томонидан Visa Primary фойдаланганлиги учун 6 фунт стерлинг, Access, Visa ва Mastercard учун 12 фунт стерлинг, Visa Gold учун 35 фунт стерлинг йилига хизмат ҳақи олишади (1995 йил январь ойи маълумоти).

NatWest банки томонидан бериладиган Visa Primary кредит карточкаси энг чегараланган бўлиб, анъанавий хизматлар наборлар учун ишлатилади, яъни товарларга тўловлар ва нақд пул олиш учун (кунига 50 фунт стерлингача). Бунақанги карточка бўйича кредит лимити қайт этилган ва 500 фунт стерлингнинг ташкил этади. Кредитлар бўйича йиллик фоиз ставкаси турличадир, яъни товар ва хизматлар учун нақд пулсиз шаклда тўланган кредитлар бўйича -23,9 %; нақд шаклдаги ва хорижий валюталар ҳамда йўл чекларини сотиб олиш бўйича кредитлар 25,8 % ни ташкил этади. Мижоз тўланмаган балансни тўла бир вақтда ёпиш ўрнига бошқа шаклни танлаш, яъни тўловни кечиктириб ёпиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда ўртача ойлик ставка 1,7 % ташкил этади.

Access картаси – Буюк Британияда энг оммабоп карталарлардан бири ҳисобланади. Ушбу карта кредит хизматларидан (бу бўйича кредит лимити қатъий асосда ўрнатилади) ташқари, саёҳат вақтида бахтсиз ҳодисалардан (50000 фунт стерлинггача суммага), агар билетлар ушбу кредит карточкани ишлатилиши билан сотиб олинса, бепул суғурта қилишни амалга ошириб

беради. NatWest ушбу карточка бўйича нақд валюта олишнинг кунлик лимитини 100 фунт стерлинг қилиб белгилайди. Ушбу лимитнинг миқдори турли банкларда турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, Loyds банк учун ҳар кунлик лимит 500 фунт стерлинг ёки хорижда маҳаллий валютада тегишли эквивалентда олинадиган бўлса 350 фунт стерлингга тенг. National Westminster банкни Access картаси бўйича муддати ўтган кредитлар бўйича йиллик фоиз ставкаси 22,4 % ва 24, 3 % ташкил этади. Бошқа банклар кредит лимити миқдорига қараб банк ставкасини ўрнатишади. Мисол учун, Loyds банк 200 фунт стерлинг кредит лимитида, бу ставкалар 27,1% ва 29,2% ўрнатилган. Лимит кўпайиши билан улар пасаяди: мисол учун, кредит лимити 5000 фунт стерлинг бўлганда, фоиз ставкаси 19,8 ва 21,6 % ни ташкил этади.

Худди шундай NatWest банки Visa карточкаси бўйича хизматлар кўрсатади. Иккита карточка бўйича ҳам кредит лимити, банк ва мижоз ўртасида музокара натижасида ва мижознинг кредитга қобиллигини инобатга олиб ўрнатилади. Одатда бу лимит 1000 фунт стерлингдан кам бўлмайди. Муддати ўтган кредитлар бўйича ставкалар, Access карточкаси бўйича қандай бўлса, бу ҳам худди шундайдир.

Mastercard ва Visa Gold карточкаси эгаларига анча-мунча кўп имкониятлар берилган. NatWest банки Visa Gold карточкасини олиш учун, мижозга талабнома қўяди, яъни унинг йиллик даромади 20000 фунт стерлингдан кам бўлмаслиги керак. Кредит лимити 2500 фунт стерлингдан кам бўлмайди (шартнома тартибида у бундан ҳам кўпайтирилган бўлиши мумкин). Саёҳат вақтида, агар карталар ишлатилиб билетлар сотиб олинган бўлса, бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш меъёри – 75000 фунт стерлинг. Бундан ташқари Visa Gold карточкаси эгаси давлатдан ташқарида бўлган вақтда фавқўлотда ҳолат бўлиб қолган пайтда қатор хизматлар, яъни карточкани зудлик билан алмаштириш, нақд пулда аванс олиш, медитцина ва юридик ёрдам олиш ҳуқуқларига эга бўлади. Шунингдек Visa Gold карточкаси, Credit Sentiel Ltd. Компанияси таклиф этаётган ҳимояни ҳам таъминлайди (карточка йўқотилган ҳолатда ёки карточка ўғирланган ҳолатда).

Кредит карточкалари эгалари (қўшимча хақ эвазига) “тўловларни ҳимоя қилиш чизмаси”ни ишлатиш имкониятига ҳам эга. У қуйидаги ҳолатларда амал қилади-агар мижоз ўзининг тўловларини амалга оширишга кучи етмаса, яъни касаллиги, бахтсиз ҳодиса туфайли ёки мажбурий ишсиз бўлиб қолганлиги оқибатида ва ҳаказо ҳолларда.

VI – БОБ. ЯПОНИЯ ДАВЛАТИ БАНК ТИЗИМИ ТУЗИЛИШИ

Банк тизимини юзага келиши

Япония энг ёш банк қонунчилигига эга бўлган давлатлардан бири бўлиб, асосан Америкача қиёфада тузилган. У асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин анча-мунча ривожланди. Ҳозирги замон типидаги биринчи банклар 1872 йилдан кейин, хусусий "миллий банклар" сифатида пайдо бўлган. Тижорат банклар сингари улар бутун давлат бўйлаб ўз филиалларига эга бўлган ва банкнота чиқариш (эмиссия қилиш) ҳуқуқига эга бўлган. "Миллий банклар" мунтазам равишда конвертация қилинмайдиган банкноталарни муомалага чиқаришган, буни оқибатида инфляцияни ривожланишига туртки бўлган, охир оқибатда ишлаб чиқариш кучларини ривожланишига тўсиқ бўлиб хизмат қилган. Бу шароитда Япония марказий банкининг тузилиши зарурияти кескин кучайиб борган.

Япония нинг марказий банки 1882 йилда 30 йил муддат билан ташкил қилинган, кейинчалик бу муддат яна 30 йилга узайтирилган.

Бугунги кунда Япония нинг банк тизими – нафақат Осиё-Тинч океани ҳудудийида, балки бутун Жаҳонда бирдан-бир жуда ҳам бақувват ва ривожланган ҳисобланади. Япон банклари капитали бўйича молия-саноат гуруҳини улкан марказига айланиб Осиё, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида саноат сармоясини амалга оширувчи институтларга айланмоқда. Япон банкларини хориждаги кредит-ссуда фаолиятини халқаро-миллийлаштириш мақсадида уларни бир қаторини, шу жумладан халқаро молиялаштириш ва кредитлаш марказларига айлантириш тенденцияси кучайиб бормоқда. Ғарбий Европа давлатларида ва АҚШнинг қимматли қоғозлар бозорида эмиссия билан шуғулланувчи Япония кредит-банк муассасаларининг доираси кенгайиши кузатилмоқда, улар бу бозорларда акцияларни, облигацияларни ва бошқа молиявий ва қарз мажбуриятларини жойлаштирмоқдалар.

Япония да биринчи банкларнинг пайдо бўлиши XVII асрга бориб тақалади, у ривожланиб келаётган савдода, саноатда ва қишлоқ хўжалигида банк капитали билан хизмат кўрсатиш зарурияти юзага келиши билан асосланади. 1617 йилда Осака шаҳрида биринчи маротаба кумуш билан таъминланган қоғоз пуллар муомалага чиқарилган ва банкноталарнинг таъминланганлигини кафолатловчи банкирлар Уюшмаси ташкил этилган. XIX асрнинг ўрталарида Япония да очиқ сиёсат юритиш кенгайган ва уларга хорижий давлатларнинг таъсири кучайган, айниқса Мэйдзи даврида (1868-1912 йилларда) мамлакат иқтисодиётида таркибий қайта қуришларнинг бевосида давлат бошчилигида ўтказилиши банк тизимини ўта жўшқин суратда ривожлантирди. Бу даврда маълум заёмларни беришга ихтисослашган энг йирик банк институтлари ташкил этилди. 1880 йилда олтин ва кумуш билан шуғулланувчи Иокогам банки ташкил этилган. 1882

йили Япония банки амал қила бошлаган. 1990 йилда янги саноат корхоналари қурилишини молиялаштириш учун Саноат банки ташкил этилган, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш учун эса узоқ муддатли кредит ва қишлоқ хўжалиги кооператив банклари ташкил этилган. Бир вақтнинг ўзида тижорат банклари тармоқларини шакллантириш жараёнлари ҳам олиб борилган. Ўша йиллари банклар тўғрисидаги қонун қабул қилинган. XIX асрда Япония да банк тизими ривожланишининг ўзига хос томони мамлакатда саноатлаштиришни ривожлантириш учун асос сифатида эмас (Буюк Британия мисоли сингари), балки уни қўшимча тўлдириш сифатида олиб борилган.

Япония банк тизими шаклланишининг тафовутлари

Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин ўта оғир ва паст коньюктура ҳамда жуда йирик бюджет камомади шароитида Япония да гиперинфляция бошланган.

Пул муомаласи доирасида фавқўлотда чоралар қабул қилинган: аҳоли омонатлари ва банк қимматли қоғозлари блокировка қилинган, яъни улар билан ўтказиладиган операциялар тўхтатилган.

Кредитлаш соҳасида “ишлаб чиқаришни ривожлантириш курси” ни амалга ошириш сиёсати бошланган, унга мувофиқ кредитлаш йўналишида устувор соҳалар аниқланган, қайсики унга мос келмаган соҳаларга ссудалар бериш мақсадга мувофиқ равишда чегараланган.

Урушдан кейинги даврда бутун давлат бўйлаб амал қилувчи банкларни тузиш курси юритилган ҳамда маҳаллий банкларни тузишда “битта префектурага – битта банк” тамойили ишлатилган.

Бу икки турдаги банклар бутун давлат ва ҳудудийлар даражасида молиялаштиришни амалга ошириши керак эди. Ишсизликни тугатиш, ўрта ва кичик корхоналарнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кредит кооперациялари ва ишончли фондлар тузилган.

Миллий иқтисодиётни жонланиши доирасида ҳамда экспортни рағбатлантириш учун узоқ муддатга кредит бериш бўйича шахсий молиявий муассасалар ва ихтисослашган кредит банклари тузила бошлаган.

Япония баъзи бир ривожланган давлатлардан, мисол учун, Франциядан фарқли ўлароқ урушдан кейинги даврда асосий молиявий ричаглар хусусий банклар қўлида қолган. Аммо уларнинг фаолияти устидан давлат назорати жуда юқори даражада бўлган.

Хусусий банклар билан бир қаторда кенг тарқалган ҳукумат институтлари тармоғи яратилган. Ташқи савдони кредитлаш учун 1950 йилда Экспорт банк тузилган, унинг бош функцияси япон кемасозлиги ва машинасозлиги маҳсулотларининг экспортини кредитлаш ҳисобланган.

Бу банкнинг капитали давлатга тегишли, уни фаолияти устидан назоратни молия вазирлиги амалга оширади. 1951 йили Япония Тараққиёт Банки тузилган, унга 1949 йилдан бошлаб амал қилган Тикланишни

молиялаштириш банки ва Эквивалент фондининг маблағи (товарларни сотишдан тушган тушум ва АҚШдан келган ёрдам маблағлари) ва функциялари ўтказиб берилган.

Бу банкнинг фаолияти хусусий банклар манфаатдор бўлмаган иқтисодиёт тармоқларига имтиёзли (бир йил муддатгача) кредитлар беришга қаратилган.

Япония банк тизимининг урушдан кейинги даврдаги ривожланиши молия-саноат гуруҳи тузилиши билан ажралиб туради. Уларни ҳар бирининг тепасида йирик хусусий тижорат банки туради ва унинг атрофида саноат коммпаниялари жипслашган. Япония да индустриал гуркираб ривожланишни молиялаштириш юки айнан банклар зиммасига тушган. Гуруҳлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларига асосланган ишончли алоқалар шаклланган.

Япония Марказий банки

Япония да олтита асосий молия-саноат гуруҳлари: “Мицуи”, “Мицубиси”, “Сумитомо”, “Фудзи”, “Дайити Канте”, “Санва” ва улар билан бир каторда йирик шаҳар банклари амал қилади.

Япония банк тизими қуйидаги умуммиллий таркибларни ўзичига олади:

- Хусусий банклар;
- Кредит уюшмалари;
- Ҳукуматнинг тўртта молия институти;
- Ҳорижий банкларнинг филиаллари.

Тизим бошида Марказий банк – Япония Банки туради, унинг 55% акцияси давлатга тегишли. Хусусий акционерлар банкни бошқаришда иштирок этишмайди.

Япония банкининг Устав капитали 100 млн. Иенани ташкил этади. Япония банкининг асосий функцияси пул эмиссияси (бу унинг монопол ҳуқуқи) билан бир қаторда, иқтисодиётни пул-кредит механизми билан тартибга солиш, шу жумладан халқаро ҳисоб китобларни амалга ошириш, валюта бозорида операцияларни амалга ошириш ҳамда Ғазначиликда касса хизматини кўрсатишдан иборат.

Банк 1942 йилдаги қонун асосида амал қилади, қайсики унга асосан банк ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида туради ва молия вазирига Япония Банки сиёсатини ўзгартириш ваколати берилган.

1949 йилда Сиёсий Қўмита (сиёсат ишлаб чиқариш бўйича Қўмита) тузилган. У шундай органки давлатни молиявий ва пул-кредит соҳасида олий манфаатларини аниқлайди ҳамда ҳимоя қилади.

Қўмитанинг 7 та аъзосидан 5 таси овоз ҳуқуқига эга: шулардан бири Президент бўлиб, ҳукумат кабинети томонидан беш йил муддатга тайинланади, биттадан шаҳар ва ҳудудийал, саноат ва қишлоқ хўжалиги банкларидан вакиллар (уларни барчаси 4 йилга тайинланади).

Овоз ҳуқуқига эга бўлмаган иккита аъзо, булар молия вазирлиги ва Иқтисодий режалаштириш бошқармаси вакилидир. Сиёсий Қўмитани ваколатига кирадиган саволлар “Банк тўғрисида”ги қонунда (13 моддаси 3

бўлимида) белгиланган. Қўмита банк фаолиятининг тамойилиал курсини ва Япония Банкини бошқаришни ишлаб чиқади.

Уни ваколати фоиз ставкаси даражасини ўзгартириш, Япония Банки томонидан ҳисобга олинадиган векселларни аниқлаш, турларини ўзгартириш ва шартларини ҳамда кредит кафолати турлари, шартлари ва қийматини баҳолашни аниқлашдан иборатдир.

Қўмита очиқ бозорда операциялар ўтказишда объектларни аниқлаш, турларини, шартини ва қийматини ўзгартириш билан шуғулланади, операциянинг бошлаш ва тугатиш вақтини аниқлайди. Сиёсий Қўмита молия вазирлиги билан келишган ҳолда "Вақтинча фоиз ставкасини тартибга солиш тўғрисида"ги қонунга асосан бозорда максимал фоизни ўзгартириш масаласини ҳал қилади, молия вазирлиги рухсати билан "Резерв омонатлари тизими тўғрисида"ги Қонунга биноан резерв коэффициентларини белгилайди.Қўмита Япония Банки бюджети бўйича қарор қабул қилади, лекин бунда албатта молия вазирлиги рухсати зарур. Улар билан келишгандан кейин Япония банки парламент олдида ҳисобот беради.

Япония Банкининг функциялари

Япония Банкини банк презитенти ва директорлар бошқаради, унинг таркибига банкнинг вице президентлари, президент маслаҳатчилари, иш юритишнинг назорати бўйича инспектор ва директор киради.

Япония Банки банк фаолияти юритишга лицензия беради, банк устав капиталини минимал миқдорини белгилайди, банкни фирма номини ўзгартиришга, банкларни қўшилишига, филиалларни очилишига ва тугатилишига рухсат беради.

Банкларда мустаҳкам ликвидликни таъминлаш учун коэффицентлар даражасининг белгиланиши муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бу ликвидлик рискидан далолат беради.

Бунақанги коэффицентлардан бири шахсий капитал нормаси ҳисобланади, унга мувофиқ жами умумий капиталда банкни шахсий капитали улуши аниқланади; ликвидли активлар нормаси, бунда маълум даврда капитал ва қарз мажбуриятларининг муносабатини кўрсатади; тижорат мақсадида ишлатиладиган кўчмас мулк нормаси; йирик кредитлар берилишига чегаралар қўйилиши ва бошқалардир.

Япония Банкининг банклар учун уларнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот ҳужжатларини тақдим қилиш мажбуриятларини белгилайди.Япония Банкини молия-кредит сиёсати инструментлари ривожланиши даврида анча-мунча ўзгаришларга учраган.

Урушдан кейинги бир-нечта ун йилликда классик инструментлардан ҳисобланган фоиз учет ставкасини белгилаш, резерв мажбуриятлари нормаси, қимматли қоғозлар очиқ бозорида операциялар ўнчалик катта рол ўйнамасди, фоиз даражасини суний равишда камайтириш шароитида

тўғридан-тўғри кредитларни миқдоран лимитлашга нисбатан ёки улар бу инструментга жойини бўшатиб берган эди.

70-йилларнинг ўрталарида Япония иқтисодиётида тубдан ўзгаришлар содир бўлди, яъни юқори иқтисодий ўсиш даражасидан кейин чуқур ва давомли инқироз бошланди.

Иқтисодий цикл босқичларини жой алмашишида иқтисодиётни кредит-пул ёрдамида тартибга солиш моҳияти сезирарли даражада ошди, бу ўз навбатида кредит тизимида давлат позициясини кучайтирди.

Пул-кредитни тартибга солиш

Пул-кредитни тартибга солиш Япония Банки, Молия вазирлиги ва Иқтисодий ташкилотлар федерацияси («Кейданрэн»)томонидан амалга оширилади.

Тартибга солишнинг асосий усуллари: ссуда фоизи нормасини белгилаш, пул-кредит тизими орқали ҳукумат билан ҳамкорликда ўтказиладиган маъмурий тадбирлар, мажбурий резервлар тизими, очиқ бозордаги ва хорижий валюталар билан ўтказиладиган операциялардир.

Агар 70-йилларгача бўлган даврда маъмурий тартибга солиш устуворлик қилган бўлса, кейинчалик унинг аҳамияти пасайди, лекин бозор-қиймат усулларининг роли ошиб борди.

Кредит-банк соҳасида умуман ноконсерватив иқтисодий курсга ўтилиши муносабати билан (1981 йилги қонунга асосан) банкларни фаолияти устидан давлатнинг маъмурий назорати бир мунча пасайди.

Шунга қарамай тармоқларни ва юқори тадбиркорлик риски мавжуд бўлган ҳамда паст рентабелли бўлган объектларни кредитлаш давлатни қўлида қолди, қабул қилинган чора-тадбирлар давлат тартибга солиш тизимини тугалланганлигини эмас, балки уни қисман қайта қўрилганини англатади холос.

Ссуда капитали бозорида сокинликни юзага келиши, уни халқаро миллийлашуви ҳамда ўсиб бораётган фонд бозори қўринишида алтернативани пайдо бўлиши маъмурий тартибга солишни объектив иқтисодий асосини анча даражада тугатди ва Япония Банкини анъана бўлиб қолган классик инструментларга бўлган муносабатини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди. Фоиз ставкасини эгилувчанлиги ошди, ҳисоб ставкаси бозор даражасигача кўпайтирилди.

1971 йилдан бошлаб Япония Банки вексель бозорида операциялар ўтказишни бошлаб юборди, сўнгра уларга очиқ обуна тизимига ўта туриб давлат заёмлари облигациялари билан фаол операциялар ўтказишга киришиб кетди.Ҳукумат қимматли қоғозлар бозори ташкил қилинди ва қисқа муддатли капитал бозорида бошқа кенг операциялар бошланиб кетди.

Япония Банки “банкларни банки” деб аталади, у хусусий кредит-молия муассасалари, корхоналар ва алоҳида шахслар учун келишувларни тузилиши бўйича ҳамкор ҳисобланади.

У резерв депозитлар тизими деб аталувчи хусусий молиявий муассасалардан омонатларни сақлаш учун қабул қилади (бу тартиб 1957 йилда қабул қилинган).

Бу тизимга қўшилган молиявий муассасалар Япония Банкига ўзларининг жорий ҳисоб рақамига депозит резервларининг маълум қисмини топширишга мажбурдирлар.

Мабодо молиявий муассасаларга нақд пуллар етмай қолган пайтларда, улар Япония Банкига мурожаат қиладилар, банк уларга ссудалар беради. Улар бўйича фоиз, расмий фоиз ставкаси даражасидан келиб чиқиб аниқланади.

Тижорат банклари

Япония банк тизими асосини – умуммиллий банклар ташкил этади. 1992 йилни 1 апрел ҳолатига бу муассасаларнинг сони 151 тани ташкил этиб, уларни 16596 та филиали мавжуд бўлган. Умумий капитал миқдори -795.5 трлн. иенани ташкил этиб, жами мамлакат банк тизими капиталининг умумий миқдорини 79.9 % ташкил этган. Берган ссудаларининг миқдори – 555.6 трлн. иенани ташкил этган (бу жами банк тизими томонидан берилган кредитларнинг 80 фоизига тенгдир).

Умуммиллий банклар таркибига шаҳар банклари, ҳудудий банклар, ҳудудий банкларнинг иккинчи разряди, узоқ муддатли кредитлаш банклари ва траст банклари киради. Кредит-банк тизимининг ядроси бўлиб шаҳар банклари ҳисобланади, уларни умумий сони 11 та бўлиб, филиаллари - 3737тани ташкил этади. Йиғилган капитал миқдори 357.7 трлн. иена (бу банк тизими умумий капиталининг 35,9 % тенг), берган кредитлар миқдори 266,0 трлн. иена (жами берилган кредитлар миқдорининг 38,3 % тенг). Япония молия гуруҳининг йирик банклари: “Дайите Канге Банк”, “Сакўра” банк, “Фудзе Банк”, “Мицубиси Банк”, “Асахи” банк, “Санва Банк”, “Сумитомо Банк”, “Токай банк”лар ҳисобланади. Уларнинг кўпчилик штаб-квартираси Токио ва Осаке шаҳарларида жойлашган.

Ҳудудий банклар, худди шаҳар банклари сингари тижорат банклари ҳисобланади, лекин капитал ва операциялар миқдори бўйича улардан бироз орқада туради. Улар асосан кичик ва ўрта шаҳарларда жойлашган. Бунақанги банклар сони – 64, филиаллари – 7598 та. Йиғма капитали 160,9 трлн. иенани ва кредитлаш миқдори 119,1 трлн. иенани ташкил этади.

Иккинчи навбатдаги (разряддаги) ҳудудий банклар, тартибга асосан унчалик катта бўлмаган капиталга эгадирлар. Уларда хусусий шахслар ва унчалик катта бўлмаган корхоналар операциялари юқори улушни ташкил этади. Уларнинг сони 66 та, филиаллари сони- 4732 та, капитал миқдори – 59,2 трлн. иена, кредитлаш миқдори -47,9 трлн. иенани ташкил этади.

Шаҳар ва ҳудудий банкларни асосан траст операцияларни ўтказишга ихтисослашган траст банклар билан ўзаро киришиб кетиши кучаймоқда. Жамиси бўлиб 7 траст-банклар 430 та филиаллари билан амал қилмоқда.

Улар томонидан берилган кредитлар улуши, жами берилган кредитлар миқдорида 9,8 % ни ва умумий банк капиталига нисбатан 14,7 % ташкил этмоқда. Улар асосан қисқа ва ўрта муддатли ссудалар бериш билан шуғулланадилар. Булар Япония саноат банки, Япония узоқ муддатли кредит банки ва Япония кредит банки ҳисобланади. Уларнинг капитал миқдори – 71,4 трлн, иенани ва кредитлаш миқдори – 54,8 трлн. иенани ташкил этади. Бу банкларнинг фаолияти банклар тўғрисидаги қонун билан бир қаторда узоқ муддатли кредит қонунни билан тартибга солинади.

Бошқа банк институтлари

Банк тизимида муҳим бўғунни – турли типдаги кооператив кредит институтлари эгаллаган. Япония да 440 та кредит уюшмалари, 395та кредит кооперативлари, 47 та меҳнат кредит кооперативлари ҳамда уларнинг 11779 та йиғма филиаллари мавжуд. Уларнинг йиғма капитали 111,6 трлн. иена (жами банк капиталининг 11,2 %га тенг) ва берилган ссудалар миқдори 81,8 трлн. иена (жами умумий кредитлашни 11,0 %)ни ташкил этади. Кенг тарқалган кредит-молия муассасалари тармоғи қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари учун хизмат кўрсатади. Уларни сони ичида қишлоқ ва ўрмон хўжалиги учун Марказий кооператив банк, 265 та филиали билан 47 та қишлоқ хўжалиги кредит федерацияси, 16 мингта филиали билан 3473 та қишлоқ хўжалиги кооперативлари, 113та филиали билан 35та балиқ тутувчи бирлашган кредит кооперативлари, 3 мингдан ошиқ филиаллари билан 1665та балиқ тутувчи коопертивлар ташкил этади.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги учун кредит муассасида Япония даги жами банк капиталининг 7 % йиғилган, уларни улушига жами кредит қўйилмаларининг 5 % тўғри келади.

Япония да тижорат банклари ва турли типдаги кредит кооперативларига қўшимча равишда почта-йиғма тармоғини ривожланиши ҳам амал қилади. Ваҳоланки бу тармоқ орқали бериладиган ссудаларнинг миқдори катта бўлмасада (0,6 трлн. иенага тенг), умуман уларни 23 мингдан ортиқ филиаллари билан хизмат кўрсатади.

Япония да аҳоли жамғармалари банк институтлари, почта-жамғарма тизими ва кредит кооперациялари орқали сафарбар этилмоқда. Шуларни ичида жамғарма ишида бош ролни банклар ўйнайди (яъни шахсий жамғармаларни 52 % улар орқали сафарбар этилади), ундан сўнг почта-жамғарма касса муассасалари (30 %) ва кредит кооперациялар (18 %)ни ташкил этади. Банкларда муддатли депозит қолдиқ маблағларнинг 58 фоизи аҳоли жамғармаларига тўғри келади.Япония банк тизими фаол равишда интермиллийлашган жараёнлар кечаётган давлатлар қаторига киради. Япония да хорижий банкларнинг биринчи бўлимлари XX аср арафасида очила бошлаган.

1865 йилда “Гонконг энд Шанхай банкинг корпорейшн” Иокогама шаҳрида ўзини конторасини очган, ундан сўнг “Чартеред банк”

ваколатхонасини очган. Биринчи Америка банки 1902 йилда очилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда хорижий банкларни бўлимларини очилиши фаол шаклланган.

Бу банклар фаолияти миллий иқтисодиётни тикланишига сезирарли хисса қўшишга қаратилган эди. Кейин 1970 йилгача хорижий банклар фаолиятига қўйилган кўпсонли чегараланишлар мисол бўла олади: яъни улар мамлакатга киришига тўсиқ бўладиган жуда қаттиқ талаблар қўйилган.

Хорижий банклар

1970 йилда Япония да банк соҳасида хорижий капиталларни либераллаштириш дастурини учинчи раунди қўшилиши қабул қилинган.

Хорижий банклар учун либераллаштириш шартига мувофиқ Япония га кириш учун учта йўл очилган: хорижий капитал билан янги банк тузиш ёки банк муассасасини қўшма капитал билан очиш, амал қилаётган банк бошқарувига иштирок этиш ва бўлимини очиш.

Хорижий банкларга маҳаллий депозитлар билан ишлашга чегаралар олиб ташланди, пул бозорида бир суткалик кредит олишда олдиндан хабар бериш талаби ва банклараро бозорда кредит олиш лимитлари бекор қилинди.

Хорижий банкларга 30 фоиз заём доирасида депозит сертифактлари чиқаришга ва иенада норезедентларга кредит беришга рухсат этилди.

80-йилларнинг охирларида Жаҳон бозорига Япония кредит-молия институтлари экспанцияси кучайиб бориши шароитида Япония кирган давлатга максимал даражада ёқимли шароит таъминлашга ҳаракат қилиб ва ўзаро тамойилни инобатга олиб, жавоб қувғинидан қочиш мақсадида, ҳатто миллий банк институтларига нисбатан ҳам янада кенгроқ хорижий банкларга ҳуқуқ бериш бўйича қатор қадамлар қўйишга ҳаракат қилди.

Япония да Америка сингари ссуда – депозитлари ва инвестицион операцияларга қонун йўли билан чегараланишлар амал қилишига қарамай, хорижий банкларга 50 фоиз ҳуқуқ билан инвестицион компанияларни таъсис этишга рухсат этилди.

Япония да хорижий банкларни 87 филиаллари 5,5 трлн.иена (мамлакат банк капиталининг 0,6 фоиз улуши) капитал миқдори билан амал қилмоқда. Кредитлаш миқдори 12,2 трлн. иенага тенг.

Япония да амал қилаётган хорижий банклар ўз активларини миқдори бўйича, асосий операцияларини турлари, мамлакат банк тизимида улар қандай ўринни эгаллашига қарамай, бир-биридан тубдан фарқ қилади

Япония да хорижий банкларни сонини кўпайишидаги аҳвол сустлиги, бу соҳада ҳали ҳамон олдин тузилган бир нечта банклар илғор позицияга эга эканлигидир. Уларни ичида Америка банклари ажралиб туради.

Мисол учун, учта Америка банклари: “Фёрст нешнл ситибанк”, “Чейз манхэттан банк” ва Америка Банкаларга Япония да хорижий банклар томонидан берилган жами кредитларнинг 30% тўғри келади.

Япон банкларининг халқаро экспансияси

Япон банкларини халқаро экспансиясининг ривожланиш даври бир нечта асосий босқичлардан иборат бўлган. 80-йилларнинг бошларигача уларни фаоллиги жуда ҳам чегараланган бўлиб, улар асосан эътиборни мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари билан боғлиқ бўлган япон экспортини молиялаштириш ва валюта операцияларига қаратган.

Халқаро фаолиятни кенг миқёсда фақат "Банк оф Токио" амалга ошириб келган. 1970-1972 йилларда кўпгина япон банкларининг хорижий активлари турли сакрашлар билан ўса бошлаган.

Япон банклари "кредит демпинг" сиёсатини ишлатиб хорижий рақобатчиларни сиқиб қўйишга ва халқаро кредит бозорида ўз ўрнини эгаллашга ҳаракат қилганлар.

Япония хорижда банк муассасаларини кенг ривожланган тармоғини яратишга 70-йилларнинг бошларида ҳаракат қила бошлаган. Нисбатан жуда қисқа муддатда япон банклари хорижда операциялар ўтказиш учун жуда бақувват база яратдилар ва ўзларининг хорижий тармоқлари бўйича Жаҳонда (Америка ва Англиядан) кейинги учинчи ўринга қўтарилдилар.

Япония молия вазирлигининг маълумотига қараганда 1986 йил ҳолатига кўра дунёни турли мамлакатларида 197 бўлим, 166 шўъба компаниялари ва 379 япон банкларининг ваколатхоналари мавжуд бўлган.

АҚШдаги япон банк институтларининг асосий қисми иккита марказда: Нью-Йорк ва Калифорния штатида жойлашган. Уларни Нью-Йоркда тўпланиши маълум даражада бу шаҳарни халқаро валюта-молия маркази эканлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

1952 йилда Нью-Йоркда "Банк оф Токио"ни бўлими очилиши билан Япония ни хорижий банк тармоқларини ривожланишини қайта тикланиши даври бошланишига тўғри келади. Жамиси бўлиб Нью-Йоркда япон банкларини 24 бўлими, 5 шўъба компаниялари ва 5 ваколатхоналари мавжуд. Калифорнияда япон банкларининг операциялари савдо йўналишини молиялаштириш билан боғлиқдир.

Бу штатда 50-йилларнингбошида ташкил топган "Калифорния Токио Банки" ва "Калифорния Сумитомо банк"ининг эгаллаган ўрни жуда кучлидир. Калифорния штатида япон банкларини 24та бўлими, 9та шўъба компаниялари ва 5 ваколатхоналари очилган.

Япон банкларининг халқаро бозорга кириб бориш географияси

Япон банкларининг Европага кириб бориб, плацдармга айлантирган давлатлари Англия ва Германия ҳисобланади. Лондондаги япон банк гуруҳи – Америкадан кейинги энг кўп сонли гуруҳ ҳисобланади.

60-йилларнинг охирида япон банк капиталини австралия континентига кириб бориши ҳам жуда ҳам фаол кечган, қисқа муддат ичида япон банклари нафақат рақобатда ўта тажрибали ҳисобланган Буюк Британия, Франция ва

АҚШ сингари давлатларни банкларига тенглашди, балки қатор ҳолларда улардан олдинги илғор ўринларни эгаллашга муваффақ бўлган.

Япон банклари томонидан Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари, яъни Сингапур ва Гонконг нисбатан катта даражада ўзлаштирилган. Хорижий пул бозорларига япон банкларини кириб боришини бирдан бир усулларидан бири кўпмиллатли молия институтлари яратилиши жараёни билан кечишидадир.

Япон капитали иштирокида кўпмиллатли банк гуруҳи ташкил этилишининг ўзига хос тафовути – халқаро банк ишида юқори тажрибага эга бўлган йирик банклар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш билан ажралиб туради.

Япония нинг ва хорижий йирик банкларнинг ўртасида “Мицубиси-Чейз Манхэттан банк”, “Фудзи-Ситибанк”, “Сумитово-Банк Америка” гуруҳлари алоҳида ажралиб туради. “Дайти Кангё банк” ва “Лонгтерм кредит банк оф Джапанни Мэнью фекчурес Хэновер”, “Санва” ва “Континентал банк” ўртасида жуда мураккаб муносабатлар ўрнатилган.

Япон банкларида халқаро молиявий инқироз туфайли фойдани камайиши динамикаси кузатилганлигига қарамай (бу фонд биржасида беқарор вазият, берилган кредитларни ичида муддатида қайтиши кам эҳтимолли бўлган кредитларни ҳажмини ўсиб бориши ва ишдаги фаолликни камайиши ҳолатлари билан боғлиқ), япон банк тизими Жаҳонда энг бақувват система бўлиб қолмоқда.

90-йиллар бошида Япония нинг 110та банки актив суммасининг умумий миқдори йириклиги кўрсатгичида Жаҳоннинг 2000 банклари қаторига кирган. Жаҳоннинг 50 та йирик банклари ўртасида 20таси японларга қарашлидир.

Дунёнинг биринчи ўнта банки ичида – Япония нинг “Дайите-Кангё”, “Сумитомо”, “Сакўра”, “Фудзи”, “Мицубиси”, “Санва”, “Норинчукин” ва Япония нинг Саноат банклари ўрин эгаллаган. Уларнинг активларини даромадлилик кўрсатгичи 0,11 ва 0,21 % ташкил этади; кредитларининг умумий миқдори 1,9 млрд.долларга тенг; тоза олинган фойда кўрсатгичи – 4,9 млрд. доллар даражасига тенг.

“Катта портлаш”

Япон банкларининг барқарорлиги уларни яратилиши ва фаолияти устидан ривожланган кузатув тизими ёрдамида таъминланган. Кузатув Япония Банки ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Банк фаолияти устидан кузатув амалга оширилишида мунтазам равишда банклар устидан назарат текшируви ўтказилиши тизимига ўта муҳим аҳамият қаратилади. Омонатчилар манфаатини ҳимоя қилиш, кредит тизимини барқарор қўллаб-қувватлаш ва молиявий институтларни мустаҳкам аҳволини таъминлаш мақсадида молия вазирлиги ва Япония Банки ҳар икки йилда бир марта банкларни текширувини амалга оширади.

Текширишнинг асосий усули – активлар аҳволини таҳлил қилиш, банк филиалларини кўздан кечириш ва бошқарув кадрлари билан суҳбат қўришдан иборат. Кейинги пайтда катта эътибор банк рискларини назорат

қилишга, ўз шахсий капиталини кўпайтиришга кўраётган чора-тадбирлари, рентабеллик, менежмент дастури, таркибий қайта қўришларни амалга оширилиши ва бошқа ҳақиқий параметрларга кучайтирилмоқда. Банк активларини таҳлил қилиш кредит риски даражасини аниқлашга имкон берувчи кредитлаш билан ва бошқа турдаги активларга боғланган аҳволни аниқлаш учун зарурдир. Таҳлил кредитлаш йўналиши, банк томонидан мижозлар мажбурияти бўйича берилган кафолатларга розилик, қимматли қоғозлар, ҳаракатдаги ва ҳаракатсиз мулклар аҳволи бўйича ўтказилади.

Банк тизими барқарорлигини ушлаб туриш ва банкларни банкротликка учрашини бартарф этиш учун 1971 йили Япония да банк омонатларини кафолатлаш бўйича Корпорация тузилган эди. Унинг устав капитали – 445 млн. Иенани ташкил этиб, шундан 300 млн. иенаси Япония ҳукуматига ва Япония Банкига тегишли қолганлари ҳусусий банкларга қарашли. Амалда ҳар бир Япония банки ҳар ойда Корпорация фондига ўзининг депозитлари суммасидан 1,012% миқдорда бадаллик суммасини тўлаб боради.

Япония да 1998 йил 1 апрелдан бошлаб банк тизимини ислоҳ қилиш эълон қилинган, у вақти бўйича янги молия йили бошланишига тўғри келади. Ислоҳот валюта операцияларидаги ҳамда капитални олиб кириш ва чиқариш билан боғлиқ бўлган банк келишувларидаги қўпчилик чегараланишларни бекор қилади. 50 млн. иенадан ошмайдиган келишувга нисбатан брокер комиссиясини қайд этилган фоизи қолдирилди холос.

Бу кўрилган чора-тадбирлар бирданига кучга киритилди (шунинг учун ҳам у “катта портлаш” номини олган). Уларни ривожлантириш учун яна 2 минг варақдан иборат молиявий қонунчилик парламентга кўриб чиқиш учун тақдим этилган. Агар мабода улар қабул қилинса, кейинги яқинлашаётган уч йил ичида Япония да, биринчидан, банклар ва брокер компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри рақобат олиб боришга ҳалақит берувчи барча тўсиқлар тўгатилади. Иккинчидан, банклар томонидан янги молиявий маҳсулотлар киритилишига тўсқинлик қилувчи кўп тақиқлар олиб ташланади. Учинчидан, банклар ижтимоий истеъмол фондлари бозорида эркин ишлашлари мумкин. Тўртинчидан, банк активларини бошқариш бўйича операциялар портфелини, асосан пенсия фонди бўйича бирданига кўпайтириш мумкин.

Ислоҳот натижасида банклар ва брокерлар ўртасида рақобат кураши келгусида кучайиши кутилмоқда. Ижтимоий истеъмол фонди бозорини ривожланиши натижасида япон банклари ғарб компанияларини портфел инвестиция учун жозибадорлик имкониятини яратади.

Катта пул массасига эга бўлган шахсий жамғармаларни депозит ҳисоб рақамларидан қимматли қоғозларга қўйилиши капитал бозорини кўтарилишига таъсир қилади. Молия маҳсулотлари бозорида таклиф этилаётган кенг доирада хизмат турлари корпоратив мижозларни аниқ бир банк тузилишига боғлиқлигини камайтиради, банкларни янгидан янги инновацион ғояларга боришга мажбур қилади.

“Катта портлаш” – Токио фонд бозори учун қутқариш имконияти ҳисобланади, ундаги турғунлик шу нарсага олиб келдики, бугунги кунда

биржани шахсий кўрсаткичлари 1989 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 50 %ни ташкил этмоқда, акцияларни реал сотилиш қиймати бўйича ундан ҳам кам улушга эга. Шунда “Пелхэм Смитерз” консалтинг фирмасининг маълумотларига қараганда, Токио фонд биржасида бажариладиган келишувларни 45 фоизи хорижий инвесторлар иштирокида амалга оширилмоқда.

Кейинги вақтда инқироз ва бошқа омиллар натижасида япон банкларининг капитал базаси бўшашиб бормоқда. Япония ишбилармон доираси газетаси “Нихон кэйдзай симбун”нинг хабар беришича мамлакатни 19 та етакчи банклари “ишончсиз қарз” сифатида 10,2 трлн. иенани (77,56 млрд. долларни) ёпиладиган молия йилида балансдан чиқаришига тўғри келмоқда.

Жами бўлиб ушбу категорияга тўғри келадиган кредит ва заёмларни суммаси 28 трлн. иенани ташкил этади. Молия вазирлиги маълумотларига қараганда кенг доирадаги “муаммоли қарзлар” категориясига 77 трлн. иенани киритиш мумкин. Булар натижасида банкларни ўзларини бозорда капитализация ҳолати рекорд даражада ўта паст биржа котировкасига тушиб кетди.

1998 йилни март ойида Япония ҳукумати банк секторига фавқулотда ёрдам кўрсатди, яъни 21та йирик банкларга 1.8 трлн. иена миқдорида пул маблағи ажратиб берди. Мана шунақанги усуллар билан ҳукумат мунтазам равишда банк тизимини барқарор фаолият юритишига кўмаклашиб келмоқда.

Япония Банки (Bank of Japan (BOJ)) ўзининг эркинлиги билан Федерал резерв тизими моделига амал қилиш даражасидан четга чиқишди. Ваҳоланки сиёсий кенгашга пул-кредит сиёсатини шакллантириш мажбурияти юкланган бўлсада, барча ўзгаришлар молия вазирлиги томонидан маъқулланиши лозим. Япония Банкининг асосий мақсади М2 агрегатини тартибга солиш бўлиб хизмат қилади. Ҳар чоракда Банк Tankan, яъни иқтисодий обзор чоп қилади. Tankan обзори Американинг жигар ранг китобига (American tan book) ўхшаган иқтисодиётни аҳволини кўрсатувчи японча обзор бўлиб хизмат қилади. Tankan обзори хулосалари пул-кредит сиёсатини автоматик равишда ўзгаришини англатмайди. Умумий қилиб гапирганда, марказий банкн етарли даражада эркин бўлмаганлиги иқтисодиётда инфляцияни кучайишига олиб келади. Япония мисолида бу ҳолат содир бўлмайди, бу шу нарсадан далолат берадики, фискал-бюджет ва иқтисодий сиёсат турли вазиятларда ҳар хил натижалар бериши мумкин.

VI - БОБ. ХИТОЙ ДАВЛАТИ БАНК ТИЗИМИ: ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ

Хитой давлати банк тизимида назорат қилувчи ва тартибга солувчи органлар

Ҳозирги пайтда Хитой банк тизими тўртта турли кўринишдаги кредит муассасаларидан ташкил топган: **сиёсий банклар** (Экспорт-Импорт Банки, Хитой Тараққиёт Банки ва Хитой Қишлоқ хўжалигини Ривожлантириш Банкии), **давлат банклари** ёки "катта тўртлик" банклари (Хитой Банки, Хитой Савдо-саноат Банки, Хитой Қурилиш Банки, Хитой Қишлоқ хўжалиги Банки), **акционер банклар** (China CITIC Bank, China Everbright Bank, Mingsheng Banking Corporation, China Merchants Bank ва бошқалар), шунингдек **шаҳар ва қишлоқлардаги кредит кооператорларидан.** Хитой банк тизимини назорат ва тартибга солиш органи бўлиб Хитой Халқ Банки ва банк фаолиятини назорат қилувчи Қўмита ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Хитой давлат банки учун асосий масала иккита аспектни ўзида мужассамлаштирган ислоҳот ҳисобланади: яъни давлат банкларини акционер жамиятларига айлантириш ва уларни акцияларини қимматли қоғозлар бозорига жойлаштириш.

Бунда асосий эътибор "ёмон" қарзлар муаммосини бартараф этишга қаратилмоқда. ХХР Ҳукумати нисбатан яқинда ушбу муаммони мавжудлигини тан олишди ва уни нисбатан ўта самарали ечиш усулини таклиф этишди.

2000 йилда турли баҳолашлар бўйича Хитой давлат акционер банкларининг ишламайдиган активлар миқдори банкларни кредит портфелидаги улуши 25-30 %ни ташкил этган (ғарб экспертларининг фикрига қараганда, "ёмон" қарзларнинг банк активларидаги улуши 40-50 %ни ташкил этади). Албатда бугунги кунда бу рақамлар 10-15 %га тушиб қолган, баъзи бир банкларда уларни улуши 5-8 %ни ташкил этиб, халқаро стандартларга жавоб беради. Бу муаммо бюджет маблағлари ҳисобидан қарзларни қоплаш ва корхоналарни реорганизация қилиниши ҳамда активларни бошқариш бўйича компания (АБК) тузиш рекапитализация йўли билан ечилмоқда. АБК фаолияти натижасида ёмон қарзлар миқдори 10-20 % қисқартирилди.

Шунингдек, "ёмон" кредитлар билан курашишга қаратилган чора-тадбирлар ичида кредит тарихини умуммиллий асосини яратиш, кредитларни классификациялаш тизимини халқаро тартибга ўтказиш, тижорат банклари молиявий ҳисоботини унификациялаш ва кредит рискларини бошқаришни такомиллаштириш кабилар ҳам киради.

Аммо шуни қайд этиш лозимки ишламайдиган активлар муаммосидан ташқари Хитой давлат тижорат банклари ишлари самарадорлигини ошириш учун солиққа тортиш тизими жиддий тормоз бўлиб қолмоқда. Хитойни ДСТ кириш арафасида "катта тўртлик" банкларини суммадаги солиқ юки

оғирлиги ўрта ҳисобда 75 %га етган, бу нафақат халқаро кўрсатгичларда, балки Хитой амалиётида ҳам жуда юқоридир. Шунинг учун ҳозирги пайтда банкларни солиққа тортиш тизими ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

Акционер тижорат банклари ўртасида учта типи алоҳида ажралиб туради: умуммиллий, миллий ва ҳудудий. Уларни ўзига хослиги шундан иборатки, қачонки улар банк тармоғида янгилик киритиш учун аксарият ҳолларда синов майдончаси сифатида ишлатилади. Умуман акционер банкларнинг фаолияти, давлат банкларига нисбатан анча фойдали, иқтисодий кўрсатгичлари ҳам анча яхши, чунки бу институтлар ўз фаолиятини ишламайдиган активлар портфелини жуда кам улиши билан бошлашган. Шунга қарамай, акционер тижорат банкларининг келгусидаги тақдири тортишув бахслари остида қолиб кетмоқда. Бир томондан, ушбу гуруҳдаги банкларни ривожланиши “катта тўртлик” банклари билан тўғридан-тўғри рақобатни юзага келтирса, бунда ҳукумат уларни ривожланишига тўсқинлиқ қилиши мумкин, бошқа тарафдан статистик маълумотлар буни тескари маълумотлардан дарак бермоқда, яъни банк фаолиятини кўпгина йўналишлари бўйича акционер банклар ишончли ўсишни кўрсатмоқда.

Хитойда фаолият юритаётган шаҳар ва қишлоқ кредит кооперативларини аҳволи.

Шаҳар ва қишлоқ кооперативлари мавжудлиги Хитойни ўзига хос тафовутларидан бири ҳисобланади ва улар аралаш корхоналарни ва шаҳарларда нодавлат мулк шаклидаги корхоналарни банк хизматлари билан таъминлашга ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожланиши учун кредитлар беришга қаратилган.

Аммо уларни фаолиятида бир нечта муҳим камчиликлар мавжуддир: бу аъзолик тартибини ва ШКК ва ҚКК коллектив улушли корхона сифатида амал қилиш тамойилларини инкор этишлик; менежмент рискини йўқлиги оқибатида “ёмон” кредитларни катта миқдорини мавжудлиги; ходимларга дивиденд ва мукофотларни беришда катта маблағларни ажратилиши, шу жумладан давлат корхоналарига ва маҳаллий ҳукумат органларига кредит фондидан бериладиган кредитлар ҳисобидан ва ҳ.к.

Саналган муаммолардан охиргиси, энг қийин ечиладиганлардан бири ҳисобланади, чунки маҳаллий ҳукумат органлари учун ҚКК ҳозирги вақтгача ўзига хос “сиёсий банклар” бўлиб, уларни маблағларидан ҳеч қандай чегараларсиз амалда фойдаланишлари мумкин эди.

Хитойда ўтказилаётган банк ислоҳотлари ҳамда уларни ривожланиш истиқболлари.

Хитой банк тизимини назорат ва тартибга солувчи органлари, Хитойда ислоҳотлар ва қарз муаммоси, ХХР банклари ўртасида тўғридан-тўғри рақобат, Хитой Марказий Банкини монетар ва фискал сиёсати.

Ҳозирги пайтда Хитой Халқ Банки ШКК ва ҚКК ислоҳотини олиб бормоқда, буни натижасида ШКК бир қисми шаҳар кредит банкларига

айланиши керак, ҚКК мақсадли кўрсатгич операциялари бўйича пудрат тизимини қўллаш кўзда тутилмоқда, кредит беришда рискларни бошқариш яхшиланади, ҚКК ўз-ўзини молиялаштириш ва ўзини ривожлантиришда қўшимча имкониятлар берилади.

Ҳозирги вақтда Хитой банк тизими ислоҳотларни янги босқичида турибди ва ривожланишнинг асосий йўналишлари етарли равишда аниқ белгиланган, аммо Бу жараёнлар қанчалик даражада самарали кечади ҳозирча аниқ эмас.

Бизга маълумки, банк соҳаси кўп ҳолларда иқтисодиёт аҳволини акс эттиради, уни ёрдамида иқтисодий тизимни барқарорлиги ва мустаҳкамлиги самарали ушлаб турилиши мумкин. Шунинг учун Хитой Халқ Банки ХХР юқори даражада барқарор иқтисодий ўсишини қўллаб қувватлашга махсус эътиборини қаратмоқда.

Ушбу мақсад учун ХХБ бир нечта кучли молиявий ричакларни ишлатмоқда, шундан дефляцияни олдини олишга ва ички талабни рағбатлантиришга қаратилган пул массасини ўсишини бир оз пасайтириш курсини ўтказмоқда, давлат қарз мажбуриятлари эмиссияси ёрдамида маблағларни жалб қилиб, йирик инфраструктура лойиҳаларни молиялаштиришга, халқ хўжалигини приоритет тармоқларини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан янгилашга ишлатмоқда; “тежамкорлик парадоксини” енгиш мақсадида, депозитлар ва ҳам кредитлар бўйича фоиз ставкасини пасайтирмоқда; шаҳар ва қишлоқларда истеъмол кредитини ривожланишига шароит тўғдирмоқда ва кичик кредитлар тизимини кенгайтирмоқда; валютани тартибга солишни қаттиқ сиёсатини олиб бормоқда.

Шуларга қарамасдан кўпгина аналитиклар ҳисоблашадики, ХХР ўтказилаётган монетар ва фискал сиёсат тизим рискини ошириб юборади, чунки ХХР иқтисод ва сиёсат бир бири билан жуда яқиндан боғланган, иқтисодий муаммоларни соф сиёсий ечиш имкониятлари жуда узоқ чегарасиз эмас.

ХХР ДСТ аъзолигига киришида, киргандан сўнг 5 йил ичида хорижий банкларга Хитойни ички бозорида ишлашга рухсат бериш мажбуриятини олган эди, географик чегараланишни ва мижозлар бўйича чегараланишни бартараф этиб, шунингдек Хитой ва хорижий банклар учун тартибга солишни бир хил режимини таъминлаб.

Аммо буларга қарамасдан Хитой сўзда “ўзиники” ва ”бегона” учун ҳам тенг шарт-шароит яратгандай, ҳақиқатда хорижий банкларга ўзини тартибини қабул қилишни тиқиштиради, яъни фаолиятни маъмурий чегараланиши миллий компаниялар учун мажбурийдир. Бу ҳолат хорижий банклар бизнесига ўтказилади, шунинг билан Хитой банк соҳасида “ўзини оқламаган” рақобатдан ўзини суғурта қилади. Хорижий банклар томонидан ХМБ ўрнатган маъмурий тўсиқларни айланиб ўтишга ўринишлар ҳамиша ҳам истаган натижаларни беравермайди.

Хитой фонд бозорига хорижий инвестицияларни оқимига эътиборни қаратадиган бўлсак, бу ерда вазият мураккаблиги, листинг компанияларни 90

% дан ошиғи давлатга қарашли мулк шаклида жамлашмоқдадир. Акциядорлар ичида эса давлат амалдорлари ва партия ходимлари катта улушга эга, шунинг учун ғарб экспертлари такидлайдики, барча Хитой компаниялари “бирмунча гумонли” кўринади. Аммо бу ҳолатларга қарамасдан ноаниқликлар шароитида Жаҳонни илғор фонд бозорларида ХХРга қизиқиш жуда катта.

Аста-секинлик билан ўзгаришларни амалга оширишнинг олдинги, яъни “тошларни пайпаслаб, дарёни кечиб ўтиш” тактикаси исталган натижани бермай қўйди, шунинг учун ХХР банк тизимини амал қилиш тамойилларини тубдан ўзгартириш зарурияти туғилмоқда.

Ушбу йўналишда биринчи қадамлар амалга оширилди, бу жараённи катализатори бўлиб Хитойни ДСТ аъзолилигига кириши ва Хитой банк тизимини халқаро рақобатга тайёрлаш зарурлиги бўлди.

Хорижий молиявий институтлар учун банк секторини очиш жараёни жуда секинлик билан кечмоқда ва албатта Хитой Ҳукуматини тўлиқ миқёсда банк тизимини ислоҳ қилишга ҳали вақти етарли.

Бундан ташқари бир қатор мутахассисларни фикрига қараганда Хитой банк тизимини бақувват кафолати мавжуд, у ҳам бўлса Хитой давлати ва Хитой компартиясидир, шунинг учун, ҳозирги вақтда тўқнаш келаётган барча қийинчиликларга қарамасдан у етарли мустаҳкам-барқарор захирасига эгадир.

Хитойда валютани тартибга солиниши ва жисмоний шахсларни операциялари.

Хитой фуқароси хорижий валютага эга бўлиши, валюта алмаштириш операциясини амалга ошириши, валюта ҳисоб рақамини очиши ва хорижий валютада жамғармасини сақлаши мумкин. Кўпчилик давлат ва тижорат банклари валюта операцияларини ўтказиш бўйича хусусий шахсларга хизмат кўрсатади.

Хитойда яшовчи хорижий фуқароларга хорижий валютада иш ҳақи олишга ва уни хорижга олиб кетишга рухсат берилган.

Аммо хорижий валютада иш ҳақини банкдан олишга рухсат олиш учун, инглиз тилида меҳнат келишувини асл нусхасини тақдим этилиши талаб этилади, қайсики унда ишчига Хитой ҳудудида иш ҳақи хорижий валютада берилиши кўрсатилган бўлиши зарур.

Агар сиз иш ҳақини юанда олсангиз ва уни хорижий валютага конвертация қилиб, кейинчалик хорижга ўтказмоқчи бўлсангиз катта миқдорда ҳужжатлар(ишлашга рухсат, ишчи виза, инглиз тилидаги меҳнат шартномаси ва бошқалар)ни тўплаш талаб этилади. шундан кейингина ушбу операцияни амалга ошириш мумкин. Хитойга олиб келинган хорижий валютани банкда ва меҳмонхонада юанга алмаштириш мумкин.

Хитой юанининг курси.

Ҳозир Хитойда юаннинг “сузувчи” курси тизими ўрнатилган, у ҳар куни ўзгаради ва у валюталар саватчасига боғланган. ХХР 2005 йил июль ойидан, яъни янги тизимга ўтгандан бошлаб юань 7,5 %га мустаҳкамланган ва ҳозир унинг курси 1 АҚШ доллари ўртача 7,6 юанга тенг. Юаннинг мустаҳкамланиш тенденцияси сақланиб қолмоқда прогноз бўйича унинг курси 1:7 даражада сақланиб қолади.

Юань эркин алмашинувчи валюта ҳисобланмайди, Гонконг ҳудудида ўзининг пул бирлиги, яъни гонконг доллари амал қилади.

Хитойда валюта назорати бўйича янги тартиб ўрнатилган.

2007 йил 1 февралдан бошлаб кучга кирган янги “Жисмоний шахсларни валюта маблағларини бошқараш бўйича йўриқномасига” биноан жисмоний шахслар йилига 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги валюта маблағларига эга бўлиш ва ишлатиш ваколатига эгадирлар.

Агар ҳисоб рақами бўйича айланма миқдори бу суммадан ошиқ бўлса, валюта назорати бўйича Бошқармани маҳаллий бўлимига асословчи ҳужжатлар тақдим этишлари зарур, шартнома, контракт ёки инвойс кўринишида тўлов учун рухсат олишлари талаб этилади.

50 минг АҚШ долларидан ошган сумма юанга конвертация қилиниши ва юань ҳисоб рақамига ўтказилиши зарур. Бу тартиб Хитой фуқаролари учун ҳам ва Хитойда яшаётган хорижий фуқаролар учун ҳам тегишлидир.

Янги тартибга биноан жисмоний шахслар 24 ой давомида юанни валютага алмаштириши мумкин, уни олган вақтидан бошлаб, яъни валюта ўтказилганлигини тасдиқловчи квитанцияни тақдим қилган тақдирда, аммо унча катта бўлмаган, яъни 500-1000 АҚШ доллари миқдоридаги суммани хорижга кетаётганда валюта олиш учун ҳеч қандай исбот тақдим қилмасдан банкда алмаштириши мумкин.

Жисмоний шахсларни 50 минг АҚШ долларидан ошмайдиган суммасини бир марталик нақд пулсиз валюта ўтказишини ҳужжатлар асосида, яъни шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этганда амалга ошириши мумкин, агар сумма юқорида кўрсатилгандан кўп бўлса асословчи ҳужжатлар тақдим этиш зарур бўлади.

Нақд валютани бирмарталик валюта ўтказмаси 10 минг АҚШ долларидан ошмаслиги зарур. Бордию нақд валюта ўтказмасини катта суммада амалга оширмоқчи бўлса, валюта омонатидан маблағни олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат, яъни божхонадан квитанция ёки банкдан маълумотнома тақдим қилишлари лозим.

Кунига ҳисоб рақамидан нақд валютани олиш миқдори ҳам 10 минг АҚШ долларидан ошмаслиги керак. Мабодо катта сумма олиниши зарур бўлса,

унда валюта назорати Бошқармасининг маҳаллий бўлимидан олдиндан рухсат олиниши талаб этилади.

Агар жисмоний шахс ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган бўлса, унда у банкга савдо-саноат маъмурияти Бошқармаси ва валюта назорати Бошқармасида рўйҳатдан ўтганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатни тақдим этилиши талаб этилади. Жисмоний шахсларни валюта ҳисоби, ҳисоб-китоб, жамғарма ва капитал рақамларига бўлинади, бунда охиргиси очилиши учун валюта назорати бўйича Бошқармадан рухсатнома талаб этилади.

Валюта назорати тартибини бузган жисмоний шахс учун жарима 1000 юанни, ушбу тартибни бузган банк учун эса жарима миқдори – 30 минг юанни ташкил этиши мумкин. 2007 йил январдан бошлаб Хитойда жиноий йўл билан олинган маблағларни ўзлаштиришга қарши қонун қабул қилинган, шунинг учун энди хорижий валюта билан ишлар бўйича тартиб кўчайтирилди.

Хитойда юридик шахслар учун валюта назорати

Хитойда юридик шахсларни валюта операцияларини тартибга солиш, худди Ўзбекистондаги сингари Давлат валюта назорати тизими жорий этилган. Хитой ҳудудида хорижий валютада тўловларни амалга ошириш тақиқланади, аммо юридик ва жисмоний шахслар валюта ҳисобига эга бўлиши, валюта билан операциялар ўтказиши, хорижга валюта юбориши ва хориждаги контрагентлардан валютада тўловлар олиши мумкин.

Хитойда валюта назорати органи Давлат валюта назорати Бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобланади.

Хитойда валюта операциялари бўйича қуйидаги ҳуқуқлар мавжуд.

Импорт-экспорт операциялари билан шуғулланадиган компаниялар банкда валюта ҳисобини очишлари мумкин. Шунда ҳар бир хориждан олинган пул ёки четга ўтказилган валюта ўзини асосига, яъни шартнома ёки инвойсга эга бўлиши шарт.

Валюта олинаётганда ариза тўлдирилиши талаб этилади, қайсики унда ушбу валюта маблағининг нимага сарфланиши кўрсатиб ўтилади (товар, хизматлар ва бошқаларга тўланиши мақсади баён этилиши талаб этилади). Валюта ҳисоби бўлмаган корхоналар хориждан валюта ўтказмасини оладиган бўлса, банклар автоматик равишда валюта маблағини жорий расмий курс бўйича уни юанга айлантириб тўлаб беради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Хитойда ҳамма банклар ҳам буни амалга оширавермайди. Хусусан, Хитой Савдо-саноат Банки валюта ҳисоби бўлмаган компанияга валюта ўтказмасини олиб, кўп ҳолатда уни орқага қайтариб юборади, шу пайтнинг ўзида Хитой Банки эса у маблағни қабул қилади. Шунинг учун энг қулайи барча тўловларни Хитой Банки орқали амалга ошириш маъқўлдир, чунки бу банк халқаро бизнес билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширишда тажрибали ҳисобланади.

Валюта операциялари одатий (стандарт) ва капитал ҳаракатига бўлинади. Уларнинг асосий тафовути шундан иборатки капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун уни амалга оширишдан олдин рухсатнома олиниши зарур ва одатда, бу рухсатномани олиш узоқ вақтни талаб этади.

Хитойда амалга оширилаётган стандарт молиявий операциялар

Стандарт трансакциялар – бу тез-тез амалга ошириладиган келишувлар бўлиб, савдо ва хизмат кўрсатишдан тушадиган валюта тушумларини, маҳсулотлар импорт қилинаётганда валюта ўтказмаларини ва шунга ўхшашлардан иборат бўлади. Стандарт операциялар учун зарур валюта, корхонани валютани рақами қаерда очилган бўлса, ўша банкдан сотиб олиши мумкин.

Экспортдан валюта даромади олгандан ва импортда валюта ўтказмасини амалга оширгандан кейин, компаниялар уни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқлайдиган махсус ҳужжат расмийлаштиришлари керак.

Хитойда валюта операцияларини асослаш тизими.

Валюта маблағини ўтказгандан ёки валюта маблағини олгандан кейин компаниялар банкга импорт ёки экспорт божхона декларациясини тақдим этишлари зарур, шунда улар ўтказма буюртмасига ёки валюта олинишига мувофиқ валюталарни мақсадли ишлатилганлигини тасдиқлашадилар.

Валюта операциялари импорт ёки экспорт амалга оширилгандан кейин 90 кун ичида асосланиши лозим, махсус вазият (узайтирилган тўловда ёки узайтирилган тўлов шаклидаги аккредитив)ларда бу муддат узайтирилиши мумкин.

Хитойда капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар.

Капитал трансакциялар – халқаро операциялар бўлиб, у тўғридан-тўғри инвестициялар билан боғлиқ, қимматли қоғозлар кўринишидаги инвестиция билан ва хорижий банклардан кредит ёки хорижий корхоналардан қарз олиш билан боғлиқдир.

Хорижда олинадиган қарзни расмийлаштириш учун валюта назорати органига буюртма бериш керак, фақат берилган буюртма тасдиқлангандан кейингина ушбу операцияни бошлаш мумкин бўлади.

Қуйидаги кўринишдаги ташқи заёмлар, регистрация талаб этилишига қараб фарқланади: халқаро молия ташкилотлари кредитлари, хорижий банкларни кредитлари, хорижий корхоналарни кредитлари, хорижий валютада чиқарилган облигациялар, халқаро молиявий лизинг, узайтирилган тўловлар. “Ташқи заёмни рўйҳатдан ўтганлиги тўғриси”даги гувоҳномани Хитой Давлат валюта назорати Бошқармаси беради.

Хорижий банкдан ёки корхонадан кредит олаётганда қарздор Хитой Банкида ташқи заём учун махсус ҳисоб очиши зарур, бунда албатта валюта назорати Бошқармасидан тегишли рухсатномага эга бўлишлари шарт. Заёмни қайтариш ҳам кредитни қайтариш ва фоизларини тўлаш учун очилган махсус ҳисобдан амалга оширилади.

Хитой Банклари

Хитой молия-банк тизими тузилиши, Хитой банклари, Хитойни банк тузилишидаги давлат ва хусусий капитални, молиявий тузилишлар ва бозорни назорат ва бошқариш инструменти сифатида хизмат кўрсатади.

Хитойда 4 турли кўринишдаги банклар мавжуд: давлат сиёсий банклари, давлат тижорат банклари, акционер тижорат банклари ва шаҳар банклари. 2005 йилдан хусусий банклар тузишга рухсат берилган, аммо ҳозирча улар тажриба тариқасида амал қилмоқда. Хитой банк тизими активининг катта қисми давлат тижорат банклари ўртасида тақсимланган, “катта тўртлик”дан учтасида (Хитой Банки, Хитой Қурилиш Банки ва Хитой Савдо-саноат Банки), ислоҳотлар жараёни ўтишига қарамай ва улар акционер банкларга айлантирилган, уларни акциялари Шанхай ва Гонконг биржаларида котировкага эга, лекин аввалгидек уларда давлат назорат пакети (51 % акцияларни) сақланиб қолмоқда.

Хитой Халқ Банки Марказий банк ҳисобланади, у тўғридан-тўғри ХХР Давлат кенгашига бўйсунади. Банкни Бош Офиси Пекинда жойлашган.

Хитой Халқ Банкининг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

- ҳукуматни пул сиёсатини амалга ошириш;
- юанни эмиссия қилиш;
- давлат валюта захирасини ва олтин фондини бошқариш;
- давлат ғазнаси ижросини таъминлаш;
- валюта назорати бўйича Давлат назоратига рахбарлик қилиш;
- банк фаолияти назорати бўйича Қўмитага рахбарлик қилиш.

Банклар устидан назорат функцияси банк фаолияти бўйича назорат Қўмитасига берилганига қарамай Хитой Халқ банки банк соҳасига тегишли барча қонунларни чиқариш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган.

Хитой Давлат сиёсий банклари

Алоҳида тармоқларни ёки объектларни ривожланишини рағбатлантириш мақсадида ҳукумат маблағларини тармоқ банклари орқали ажратади. Ҳозирги пайтда Хитойда учта Тараққиёт Банки амал қилмоқда.

Хитой Тараққиёт Банки (China Development Bank).

Хитой Тараққиёт Банки (Давлат Тараққиёт Банки) 1994 йил март ойида ташкил этилган. Банкнинг Устав капитали 50 млрд. юань. Бу энг йирик Тараққиёт Банки бўлиб, у тўғридан-тўғри ХХР Давлат кенгашига бўйсунади. Хитой Тараққиёт Банкининг асосий функцияси саноатни асосий тармоқларини, инфраструктура қурилишини, алоҳида ҳудудларни ривожланишини сиёсий қўллаб-қувватлаш; халқаро моливий ташкилотларни кредит бўйича мажбуриятларни бажариш ва бошқаларни ҳисобланади.

Хитой Тараққиёт Банки (China Development Bank) Сайти http://www.cdb.com.cn

Хитой Экспорт-Импорт Банки (The Export-Import Bank of China).

Ушбу банк 1994 йил 26 апрелда таъсис этилган ва у ҳам ХХР Давлат кенгашига буйсунади. Банкни Бош офиси Пекинда жойлашган. Банк асосан экспортга юқори технологик ёки йирик габаритга эга бўлган асбоб-ускуналарни чиқаришни кредитлаш билан шуғулланади. У шунингдек хорижий ҳукуматларни кредит линияларига хизмат кўрсатадиган асосий банкдир ва хорижга имтиёзли кредит (асосан хорижга инвестиция киратадиган Хитой компанияларига) берадиган ягона банкдир.

Хитой Экспорт-Импорт Банки хорижий ҳукуматларга аралаш кредитлари, экспорт кредитлари бериш билан шуғулланади, шунингдек хорижий ҳукуматларга Хитой Ҳукумати ссудаларини беради ва аралаш кредитларни қайта расмийлаштиради. 2007 йил январь ойида Хитойни Экспорт-Импорт Банки ислоҳотларни бошлаб, ўзини сиёсий банкдан давлат тижорат банкига айланганлигини эълон қилди. Бундан ташқари улар экспортёрларни қўллаб қувватлашдан ташқари, импортёрларга имтиёзли кредит беришни, айниқса озиқ-овқат билан шуғулланаётган экспортёрларга имтиёзли кредит беришни баён қилишди. Хитой Экспорт-Импорт Банки томонидан бериладиган барча кредитлар, экспортни кредитлаш Хитой Суғурта компанияси (Sinosure) томонидан суғурта қилинган бўлиши зарур.

Хитой Экспорт-Импорт Банки (The Export-Import Bank of China) Сайти htti://www.eximbank.gov.cn

Хитой Қишлоқ хўжалигини Ривожлантириш Банкии (The Agriculture Development Bank of China)

Хитой Қишлоқ хўжалигини Ривожлантириш Банкиининг асосий функцияси қишлоқ хўжалигини қўллаб қувватлаш бўлиб, қишлоқ хўжалигида шуғулланувчи корхоналарга давлат кредитларини беришни ташкил этади. Бу банкни бундан бошқа функцияси йўқ ва халқаро операциялар билан умуман шуғулланмайди.

Хитой қошлоқхўжалигини ривожлантириш банки (The Agriculture Development Bank of China) 100045, Пекин шаҳри, Сичен р-ни, Юэтаньбэйцзе кўчаси 2А уйда жойлашган.

Хитой банклари – “катта тўртлик”
Хитой Банки (Bank of China)

Хитой Банки 1912 йилда таъсис этилган ва у Хитойда энг эски банклардан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда бу Хитой банкини хорижийда жуда ҳам кўп филиаллари мавжуд. Банк фаолиятини соҳаси анъанавий тижорат ва инвестицион банкга тегишли барча молиявий хизмат турларини қамраб олган. Хитой Банкини Гонконг ва Макао филиаллари пул эмиссияси билан шуғулланадиган банклардан бири ҳисобланади. Хитой Банки 559 та хорижий филиалларга эгадир, шу жумладан Россия ва Қозоғистонда уни “шўъба” банки мавжуд. Хитой Банки ходимлари ўта юқори малакага эга бўлиб, халқаро молиявий операцияларни жуда яхши ўзлаштириб олишган.

Хитой Банки Бош Офиси (Bank of China Head Office) 100818 Пекин шаҳри, Фусинмэнънэй дацзе кўчаси, 1 уй.Тел.010-66596688 Факс: 010-6601 4024 Веб-сайт: www.boc.com.cn

Бу банк активи миқдорига кўра Хитойдаги энг йирик банкдир, аҳамияти жиҳатидан Россияни Жамғарма Банки билан солиштирса бўлади, бу банк асосан жисмоний шахслар билан ишлашга ўзэътиборини қаратган. 2001 йилда Англияни “Banker” журнали ва Американи “World Finance Journal” журнали Хитойни Савдо-саноат Банкини “Хитойни энг яхши банки” деб топганлар. Лекин халқаро бизнес нуқтаи назаридан бу банкда маълум камчиликлар учраб туради.

Хитой Қишлоқ хўжалиги Банки
(Agricultural Bank of China)

Хитой Қишлоқ хўжалиги Банки даставвалдан қишлоқ хўжалигини кредитлаш операциялари билан шуғулланадиган, ихтисослашган давлат банки ҳисобланади. 1994 йилдан бошлаб банкда реорганизация ўтказилиб у аста секин тижорат банкига айлантирилди. Бу банкдан сиёсий ва тармоқ кредитлари билан боғлиқ операциялар Хитой Қишлоқ хўжалигини Ривожлантириш Банкиига ўтказиб берилгандан кейин Хитой Қишлоқ хўжалиги Банки оддий тижорат банки бўлиб қолди.

Бу банк Хитойда энг кўп (39 000) филиал тармоқларига эга ҳисобланади. Аммо унинг асосий муаммоси, бугунги кун талабига унчалик жавоб бераолмайдиган ходимларининг кўпчилиги билан ажралиб туради. Ҳозирги пайтда ушбу банкни ислоҳ қилиш ва акционер банкка айлантириш режаси кетмоқда.

Хитой Қишлоқ хўжалиги банкини Веб-сайти: www.abchina.com

Хитой Қурилиш Банки (China Construction Bank)

Хитой Қурилиш Банки – давлат-тижорат банки бўлиб, уни ўзига хослиги ўрта ва узоқ муддатларга кредит операцияларини амалга ошириш ҳисобланади (инвест лойиҳаларга ва экспортга кредит беради). Унинг Бош офиси Пекинда жойлашган, филиаллари эса Хитойни барча ҳудудийларида фаолият юритади.

Хитой Қурилиш Банки 1954 йили 1 октябрда таъсис этилган. Йигирма йилдан ошиқ муддатда, асосан, капитал қуйилмаларга бюджет ассигнованиясини молиялаштириш ва қурилиш корхоналарига қисқа муддатли кредитлар бериш билан шуғулланган. 1994 йили молия соҳаси ислоҳотлари бошлангандан кейин Хитой Қурилиш Банки молиялаштириш агенти ва сиёсий кредитлаш функциясини Молия вазирлигига ва янгитдан тузилган Хитой Тараққиёт Банкига топширди ва тижорат банки йўлига ўтиб олди. Хитой Қурилиш Банки бугунги кунда корхоналар учун ҳам, жисмоний шахслар учун ҳам барча банк хизматлари турларини кўрсата оладиган тижорат банкидир. Анъана бўйича у катта эътиборни қурилиш тармоғи корхоналарини кредитлашга, бундан ташқари аҳолига ипотека кредитлари дастурига фаол иштирок этиб келмоқда. Хитой қурилиш банкини учта хорижий филиали (Гонгконг, Франкфурт ва Сингапурда) ва тўртта ваколатхоналари (Лондонни қўшганда) мавжуд.

Хитой қурилиш Банкини Бош офиси Пекинда жойлашган. 100032, Пекин шаҳри, Цзиньжундацзе кўчаси, 25 уй. Веб-сайти: www.ccb.com.cn

Хитой Тижорат банклари

Хитой тижорат банклари икки турга бўлинади: тўртта банк (“катта тўртлик”) давлат капитали билан ва акционер банклар. Тўртта йирик давлат капитали билан банклар бу:

- Хитой Банки;
- Хитой Қишлоқхўжалиги Банки;
- Хитой Савдо-саноат Банки
- Хитой Қурилиш Банки.

Бу банкларнинг умумий активлар суммаси 2005 йилда Хитой банк тизими умумий активларининг 53 % ини ташкил этган.

Бу банклар узоқ ривожланиш тарихига эга, катта миқдорда шахсий капитали шаклланган ва филиал тармоқлари кенг ривожланган. Ҳозирги пайтда катта тўртликдаги давлат банкларини учтасини, яъни Хитой Банкини, Хитой Қурилиш Банкини ва Хитой Савдо-саноат Банкини акционер банкларга айлантириш вазифаси муваффақиятли якунланди, энди Қишлоқ хўжалиги Банкини акционер банкка айлантириш масаласи ечилмоқда.

Йирик акционер банклар сони 10тадан ортиқни ташкил этади. Уларни ичида энг йириги – ChinaEverbrigiht Bank ва China CITIC Bank ҳисобланади.

Асосан бу банклар корхоналарни дастлабки пай улуши билан очилган, аммо буларда ҳам давлат корхоналари ёки ҳукумат агенти бўлган шахслар назорат пакет акцияларига эга. 2005 йилда тижорат банкларини йиғма активлари жами Хитой банклари активлари суммасини 15 % ташкил этган. Ҳар бир шаҳарда тижорат банклари мавжуд, уларни фаолияти асосан шу шаҳар худуди билан чегараланади.

Хитой Транспорт Банкидир
(Bank of Communication).

Хитой акционер тижорат банкларидан бири-Хитой транспорт Банки 1986 йилда ташкил этилган. Унинг Бош офиси Шанхай шаҳрида жойлашган. Европадаги офислари Лондон ва Германияда жойлашган. Веб-сайти: www.bankcomm.com China CITIC Bank

Саноат CITIC банк Хитой транспорт инвестицион компанияси (CITIC) аъзоси ҳисобланади. Бу банк 1987 йилда таъсис этилган. Бош офиси Пекин шаҳрида жойлашган. 2006 йил ноябрь ойида China CITIC Bankни 501 млн.еврога тенг 5 % акциясини Banco Bilbao Vizcaya Argentaria SA (BBVA) ва 488 млн. еврога тенг 15 % акциясини CITIC International Financial Holdings (Гонконг) сотиб олган, умумий келишув суммаси 1,27 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Веб-сайти: www.citicib.com.cn

China Everbright Bank

Бу банк 1992 йили август ойида таъсис этилган. Бу банкни акционерлари Осиё Тараққиёт Банки ва бошқа халқаро молиявий ташкилотлар ҳисобланади. Веб-сайт: www.cebbank.com.cn

Миньшэнь Хитой Банк Корпорацияси
(China Minsheng Banking Corp., LTD)

1996 йили 12 январда акционер тижорат банки сифатида таъсис этилган, асосий тасисчилари хусусий ва ижтимоий инвесторлардир. 2000 йил декабрида унинг акциялари Шанхай фонд биржасида листингдан ўтган. 2005 йилда China Minsheng Bankни 400 млн. АҚШ долларига тенг 10 % акциясини Temasek Holding сотиб олган. Веб сайти: www.cmbc.com.cn

Хуася Банки
(Hua Xia Bank)

Бу банк 1992 йилда таъсис этилган, Бош офиси Пекинда жойлашган. 2006 йилда Хуася Банкни 416 млн долларлик, яъни 9,9 % акциясини Deutche Bank AG сотиб олган. Хуася Банк акциясини қўшимча равишда сотиш

бўйича Deutche Bank AG ва German Private Bank билан 344 млн. АҚШ долларига келишув имзоланган. Веб-сайт: www.hxbank.com.cn

Хитой Савдо Банки
(China Merchants Bank)

Бу банк 1987 йилда таъсис этилган. Бош офиси Шэньчжэнь шаҳрида жойлашган. Устав капитали 4,2 млрд. Юань. 2002 йил апрелда унинг акцияси Шанхай фонд биржасида листингдан ўтган. Банк ўзини Гонконгда ва Нью-Йорк шаҳрида филиалларига эга. Веб-сайт: www.cmbchina.com

Пудуна Шанхай Тараққиёт Банки
(Shanghai Pudong Development Bank)

Бу банк 1993 йилда расман очилган. Бош офиси Шанхае шаҳрида жойлашган.Устав капитали 2,41 млрд юанни ташкил этади. 1999 йилни ноябрь ойидан бошлаб унинг акциялари Шанхай фонд биржасида котировка қилина бошлаган. 2006 йилда 19,9 % акциясини АҚШнинг “City group” Банки сотиб олган. Веб-сайти: www.spdb.com.cn

Гуандун Тараққиёт Банки
(Guangdong Development Bank)

Хитой ХАЛҚ банки ташкил топгандан кейин, Хитойда биринчи қаторда ташкил топган акционер тижорат банклардан бири бўлиб Гуандун Тараққиёт Банки ҳисобланади ва бу ХХР молия тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим натижаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Гуандун Тараққиёт Банки расман 1988 йили 8 сентябрда очилган эди. Унинг Устав капитали 3,5 млрд. юанни ташкил этади, бош офиси Гуанчжоу шаҳрида жойлашган. 2006 йилда 85,6% банк акцияси City гуруҳ томонидан бошқариладиган 6 та аъзоси бўлган консорциумга берилган.Веб-сайти:www.gdb.com.cn

Хитойдаги шаҳар акционер тижорат банклари

Хорижий инвесторлар Хитой акционер ва шаҳар банкларини акцияларини жуда фаол равишда сотиб олмоқдалар, 2006 йилда 13-та келишув эълон қилинган. Шаҳар тижорат банклари ичида, хорижий кредит институтлари томонидан акциялари сотиб олинганларидан қуйидагиларни қайд этиш мумкин: Tianjin City Commercial Bank, Chongqing city Commercial bank, Hangzhou city Commercial Bank, Urumchi city commercial bank.

Хитойда банк фаолиятини назорат қилиш бўйича Қўмитани тартибига қараганда хорижий инвестор Хитой банкларини 19,9% акциясидан ошиқчасини сотиб олиши мумкин эмас, умумий хорижий капитални улуши 25 %дан ошмаслиги зарур, лекин Гуандун Тараққиёт Банки мисоли Хитой

Ҳукуматини баъзи бир ҳолларда хорижий инвесторларга жуда катта имтиёз бериб, амалда Хитой банкларини тўлиқ назорат қилишгача имкон бермоқда.

Бу анъанани Хитой Ҳукумати кейинги даврда кенг рағбатлантирмоқда, уларни фикрига қараганда, Хитой банк тизимига хорижий капитални фаол қўйилиши рискни бошқариш тизимини яхшилаш ва янги банк технологияларини кириб келиш имконини беради.

Ҳозирги пайтда Пекинда хорижий банкларни 27 филиалини, 10 та қўшимча офисларини ва 80 та ваколатхоналарини санаш мумкин.

2006 йил декабр ойидан бошлаб хорижий “шўъба” банклар Хитой миллий валютасида ҳеч қандай чекловларсиз, Хитой банклари қаторида операцияларни амалга оширади, шу пайтнинг ўзида хорижий банкларни филиалларига фақат 1 млн юандан кам бўлмаган суммада жисмоний шахсларни депозитларини жойлаштиришга рухсат берилган. Хитойда банк тизимида ислоҳотлар шунчалик шиддат билан давом этмоқдаки, ҳаттоки бу чекловлар ҳам яна атига 5-йил давомида сақланиб қолади, холос.

VII – БОБ. МДҲ ва ЕврАзЭС давлатлари банк тизими (Россия федерацияси банк тизими мисолида)

Россия Давлати банк тизими ўзида икки поғонали тизимни акс эттиради, яъни Россия Федерацияси Марказий банки ва тижорат банклари, уларнинг бўлимлари ҳамда бошқа тижорат муассасаларидан иборатдир. Тижорат банклари собиқ совет иттифоқи даврида 1988 йилнинг август ойидан бошлаб ривожлана бошлаган. Асосан тижорат банклари 1991 йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб фаол ривожланган. Айнан мана шу даврда давлатнинг ихтисослашган банкларини тижорат банкларига айлантириш жараёни содир бўлди. Бу жараённинг натижасида тепадан бошқариладиган тузилма ва кенг тарқалган банк бўлимлар ўрнига нисбатан кичик ва потенциал жиҳатдан беқарор тижорат банклари юзага келди. Бир вақтнинг ўзида бутун қатор янги тижорат банкларини тузиш жараёни ҳам кечди, қайсики улар кейинчалик банк ва молиявий хизматлар бозорида лидирлик ўрнини эгаллашди.

Россия банк тизимини қуйидагича чизма шаклида тассавур қилишимиз мумкин:

4-чизма

Россия Федерацияси банк тизими тузилиши



Давлатда эмиссия ҳуқуқига, белгиланган тартибга асосан фақат битта банкга берилган. Бу шунинг билан боғлиқки, агар барча банкларга пул чиқаришга рухсат берилса, мамлакатда пул муомаласи бир дақиқада бузилади. Эмиссион банк мамлакатда энг йирик маблағга эга бўлади. Унинг пассиви бўлиб, бюджет маблағлари ва муомаладаги нақд пуллар ҳисобланади. Шунинг учун у барча қолган банкларни қўллаб қувватлашга қодир ва уларни фаолиятини бошқаради. Эмиссион банк мамлакатда банк ишини ташкил қилиш бўйича марказ ҳисобланади, шунинг учун унинг атрофида қолган барча банклар ва кредит муассасалари гуруҳланади. Россияда бу Марказий банкдир (МБ).

Бозор иқтисодига асосланган давлатларда Марказий банк банклар ва мижозлар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди, ва бу тартиб кредит муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва ҳаттоки аҳоли учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Худди шунингдек Марказий банкнинг вазифаларидан бири бўлиб тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш ҳисобланади.

Марказий банкнинг кейинги вазифалардан бири – пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади. Барча мамлакатларнинг Марказий банклари ўзининг муассасалари орқали ягона пул-кредит сиёсатини амалга оширади. Марказий банк нақд ва нақд бўлмаган пулларни эмиссиясини таъминлайди, пул-кредит сиёсати инструментлари ёрдамида халқ хўжалигида пулга бўлган эҳтиёжларни амалга оширади.

Россия Федерацияси Марказий банки давлат банки ҳисобланмайди. Лекин у тижорат банклари фаолиятини назорат қилишда давлат сиёсатини амалга оширади. Ҳисоб-китобларни, ягона пул-кредит сиёсатини амалга оширади, миллий валютани қийматини ушлаб туради. Бунда Россия банки, албатта, давлат манфаатларидан келиб чиқади.

Ноэмиссион тижорат (универсал) банклар

Иккинчи поғонадаги банк тизими мустақил банклар тармоғидан иборат бўлиб, улар тижорат тамойили асосида мижозларга кредит-ҳисоб-китоб борасида хизмат кўрсатиш функциясини бажаради. Уларнинг асосий массаси тижорат (универсал) банкларидир. Улар амалиётда ўз мижозларини хўжалик фаолиятига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кредитни барча турлари, ҳисоб-китоб ва молиявий операциялар билан шуғулланади. Вақтинча бўш турган пул маблағларини, омонатларни, йиғимларни тўплайди. Ҳисоб-китоб ва тўлов механизмини амал қилишини бевосита таъминлайди, уни реал амалга оширади ва тўлов оборотини ташкил қилади. Юридик ва жисмоний шахсларни кредитлайди. Молиявий ва материал қимматликларни банкда сақлайди. Мижозларни мол-мулкларини ишончли бошқариш билан шуғулланади.

Барча тижорат банкларини устав жамғармасининг миқдорига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин: устав жамғармаси 30 млн рублгача бўлган **– кичик банклар**; устав жамғармаси 30 млндан 100 млн. рублгача бўлган – **ўрта банклар;** устав фонди 100 млн рублдан ортиқ бўлган **– йирик банклар.**

Бугунги кунда амал қилаётган тижорат банкларнинг кўпчилиги кичик ёки ўрта банк категориясига мансубдир. Йирик банклар қаторига кирувчи банклар – бу собиқ ихтисослашган давлат банклари бўлимлари базасида ташкил топган тижорат банкларидир. Йирик банкларни ичида, давлат банк хизмати иштирокисиз, корхоналар ва ташкилотлар томонидан ташкил топганлари жуда ҳам камдир.

Собиқ Совет Иттифоқида 1980 йилларнинг охирида барча универсал банклар тижорат ва кооператив банкларга бўлинган. Уларни фарқи шундан иборат эдики кооператив банкларни устав жамғармаси 500 000 рубль бўлган бўлса, тижорат банкларини устав жамғармаси – 5 000 000 рублни ташкил этар эди. Кейинчалик банкларни устав жамғармаси миқдорига қароб бўлиниши тугатилди. Лекин кўпгина банклар ўзларини кооператив номларини ва фаолият йўналишини сақлаб қолдилар.

Кооператив банкларни вазифаси кооперацияларга кредит ва молиявий жиҳатдан хизмат кўрсатишдан иборат эди. Кооператив банкларнинг иштирокчилари асосан кооперативлар эди. Бу банкларни анъанавий операциялари қатори пассив операциялари, резерв жамғармаси билан боғлиқ операциялардан иборат эди. Актив операциялари эса – қисқа муддатли ва ўрта муддатли ссудалар, ҳисоб операциялари, ишончли операциялар, лизинг ва қимматли қоғозлар операциялари ҳамда қимматликларни сақлаш операцияларидан иборат эди.

Ноэмиссион ихтисослашган банклар

Ихтисослашган банклар асосан бир-икки турдаги хизматларни ўзларининг кўпчилик мижозларига кўрсатишади (мисол учун, биржа, кооператив, коммунал ва ипотека банклари сингари). ***Инвестиция ва инновация банклари*** пул маблағларини узоқ муддатга йиғиш билан шуғулланишади. Бунинг учун улар облигация чиқариши ва узоқ муддатли ссудалар бериши мумкин. Инвестицион банклар одатга кўра саноат компанияларига хизмат кўрсатиши ва эмиссион-таъсис фаолиятига иштирок этиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда инвестицион банкларга омонатларни қабул қилиш умуман тақиқланган. Улар ўзларини пассивларини ўзининг шахсий эмиссион фаолияти (яъни, қимматли қоғозлар чиқариб) ва банкларараро кредитлари ҳисобидан шакллантирадилар. Улар учинчи шахсни қимматли қоғозларини дастлабки ва иккиламчи бозорда ташкил қилувчи сифатида, фонд операцияларини амалга оширишда эмиссия кафолати, воситачи ва кредитор сифатида рол ўйнайди.

Ҳисоб ва депозит банклари вақтинча бўш пул маблағларини жалб қилиб ва жойлаштириб, қисқа муддатли кредит операцияларини амалга оширадилар. Депозит ва ҳисоб банклари фаолияти ўртасида қатъий чегара ҳақиқатда мавжуд эмас. Мисол учун, Францияда ҳисобдаги уйлар депозит банкларнинг бирдан бир кўриниши ҳисобланади.

Жамғарма (ссуда-жамғарма, ўзаро жамғарма) банклар одатда, кўпчилиги муддатли ҳисобларни очишади ва уларни ҳар хил ишлатиш тартиби билан кичик омонатларни маълум муддатга жалб қилади. Жамғарманинг аниқ муддати кўрсатилиб, у муддат келгунга қадар даромадни олмаслик шарти билан, ҳисоблар универсал ишлайдиган ҳам бўлиши мумкин. Бу банкларни асосий актив операциялари бўлиб, ипотека кредитлари, қимматли қоғозлар ва аҳолини кредитлаш ҳисобланади.

Ипотека банклари Кўчмас мулк кафиллиги остида узоқ муддатга маблағларни жалб қилади ва жойлаштиради. Бу банкларни маблағ жалб қилишини асосий манбаи бўлиб ипотека облигацияларини чиқариш ҳисобланади.

Биржа ва суғурта банкларини тузилиши Россия давлатида – биржа ва суғурта иши ўта шиддат билан ривожланиши билан боғлиқдир. Ушбу банклар фақатгина биржа ва суғурта тизимига хизмат кўрсатишади.

Коммунал (муниципиал) банклар маҳаллий хўжаликларни ривожлантириш ва уларга кредит-молия хизматларини кўрсатиш мақсадида тузилади. Бунақанги банкларни таъсисчилари ва иштирокчилари бўлиб, маҳаллий ҳукумат органлари, ижтимоий ташкилотлар, суғурта жамиятлари ва банклар бўлиши мумкин, яъни қайсики маҳаллий инфратузилмани ривожланиши билан манфаатдор бўлган ташкилотлар. Бу банкларнинг асосий фаолияти – коммунал хўжалик, қурилиш ва маҳаллий корхоналар ва ташкилотларни кредитлашдан иборатдир.

2. Россия Федерацияси тўлов тизимининг тузилиши.

Ҳар бир давлатнинг тўлов тизими мураккаб бўлиб, унинг таркибига миллионлаб хўжалик субъектлари ҳамда бошқа давлатларнинг ташқи агентлари кирган ривожланган телекомуникацион тармоқни ўзида мужассамлаштиради. Бу ўзаро муносабатларининг асоси бўлиб ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўлиб, бу жараён натижасида ўзаро талаблар ва мажбуриятлар қониқтирилади. Нақд ва нақд пулсиз шаклидаги пул оқими ёрдамида жами тўловларни йиғими сифатида пул обороти ташкил топади, шунда миллий маҳсулотни сотилиши, тақсимланиши ва қайта тақсимланиши ва ишлатилиши таъминланади. Нақдпулсиз тўлов оборти энг асосийси бўлиб пул оборотини 90 % гача етади ва қуйидаги йул билан амалга оширилади:

1) кредит муассасаларида пул маблағларини тўловчи ва олувчи ҳисобларида ёзувларни амалга ошириш орқали;

2) ўзаро талабларни зачёт қилиш орқали;

3) муомаладаги тўлов инструментлари (векселлар ва бошқаларни) олди-бердиси ёрдамида.

XX асрнинг 90-чи йиллар бошида Швейцариянинг (Базель шаҳрида) Халқаро Ҳисоб-китоб Банки (BIS) қошида тузилган тўлов ва ҳисоб-китоб тизими бўйича Қўмита кўрсатмасига асосан ҳисоб-китоб доирасида терминлар аппарати тузилган.

Бирдан бир асосий терминлардан ҳисобланган **“тўлов тизимини”** ролини баҳолаш жуда қийиндир.

BISнинг терминлар тўпламига мувофиқ **Тўлов тизими** деганда муассасалар, юридик нормалар, инструментлар, процедуралар, техник дастурлар, иштирокчилар ўртасида ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминловчи коммуникация ва информация воситалари тўпламига тушунилади.

Тўлов тизими амал қилиш жараёнида жамиятда кўп қиррали иқтисодий муносабатлар аниқ шаклни ўзида мужассам эттиради яъни бу муносабатлар пул олиниши билан якунига етади.

Давлатларда тўловларни суммаси ёки мамлакатларни тўлов тизимининг ҳаракати жуда каттадир. 2000 йил маълумотларига қараганда ривожланган давлатларда (АҚШ, Франция, Буюк Британия, Япония) унинг 3-5 кунлик

миқдори бир йилдаги ЯИМ миқдорига тенгдир. Россияда 2006 йилда 22 кунлик тўлов миқдори йиллик ЯИМ тенг бўлган.


Тижорат банклари учун ҳисоб-китоблар – банкларнинг бирдан-бир бош фаолияти бўлиб, кўп жиҳатдан уларни келгусида тараққий этиши учун катта омилдир. Баъзи бир банкларни маълумотга қараганда пул маблағларини ўтказиш хизматларидан олинадиган даромад миқдори катта фоизни ташкил этади.. Банкларда ҳисоб-китоб операциялари банкларни жами операцион иши вақтини 2/3 қисмини ташкил этади.

Аҳоли учун ҳисоб-китоблар – ҳаёт фаолиятининг ва иқтисодий имкониятларини сафарбар қилишнинг энг зарурий шартидир.

Ташқи рискларни 5-чизмада қуйидагича кўрсатиш мумкин.

5-чизма

Халқаро савдода юзага келадиган рисклар



Халқаро молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида тадбиркорларнинг асосий эътибори давлат рискларига қаратилган ва уларни даражаси жуда кучайиб бормоқда. Давлат рисклари жуда кўп омилли бўлиб, кўпгина молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан қўшилиб кетиб юзага келади. Шу муносабат билан банкларни олдида давлат рискини экспертиза қилиш ва рейтингини аниқлаш ҳамда уни қоплаш муаммоси юзага келади.

Давлат рискини шу давлат билан боғлиқ бўлган суверен ҳукуматни ҳаракатлари қарздорни имкониятига қандай даражада таъсир қилиши даражаси билан аниқланади ва қарздор ўз мажбуриятини қандай қисмини бажара олиши билан баҳоланади. Давлат рискининг умумий доирасида трансферт ва сиёсий рисклар ётади.

Трансферт рисклар ўзида қарздорни контрагант мамлакатида иқтисодий вазиятни ўзгарганлиги муносабати билан ўз мажбуриятини бажара олмаслиги (валюта чегаралинишлари киритилиши оқибатида) рискини акс эттиради. Худди шундай бу риск давлат даражасида ҳам бўлиши мумкин, яъни агар давлат хорижий давлатлардан қарз олиб тўловга қобилиятсиз

бўлиб қолиши мумкин, худди Гриция давлати сингари ёки бу риск компания даражасида ҳам юзага келиши мумкин, яъни баъзи бир давлат иқтисодий сиёсат юритиш вақтида хорижий инвесторларни капиталини ўтказишда чегараланишлар ўрнатиб қолиши мумкин.

Нотижорат (сиёсий) риски ўзида инвестиция киритилган давлатда кўзда тутилмаган сиёсий омиллар оқибатида компания учун молиявий йўқотишлар содир бўлишини кўзда тутади. Шундай қилиб сиёсий риск давлат ҳукуматини олиб бораётган сиёсат курсини ўзгариб қолиши ёки унинг фаолиятидаги имтиёзли йўналишлар ўзгариб қолиши натижасида содир бўлади.

Тижорат риски шартнома имзолангандан кейин баҳоларни ўзгариши муносабати билан юзага келади: айниқса ҳисоб-китобларни инкассо шаклида импортёр товарларни қабул қилишдан бош тортади; ҳужжатлардаги камчиликлар ёки товарни пулини тўлашда; харидорни ёки қарздорни тўловга қобилиятсиз бўлиб қолишида; валюта курсини беқарор бўлиб қолишида.

Ташқисавдо рисклари ичида асосий ўринни валюта рисклари эгаллайди, у ўзида валюта баҳоси курсини ўзгариши натижасида валюта йўқотилиши хавфини акс эттиради, у ташқи савдо шартномасини имзоланиши билан унга тўловни амалга ошириш ўртасидаги вақт ўтишидаги курсдаги тафовут юзага келиши билан содир бўлади.

Валюта рисклари табиати ва юзага келиши жойига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- операцион рисклар – савдо операциялари билан боғланган бўлиб, тўловни амалга ошириш учун шартнома имзоланаётганда ёки келгусида хорижий валютада маблағни олаётганда содир бўлади. Ушбу рискни кутиладиган маблағлар оқимини валюта курси ўзгариши натижасида кўриладиган зиён ёки олинмай қолинадиган фойда миқдори билан аниқланади.
- Трансляцион (бухгалтерия) рисклари хорижий бўлимларни активлари ва пассивларини ҳамда фойдасини миллий валютада қайт баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, шунингдек улар инвестицияларни экспорт ва импорт қилишда ҳам юзага келиши мумкин.
- Иқтисодий рисклар келгусидаги шартномалар бўйича умумий иқтисодий ахвол компания жойлашган давлатда ёки Ҳамкор жойлашган давлатда ҳам даромадларни йўқотиш мумкинлиги билан боғлиқ ўзгаришлар орқали юзага келади.
- Яширин рисклар экспорт ва импорт операциялари бўйича валюта курсларини тебраниши натижасида ҳисоб-китобларга боғлиқ ҳолда юзага келади.

Валюта рискини юзага келиш асосида кўрсатилган даврда пул мажбуриятини реал қийматини ўзгариши ётади. Экспортёр агар валюта курси баҳоси валюта тўловига нисбатан пасайса зиён кўради, чунки шартномада кўзда тутилганга нисбатан кам реал қиймат олади. Импортёр

учун валюта риски тескари ҳолатда юзага келади, яъни валюта тўловига нисбатан валюта баҳоси агар кўтарила бошласа содир бўлади.

Дунё амалиёти валюта рискини суғурталашни қуйидаги асосий тамойилларини ишлаб чиқишган. Ҳар битта валюта бўйича нетто-позициялар йиғилиб, келишувни тузилиши ва ижроси муддати бўйича сараланади, алоҳида келишувлардан ташқари ҳар ойни охирида суғурта қилиниши зарур[1].

Экспорт ва импорт операциялари иштирокчилари на фақат тижорат ва валюта рискларига дучор бўладилар, балки кредит ва фоиз рискларига ҳам тўқнаш келадилар. Кредит риски ўзида кредиторга тўланиши керак бўлган кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз суммасини қарздор томонидан тўламаслигини акс эттиради. Қарздорни тўлай олмаслигида бу рискни қарз берувчи ўзида хис қилади. Фоиз риски – кредит келишувида кўзда тутилган ставкага нисбатан бозор фоиз ставкаси ўзгариши боғлиқ ҳолда йўқотиш хавфи бўлиб, кредит келишуви имзоланиши ва унга тўлов амалга оширилиши ўртасидаги даврда юзага келади. Бунда қарз олувчи бозор фоиз ставкасини пасайишида, кредитор эса – бозор фоиз ставкасини кўтарилишида ўзида хис қилади.

Жаҳон амалиёти ташқи савдо операцияларини ўтказишда содир бўладиган рисклардан ҳимоя қилиш стратегиясида қуйидаги ёндашувларни танлаганлар:

1. Рискни суғурталаш бўйича махсус тадбирлар қабул қилиниши зарур.
2. Суғурта қилиш мақсадида ташқи савдо шартномаларини бир қисмини ажратиш керак.
3. Рискни суғурталашни аниқ усули ва вариантини танлаш керак.

Шундай қилиб, халқаро савдода рискларни ўсиши билан экспорт ва импорт шартномаларида валюта-молия ва тўлов шарт-шароитлари махсус аҳамият касб этмоқда. Бу шарт-шароитларни шартномада етарли даражада аниқланиши ҳисоб-китобларни ишончли ва тез амалга оширилишини таъминлайди ва қатор ташқи иқтисодий рискларга боғлиқ бўлган йўқотишлардан қочиш имкониятини беради.

Ҳозирги замон нақд пулсиз ҳисоб-китобда уларни тузилишини шундай тамойилларининг юридик базаси шаклланганки у ҳар томонлама бозор иқтисодиёти учун характерлидир.

Биринчи тамойил – барча корхона ва ташкилотлар уларни мулкий ташкил топмш шаклидан қатъий назар пул маблағларини (шахсий ва жалб қилган маблағларини ҳам) банкдаги ҳисоб рақамида сақлаши мажбурдир. Корхона кассасида кунни охирида белгиланган касса лимити қолдиғидан ошмаган нақд пулгина қолиши мумкин. Бу қолдиқ миқдори ҳам корхона билан келишилиб банк томонидан белгиланади. Ушбу тамойилга молиявий операцияларни бажаришда хўжалик субъектлари томонидан амал қилиниш пул маблағларини нақдпулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг асосини ташкил қилади.

---

[1] Е.Е. Куликова. Управление рисками: инновационный аспект.-М.: Бератор Паблишинг, 2008г.-С.32

Иккинчи тамойил - мижоз ҳисобидан пул маблағларини ўтказиш мижозни фармойишига асосан фақат банк томонидан амалга оширилади.

Мижоз томонидан пул маблағларини ўтказиш тўғрисидаги фармойиш турли шаклларда бўлиши мумкин:

- Ҳисобдан пулни кўчириш тўғрисида бўйруқ аҳамиятига эга бўлган тўлов документини (тўлов топшириқномаси, ҳисоб-китоб чеки, аккредитив очиш бўйича ариза) ёзиш йўли билан;
- Кредитор томонидан тақдим қилинган (тўлов талабномаси), ҳисоб ҳужжатини тўлашга розичилик бериш шаклида.

Ҳисобдаги пул маблағини кўчириш мижоз розилигисиз фақат суд қарори билан ва қонунда белигиланган бошқа ҳолатда ҳамда мижоз билан банк ўртасида тузилган шартномага асосангина йўл қўйилади.

Учинчи тамойил – нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклини бозорда субъектлар томонидан танлаш эркиндир ва улар хўжалик шартномасида акс эттирилади, банкларга шартнома муносабатларига аралашишга ваколат берилмаган.

Тўловчи ҳисоб-китоб операцияларида бош субъект сифатида фаолият юритади. Барча нақдпулсиз ҳисоб-китобларнинг шаклларини қўллаб тўловни амалга ошириш борасидаги ташаббус фақат унга берилган. Ушбу ҳолат мамлакат иқтисодиётида амал қилаётган бозор муносабатларига мувофиқдир ва мос тушади.

Тўртинчи тамойил – тўловнинг муддатлилиги. Тўловни муддатида бажарилиш тамойили жуда катта амалий аҳамиятга эгадир, чунки корхона уни олдиндан била туриб ўзининг тўлов оборотини рационал тузади, қўшимча пул ресурсларини жалб қилиниши зарурлигини аниқлайди ва ўз балансини ликвидлигини бошқариши мумкин.

Тўловни ўз вақтида бажармаган иштирокчи, уни айби билан бу ҳолат содир бўлган бўлса у жарима тўлаши шарт.

Агар кредит муассасаси мижоз пул маблағларини ўз вақтида ўтказмаган ё ҳисобга нотўғри ўтказган ҳамда ҳисобдан нотўғри кўчирган ҳолатларини содир этса шу маблағ суммасидан келиб чиқиб Россия Банки қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган фоиз суммаси миқдорида жарима тўлайди.

Бешинчи тамойил - тўловнинг таъминланганлиги. Тўловчини тўлови ҳозирги ёки кейинги вақтда ўзининг ҳисобига маблағни тушуши таъминланган бўлиши зарур ёки уни кредит олиш ҳуқуқи мавжуд бўлиши шарт. Тўлов таъминланганлиги шу дақиқада ва келгусида таъминланганликка бўлинади. Шу дақиқада тўловни амалга ошириш учун тўловчини етарли даражада ҳисобида ликвидли маблағи борлиги билан аниқланади. Келгусида таъминланганлиги аккредитив очиш ёки ҳисоб рақами бўйича овердраф шаклида кредит линияси очилиши билан ҳам амалга оширилади.

Тўловни таъминланганлик тамойили тўловни кафолатлайди, хўжаликда тўлов интизомини мустаҳкамлайди, охир оқибатда ҳисоб-китобни амалга

ошираётган барча иштирокчиларини тўловга ва кредитга қобилиятини ҳам мустаҳкамлайди.

Россия Федерациясида ҳам бошқа давлатлар сингари барча шаклдаги тўлов турлари қўлланилади:

1. **Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоблар,** у ўз навбатида кредит пул ўтказишига ва тўлов топшириқномаси пул ўтказишига бўлинади. Россия Федерациясида тўлов оборотининг 90 %и нисбатан кредит пул ўтказишига тўғри келади.

Ушбу операцияларни юридик базаси бўлиб РФ ГК 877-885 моддаларига мувофиқ Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йўриқномаси ҳисобланади.

2. **Документар аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар** –МТП UCP 600 халқаро документар аккредитивлар келишувига мувофиқ.

3. **Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар –** МТП 522 унификацияланган инкассо тартиби бўйича.

4. **Чеклар билан ҳисоб-китоблар**. 1931 йил 19 мартда Женева конвенцияси унификацияланган банк чеклари режим нормасига мувофиқ амалга оширилади.

5. **Векселлар ёрдамида ҳисоб-китоблар :** Россия амалиётида жуда кенг қўлланилади. У Оддий вексель ва Переводной вексельни иккала шакли ҳам амалиётда қўлланилади. Маълумки Ўзбекистон Республикасида векселлар муомаладан чиқариб ташланган. Россия Федерациясида “Переводном ва оддий векселлар тўғрисида” Федерал Қонунни 5-моддасига мувофиқ муомалада амал қилади.

6. **Ўзаро талабларни зачет қилиш йўли билан ҳисоб-китоблар.**

7. **Бартер келишувлари.** Маълумки бизниниг республикамизда бартер келишувлари ҳам Республика Президенти Фармони билан халқаро ва ички ҳисоб-китобларда қўлланиши тақиқланган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики Россия Федерацияси тўлов тизимини ўзининг тўлов шаклларини турли хиллиги ва бизнинг республикамизда қўлланмаётган 3 та турдаги ошиқча ҳисоб-китоб шаклларни қўлланиши билан ажралиб туради. Буларни ҳаммаси, албатта, мамлакатда ҳисоб-китобларда пул оборотини ўсишига ва тезлашишига ёрдам беради, бизнесменлар ва аҳолига қўшимча имкониятлар яратади.


Хоҳлаган савдо операцияси аввалдан сотувчи ва ҳаридор манфаатлари ўртасида қарама-қаршиликдан иборат бўлади. Улар бир-бирлари билан келишиш ҳолатида тўлов шакли танланиб шартнома имзоланади. Тўлов усулини танлаш – ўта муҳим вазифадир, чунки у пул маблағи ва товар ҳаракати чизмасини аниқлайди.

Тўлов усулларининг ҳар бири ўзининг афзалликларига эга бўлиб, ҳамкорларни қайсидир бирига нисбатан манфаатли бўлиши мумкин. Чунки экспортёр ва импортёрларни манфаатлари бир бирига мос келмайди, гоҳида улар бир-бирига бутунлай тескаридир. Шунинг учун хорижий ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб шартлари танланаётганда экпортёр ёки импортёр манфаатидан келиб чиқиб, турлича ёндашиш лозим бўлади.

Товарларни экспорт ёки импорт шартномаларини тузишда экспортёрлар ёки импортёрлар йўқотишлардан қочиш ёки уларни минимал даражага тушириш учун ҳисоб-китобларни ишончли бўлишини таъминлаш зарур. Экспортёрлар учун хорижий ҳамкорларни тўлай олмаслик ёки ўз вақтида тўлай олмаслик, импортёрларни эса товарни жўнатмаслик ёки ўз вақтида жўнатмаслик риски мавжуд. Бу рисклардан улар ҳисоб-китоб шаклларини оптималини танлаб ва уни қуйидаги 6-чизмада кўрсатилгандек шартномада аниқ акс эттириб улар суғурта қилишлари мумкин.

6-*чизма*

Турли ҳисоб-китоб шаклларида контрагентлар учун тўламаслик ёки товарни жўнатмаслик рискларини баҳолаш[2]




Олтинчи чизмада тижорат банклари томонидан қўлланиладиган халқаро ҳисоб-китобларнинг умумий классификацияси намоён қилинган.

7-чизма

Экспорт-импорт операцияларида қўлланиладиган халқаро ҳисоб-китобларнинг умумий классификацияси [3]

[2] (Слепов В.А. Международные торговые расчеты.М.: ФБК Пресс.2000-С.70)

[3] Муаллиф томонидан тўзилган



Халқаро ҳисоб-китобларни тарихига эътибор қаратадиган бўлсак улар қуйидагича шаклланган:[4]

1. Импортёрлар ва экспортёрлар ва уларнинг банклари ташқи савдо муносабатларидан шартнома муносабатларини расмийлаштиришга, жўнатишга, товарни ва уни ҳужжатларини қайта ишлашга ҳамда тўловни амалга ошириш ишларига маълум даражада киришибборишган. Ҳисоб-китобларни аниқ шаклига қараб улар ўртасида мажбурият ва жавобгарлик тақсимланган.

2. Халқаро ҳисоб-китоблар миллий норматив қонуний актлар ҳамда халқаро банк тартиб ва одатлари билан тартибга солинади.

[4] Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. – С. 140

3. Халқаро ҳисоб-китобларнинг объекти – хўжалик алоқаларини интермиллийлашуви ва банк операцияларини унверсаллашуви билан унификациялашган. 1930 ва 1931 йилларда Женева конференциясида халқаро Вексел ва Чек конвенцияси қабул қилинган, унга асосан халқаро ҳисоб-китобларда вексел ва чекларни ишлатишни мураккаблиги бартараф этилган, бир сўз билан айтганда вексел ва чекларни ишлатиш борасида унификацияланган халқаро қонуни қабул қилинган. ХХ асрнинг бошларида Парижда тузилган Халқаро савдо палатаси ҳужжатли аккредитивлар документар инкассо бўйича Унификацияланган тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқади ва чоп этади.[5] Жаҳоннинг кўпчилик банклари аккредитив ва инкассо бўйича Унификацияланган тартибга қўшилишини эълон қилганлар.

4. Халқаро ҳисоб-китоблар белгиланган тартибга асосан ҳужжатларга асосланади, яъни молиявий ва тижорат ҳужжатларига нисбатан амалга оширилади. Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказиладиган векселлар, чеклар ва тўлов тилҳатлари киради. Тижорат ҳужжатларига ҳисоб-фактураси; товарни жўнатганлиги ёки ортишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (коносамантлар, темир йўл, автомобил ва авиация юк хатлари, почта квитанциялари ёки аралаш транспорт накладнойлари); суғурта ҳужжатлари; товарни келиб чиқишини, сифатини ва таркибини тасдиқловчи сертификатлар ва бошқалар киради. Банк ҳужжатларни таркибини ва тўлиқлигини текширади. Шунинг билан бир қаторда Халқаро Савдо Палатаси ва СВИФТ ташкилоти билан электро “қоғозсиз” савдо концепцияси - электрон шартномалар, электрон молиявий инструментлар ва ҳисоб-китоблар тушунчаси қўшилган ҳолда ишлаб чиқилган.

5. Халқаро тўловлар турли хил валюталарда амалга оширилади. Шунинг учун улар валюта операциялари билан яқиндан боғланган, уларни самарали амалга оширилиши валюта курслари динамикасига таъсир ўтказади.

Шуни қайд этиш зарурки бир пайтлар илғор давлатларнинг миллий кредит пуллари халқаро ҳисоб-китобларда бемалол ишлатилган, хусусан биринчи жаҳон уришига қадар халқаро ҳисоб-китобларда Аглиянинг фунт стерлинги 80 фоизни ташкил этган. Кейинчалик унинг улуши 40 фоизгача тушиб қолган, АҚШ нинг доллари эса 60 фоизгача кўтарилган. Ўтган асрни 70-чи йилларидан бошлаб халқаро ҳисоб-китобларда ҳисоб валюта бирлиги СДР ва нисбатан давлатлараро ҳисоб-китобларда айниқса, ЭКЮ ишлатилган, кейинчалик 1999 йилдан бошлаб аста секин у расмий ва хусусий секторда еврога алмаштирилди, валюта баҳоси ва валюта тўлови сифатида.[6] Халқаро савдонинг Ҳозирги ташқи савдо операцияларининг амалиётида асосан АҚШ доллари, евро, Япония йенаси, швейцария франки ишлатилади. Европа иқтисодий ва валюта иттифоқи тузилиши билан мана 10 йилдан ошиқ муддатда евро Жаҳоннинг иккинчи илғор валюталари қаторидан жой олди. Шунга қарамай Жаҳон бозорида хом-ашё ва

[5] Моисеев С. Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие – М.: изд. «Дело и Сервис», 2003 г. – С. 74

[6] Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. – С. 141

ёқилги-энергия товарларини ҳисоб-китоби анъанавий равишда, АҚШ долларида амалга оширилади.[7]

Банк ишини халқаро амалиётида ишлатиладиган ҳисоб-китоблар шаклларини ва уларни механизмини кўриб чиқамиз.

Ҳисоб-китобларнинг акккредитив шакли – ушбу келишув шартига биноан банк мижозни илтимосига биноан учинчи шахсга (аккредитив очилган - бенефициарга) тўловни амалга ошириб беради ёки бенефициар томонидан тақдим қилинган траттани тўлашга розилик ёки ҳужжатларни сотиб олишга розиликни амалга оширади.[8] Аккредитив бўйича банкнинг мажбурияти мустақил ҳисобланди ва томонларнинг тижорат шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатларига боғлиқ бўлмайди.

Аванс тўловидан кейин экспортёрлар учун аккредитив шаклидаги ҳисоб китоблар энг мақбул ва манфаатли ҳисобланади, чунки бунда банклар маълум шарт-шароитлар бажарилгандан кейин тўловни амалга ошириш мажбуриятини оладилар. Бундан ташқари ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли инкассо шаклидаги ҳисоб-китобга нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

- ҳисоб-китоб ўта ишончли ва товарлар учун ўз вақтида тўланиши кафолатланган, чунки бу операцияларни банклар бажаради;
- тўлов суммасини олиниши жуда тез, товарларни ортиб жўнатгандан кейин жўнатилган товар ҳужжатлари тақдим қилиниши биланоқ банклар тезда тўловни амалга оширса;
- экспортёр давлатига хорижий валютада аккредитив очилганда импортёрни валютани ўтказишга розичилиги олинганда.

Ҳисоб-китобларни инкассо шакли – бу банк операцияси бўлиб, буни ёрдамида банк мижозни топшириғига асосан импортёрдан уни номига ортиб жўнатилган товар ёки кўрсатилган хизмат учун пул маблағини олади ва бу маблағларни экспортёрни банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

Инкассо шаклидаги ҳисоб-китобларда қуйидагилар жараён иштирокчилари ҳисобланади:

– Ўзини банкига инкассо операциясини бажаришга топшириқ бераётган ишончли юридик ёки жисмоний шахс;
– Инкассо операциясини бевосита амалга оширувчи ремитент-банк;
– Валюта маблағини олувчи инкассо банк;
– Импортёр-тўловчига ҳужжатларни тақдим этувчи банк;
– тўловчи.

8-чи чизмада ҳужжатли инкассо бўйича ҳисоб-китоблар механизмини кўриб чиқамиз:

8-чизма


Хужжатли инкассо бўйича ҳисоб-китоблар чизмаси [9]

---

[7] по материалам сайта www.bis.org

[8] Унифицированные правила и обычаи для документарных аккредитивов (публикация МТП 2007 года UCP №600)

[9] Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. – С. 143



1. Экспортёр импортёр билан товарни сотиш бўйича шартномани ҳужжатли инкассо шарти ҳисоб-китобни амалга ошириш тартиби билан, унга товарни жўнатади.

2. Экспортёр ўзини банкига инкассо топшириқномаси билан тижорат ҳужжатларини жўнатади.

3. Экспортёр банки инкассо топшириғи ва тижорат ҳужжатларини тақдим этувчи банкка (ёки импортёр банкига) жўнатади.

4. Тақдим этувчи банк бу ҳужжатларни импортёрга тақдим этади.

5. Импортёр инкассо банкни ҳужжатларини тўлаб беради.

6. Инкассо банк ремитент-банкка (ёки экспортёр- банкка) тўловни ўтказади.

7. Ремитент-банк ўтказиладиган суммани экспортёр ҳисобига ўтказади.

Оддий ва ҳужжатли инкассо фарқланади. Оддий (соф) инкассо тижорат ҳужжатлари тақдим этилмасдан, молиявий ҳужжатлар бўйича тўловни ундириб олишни англатади; ҳужжатли (тижорат) инкассода тижорат ҳужжатлари билан биргаликда молиявий ҳужжатларга нисбатан тўлов амалга оширилади. Бунда банкларда ҳеч қанақа ҳужжатларни тўлаш бўйича мажбурият бўлмайди.

Инкассо шаклидаги ҳисоб-китоблар импорт операцияларини амалга ошириш нисбатан мақсадга мувофиқдир, чунки бунда ташқи савдо бирлашмаларини ресурсларини жалб қилмайди, бундан ташқари уларга нафақат товарларни ҳужжатларини текширишга балки уни қийматини тўлагунча товарни ўзини ҳам текшириш имконини беради.

Банк пул ўтказиши ўзида битта банкни иккинчи банкка ўтказиладиган маълум пул маблағни олувчига тўлашни англатади.[10] Халқаро ҳисоб-китобларда банклар ўзининг мижозларини пул ўтказиш бўйича топшириқномаларини бажариб келади.

Бу операцияларда: пул ўтказиб берувчи қарздор; топширқномани қабул қилувчи ўтказиб берувчи банк; ўтказиб бериладиган суммани амалда мижоз ҳисобига ўтказувчи банк; ўтказиладиган суммани қабул қилувчи шахс.


[10] Мовсесян А.Г., Огнивцев С.Б. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник – М.: Инфра, 2005 г. – С. 135

Банк пул ўтказиши шаклида инкассо, ўзил-кесил ҳисоб-китоб шакли, аванс тўлови каби тўловлар амалга оширилади. Бундан ташқари банк ўтказиши ёрдамида бошқа операцияларни қайта ҳисоб-китоблар ҳам амалга оширилади. Банк пул ўтказишлар амалда банк кафолатлари билан ўйғунлашиб ҳам кетади. Айниқса экспортёрлар банк пул ўтказишларини банк кафолати билан уйғунлашиб кетишини эстайдилар, қачонки импортёр томонидан товар тўланмаган тақдирда кафолат ҳисобидан тўловни амалга оширилишини истайдилар.

Банк пул ўтказиши ёрдамида ҳисоб-китобларни нисбатан жуда оддий механизми мавжуд ва у кейинги 9-чизмада кўрсатилади.

9- чизма

Банк пул ўтказишлари чизмаси[11]



Импортёр банкка тўлов топшириқномаси тақдим этади, ушбу маълумотларга нисбатан импортёр банки тўлов топшириқномасини экспортёр банкига йўналтиради. Экспортёр банки топшириқномани олиб уни ҳақиқийлигини текширади ва экспортёр ҳисоб рақамига маблағни ўткашиз операциясини амалга оширади.

Банк пул ўтказишининг иқтисодий мазмуни товар ёки хизмат етказиб берилганга қадар аванс тўлови амалга оширилиши ёки уларни импортёр томонидан олингандан кейин амалга оширилишига қараб ўзгаради.

Экспортёр учун, аванс шаклидаги ҳисоб-китобларни энг манфаатлиси импортёр томонидан тўловни товар ҳали ортиб жўнатилмагунга қадар амалга оширилиши қизиқарлидир. Авнас тўлови ҳақиқатда импортёр учун манфаатсиз бўлиб, экспортёрни яширин кредитлашни англатади.[12] Бундан ташқари аванс пул ўтказилиши импортёр учун экспортёр томонидан шартнома шарти бажарилмаса ва товар етказиб берилмаса пул йўқотиш риски келиб чиқади. Импортёрни бу ҳисоб-китоб шартига розичилиги товарни қандай бўлмасин экспортёрни етказиб беришидан манфаатдор эканлига боғлиқ.

---

[11] Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник / под ред. Л.Н. Красавиной - М.: Финансы и статистика, 2006 г. – С. 144

[12] Моисеев С. Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебное пособие – М.: изд. «Дело и Сервис», 2003 г. – С. 74

Очиқ ҳисоблар бўйича ҳисоб-китоблар импортёрни экспортёрга товарни олгандан кейин мунтазам тўловини ўзида акс эттиради. Халқаро ҳисоб-китобларни ушбу шакли очиқ ҳисобларни кредитлашбилан боғланган. Очиқ ҳисоблар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисоб-китоби тартиби Ҳамкорлар ўртасида маълум келишувга асосан кўзда тутилади. Одатда тўловлар белгиланган муддатлардан кейин амалга оширилади (товарлар ортиб жўнатилгандан кейин, ойни ўртаси ёки охирида). Ушбу ҳисоб-китоблар шаклини ўзига хослиги, товарларни ҳаракати пул ҳаракатини узиб кетишидадир.

Очиқ ҳисоблар бўйича ҳисоб-китоблар импортёр учун ўта манфаатлидир, чунки у олинган товарларни баҳосини кейинчалик тўлаб беради, берилган товар кредитлар учун алоҳида фоиз тўланмайди: етказиб берилмаган ёки қабул қилинмаган товарларга тўлов риски умуман бўлмайди. Экспортёрлар учун ҳисоб-китобларни бу шакли унчалик манфаатли эмас, чунки тўловни ўз вақтида амалга оширилишига ишончли кафолат йўқ, уни капиталини айланиши секинлашади, гоҳида банк кредити олишга ҳам тўғри келиб қолиши мумкин.

Жаҳон амалиётида векселлар, чеклар ва банк карталари ишлатилиши билан ҳисоб-китоблар ҳам қўлланилади. Ўтказиш векселлари одатда экспортёр томонидан импортёрларга нисбатан қўлланилади. Шакллари, реквизитлари, тақдим қилиш шарти ва траттани тўланиши 1930 йилда Женевада вексел бўйича қабул қилинган конвенция қонунчилигига асосланади.

Халқаро ҳисоб-китобларда шунингдек чеклар ҳам ишлатилади. Агар тўлов чек ёрдамида амалга ошириладиган бўлса, ё қарздор (ҳаридор) мустақил равишда чек (мижоз чеки) тақдим қилади ёки унга банк чеки ёзиш топшириғини беради. Чекни шакли ва реквизитлари миллий ва халқаро (1931 йилдаги Чек конвенцияси) қонунчилик билан тартибга солинади. Халқаро ҳисоб-китобларни нотовар тўловлар воситаси сифатида йўл чеклари ишлатилади – уни эгасига ўнда ёзилган миқдордаги валютани тўлаш пул мажбуриятини олади. Евро чеклар – банклар томонидан ҳеч қандай бадалсиз ёзиб берилади, “Евро чек” келишуви иштирокчилари хоҳлаган давлатда тўлаб беришади.


Халқаро ҳисоб-китоблар тизимида пластик карточкалар махсус ўринни эгаллаб келмоқда. Пластик карточкалардан American Express, Diner Club, Visa и бошқа типдагилари иқтисоди ривожланган давлатлар тўлов айланмасида, айниқса, савдо ва хизмат соҳасида кенг ишлатилади.

Халқаро ҳисоб-китобларни асосий шакллари классификациясига этибор қаратсак, улар хўжалик субъектларини ўзаро муносабатлари соҳасини мураккаблига қараб, контрагентларнинг манфаатига, халқаро савдодаги рискларнинг даражасига қараб у ёки бу шакли улуши ўзгариб келмоқда. Халқаро молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида экспорт ва импорт шартномаларининг асосий шакли ҳисобланган аккредитив туридаги халқаро ҳисоб-китобларни роли ошиб бормоқда.

Агар бизнинг ишлаб чиқарувчи корхонамиз 100% аванс тўлови билан хом-ашёни импорт қилишга шартномада келишган бўлса хорижий Ҳамкор билан ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда амалга оширилади.

10-чизма

Импорт шартномаси бўйича 100 % аванс тўлови ҳисоб-китоблари қуйидаги кўринишда амалга оширилади [13]



Бизнинг корхона хизмат кўрсатадиган банкига хом-ашё ва материаллар учун 100% аванс тўлови тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этади, ўз навбатида банк уни текшириб, маълумотлар асосида экспортёр банкига тўлов топшириқномасини жўнатади.

Шуни қайд этиш лозимки импортёр корхона томонидан аванс тўловини ўтказилиши экспортёр томонидан шартнома шарти бўйича ва товар етказиб берилмаса пулни йўқотиш рискини келтириб чиқаради.

Шунинг учун ҳам ўзбек корхоналари қимматбаҳо асбоб-ускуналар ёки технологик линияларни импорт қилишда аванс шаклидаги тўлов шартномани 10-30% қисмини ташкил этади, шунда ҳам таъминотчидан аванс тўлови учун банк кафолатини талаб этиш мақсадга мувофиқдир.

Технологик асбоб-ускуналарни импорт қилишда бизнинг корхоналаримиз қуйидаги ҳисоб-китоб механизмини ишлатиши мумкин:


- Экспортёр банки шартнома юридик кучга киргандан бошлаб 5 банк куни ичида сотувчи томонидан товар жўнатилмаган тақдирда шартнома суммасидан 30 фоиз миқдорда SWIFT йўли билан тўланган аванс тўловини қайтариш тўғрисида банк кафолатини беради;
- Бизнинг импортёр банк кафолатини олгандан кейин 5 банк куни ичида сотувчини ҳисоб рақамига шартнома суммасини 30 % миқдоридаги маблағни аванс тўлови сифатида бевосита банк переводи сифатида тўлаб беради;
- 5 банк куни ичида импортёр шартнома суммасини қолган 60 % ҳужжатли аккредитив сифатида қўйиб беради (аккредитив муддати томонлар ўртасида келишилган бўлиши зарур). Аккредитив бўйича тўлов таъминотчиси томонидан импорт шартномасида кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинганда амалга оширилади;
- Шартнома умумий суммасини қолган 10 фоизи асбоб-ускуна ҳақиқатда етказиб берилгандан кейин бевосита банк переводи билан тўлаб берилади.

[13] Составлено автором на основе типичного импортного контракта с использованием авансовой формы расчетов

Ўзбекистон Республикаси корхоналари амалиётида импорт шартномалари бўйича конбинацияланган механизм чизмаси қуйидаги тартибда амалга оширилади.

11 - чизма

Импорт шартномаси бўйича комбинациялашган ҳисоб-китобларни ишлатилиш механизми [14]



Импорт шартномаси бўйича комбинациялашган ҳисоб-китоб қатор афзалликларга эга:

- Хоҳлаган индивидуал импорт келишувлари учун тўғри келади, икки контрагент манфаатларини инобатга олинади;
- Халқаро савдода юзага келадиган рискларни камайтиради;
- Ҳисоб-китоблар ишончли ва товарларни ўз вақтида тўланиши кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасида тайёр маҳсулотни экспорт шартномаси бўйича ҳисоб-китоблар механизми Россия Федерациясидаг тартибдан бир оз фарқланади.

Экспорт шартномасини тижорат банкида рўйҳатдан ўтказиш тўғрисидаги Марказий банкнинг Йўриқномаси 2000 йил 19 августда қабул қилинган.

[14] Составлено автором на основе типичного импортного контракта с использованием комбинированных расчетов

Ушбу тартибга асосан банк муассасалари экспорт шартномаларини учетга олаётганда қуйидагиларни текшириши лозим:

- Хорижий валютада аниқланган баҳосини;
- Хорижий валютада тузилган шартномани умумий суммасини;
- Товарни етказиб беришни шартлари ва муддатларини;
- Ҳисоб-китоб шакли, шарти ва товар учун тўлов муддатини;
- Ўз мажбуриятини бажармаганда томонларнинг жавобгарлиги.

Экспорт контракти тижорат банкида рўйҳатга олинганда унга идентификацион рақам берилади ва божхона идорасида ташқи савдо операцияларининг ягона электрон тизимига киритилади.


Экспорт шартномаси ҳам импорт шартномаси сингари қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ ҳисоб-китобни хоҳлаган шаклида:

- Аванс тўлови ёки очиқ ҳисоб шаклида;
- Ҳужжатли аккредитив;
- Ҳужжатли инкассо шаклида бўлиши мумкин.

Агар экспорт шартномасида 100 % аванс тўлови кўзда тутилган бўлса, экспортёр корхона товарни жўнатмаслик рискини ёпиш учун тўловни қайтаришни таъминлашга банк кафолатини тақдим этиши зарур, бу ҳолатда хорижий ҳамкор билан ҳисоб-китоб чизмаси қуйидагича бўлади:

12-чизма

Экспорт шартномаси бўйича 100 % аванс тўлови кўринишидаги ҳисоб-китоблар[15]



100 % банк кафолати билан аванс тўлови шаклидаги ҳисоб-китоблар механизмини ишлатилиши харидорга рискни камайтиради, ваҳоланки бизнинг миллий корхонага кафолат берилишида қўшимча ҳаражат келиб чиқади.

Кейинги пайтда экспорт операцияларида ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли кенг тарқалиб кетди. Экспорт шартномаларида аккредитив ҳисоб-китоб

[15] Составлено автором на основе типичного экспортного контракта с использованием авансовой формы расчетов


шаклини қўлланиши экспортёр-корхона учун қўшимча равишда қуйидаги рискларни камайтиради:

- Ишлаб чиқариш ва шартномани бажариш;
- Ҳаридорни тўловга қобилиятсизлик рискини;
- Сиёсий рискни (ҳаридор давлатидаги сиёсий вазият шартнома шартини бажарилишига йўл қўймаслиги);
- Ҳаридор давлатида қонунчиликни ўзгариши оқибатида маълум валюта ёки маълум давлатга тўловни амалга ошириб бўлмаслик.

Ҳисоб-китобларни аккредитив шаклини ишлатиш механизми оддий банк переводига нисбатан одатда жуда мураккаб ҳисобланади. Бизнинг маҳаллий экспорт корхоналар учун ушбу ҳисоб-китобларни ишлатилиш механизми қуйидагича амалга оширилади.

13 -чизма

Экспорт шартномалари бўйича ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини ишлатилиши [16]



Сўзсиз равишда шуни қайд этиш лозимки ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли халқаро ҳисоб-китобларнинг ичида энг ишончлиси ҳисобланади, импортёрни ва экспортёрни рискларини энг паст минимумга камайтириб беради.

Аммо шуни инобатга олиш зарурки барча турдаги ҳужжатли аккредитивлар ишончли бўлиши билан бир қаторда тўловни амалга оширувчи аризачиларга анча-мунча қимматга тушади, яъни банкларни

[16] Составлено автором на основе типичного экспортного контракта с использованием аккредитивной формы расчетов

хизмат тарифи бошқа шаклдаги тўлов турларига қараганда анчагина юқоридир.

Банклараро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари.

Банклараро корреспондентлик муносабатлари жараёнида ҳисоб-китобларнинг асосий талаби етарли даражада тезлиги ва тўловларни мақсадлилиги, юқори ишончлилиги хавфсизлиги, иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги, фойдаланувчиларни эҳтиёжига мувофиқ кенг шаклдалиги билан ажралиб туради.

Банклараро ҳисоб-китобларни ташкил қилишда нақдпулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этишдаги асосий тамойиллар ҳал қилувчи доирада ишлайди.

Бош тамойил – банклар томонидан ўзининг ликвидлигини етарли даражада ушлаб туриш тамойилидир, яъни бошқа банклар билан, айниқса мижозлар тўлови бўйича тўлиқ миқдорда, узликсиз равишда ҳисоб-китобларни амалга оширишни таъминлашдир.

Банклараро ҳисоб-китобларни тўғри амалга оширилганлиги устидан назоратни амалга ошириш тамойили ҳам катта аҳамиятни касб этади.

Россия Банки банклараро ва умумхўжалик ҳисоб-китобларини ташкил қилишда ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Биринчидан, қонунчиликка мувофиқ Россия Банки методологик марказ ҳамда ушбу соҳада назорат органи бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, - Россия Банки – ўзининг РКЦ муассасаси орқали маблағларни ўтказиш тизими ёрдамида умумий асосда банклараро ҳисоб-китобларни ташкил қилади ва бошқаради.

Учинчидан, у РКЦда очилган ҳисоблар бўйича маблағларни клиринг бўйича ўтказиш билан охирги ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Тўртинчидан, Россия Банки тижорат банкларини ликвидлигини таъминлаш учун кредитлар бериш йўли билан ҳисоб-китобларни тугатиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Бешинчидан, янги халқаро амалиётга мувофиқ у тўлов тизими устидан кузатишни амалга ошириб уни ривожлантириб боради, чунки Россия Банки банклараро ҳисоб-китоблар хизмат бозорида бош оператор ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида белгиланган тартибга биноан кредит муассасалари ликвидликни бошқариш ва реал вақт режимида ялпи ҳисоб-китоблар тизимини қўллаш мақсадида (РВРЯҲКТ) марказий банкда фақат битта ҳисоб очиш қабул қилинган. Худди шундай тартиб Россия давлатида ҳам татбиқ этилган.

РВРЯҲКТ ишлатилишини мажбурий шарти қуйидагилар ҳисобланади:

1) марказий банкда битта ҳисобнинг албатта мавжуд бўлиши ва унда мажбурий ва ихтиёрий захираларни сақланиши;

2) ягона формат ва стандартлар, ягона дастур билан таъминланганлиги;

3) информацияларни обработка қилиш учун захира марказини тузилиши.

2007 йилни 1 январ ҳолатига Россия Банки РКЦси иштирокчилари бўлиб, 923 та Россия Банки муассасалари, 1189 та кредит муассасалари, 3281 та уларни филиаллари, шундан мингдан ошиғи Россия Сбербанки филиаллари ташкил этган.

Бундан ташқари Россия Сбербанки хорижий давлатларга инвестиция киритиш борасида ҳам жуда илғорлаб кетмоқда. Бунга мисол қилиб, 2012 йилнинг июнь ойида Туркия давлати "Дениз" акциядорлик тижорат банкининг назорат пакетини 3,5 млрд. АҚШ долларига сотиб олганини келтиришимиз мумкин.

Бундан ташқари МДХ давлатлари ичида ҳам Россия Федерациясининг йирик трансмиллий банклари етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. МДХ регионида унта илғор банклар рўйхати ичида олтитаси россия банкларига, иккитаси қозоғистон, биттадан украина ва озорбойжон кредит ташкилотларига тўғри келади. МДХ аъзо давлатларининг баъзи бирларида (Молдова ва Белорусь) умуман хорижий банкларнинг активларига эга эмас.

МДХ давлатлари ичида 40 фоизга яқин хорижий банкларнинг капиталидаги улуши кўрсатгичи бўйича Россия Федерацияси банклари биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу маълумотлар шундан дарак берадики Россия давлати кредит муассасаларининг инвестицион имкониятлари жуда ҳам каттадир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки кейинги йилларда Россия давлати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ташқи савдо айланмаси жадал суратлар билан ўсиб бормоқда. Мисол учун **2011 йилнинг якунига эътибор қаратадиган бўлсак давлатларимиз ўртасида товар айланма миқдори 6,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 9 фоизга кўпайган.**[17]

Энди навбат давлатларимиз ўртасида инвестицион йўналиш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир. Стратегик ҳамкоримиз бўлган Россия Федерациясини чексиз инвестицион имкониятлардан келгусида мамлакатимиз миллий иқтисодиётини янада ривожлантиришда кенгроқ фойдаланиш учун 2012 йилнинг 5 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида 2011 йил 18 октябрда имзоланган **Эркин савдо зонаси** шартномасига Ўзбекистон Республикасини ҳам қўшилиши бўйича Меморандумни имзоланиши бу борада катта имкониятлар очиши табиийдир.

[17] Народное слово. 5 июня 2012 года стр. 1.

VIII – БОБ. ИСЛОМ ДАВЛАТЛАРИ БАНК ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ислом банклари ва уларнинг иқтисодиётни молиялаштиришда ғарб банкларига нисбатан ўзига хос афзалликлари

Ислом молиясининг бош ўзига хос хусусияти судхўрлик фоизидан воз кечишдир, барча ғарб молия тизими умум қабул қилинган фоизларга асосланган. Бу албатта тижорат қарзларини умум хайр-соҳоватга берилаётганлигини англатмайди. Капитал эгасини озгина ҳақ олиши олдиндан белгиланган суммани тўлаш шаклини олмаслиги керак, агар у фоиз олса ана шундай ҳолат содир бўлади. Ислом эътиқодларига асосан одиллик ва хаққонийлик шундаки, бойликнинг манбаси энг аввало банданинг меҳнати ва эгасининг ишбилармонлик ҳаракати ҳамда қолган мерос ёки тақводорлик бўлиши мумкин. Бундан ташқари фойда қилинган риск учун олинган хайр-инъом ҳисобланади, бу барча ўзини билган корхонани ҳаракати кетидан келадиган натижа сингари.

Ислом иқтисодчилари судхўрлик фоизини тақиқлаш учун ҳар хил асосланган рационал далиллар келтиради, яъни фоиз ундириш усули билан ўзга инсонни эксплуататция қилишга имкон берилади ва банк тизмида эса иқтисодий инқирозларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Охир оқибатда судхўрлик фоизидан воз кечиш Ислом динида васият қилинган чақирикдир. Мусулмон кишининг ҳаёт соҳалари, шу жумладан молиявий фаолияти ҳам муқаддас Қурони каримда қайд этилган ҳамда шариатни йиғма ҳуқуқий ва диний оятларида қайд этилган.

Муқаддас Қурони каримнинг асосий тушунчаси шуни тарғиб этадики ҳар қандай мусулмон бандаси ўзининг молиявий амалиётида “риба” ва “гарардан” қочиши керак. Риба (сўзининг бой таржимаси ортиқчалик) капитални хоҳлаган шаклда қарзга берибми ёки савдо келишуви биланми тўғри деб бўлмайдиган ва асоссиз кўпайтиришни англатади. Бу ҳам худди гарар сингари жуда оғир гуноҳдир, чунки рискни билатуриб, ҳар хил тасодифлардан қоча олмаслигини ҳис қилиб келишувдан фойдаланишдир. Кўпгина Ислом олимлари “риба” тушунчасини нафақат юқори судхўрликни англатади дейди, балки бошқа хоҳлаган судхўрлик фоизларини ҳам бу тушунчага қўшишади, ўз вақтида “гарар”ни аниқлаганда ҳам барча спекулатив операцияларни уни таркибига олиб боришади.

Мусулмон бандаси ҳеч қачон унутмаслиги керакки барча ер юзидаги неъматлар Оллоҳнинг инъомидир, қайсики фақат угина унинг мулкдоридир. Инсонга ишониб топширилган ишлаб чиқариш ресурслари, бутун жамият иҳтиёжини қондириш йўлида ишламоғи лозим. Шариат меъёрларига асосан, қайсидир бир ишга ёки фаолиятга сарфланмаган пулдан хайр эҳсон солиғи олиниб фақирлар ва қамбағалларга сарфланиши керак. Агар инсонни ўзи топган пулини оборотга қўйишга ноқодир бўлса, уни бошқа корхона фаолиятига тикиб, унинг даромадидан улушини олиши зарур. Бизга

маълумки Муҳаммад пайғамбаримиз (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам) жуда омадли савдогар бўлганлар, унинг савдо операцияларига жуда бой бева Хадича аямиз ўз маблағларини тикканлар, ва охир оқибатда пайғамбаримизнинг марҳамига тушганлар. Бир ярим минг йил аввал, Ислом дини яратилган вақтдаги молиявий операциялар номлари ҳозир ҳам давом этмоқда ва ўша тартиб қоидаларга асосланган. Шунинг учун ҳам Манамадаги, Куала-Лумпурдаги ва Лондон ситидаги ҳозирги замон Ислом банклари барча молиявий хизмат турларини азалий тамойилларга амал қилиб хизмат кўрсатиб келмоқда.

Инвестицион ҳисоб

Ислом банклари фоиз ўрнига омонадчига корхонанинг даромадига иштирок этиш ҳуқуқини таклиф қилиши мумкин, албатта бу ерда битта жуда қаттиқ ва муқаррар шарт илгари сурилади, яъни агар омонатчи пул қўйган корхона фойда ўрнига зиён кўрса, ўша кўрилган зиённи ҳам омонадчи бўлишиши шарт.

Ислом банклари мижозлар учун учта типдаги ҳисоб рақамларини очишади.

Биринчиси, бу **жорий ҳисоб рақами**, унинг шарт-шароитлари ғарбий банкларида шунақанги турда очиладиган ҳисоб рақами шарт-шароитларидан умуман фарқ қилмайди.

Иккинчи турдаги ҳисоб – бу жамғарма омонат рақами. Бу ҳисобнинг эгаси фойдага иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас, аммо банк маъмурияти омонатчиларни жалб этиш мақсадида, банкнинг фойдалилик даражасидан келиб чиқиб, уларга ўз ихтиёри билан мукофот бериши мумкин. Йиғилиб бориладиган жамғарма омонати муддатли ҳисобланмайди, аммо уни номинал миқдори кафолатланади. Йиғилиб бориладиган омонатдан тушган маблағларни Ислом банклари кам рискга эга бўлган операциялар учун тикишга ҳаракат қилишади, одатда савдо келишувларини молиялаштиришга ишлатишади.

Ва ниҳоят, **учинчи – инвестицион турдаги ҳисоб**. Унинг эгаси банк билан уни олган фойда ва зиёнини бўлишиш ҳуқуқига эга бўлади. Омонатчилар ўзининг омонати бўйича даромад олишади, тартибга кўра одатдаги банклар сингари тўланадиган фоизга тенглашади. Аммо бунда даромад кафолатланмайди. Бундан ташқари сарфланган капитални ўзи ҳам кафолатланмайди, чунки банк зиённи инвестицион омонат маблағи ҳисобидан қоплайди. Агар банк мижозни маблағини моҳирона бошқара олмаган ҳолатида йўқотиш юзага келган бўлса, унда суд орқали қоплашни талаб қилса бўлади.

Шундай қилиб, Ислом таълимоти билан пул ресурсларини сафарбар қилиш, шу жумладан банклар учун ҳам улушбай молиялаштириш ҳисобланади, яъни сармоядорни акционер капиталга иштирок этиши ҳисобидан маблағлар жалб этилади. Капитални ўсиши ёки кўпайиши пул

айланиши соҳасида содир бўлиши мумкин эмас, уни асосида товарлар ва хизматларга реал таллуқли бўлган келишувлар ётиши керак. Пул ўз-ўзидан янги пулни туғиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам капитал ишлаб чиқариш мақсадида ишлатилиши зарур.

Кўпгина иқтисодчилар шуни қайд этишадики, улушбай молиялаштиришда анча-мунча афзалликлар яшириниб ётибди. Ғарб иқтисодиётида ссуда фоизининг миқдори, ўз навбатида Марказий банкни ҳисоб (қайта молиялаштириш) ставкасини белгиланишига боғлиқ, аммо реал секторни ривожлантириш учун шарт-шароит амрига ҳам бўйсунади. Ислом молия тизимида омонатлар бўйича даромад олиш ёки олмаслик, банк томонидан омонатчини капитали қўйилган компанияни акциясини фойда олиш ёки олмаслигига боғлиқдир. Шундай қилиб, реал секторни ривожланиш динамикаси инвестицион муҳитни ёқимтой бўлишлигини рағбатлантиради ва молиявий ресурсларни иқтисодиётни яна ҳам кўпроқ натижа берайдиган тармоқлари фойдасига самарали қайта тақсимланишини таъминлайди.

90-чи йилларда Халқаро Валюта Фондининг (ХВФ) ижрочи директори бўлиб ишлаган покистонлик Аббос Мирахорнинг фикрига қараганда, Ислом модели бўйича молиялаштиришни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш реал секторни банк капитали манфаатига боғлиқлик ҳалатини тугатиш имконини беради. “Пул активлари реал секторни инвестицион имкониятларига жавоб сифатида шаклланади, шуни учун фақатгина реал сектор молия секторида даромад ставкасини аниқлайди, лекин уни тескарисини эмас”, - деб ҳисоблайди жаноб Аббос Мирахор. Шундай қилиб, банклар реал иқтисодиётни ривожланиш даражасини белгиламайди, балки ишлаб чиқариш сектори ўзи учун қулай ва маъқўл инвестицион муҳитни ярата бошлайди.

Мижозларни қизиқтириш

Ислом тизимида кўпгина истиқболи бор лойиҳалар, қайсики одатдаги банклар томонидан гаров мулки йўқлиги учун четга суриб қўйиладиган лойиҳалар Ислом банкларидан фойдага шериклик асосида молиялаштиришни олиш мумкин. Аммо реал ҳолатда кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари араб давлатларида улар ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) асосий қисмини яратишига ва банкларни мижоз базасини жуда катта қисмини ташкил этишига қарамай, кредит олишда маълум қийинчиликларни енгишга тўғри келади. Бу асосан фойдани бўлишда мураккаблик мавжудлиги ва лойиҳани баҳолашда меҳнати кўп механизми ўрнатилганлиги билан боғлиқдир.

Ислом банкири қарз бериш тўғрисида қарорни татбиқ қилиш учун таклиф қилинган лойиҳани келажак истиқболини ўрганиш ҳамда мижозни ишчанлик сифатидан келиб чиқиб ҳал қилади. Жуда кўп ҳолатларда ундан гаров учун мол-мулк талаб этилмайди. Бу мижоз тарафдан ва банк маъмурияти томондан хийла-найранг ишлатиш хавф-ҳатарини келтириб чиқариши

мумкин. Фойдага иштирок этиш операцияларида мижоз ҳисоботларни қалбакилаштиришларга уриниши ва лойиҳани реал даромадини банкдан яшириши мумкин. **Мурабаха** (қарзни кечиктирилган суммасини тўлаш ва “хизмат ҳақи учун” устама тўлаш) чизмаси бўйича савдо операцияларини молиялаштиришда мижоз тўловларни вақтида тўламай нафс балосига берилиб кетиб, молу-дунё орттириши мумкин.

Шунга ўхшаш рискларни келиб чиқмаслиги учун ғарб банклари амалиётида қўлланиладиган процедурага ўхшаган махсус усуллар қўлланилади, бунақанги мансабни суъистеъмол қилишлардан Ислом банклари ҳам ҳоли эмас. Фирибгарларга қарши курашишнинг бош усули - мижоз-корхонанинг барча операцияларини астойдил аудит қилиш ҳисобланади. Ислом банки раҳбариятининг бирон-бир аъзоси банк томонидан молиялаштираётган корхонани ҳисоботида кўрсатган зиённи танҳо ўзи тан олиш ҳуқуқига эга эмас. Бунинг учун банк бошқарувининг барча аъзолари коллегиал қарор қабул қилишиш керак. Агар лойиҳа мўлжалланган фойда даражасига етмаса махсус эркин қўмита корхона балансини чуқур ўрганади. Агар мабодо даромад яширинганлиги аниқланса, унда мижоз етмайдиган суммани мажбурий равишда тўлайди. Банк яна акционерлик ҳуқуқидан фойдаланиб инсофсиз корхона менеджерини алмаштириши мумкин. Жуда оғир ҳолатлар юзага келса банк ўз маблағини чақириб олиши мумкин ва тартиб бузар корхонани “қора рўйҳатга” қўшиб қўяди. Тўловни қайтариш муддати чўзилиб кетса ушбу иш судга берилади, у мижозга зарур суммани ва дастлабки шартномада қайд этилган жаримани тўлаттиради.

Ислом тизимига ўтилишида ички қарз ҳисобидан давлат ҳаражатларини молиялаштиришда жуда оғир муаммолар юзага келди, чунки фоизли облигацияларни чиқариш мумкин эмас. Мисол учун, Эронда давлат қарзини молиялаштиришда банк тизими фоизсиз фаолият кўрсатишга ўтгандан кейин ҳам кредит ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бунда марказий банк миллий тижорат банкларига қайд этилган фоиз ставкаси асосида ресурс бериш ҳисобидан амалга оширилмоқда. Тижорат банклари эса ўз навбатида имтиёзли шартлар билан давлат сектори корхоналарига қарз бермоқда.

Президент Ҳотами девони иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришганидан кейин вазият ўзгарди. 1995 йили эрон давлати махсус Ислом облигациясини сотувга чиқарди, унда собиқ давлат корхоналарини акциялари режалаштирилган приватизация жараёнида облигацияларга алмашинилди. Сафарбар этилган заём маблағлари уларни ислоҳ қилишга ва модернизация қилишга йўналтирилди, облигацияларнинг даромадлилиги компанияларни фойдасидан келиб чиқиб аниқланди ва фойда давлат заёмини таъминлаш фондига қўшилди. Облигация чиқаришда Малайзия тажрибасидан фойдаланилди, чунки худди шунга ўхшаш қимматли қоғозлар бундан олдинроқ уларда пайдо бўлган эди.

Жозибадорлик ғояси

Ислом банклари учун лойиҳани молиялаштиришга улуш билан иштирок этиш назарияси жуда ҳам мақбул турдаги операция бўлишига қарамай, ҳақиқатда Ислом банкларининг активлар портфелини катта қисми қисқа муддатли савдо келишувларини молиялаштиришга тўғри келади, қайсики банклар хизмат кўрсатиш устамалари (мурабаха) ҳисобидан фойда олади. Банк ресурсларини қисқа муддатли активларга тўпланишининг номақбуллиги шундаки, у узоқ муддатли иқтисодий ривожланишга етарли даражада рағбатлантирмайди.

Бахрайн Faisal Islamic Bank Президенти Сайд Юсефнинг фикрига қараганда, Ислом банкларидаги бу ҳолатнинг асосий сабаби иккиламчи молия бозорининг етарли даражада ривожланмаганлигини урғу бериб кўрсатади. Унинг сўзларига қараганда кейинги йилларда Ислом акция бозорининг фаол ўсиши, Ислом инвестицион фондларининг шўъбағин ривожланиши ва янги молиявий инструментларни пайдо бўлиши ўзгаришларга замин яратмоқда.

Ҳозир Ислом банклари қисқа муддатли 5-6 фоиз даромад берадиган инструментлар таклиф қилмоқда. “Биз “квант сакраши” каби ўзгаришларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқдамиз, лойиҳа молиялаштирилиши соҳасида ва капитални даромадлилик даражасини ун беш, йигирма ва ҳаттоки ўттиз фоизга етказиб, ўрта ва узоқ муддатли кредитлашга ўтмоқдамиз” деб ҳисоблайди таниқли молиячи Маджид ал-Рефай, у First Investment Bank of Bahrain асосчиси, ҳозирда Quantum Financial Advisor халқаро Ислом инвестицион компаниясининг раҳбари.

Кўпгина мутахассисларнинг фикрига қараганда, Ислом банклари тажрибасидан келиб чиқиб, ғарб молия тизими ўзига муҳим дарс ва сабоқ олмоғи даркор: банк жамиятининг манфаатлар нафсонияти реал секторни томоғидан буғувчи қуролга айланмаслиги, лойиҳани молиялаштириш тўғрисидаги қарор чайқовчилик сингари юқори фойда оламан деб завқланиш ҳаёлийлигига бормасдан, лойиҳани ўзини келгусидаги фойдалилигини инобатга олиб жавобгарликни баҳолаш билан қарор қабул қилиниши керак. Ғарб ишбилармон доирасининг обрўйли органи ҳисобланган – Economist журнали Ислом молия операцияларидан бири **мушарак** (банкни корхонани фойдаси ва зиёнига иштирок этиши) тўғрисида қуйидагиларни ёзган эди: “Ғарбда баъзи бир одамлар бу ғояни эътиборга молик деб қарайдилар. Бунда кимда – ким пул бераётган бўлса, унга жуда кучли рағбат беради, чунки унинг тиккан пули ёрдамида шундай бир сезиларли нарса яратилаётганига амин бўлади. Минг афсуски, ғарб банклари, 70-чи-80-чи йиллар давомида инвестициялар тўғрисида қатор қарорлар қабул қилган бўлсаларда, бунақанги рағбатни натижаларини ҳис қилмаганлар. Албатта мушаракда барча пулдан фойдаланувчилар ўртасида жавобгарчиликни бўлиниши ҳам қайд этилади”.

Пайғамбаримизнинг чақириқлари

Шариатнинг “Тижорат” меъёрлари илоҳият томонидан ўйлаб топилмаган. Қурони карим нозимига қадар ишбилармонларнинг ахлоқ ва одобга тўғри келадиган фаолият тартиблари шариат меъёрларида кодекслаштирилган. Тўғри, ҳаттоки бугунги кунда ҳам Яқин Шарқнинг ҳамма молиявий таркиби ҳам шариат нормаларига тўлиқ таяниб иш тутмайди. Саудия Арабистони ва Қувайтдаги Қирол оиласи ўзининг капиталини ғарб молия бозорига жойлаштирганлар, ёки йирик араб молия-саноат гуруҳлари ғарбона бизнес юритиш усулларидан фойдаланиб келишмоқда. Ислом давлатларида ғарбона типдаги молиявий муассасалар ўтган асрнинг охирларида, асосан Европа метрополиясининг йирик банк бўлимлари кўринишида пайдо бўлганлар. Лекин уларнинг фаолияти асосан хорижий компанияларни экспорт-импорт операциялари билан чегараланган холос. Маҳаллий савдо ҳамжамияти миллийлик ва диний тафовутлардан келиб чиқиб ғарб банклари хизматларидан фойдаланишмаган.

Иқтисодиётда модернизация жараёнини амалга оширилиши мусулмон-бизнесменларининг ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банкларда жорий ҳисоб рақамларини очишга мажбур бўлганлар, аммо уларнинг кўплари ҳанузгача одатдагидек депозит фоизлари ва кредит олишдан воз кечиб келмоқда. Шунинг учун ўтган асрнинг 40-йилларини охиридан бошлаб қатор Ислом иқтисодчилари ссуда фоизидан қочайдиган “Ислом капитализмининг” молиявий моделлари назариясини ишлаб чиқишни бошлаб юборганлар.

Ислом банк иши фаолиятини бошланишини аниқ даври ўтган асрни 60-чи йилларининг бошларига тўғри келади. **Биринчи Ислом Жамғарма банки Миср давлатида 1963 йили ташкил топган,** лекин унинг фаолияти узоқ чўзилмаган.

1970 йилларга келиб Ислом молиявий институтларини яратиш бўйича амалий ишлар жонланиб кетган. 1974 йилда Ислом давлатлари ташкилоти шариат нормалари асосида иқтисодий ва ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун давлатлараро Ислом ривожлантириш банкини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. **1975 йилда Dubai Islamic Commercial Banki тузилди.** Ислом банкларини шаклланиш босқичида марказий фигуралардан бири бўлган, Саудия Арабистони Қирол оиласидан шаҳзода Муҳаммад Фасал, ҳозирда Finance/DarAI Mal гуруҳининг бошлиғи, шунингдек шайх Салех Камел, ҳозирда Aibaraca гуруҳининг бошлиғи. 1977 йили Миср ва Суданда Faisal номи билан иккита банк гуруҳини очишди. **1979 йили Бахрейнда биринчи маротаба Ислом банки ташкил этилди.**

Ислом банкларини юзага келишига психологик асос бўлган, Яқин Шарқ кенг аҳолиси ўртасида анъанавий Исломга ихлосмандларнинг кучайиши оқибатида “Исломнинг туғилиши” жараёни - унинг энг юқори фазаси Эронда имом Хумайни томонидан амалга оширилган революция оқибатида содир бўлди. Ислом банкларини реал ривожланишига асос бўлган яна бир ҳолат, 1973 йилда содир бўлган нефт инқирози ҳисобланади, бунинг оқибатида

Яқин Шарқда нефтнинг нархи жуда кескин ошиб кетди ва натижада нефтдолларларининг оқими уфуриб Ислом давлатларига кириб келди.

Мусулмон дини ихлосмандлари сонидан мижоз маблағлари оқимининг кескин кўпайиши Ислом банклари пассивларини ошириб юборди, лекин Ислом капитал бозорини бошланғич даврдаги ривожланиш аҳволи уларни тўлиқ сафарбар қилишнинг иложи йўқ эди. Ислом банкларида 80-чи йилларнинг бош мақсади пассив операцияларда тажриба тўплаш, молиялаштириш ва инвестиция усулларини стандартлаштиришдан иборат эди.

80-чи йилларнинг бошида Жанубий-Шарқий Осиёда Ислом банк иши фаол ривожланди. 1963 йилда Малайзияда хайрия фонди тузилди, улар Маккага ҳаж қилишга жазм этган мусулмонларни жамғармаларини сафарбар этишди. Бунинг натижаси асосида бирдан бир йирик Tabung Haji номли Ислом инвестицион фонди юзага келди. Малайзияда Ислом банк тизимини жўшқин ривожланиши 1983 йилдан кейин кўпчилик мусулмон кишиларининг ҳаёт даражасини кўтариш сиёсати доирасида бошланди. Бу сиёсат айнан иқтисодий сиёсатдан ташқари ички сиёсий сабаблари ҳам бор эди, яъни Малайзия аҳолисини 75 фоизи мусулмонлар бўлишига қарамай, хусусий сектор капиталининг катта қисмини этник Хитойликлар назорат қилишади. Маҳатира Моҳаммад Ҳукумати унчалик муваффақиятли бўлмасада, Яқин Шарқ Ислом капиталини мамлакатга жалб қилиб, Куала-Лумпур шаҳрини Жанубий-Шарқий Осиёда Ислом молия марказига айлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Кейинги ўн йилликда Ислом банклари учун пассив операциялар борасида инновацион ва тез ривожланиш вақти бўлди. Олдингидек мижоз базаси ўсиб бормоқда, лекин ҳозирги омонадчилар нафақат диний нуқтаи назардан уларнинг сармоялари тўғри бошқарилишини, балки яна у яхшигина даромад олиб келишини истайдилар. Ислом инвестицион банклари тузилиши ва активларни, кўчмас мулкка қўйилган акциялар пакетини бошқариш билан шуғулланувчи янги типдаги фондларни тузиш масаласи ҳам фаол кетмоқда. Ислом инвестицион банклари лизинг операциялари ва капитал рискини бошқариш бозорида ҳам фаолият кўрсатмоқдалар. Бундан ташқари Яқин Шарқ банклари йирик ғарб банклари билан рақобат қилиб, мижоз талашишга тўғри келмоқда, чунки улар кейинги вақтда ўз банкларининг фаол ишлайдиган Ислом бўлимларини очмоқдалар.

Халқаро молиявий инқироз кредитлаш тизимидан, яна ҳам аниқроғи ипотека кредит усулидан бошланди. Бу жаҳонда анъана бўлиб қолган кредитлаш тизимини бечораҳол эканлигидан дарак бермайдими ? Агар кредитлашни моҳиятига эътибор қаратсак, унинг асосий тамойили судхўрлик билан моддий манфаат олишдир.

Бутун Жаҳон иқтисодиёти судхўрликка асосланган, яъни маблағ тикиб фоиз олиш. Бизнинг барча банкларимиз шу тамойилни асос қилиб олганлар. Банклар кредит беришда олдиндан белгиланган фоиз ставкаси билан берадилар. Кредитдан фойдаланиш муддати тугагандан кейин, қарздор фойда

олдими ёки йўқми ундан қатъий назар банкка нафақат кредит суммасини, балки ундан фойдаланганлиги учун маълум фоиз тўлашини талаб этадилар.

Агар ўйлаб қаралса, бунақанги тизим қарздорга нисбатан жуда ҳам адолатсизликдир. У бу пулни бизнесга тикдими ёки ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатдими ёки йўқми бундан қатъий назар у фоиз тўлашга мажбур. Балким, бу маблағ унга оддий ҳолатга яъни ўзини амал-тақал қилиб яшаши учун керак бўлгандир. Лекин бизнинг банклар ўз олдига унинг сабабларини аниқлашни қўймайди, у қарздорга фойда олиб келдими ёки зиён олиб келдими улардан катъий назар уларни асосий мақсади фоизини олиш, яъни тиккан маблағидан фойда олиш.

Ҳудди шундай ҳолат омонатчи учун ҳам, банкга қўйган унинг пули, қаерга инвестиция қилинади, у бу хақда ўйлаб ҳам кўрмайди. У омонат шартномасига имзо қўяр экан, у биладики, олдиндан аниқланган фоизни омонати муддати тугагандан кейин албатта олади. Унинг мақсади – фақат моддий манфаатдорлик, худди банкларники сингари.

Демак, ноИслом банк тизмими фаолиятининг бош тамойили – бу шахсан моддий манфаат олиш. Бу бутун банк тизими фақат судхўрлик ҳисобидан яшаяпти деган гап эмас.

Бизга маълумки, банклар иқтисодиётнинг ажралмас қисмидир. Бу муассасалар жисмоний ва юридик шахсларга ҳаётда яшашда кўмаклашадилар ҳамда хожатини чиқарадилар. Маълум бир тўлов билан пулни зудлик билан Жаҳоннинг хоҳлаган нуқтасига ўтказиш имкониятига эгамиз, қимматбаҳо нарсаларни сақлаш, чеклар ва пул банкноталари билан процедураларни енгиллатиш, акцияларни сотиш ва яна қанча муҳим операцияларни амалга оширишимиз мумкин. Банклар яна қанча мураккабликлардан бизни холи қилади. Бундан ташқари, банк ходимлари ўз ишининг моҳир усталари бўлиб, пулларни фойдали тадбирларга тикишни жуда ҳам яхши билишади.

Ислом банклари ҳам бу функцияларини қўллаб қувватлайди. Жаҳонни барча давлатларидаги каби, Ислом давлатларида ҳам банклар иқтисодиётда муҳим рол ўйнайди. Лекин Ислом банкларининг фаолият тамойили, оддий банк фаолиятидан тубдан фарқ қилади.

Ислом судхўрликни қатъий таъқиқлайди. Кимда ким судхўр бўлса, ёки кимки унинг хизматидан фойдаланса у гуноҳга ботади. Шунинг учун ҳам Ислом банклари фоиз ҳисобидан яшамайдилар.

Бугунги кунда Ислом Жаҳонсида 150 дан ошиқ Ислом банклари мавжуд. Бу банкларнинг депозит ҳисоб рақамининг миқдори 80 дан 120 миллиард долларни ташкил этади.

Ислом банклари фаолияти асосида шахсий молиявий манфаат тамойиллари ётмайди, балки ижтимоий-ахлоқ ва одоб тамойиллари ётади.

Ҳаммамизга маълумки, барча инсонларни ҳаётда етарлилик даражаси ҳар-ҳил, кимдадир пул маблағлари захираси етарли бўлса, кимдадир уни етмаётганлиги бутун ҳаёти давомида хис қилиб яшамоқда. Кимдир ўзининг моддий аҳволини яхшилаш учун пулни қарзга олишга мажбур. Бу ҳолатда

Ислом банки ёрдамга келади. Бу банкларда барча кредитлар фоизсиз, худди шундай омонатлар ҳам.

Шахсий эҳтиёж учун ва бизнесни ривожлантириш учун кредитлар ўртасида жуда катта тафовут мавжуд. Лекин бу икки турдаги кредитлар ҳам фоизсиздир яъни олинган кредитнинг суммаси қайтарилади, ҳеч қанақа фоиз бўлмайди ва тўланмайди. Агар бизнесни ривожлантириш бўйича кредитлаш амалга оширилаётган бўлса, банк ва қарздор ўртасида шартнома имзоланади, яъни агар фойда олинадиган бўлса қарздор уни банк билан бўлишади. Агар бизнесда зиён олинадиган бўлса, у ҳам бўлинади. Бу жуда адолатли тамойил, тўғри эмасми ?

Шу ўринда қайд этиш лозимки, омонатчилар ҳам Ислом банкларида ўзининг маблағларини фоиз олмасдан сақлашади. Омонатчи банк билан шартнома имзолаётганда, ўз маблағини банк томонидан инвестиция қилишга рози ёки норози эканлигини қайд этади. Банк фойда улушини олганда, омонатчига фойдани ўз қисмини қўшиб тўлайди. Зиён олганда эса зиён ҳам бўлинади.

Кўриниб турибдики, вазиятни хоҳлаган томонга ўзгаришида ҳам, ҳеч сўзсиз шахсий манфаат олиш тамойили қўйилмаган. Бу ерда ўзаро қўллаб қувватлаш ва ёрдам бериш асосланган ҳамкорлик муносабати ётибди.

Ислом қонуни бўйича бадавлат фуқаролар закот тўлашлари зарур. Бу ўзига хос бойлик учун солиқ бўлиб, у давлат томонидан белгиланмаган, балки парвардигори олам томонидан белгиланган. Закотдан тушган маблағлар фақир фуқаролар эҳтиёжига ёки эзгулик тадбирларига йўналтирилиши керак. Шу тартибда Ислом давлатининг хазинаси тўлдирилади. Худодан қўрқувчи Ислом давлатларининг фуқаролари парвардигори олам олдида, унинг марҳаматига сазовор бўлиш учун эзгуликка интилади, ҳеч қанақа тазйиқсиз, ўз ихтиёри билан закот тўлашади. Ислом давлатининг иқтисоди шундай тузилган.

Ҳозирг вақтда Ислом банклари бутун Жаҳонда жуда катта қизиқишга сазовор бўлмоқда. Айниқса, Жаҳон инқирози даврида уларни фаолият тамойилларини ўрганиш алоҳида муҳим бўлиб қолмоқда. Ислом банклари нафақат араб давлатларида, балки Европа ва АҚШда ҳам очилмоқда. Ислом банкларининг мижози бўлиб нафақат мусулмонлар балки бошқа дин вакиллари ҳам ҳисобланмоқда. Кўпдан кўп Европа ва АҚШ корхоналари Ислом банкларини афзал кўрмоқда, чунки улар билан ишлаш нафақат манфаатли, балки ахлоқ одоб меъёрларига ҳам мос тушади.

Москвада жорий йилни март ойида “Ислом банклари: унинг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболлари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Икки кун давомида турли тилларда Россияда Ислом банк ишини ривожлантириш истиқболлари жўшқин муҳокама этилди. Конференция натижаси бўйича Россияда бир нечта Ислом банклари очилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Энди Россиялик фуқаролар ҳам яқин вақтларда бу муассасаларни хизматларидан фойдаланадиган бўлади. Биринчи навбатда, албатта, уларнинг мижози Россия мусулмонлари бўлади, улар учун

ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш ва ҳаёт даражасини яхшилаш учун янги имкониятлар очилмоқда.

Бизнинг давлатимизда ҳам 1-4 май кунлари Осиё Тараққиёт Банкини ижрочи директорларининг 43-чи йиллик ҳисобот йиғилишини ўтказилишида Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ)нинг ижрочи директорининг иштирок этиши ва Ҳукумат раҳбарлари билан ўтказган мунозаралари бизнинг давлатимизда ҳам Ислом банклари пайдо бўлиш истиқболларига йўл очиши табиий ҳолдир.

ИТБ халқаро молия муассасаси сифатида ва тараққиёт банки тури кўринишида 1973 йили 18 декабрида иштирокчи давлатлар Ташкилотининг Ислом конференциясида молия вазирларининг биринчи конференциясида ташкил топган. Унинг бош офиси Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган.

1975 йили 20 октябрда ўз фаолиятини бошлаган. Банк капитали иштирокчи-давлатларнинг қўшган бадаллари ҳисобидан ташкил топган. Унинг таъсисчилари бўлиб 10 та давлат, яъни Саудия Арабистони, Судан, Кувайт, Ливия, Туркия, Бирлашган Араб Амирлиги, Эрон, Миср, Индонезия ва Покистон давлатлари ҳисобланади.

ИТБнинг юқори органи бўлиб, бошқарувчилар Кенгаши ва директорлар Кенгаши ҳисобланади, банк президенти 5 йил муддатга сайланади.

ИТБ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бош ассамблеясида кузатувчи статусига эга.

Ҳозирги вақтда ИТБ банк гуруҳи ташкил топган ва унга қуйидаги ташкилотлар киради:

- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси;
- Инвестицияларнинг ва экспорт кредитларининг суғуртаси бўйича Ислом корпорацияси;
- Ислом илмий қидириш ва ўқув маркази;
- Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси.

ИТБ гуруҳининг функцияси аъзо давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш йўли билан иштирок этишдир. Банк ўз фаолиятини шариат қонуни ва тамойилларига асосланиб амалга оширади. **Банкнинг пул бирлиги Ислом динори ҳисобланади, у Халқаро Валюта Фондининг бир СДР га тенгдир.** Расмий тил бўлиб араб тили ҳисобланади, аммо ишчи тили сифатида инглиз ва француз тиллари ишлатилади.

Банкнинг шахсий капиталининг миқдори 15 миллиард Ислом динорини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда 56 та давлат банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк аъзолигига киришнинг асосий талаблари Ислом конференцияси ташкилотида иштирок этиш, банк капиталига аъзолик бадаллигини тўлаш ва банк директорлар Кенгаши томонидан қабул қилинган қоида, процедура ва терминларга риоя этишдан иборатдир.

ИТБ кам ривожланган банкни аъзо давлатларга биринчи навбатда инфраструктурани яратиш ва кенгайтиришга кредит беради; қўшма

корхоналарнинг капиталида иштирок этади; иштирокчи-давлатларни ташқи савдо операцияларини молиялаштиради; техник ёрдам кўрсатади; лизинг операцияларини амалга оширади.

ИТБ ўз фаолиятини юритишда учта тамойилга амал қилади.

Биринчи тамойил (мушарака)-маълум лойиҳани амалга ошириш учун банк партнер билан ҳамкорликка киришишни кўзда тутади(ҳамкор банк улушини аста-секин сотиб олиш ҳуқуқи билан)**.** Бунда банк улуши ва унинг ҳамкори улуши фойдада умумий коэффициент бўлиб, келишувлар билан қайд этилади, лекин бу томонларни капитал қўйилмаси улушини англатмайди.

ИТБ томонидан ишлатиладиган иккинчи тамойил (мудараба)-бу банк ва саноат капиталининг қўшилишини англатади. Бунда, банк капитал таклиф этади, ҳамкор эса ғоя ва лойиҳани тайёрлашни; фойда ва зиён улар ўртасида олдиндан келишилган шартнома асосида бўлинади.

Учинчи тамойил (мурабаха)-банк ҳамкор учун товар сотиб олади ва маълум коммиссияга асосан уни ҳамкорга сотиш учун.

KPMG халқаро консалтинг фирмаси 2010 йилнинг апрель ойида Ислом банк ва молия тизимига бағишланган ўзининг илмий қидириш якунларини кенг матбуотда чоп этишди. Экспертларнинг маълумоти бўйича бу молия институтларининг дунё иқтисодиётига таъсири йилма-йилдан ошиб бормоқда. Мусулмон банкларининг янада интенсив ривожланиши АҚШ ва Буюк Британия давлатларида фаол кузатилмоқда, Ғарб фирмаларининг Шарқ инвесторларини жалб қилиш учун Ислом стандартларини ўзлаштиришга нима мажбур қилмоқда?

Яқин Шарқ кредит муассасаларининг ривожланиш тарихи 30 йилдан озгина ошиқ даврга тўғри келади. Мана шу қисқа муддат ичида Ислом молия институтлари муҳим ютуқларга эришишди. KPMG маълумотига қараганда ҳозирги пайтда улар дунёни 75 давлатида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Уларнинг умумий активи 300 миллиард доллардан ошиб кетди. Дунёнинг турли иқтисодиётига киритилган Ислом инвестицияси миқдори 400 миллиард доллардан ошиб кетган. Илмий татқиқотчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, барча ушбу кўрсатгичлар ўртача йилига 15 фоиздан ўсиб бормоқда. “Яқин йилларда бу бозорнинг ўта сезиларли даражада ўсиши мусулмон давлатларининг катта қисми нефт бойлиги билан таъминланса, яна шариат қонунига мувофиқ бериладиган инвестицияга яширин талаб борлиги оқибатида содир бўлади ” деб KPMG илмий татқиқотчилари қайд этмоқда.

Мусулмон молия ташкилотлари, асосан, Яқин Шарқ, Малайзия ва Буюк Британия давлатларида тўпланганига қарамай, уларнинг хизматларига талаб бутун Осиё, Европа ва АҚШ бўйича мавжуддир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, RBK daily экспертларининг сўралган фикрлари хулосасига кўра, Ислом молиячиларининг бош объект бўлиб АҚШ сарҳисобланади. “Биз Яқин Шарқдан Буюк Британия ва Люксембург орқали АҚШ сари жуда катта капитал оқимини кузатмоқдамиз” – деб қайд этди. RBK dailyнинг Европа иқтисодий илмий бўлим бошлиғи Societe Generale Вероник Риш-Флор.

Ҳозирча мусулмон молия ташкилотларининг бош мижозлари-энг аввало, мусулмонлар ҳисобланади, бутун Жаҳон бўйича уларни сони 1.6 миллиард кишини ташкил этади. Аммо Яқин Шарқ инвестициясига қизиқишни Эски ва Янги Жаҳоннинг бошқа дин вакиллари ҳам билдиришмоқда. Ваҳоланки, бу йўлда ҳали анча-мунча тўсиқлар ҳам мавжуд. Хусусан Шарқ хазинасига йўл топишни шариат тизими ва нормалари анча-мунча қийинлаштиради, чунки Ислом банклари пул маблағларини унга мувофиқ беришади.

Кредит бериш тартибининг жуда кенг тарқалаган чизмаларидан бири “сукук” деб аталади. Унинг мазмуни шундан иборатки, мусулмон кредит ташкилотининг ғарб кредит муассасасидан фарқи, берилган суммадан фоиз олмайди, балки қарздор компаниянинг даромадидан улуш олади. 2006 йилни 1-чи чорагида шунга ўхшаш кредитнинг ҳажми 18 миллиард долларни ташкил этган, шундан давлат ташкилотларига бор-йўғи 6 миллирад доллари тўғри келган. “Сукук” тизими аналитикларнинг баҳолашига қараганда, синдицированлашган молиялаштиришга альтернатив сифатида бутун жаҳон бўйича кенг тарқалмоқда.

Барча ҳолатларга қарамай Ғарб, Шарқдаги пул маблағларини жалб қилишдан аниқ манфаатдордир. Мисол учун, 2004 йилда Германия ерларидан бири - Саксония – “сукук” шарти билан 120 миллион доллардан ошиқ кредит маблағларини жалб қилганлар. АҚШ да “сукук” асосида, Мексика бўғозидаги ўзининг углеводород захираси кафолати остида қазиб олиш билан шуғулланадиган East Cameron Gas Companiy- компанияси 165 миллион доллар миқдорида биринчилардан бўлиб маблағ олган.

RBK dailyнинг экспертлари ўтказган сўровнома баҳоларига қараганда, шариат тизими бўйича кредит олишни яна ҳам фаол ривожланишига қатор сиёсий омиллар ҳам тўсиқ бўлмоқда. “Яқин Шарқда мавжуд бўлган сиёсий беқарорлик Ислом инвестициясини жалб қилишни кескин ўсишига ҳалақит бермоқда. Буларни ҳаммаси мусулмон молия институтларидан Европа бизнесига кредитларни жалб этишнинг қийинлаштирмоқда”, - деб ҳисоблайди Риш-Флор. Аммо эҳтимолдан ҳоли эмас, яқин вақтларда жаҳон бизнеси, худди яқиншарқ нефтисиз яшаолмаганидек, Ислом инвестициясисиз фаолиятини ривожланиши мушкил масалага айланиши табиий ҳолдир. Ўз навбатида жаҳонда содир бўлаётган янги иқтисодий реалликлар Ғарб давлатларини уларни нафақат арзон хом-ашё билан, балки молиявий маблағлар билан таъминлаётган давлатларга ўз муносабатини жуда жиддий қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқдалар.

IX БОБ. Хорижий мамлакатлар банклари билан Ўзбекистон Республикаси банкларининг алоқалари

1990 йилларнинг бошида Собиқ Совет Иттифоқи тугагандан кейин Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) тузилиб, унинг аъзо давлатларининг қатор хўжалик фаолиятларида демонополизация жараёнлари ва иқтисодий тизимда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда тамойилиал жиҳатдан янги бозор институтлари яратилди. МДҲ мамлакатлари иқтисодини либераллашув даражаси турлича бўлишига қарамай, амалга оширилган трансформация у ёки бу даражада молия соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, банк соҳасидаги бозор ислоҳотлари банк тизимида икки поғонали банк секторини пайдо бўлишига ўз таъсирини ўтказди. Бу ўзгаришлар марказий банк ва тижорат кредит муассасалари тўғрисидаги қонунлар билан мустаҳкамланди. Давлат банклари, акционерлик банкларга, баъзи бир давлатларда улар тўлиқ хусусийлаштирилди. Бозорга асосланган хўжалик яратиш билан бир қаторда, ташқи рақобат учун иқтисодиётни очишга ҳаракат ҳам қилиб кўрилди. Хусусий тижорат банклари ҳамда хорижий капитал иштироки билан кредит муассасалари таъсис этилиши учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Собиқ совет даврида ягона халқ хўжалиги комплекси бўлишига қарамай, МДҲ даврида банк тизимида ҳар бир давлат ўз манфаати йўналишида мустақил ислоҳотлар ўтказилди ва ҳамма аъзо давлатлар ўз-ўзича ривожлана бошлади. Ваҳоланки, кўпгина МДҲ давлатлари Россия тажрибасидан нусха олишди, улар бир-бирлари билан ўзаро интеграллашиш ўрнига, нисбатан халқаро бозор билан интеграллашишга ҳаракат қилишди. Ҳамдўстлик давлатлари банк тизимининг миллий хусусиятларини инобатга олиб ва макроиқтисодий реалликдан келиб чиқиб трансформация бўлиши улар ўртасидаги тафовутни миқдори ва тузилиш таркиби бўйича ўта фарқланишга олиб келди.

МДҲ мамлакатлари тизимида банк секторининг ялпи активлари 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра 700 млрд.долларни ташкил этган, агар бу кўрсатгични Жаҳон меъқиёси билан солиштирсак, у жуда ҳам кам улушни ташкил этади. Бу давлатларни ичида Россия монопол ўринни эгаллайди, **МДҲ давлатлари барча банк активларининг** 76 фоизи унинг улушига тўғри келади. Украинанинг улуши – 9,6%; Қозоғистонни улуши – 10,0 %; Белоруссияники 1,9 % ва ниҳоят Ўзбекистонни улуши уларга нисбатан энг паст, яъни 1% атрофига тўғри келади**.** Қолган барча давлатларнинг улуши (Молдова, Грузия, Тожикистон, Озарбойжон, Қирғизистон ва Арманистонга) 1,5 % атрофида МДҲ банк секторининг ялпи активларига тўғри келади.[18]

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, банк тизимининг ривожланган ёки кам ривожланганлигини характерловчи кўрсатгич унинг миқдори ҳисобланмайди, балки молиявий воситачилик функциясини бажараолишга

[18] Интерфакс маълумотига асосан ҳисобланган.

қодирлиги ва қобилияти билан баҳоланади, уни биз миқдор жиҳатдан активларни ва кредитларни ЯИМга нисбати билан баҳолаймиз (2- жадвал).

2-жадвал

2006 йилда МДҲ банк тизимининг асосий кўрсатгичлари (ЯИМ нисбатан %)[19]

Давлатлар	Активлар	Кредитлар	Капитал
Россия	52,8	29,6	6,4
Украина	63,5	45,8	7,9
Қозоғистон	101,7	68,7	13,4
Белорусь	36,7	26,2	6,6
Қирғизистон	26,7	11,4	4,8
Ўзбекистон	34,7	М.й.	5,2
Озарбайжон	17,8	10,9	3,0
Грузия	30,9	19,1	6,6
Арманистон	19,7	8,6	4,5
Молдова	51,7	31,4	8,9
Туркманистон*	30,2	26,3	н/д
Тожикистон**	19,8	15,3	2,7

* 2003 йил маълумоти. ** 2004 йил маълумоти.

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Ҳамдўстлик аъзоларининг кўпчилик давлатларида молиявий воситачилик даражаси жуда ҳам паст ва у Озорбайжонда 17,8 % дан Қозоғистонда 101,7 % гача тебраниб туради. Ўзбекистонда 34,7 фоизга, яъни ЯИМ 1/3 қисмига тўғри келади. МДҲ давлатларининг кўпчилигида банк тизимининг капиталлашув даражаси Жаҳонда энг паст ҳисобланади. Бир томондан, паст даражадаги молиявий воситачилик унинг анча-мунча ўз потенциалининг ўсганлигидан дарак берса, бошқа тарафдан – “Стандарт энд Пурс” илғор халқаро рейтинг компанияси экспертларининг фикрига қараганда, МДҲ давлатлари банк тизими орқали “ўнчалик кўп бўлмаган пул оқими ўтишининг сабаларидан бири, яшириш иқтисодиётни юқори даражада мавжудлигидан, нақд ҳисоб-китобни кўпчилик аҳоли устувор кўрганлигидан ва аҳолини банкларга ўта паст даражада ишонишидан келиб чиқади”[20].

Шундай қилиб, МДҲ давлатларининг банк тузилмалари тўла даражада молиявий воситачилик функциясини бажара олмаяптилар. Маҳаллий молиявий бозорни керакли даражада ривожланмаганлиги оқибатида, маълумки унинг асосини банк тизими ташкил этади, миллий компаниялар хориждан ёки бошқа манбаълардан кредит ресурсларини қидиришга мажбур.

Кейинги ўн йилликда хорижий капитал билан тузилган банкларни МДҲ давлатларида ривожланишини фаоллашаётганлигини кузатиш мумкин.

---

[19] Информационно-аналитический бюллетень Центра проблем интеграции ИМЭПИ РАН. 2005. № 2. С. 132; Интерфакс – 1000; Банки стран СНГ. Итоги 2006 года.

[20] Банковские системы стран СНГ: разные перспективы, но общие риски Standart&Poor’s, 2005.

Лекин Ҳамдўстлик давлатларида хорижий капитал билан тузилган банкларнинг тутган ўрни турличадир. Агар баъзи бир давлатларда (Грузия, Қирғизистон, Молдова) норезидент иштирокидаги банклар миллий банк хизматлари бозорида юқори ўринни эгалласа, нисбатан йирик банк тизимига эга бўлган давлатларда кейинги йилларда халқаро капитал маҳаллий кредит ташкилотларини ютиб юбориш ҳисобидан ўз иштирокини фаоллаштиришни бошлаб юборди. Украинада бу жараён жуда фаол кечмоқда. Фақатгина кейинги йилларда норезидентларга бир нечта йирик кредит ташкилотлари сотилди. Мисол учун, ўз миқдори билан иккинчи ўринда турган Аваль банкининг 93,5 фоиз акциясини австриянинг Raiffeisen банки, Укрсоцбанкни италиянинг Intesa кредит ташкилоти ютиб юборди, Укрсиббанк Франциянинг BNP Parisbas банки бошқарув эгалигига тўлиқ ўтиб кетди. 2006 йилнинг баҳорида Credit Agricole киевнинг йирик Индустриал-экспорт банки сотиб олиш шартномасини имзолади. Мана шу даврда унчалик катта бўлмаган бир нечта банкларни сотиб олиш келишувлари ҳам амалга оширилган. Мисол учун, Ажио банки Скандинавиянинг SEB гуруҳи мулки таркибига ўтган. Ушбу операциялар натижасида Украина банк тизимида хорижий капиталнинг улуши 2004 йилда 14,0 % дан 2008 йилнинг бошида 35 % га етган. Кейинги йилларда Ҳамдўстлик давлатларида хорижий капитал билан кредит ташкилотларининг улуши анча-мунча ошди ва бутунлай МДҲ ҳудудийи бўйича 2008 йилнинг бошида 25 % ни ташкил этди.

“Мудис” халқаро рейтинг компаниясининг банк тизимини молиявий ишончлилиги рейтингига мувофиқ МДҲ давлатлари охирги ўнталик қаторида туради. Россия банк сектори илмий татқиқот ўтказилган 92 давлатнинг ичида 72 ўринда, Украина эса 87 ўринда туради. Украинадан ҳам паст ишонч даражасида Озарбайжон, Белорус ва Қирғизистон банклари фаолият юритмоқда. МДҲ давлатларида банк тизимининг бундай паст рейтингига эгалиги шундан далолат берадики, агар мобода тизимда бирон бир салбий бузилиш содир бўлса, ташқаридан ёрдам олмасдан кредит ташкилотлари ўзининг мажбуриятини бажаришга қодир бўлмай қолишади.[21]

Бугунги кунда Ҳамдўстлик давлатларининг банк тизими етарли даражада тафовутланади ва амалга ошираётган операциялари таркиби ва миқдори жуда ҳам фарқланади. Банк хизматлари бозори ўзининг ривожланишида анча-мунча илгарилаб кетганига қарамай, улар ҳамишагидек жуда юқори рискли ҳисобланмоқда ва банклар молиявий воситачилик функциясини тўлиқ даражада бажара олмаяпти.

Қонунчиликнинг либераллашиши ва халқаро банк операцияларини ўтказишда тўсиқларнинг олиб ташланиши ҳамда хорижий инвестиция билан кредит ташкилотларининг таъсис этиш тартибини соддалаштирилиши банклараро ҳамкорликни кучайиши учун муҳим база ҳисобланади. Молия тизими ривожланишининг ҳозирги замон тенденцияси шундан далолат берадики, банк хизматлари бозори ҳамма табақада либераллашиши зарур.

[21] См.: Бизнес. 2007. 17 сентября

Бир томондан, давлатлар ўртасида капитал ҳаракати йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, банк хизматлари кўрсатиш режимини юмшатиш ҳамда банк фаолиятини тартибга солишни халқаро стандартларга мослаштириш йўли билан халқаро даражада либераллашиш жаҳон молия бозорига интеграллашишни назарда тутади,. Бундай интеграллашув нисбатан бир томонлама ҳарактерга эга ва улар баъзи бир давлатларнинг ташаббуси (инициативаси) билан, ёки халқаро иқтисодий ташкилотларнинг (ҲВФ, Жаҳон Банки, Жаҳон Савдо Ташкилоти) босими остида амалга ошади.[22]

Бошқа тарафдан, банк хизматлари бозорини либераллаштириш ҳудудий даражада содир бўлмоқда, яъни интеграцион гуруҳ доирасида амалга оширилмоқда. Улар преференциал нормаларни тартибга солишни яратиш ва ҳудудийлар доирасида қонунчиликни уйғунлаштириш йўллари орқали амалга оширилмоқда. Шундай механизмлар Европа Иттифоқи, НАФТА ва бошқалар ҳам қўлламоқда.

МДҲ давлатлари банк тизимининг эволюцияси, уларни аста-секин тараққий топиши жараёнида кечмоқда, бунинг оқибатида умумий курс ҳисобланган бозор иқтисодиёти ва либераллашган инвестицион режим яратилмоқда. Ислоҳотлар жараёнида валюта бозорини шакллантириш, капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни ўтказиш, хорижий капитални миллий банк тизимига кириб келишига рухсат этишга ёндашиш масалалари кескин ўзгарди.

Банк хизматлари бозорини тартибга солиш бозор асосларининг шакллантирилиши МДҲ давлатларидан қонуний база яратилишини талаб этар эди. Шунинг учун, 1990 йилларнинг бошларида Ҳамдўстлик давлатлари, бутунлай банк тизими фаолиятини, шу жумладан тижорат банклари, шунингдек хорижий капитал иштироки билан тузилаётган банклар фаолиятини регламент қилувчи қатор қонунлар қабул қилдилар. Хусусан, Марказий банк, Тижорат банклари, Валютани тартибга солиш, Валюта назорати тўғрисида ва бошқалар.

Ушбу қабул қилинган қонуний актлар либераллашган банк тизими моделини энг аввало молиявий хизматлар миллий бозорининг мустақиллигини сақлаб қолишни ва маҳаллий банк капиталига кўпроқ эътиборни қаратишга устуворлик беришни назарда тутар эди. Шунинг оқибатида Ҳамдўстлик давлатларининг Жаҳон молия бозорига интеграллашуви жараёни нисбатан жуда ҳам секинлик билан кечди.

МДҲ ҳудудийида молия бозорини либераллаштиришга муносабат 90-йилларнинг бошларида асосан ягона эди. Ҳудудий давлатлари асосан Россия сиёсатини такрорлаш билан ўралашиб қолган , чунки у бу масалаларда юқори ўринни эгаллаб турар эди. Банк иши соҳасидаги Россия қонунларни баъзи бир Ҳамдўстлик давлатлари томоноидан тўғридан-тўғри нусха кўчирганликларини яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

---

[22] Головнин М.Ю., Абалкин А.А. Финансовая интеграция в Европе и Азии // Информационно-аналитический бюллетень Центра проблем интеграции ИМЭПИ РАН. 2005. № 2

Либераллаштириш курси, аста-секинликни назарда тутар эди, шунинг учун ҳам МДҲ давлатларининг шаклланаётган банк тизимини ҳимоялаш учун қатор чеклашларнинг киритилиши билан бу жараён ҳамкорликда кечди. Қонунний механизм шунда эдики, банк хизматлари миллий бозорига хорижий капитални кириб келишини чеклашдан иборат бўлди. Кредит ташкилотларини хорижий инвестиция билан кириб келишини чегараловчи кенг тарқалган усуллар ичида, хорижий капитални иштирокига квоталар белгилаш, муассаса филиаллари очилишига тақиқлар ўрнатиш ҳамда банкда норезидент-жисмоний шахсларни ишлаш сонини чегаралаш кабилар киради. Кам ҳолларда акционерларга квалификацион чора-тадбирлар қўлланган, таъсисчи банкнинг рейтингги билан боғлиқ бўлган, бизнес-режанинг мавжудлиги ҳамда янада юқори устав капитали миқдори (миллий таъсисчиларга нисбатан) талаб этиш кабилар киради.

Кейинчалик бу жараёнлар аста-секин чеклашлардан анча либерал модел билан тартибга солишга ўтилди, лекин бундай трансформация ҳар хил давлатларда турлича даражада амалга оширилди. Агар МДҲ ҳудудийидаги банк тизимида 1990 йилларда банк хизматлари бозорини либераллаштиришга нисбатан асосан ўхшаш стратегияни кузатсак, кейинчалик Жаҳон иқтисодиётига миллий молиявий тузилишни интеграллашуви катта фарқланади. Бу, бир томондан, баъзи бир давлатларда миллий иқтисодиёт ривожланиши ёпиқ модели билан боғлиқ бўлса, ва бошқа тарафдан қатор давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзоликка киришда танлаган курси билан боғлиқдир.


Шундай қилиб, баъзи бир МДҲ давлатларини Жаҳон савдо ташкилотига (ДСТ) аъзоликка киришга интилиши билан боғлиқ бўлиб, унда миллий банк тизимининг очиқлигига нисбатан ҳаракат анча сифатли томонга ўзгаришишига туртки бўлди. Бу норезедентлар иштироки билан банк фаолиятида мавжуд чегараланишларни олиб ташлашни ҳамда нисбатан хорижий инвесторларга эркин миллий режим берилишини кўзда тутар эди. 2008 йилнинг ўрталарида, Ҳамдўстликнинг бешта давлати (Қирғизистон, Арманистон, Грузия, Молдова ва Украина) Жаҳон Савдо Ташкилотини тўла қонли аъзосига айланишди. Бугунги кунда бу давлатларнинг банк тизими – МДҲнинг барча ҳудудлари ичида энг очиғи ҳисобланади.

Бу ҳудуднинг бошқа, яъни банк тизими жуда ёпиқ ҳисобланган полосасида Белорусь, Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари туради. Бу давлатларнинг марказлашган иқтисоди, миллий молиявий бозорни ривожланиш модели шуни талаб қиладики, булар давлат мулкининг жуда кучли роли борлиги, халқаро бозорга чиқишга тўсиқларни мавжудлиги ҳамда қаттиқ тартибга солиш режими ўрнатилганлиги билан ҳарактерланади.

Ҳар хил тезликда амалга оширилган либерализация банк тизимини очиқлиги даражаси бўйича катта тафовутнинг келиб чиқишига сабабчи бўлди. Банк тизимида хорижий капитални эгаллаган улуши, унинг даражасини билвосита ҳарактерловчи кўрсатгич бўлиб ҳисобланади:

14 -чизма

МДҲ давлатлари банк тизимида хорижий капиталнинг улуши*[23]
(фоизда)



Юқорида келтирилган чизма умуман қонуний либерализация фактини хорижий инвестиция билан банкларнинг иштирокига таъсирини ҳамда банкларараро ҳамкорликнинг кучайиб бораётганлигини тасдиқлайди. ЖСТнинг аъзо давлатлари банк хизматлари бозорига хорижий капиталнинг кириб келишига кўпроқ муҳит яратади. Ёпиқ миллий банк тизимида норезидентларни иштироки билан кредит ташкилотларини улуши ўта минимал бўлади. Бу чизмадан кейинги пайтда фақат Қозоғистон чиқиб бормоқда, у маҳаллий молия бозорининг анча кечроқ либераллашганлиги билан боғлиқ бўлиб, хорижий капитални таъсирига нисбатан камроқ берилган. Лекин шуни алоҳида қайд этиш зарурки, келгусида Қозоғистон ва хорижий банкларни ўзаро таъсирини анча-мунча кучайиши башорат қилинмоқда.

МДҲ ҳудудийида банк хизматлари бозорининг либераллашиши уни ҳудудий даражада ўзаро ривожланиши ўрнига нисбатан дунё иқтисодиётига интеграллашувига олиб келди. Бунақа ҳолатнинг сабаби – миллий банк тизимининг ночорлиги, банк фаолияти тўғрисида тан олинган стандартларни йўқлиги билан боғлиқ, бу Ҳамдўстлик давлатларини юқори ривожланган кредит институтлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур этмоқда. Собиқ

[23] Марказий банкларни маълумотлари бўйича тузилган.

иттифоқ давлатлари мустақилликка эга бўлиши муносабати билан, маҳаллий банклар бир бирига нисбатан хорижий банклар, давлатлар ўртасида амалга ошираётган операциялари эса халқаро характерга эга бўлди. Аммо МДҲ ҳудудийининг банк хизматлари бозорида преференция режимини тартибга солиш кўзда тутилмай қолиб кетди.

Собиқ иттифоқ доирасидаги интеграцион гуруҳлар доирасида молиявий хизматлар бозорида мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш ҳисобидан Ҳамдўстлик давлатларида имтиёзли банк фаолияти режими эришиш мумкин. Жаҳон тажрибаси турли ҳудудий блокларда преференциал тартибга солиш нормалари қўлланилишини тақоза этади. Хусусан, Европа Иттифоқида (ЕИ) банк фаолиятининг ягона паспорти киритилган. Бу кредит муассасасига, унга маъқўл шаклда интеграцион гуруҳдаги хоҳлаган давлатда унга боғлиқ ташкилотни тузиш ҳуқуқини беради. НАФТАда, яъни унинг тўлақонли аъзо давлатлари бўлмиш Канада ва АҚШда қатор чегараланишлар, бу давлатдан чиққан инвесторларга нисбатан қўлланмай, фақат хорижий таъсисчиларга нисбатан ишлатилади. Мисол учун, Канадада хорижий капитал иштирокига квота белгиланган, лекин у Америка кредит ташкилотларига нисбатан қўлланилмайди. Қариб хавзаси мамлакатларини бирлаштирувчи, Шарқий Қариб давлатлари ташкилоти томонидан банклар тўғрисида унификацияланган қонун киритилган.

Бугунги кунда собиқ иттифоқ доирасида бир нечта интеграцион лойиҳалар, хусусан МДҲ ва ЕврАзЭС амалга оширилмоқда. Уларни вазифаларидан бири Ҳамдўстлик давлатларида молиявий бозорларни яқинлаштиришдир.

МДҲ да савдо ҳамкорлиги билан биргаликда, шунингдек молия-банк соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам кўзда тутилган. Қонунларни уйғунлаштириш ва давлатлар ҳаракатини координациялаш мақсадида МДҲ доирасида молиявий хизматларни трансчегара савдосини соддалаштириш учун ҳуқуқий асос яратиш бўйича “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш ва валюта назорати тўғрисида”, “Банкларнинг банкротлиги тўғрисида” ва “Банк сири тўғрисида” модел қонунлари ишлаб чиқилган эди. Шунинг билан бир қаторда 2004 йили МДҲ Парламентлараро ассамблияси томонидан Ҳамдўстлик давлатларида молиявий бозорлар соҳасидаги қонунларни уйғунлаштириш бўйича тавсияномалар қабул қилинган.

Банк фаолияти тартибининг ягона шаклланиши ўзаро ҳаракатни кучайтириш учун муҳим асос ҳисобланади. Аммо МДҲ ҳудудийида улар жуда ҳам секинлик билан амалга татбиқ этилмоқда, чунки ушбу модел қонунлари тавсиявий табиатга эга, миллий қонунлар тизимини адабтацияси учун мажбурий эмас. Шундай қилиб, бугунги кунда МДҲ доирасида банк хизматлари миллий бозорини тартибга солишни ҳеч қанақа преференциал нормалари яратилмаган.

ЕврАзЭС интеграцион гуруҳи банклараро ўзаро ҳаракат бўйича яна ҳам абициозли режаларни кўзда тутмоқда. Ҳамдўстлик давлатлари молиявий

интеграция бўйича бешта давлат бошлиқлари томонидан 2004 йилда жамланган ва 2003-2006 ва кейинги йилларда белгиланган ЕврАзЭСни устувор ривожланиш йўналишларида амалга оширишни кўзда тутмоқда. Хусусан, устувор ўзаро ҳаракат соҳасига умумий молия бозорини тузиш ва валюта интеграциясини ривожлантириш ҳам қўшилган эди.[24]

Буни натижасида Ҳамдўстлик давлатлари босқичма босқич ҳудудийал капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишдилар. Бу режалар 2005 йилда ЕврАзЭС аъзо - давлатларининг валюта соҳасида қабул қилинган Концепция лойиҳасида ҳам ўз аксини топган. Унга мувофиқ пул-кредит, валюта ва молия соҳасида қатор чора-тадбирлар амалга оширишни кўзда тутди. Хусусан, ЕврАзЭС доирасида интеграцион валюта бозорини яратиш мақсадида Ҳамдўстлик юридик-шахсларига молия хизматлар бозорида миллий режим бериш кўзда тутилмоқда, молиявий ҳисоботларда халқаро стандартларга ўтиш, миллий валюталарни келишган ўзаро курсларини шакллантириш механизмини жорий этиш ва бошқалар. Молия-банк соҳасига тегишли масалаларда, интеграциянинг охирги мақсади босқичма-босқич умумий молия бозорини яратишдан иборатдир.

ЕврАзЭС аъзо – давлатларини интегралашган валюта бозорини ташкил қилиш борасида ҳамкорлик қилиш Келишуви қабул қилинган, аммо у ташкилотнинг барча иштирокчи мамлакатлар томонидан ратификация қилинмаган. Бу ҳужжат миллий бозорларга банк-резидентларни эркин кириб боришини назарда тутади. Хусусан Келишувнинг 2-моддасида қуйидагича таъкидланган, ЕврАзЭС аъзо давлати интегралашган гуруҳнинг банк-резидентларига ўзининг миллий валюта бозорида, ҳуқуқий режим шароитида банклараро конверцион операциялар ўтказиш учун бу давлатни тижорат банк-резидентларига берилган ҳуқуқдан кам бўлмаган имконият таъминлайди. Шунинг билан бир қаторда кўрсатиб ўтилган, агар бу бошқа халқаро келишувлардаги мажбуриятларни бузса, миллий режимдан фойдаланиш ҳуқуқи берилмайди.

Аммо банк хизматлари умумий бозорини яратиш бўйича қўйилган мақсаднинг амалга ошириш механизми формал даражада ҳали жуда ночор ишлаб чиқилган. Бундан ташқари ЕврАзЭС давлатлари валюта соҳасидаги ҳамкорлик Концепциясини ҳаётга татбиқ қилишда жуда кеч қолмоқдалар.

Шундай қилиб, МДҲ давлатларининг миллий қонунчилигида ҳудудда интегралашган ташаббус эълон қилинганлигига улар ўртасида икки томонлама ёки кўп томонлама шартномаларда банкларни тартибга солувчи преференциал нормалар кўзда тутилмаган. Бу шароитда МДҲ банк ташкилотларининг таъсисчилари бошқа давлатдаги акционерларга тенглаштирилади (бу умуман халқаро амалиётга мувофиқ тушади, чунки бунда янада кўп имкониятлар бериш тамойили таъминланади).

МДҲ ҳудудийида юзага келган банк тизимининг таркиби ва сифати кредит ташкилотларини хорижий бозорларга чиқишни асосий ўзига хос

---

[24] Абалкин А.А.Преспективы создания ҳудудийального рынка банковских услуг в ЕврАзЭС // Банковское дело. 2008. № 2. С. 8.).

томонларини белгиламоқда. Қарийб кейинги йигирма йил ичида МДҲ дан чиққан банкларнинг экспансия сиёсати сабаблари ва табиати ўзгарди.

Собиқ иттифоқ муҳитида бошидан кредит ташкилотларининг қизиқиши савдо ва инвестицион операцияларга хизмат кўрсатиш зарурлигидан келиб чиққан эди. Трансмиллий корпорацияларнинг МДҲ давлатлари бозорида очилган бўлимлари ҳам "мижоз кетидан" деган стратегия доирасида ўзларининг экспанция сиёсатини амалга оширмоқдалар. Мисол учун, Россиядаги Озарбойжоннинг Халқаро банки бўлими икки давлат ўртасидаги савдо операцияларини молиялаштириш мақсадида очилган. Бошқа мисол, Украинадаги Россия кредит ташкилотларига аниқ бир йирик мижозга хизмат кўрсатишни назарда тутиб ташкил этилган. Украинада Альфа-банк нефт газ соҳасидаги бизнес вакилларига ўз хизматларини кўрсатишга, Москва Банки эса Украина ва Москва ўртасида савдо муносабатларига хизмат кўрсатиш мақсадида тузилган.

Аммо банк тизими ривожланиши билан экспанция сабаблари анча-мунча кенгайди, бу ўз навбатида МДҲ мамлакатлари бозорига кирувчи банклар сонини кўпайишига олиб келди. Ҳали замон Ҳамдўстликда хорижий фаолият юритаётган банклар ягона ҳарактерга эга бўлган бўлса, бугунги кунда қўшни давлатлар банк тизимида тўғридан–тўғри инвестор вазифасини ўтовчи банкларнинг сони 30 тани ташкил этмоқда. 2007 йил бошида бу банкларнинг ўзаро инвестицияси миқдори 1млрд.доллардан ошган бўлса, кредит ташкилотлари назорат қиладиган активлари миқдори 7,9 млрд.долларни ташкил этган. Бугунги кунда ҳудудий банклар юзага келмоқда, уларни стратегияси МДҲнинг қўшни давлатларида экспанция сиёсати юритишга қаратилган ва Ҳамдўстликни барча давлатларида ўзининг шўъба ташкилотларини таъсис этмоқда (Қозоғистоннинг Туран Алем банки (БТА), Россиянинг ВТБ).

Хорижий банк фаолиятининг кўпайишига сезирарли таъсир қилган омилларни ичида, ҳудудий давлатларининг иқтисодий ўсишини алоҳида қўрсатиш мумкин, бу банк хизматларига бўлган талабнинг ижобий ривожланиш келажагини белгилайди. Бу ҳеч шубҳасиз хорижий банк бўлимини тузишга ўндовчи ҳолат бўлиб хизмат қилади. МДҲ ҳудудийида банк тизимини анча-мунча ўсиши ҳам шунинг оқибатидир. 2006 йилнинг ўзида Ҳамдўстлик давлатлари кредит ташкилотларининг активлари 60,3 % ошган.

Шу билан бирга МДҲ ҳудудийида банк тизимини ривожланишини ўзига хослиги ва даражаси, банк операцияларининг ривожланишига имконият очмоқда. Паст ривожланиш даражаси шароитида банк тизимининг кам ривожланиши бир тарафдан келажакда юксалиш учун анча-мунча истиқболга эга бўлса, бошқа тарафдан, яъни ўтказиладиган операцияларнинг фойдалиги нуқтаи назардан улар жуда жозибадор бўлиб, банк маржасининг жуда юқорилиги ўз аксини топади.

3- жадвал

МДҲ давлатларида банк маржаси[25]

Давлатлар	Йиллар							
	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007
Белорусь	30,1	12,8	10,0	6,6	4,2	2,2	1,1	0,3
Қирғизистон	33,5	24,8	18,9	14,1	22,6	20,8	17,1	19,91
Россия	17,92	13,06	10,75	8,5	7,61	6,69	6,41	4,89
Тожикистон	24,33	15,86	4,49	6,9	10,57	13,52	14,17	м/й
Арманистон	13,43	11,79	11,54	13,96	13,73	12,17	10,69	11,27
Озарбайжон	6,86	9,16	9,35	9,81	10,59	9,82	8,67	8,03
Грузия	24,58	21,75	19,04	18,43	19,4	18,24	15,9	11,36
Украина	11,32	7,91	5,89	6,01	6,02	4,78	5,43	5,49

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, депозит ва кредит ставкаси ўртасидаги фарқ Арманистон, Қирғизистон ва Грузия давлатларида 10 фоиздан юқори пунктни ташкил қилган.

Банк маржаси даражасидаги фарқ ҳамда аҳоли тўловга қобилиятлиги даражасининг ўсиши МДҲ ҳудудида чакана операцияларнинг ривожланишига олиб келди. Бугунги кунда бозорнинг бу сегменти – энг тез ўсувчи сегментлардан бири бўлиб, Ҳамдўстлик давлатларига жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун хорижий инвесторларни ўзига жалб этади.

МДҲ (Украина, Россия, Қозоғистон) давлатлари ҳудудида нисбатан бозорларни ривожланиши янада юқори диверсификация оқибати бўлиб, хусусан фонд бозорида операциялар спектрини кенгайтириш учун имконият очиб бермоқда. Мисол учун, Украинада Россия тижорат банкларини бу давлатда ҳали тўла баҳоланмаган активларнинг мавжудлиги жалб этади. Россиянинг НРБ ва Альфа- банки шўъба банклари корпоратив ва муниципиал облигацияларни ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қозоғистоннинг кредит ташкилотлари бизнесни инвестицион йўл билан ривожланишидан манфаатдордир. Унинг исботи бўлиб, Казкоммерсбанк томонидан Ист Кэпитал инвестицион компаниясини сотиб олганлиги ҳисобланади, унинг кенг тарқалган бўлимлари барча Ҳамдўстлик давлатларида мавжуддир. Банк томонидан бу компанияни ютиб юборилишининг асосий мақсади собиқ иттифоқ муҳитининг фонд бозорида ишларни кенгайтириш ҳисобланади.

Кейинги йилларда банклар ҳамкорлиги борасида янада фаолроқ ривожланиш анъанаси кузатилмоқда. Фақат 2005-2006 йилларда банк тизимида тўғри инвестициялар миқдори бир неча бор кўпайди. Агар аввалари хорижий бозорда янги кредит муассасаси тузиш ҳисобидан кирилган бўлса, бугунги кунда амалдаги банкларни сотиб олиш амалиёти фаоллашмоқда. Бундай стратегия Арманистон ва Грузияни экспанция қилиш

[25] Манба: International Financial Statistics. 2007. October; International Financial Statistics, 2008, Apreil.

сиёсатида нисбатан кўпроқ ишлатилмоқда. Арманистонда МДҲ давлатлари кредит ташкилотларига қарашли бешта банк мавжуд. Буларни барчаси банк бозорига амал қилиб турган кредит ташкилотларини сотиб олиш йўли билан кириб борилган.

Бу стратегияни ишлатилиши банк сиёсатига ҳам боғлиқ. Бу борада БТА нинг тажрибаси эътиборли ҳисобланади, чунки улар МДҲ давлатларида хорижий бўлимларини ривожлантиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошмоқда. Уни стратегияси амал қилиб турган банкларни сотиб олишдан иборат бўлмоқда. Аммо биринчи босқичда МДҲ давлатлари хориж бозорига чиқишда БТАнинг экспанция механизми маҳаллий кредит ташкилотларининг миноритар улушини сотиб олишдан иборат бўлади. Банк бозорини биринчи ўрганиш қидируви амалга оширилгандан кейин ўз улушини мажоритар улушгача кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Аммо Ҳамиша ҳам миноритар улушни ҳарид қилиш акцияни назорат пакетини сотиб олиш билан тўгагани йўқ. Мисол учун, 2004 йили БТА Украинанинг кредит ташкилоти ҳисобланган Трансбанкни (9,99 %) синов пакет акциясини сотиб олган эди. БТАнинг режасида унинг улушини назорат улушигача кўпайтириш бор эди, лекин банкнинг Украина бошқарувчиси билан юзага келган тортишув натижасида, у аввал сотиб олган акциясини ҳам сотиб юборди.


Ишончли савдо ва инвестицион алоқаларининг мавжудлиги иккитарафлама банкларнинг ўзаро алоқаларини шакллантиради. МДҲ ҳудудида савдонинг асосий оқимлари анча-мунча ривожланган ҳудуд давлатлари ўртасида содир бўлади. Умуман, банк бўлимлари географиясининг тақсимланиши иқтисодий ўзаро алоқаларнинг тўлалигини бойитади ва такрорлайди, яъни қаерда ўзаро алоқалар яхши ривожланган бўлса, ўша жойда банк бўлимлари ҳам кенг ривожланган бўлади.

Бу ҳолатларнинг мисоли тариқасида нисбатан жуда фаол ривожланаётган Россия ва Қозоғистон банкларини хорижий тармоқлари расмида кузатишимиз мумкин.

1-расм.

2007 йил бошида МДҲ давлатларини ҳудуд территориясида жойлашган банк тизимига киритган инвестициясидаги улуши, фоизда (%)[26]:

[26] Интерфакс маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилган



Россия федерациясининг кредит ташкилотлари асосан ўз фаолиятини Белоруссия ва Украинада, Қозоғистон банклари эса Россияда кенгайтирмоқда.

Украина банклари хорижда жуда ҳам кам даражада ўзларини намойиш қилишган. МДҲ давлатлари ҳудудийининг ялпи инвестициясида уларнинг улуши 5% кам қисмни ташкил қилади, бунинг сабаби Украина Миллий банкининг тижорат банкларига хорижда шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари очилишига ўта қаттиқ талаб қўйганлигидан келиб чиққан. Улар бекор қилингандан кейин Украина банклари ўзларининг хорижий фаолияти таркибига ва миллий банк тизимига маълум ўзгаришларни киритган. Бугунги кунда Украина банк хизматлари бозори капитал киритиш (жалбқилиш) масаласида келажаги порлоқ соҳалардан бири бўлиб қолмоқда, шунинг учун ҳам Европа банклари томонидан бу республикада амал қилаётган банкларни қўшиб олишдан манфаатдорлиги келтириб чиқармоқда. Одатдагидек, бир томондан Европа кредит ташкилотлари МДҲнинг қатор давлатларида ўзларини намойиш қилишган, бошқа тарафдан ички бозорда энди ўз фаолиятини банкларни қўшиб олишга катта даражада мўлжалини қаратмоқда.

Шундай қилиб, Украина банкларининг хорижий фаолияти ягона характерни ўзида мужассам этган. Агар 2007 йилнинг боши ҳолатига Украинанинг энг йирик кредит ташкилотларидан ПриватБанкка Москомприватбанкни 50 % и ва Белоруссиянинг биржа банкини 11,92 % тегишли бўлган бўлса, 2007 йилнинг ўрталарида грузиянинг Таобанкини 75 % акциясини сотиб олиш келишувига банк имзо чекган. Шунинг билан бир қаторда УкрСиббанк Россияда бир хил номда шўъба банкига эга, ТАС-Коммерцбанк Молдовада ўзини ваколатхонасини очган.

МДҲнинг қатор давлатлари (Молдова ва Белоруссия) умуман хорижий банк активларига эга эмас. Грузия яқиндагина хорижий бозорларда банк хизмати кўрсатувчи давлатлар таркибига қўшилди. 2007 йилнинг март ойида Грузия Банки Украинанинг ривожланиш ва ҳамкорлик банкини 94,42 % акциясини сотиб олган.

МДҲ ҳудудийида хорижий инвестициялар бўйича ўнлаб лидер банклар мавжуд, уларнинг энг кўпи Россиянинг 6 та банкининг ваколатхоналаридир, рўйҳатда яна 2 та Қозоғистон банклари ва биттадан Украина ва озорбайжон кредит ташкилотлари киради. (4- жадвал).

4-жадвал

МДҲ давлатларининг энг йирик трансмиллий банклари (хорижий активлари ва ҳудудийга киритган капитали миқдори бўйича)[27]

Банк	Давлатлар	Бўлимлари сони	Ҳудуддаги жами активи (млн.долл.)	Ҳудуддаги жами капитали (млн.долл.)
БТА	Қозоғистон	10	1601,2	198,4
Альфабанк	Россия	2	1425,6	138,8
ВТБ	Россия	4	1263,7	163,4
КазКоммерц	Қозоғистон	2	1111,8	116,8
Приватбанк	Украина	2	279,7	16,8
Газпромбанк	Россия	2	242,2	21,8
Сбербанк	Россия	2	238,8	23,7
Москва Банки	Россия	1	234,8	44,5
Петрокоммерц	Россия	2	227,0	27,8
МБА	Озорбайжон	2	143,6	12,9

Келтирилган маълумотлардан қўриниб турибдики, Қозоғистоннинг БТА банки хориждаги активларининг миқдори бўйича лидер ҳисобланади. Бугунги кунда унинг гуруҳига ўнта – Россияда, Украинада, Белоруссияда, Қирғизистонда, Арманистонда, Грузияда стратегик ҳамкорлари бўлган тижорат банклари киради. Қозоғистон банки МДҲ давлатларида биринчи кредит ташкилоти бўлиб, Ҳамдўстликни барча давлатларида ўзининг ҳудудийал бўлимлари тармоғини очиш каби важоҳатли вазифани қўйган. Ушбу стратегиянинг тамойили “Бутун МДҲда, битта банк, битта ҳисоб” ҳисобланади. Банкни 2015 йил режасида Россия бозорида ўз улушини 2 % ва Ҳамдўстликнинг бошқа давлатларида 5 % гача кўпайтириш мўлжалланган.

МДҲнинг учта давлатида ВТБ кенг бўлимлар тармоғи бўлиб, униг сони тўртта ўзига қарашли ташкилотдан иборат. Аммо бу унга Россиянинг “Альфабанкини” қўвиб ўтиш имконини бермади, уни Украина ва Қозоғистонда иккита бўлими бўлиб, у ўзининг рейтингини укринадаги шўъба банкининг капиталини кўпайтириш ҳисобидан оширди. Фақат 2008 йилни тўрт ойида Алфаьбанк Украинада икки марта устав капиталини кўпайтиришга қарор қабул қилиб уни 2249,71 млн. гривенга етказган. Рейтинги келтирилган банклар одатга биноан, миллий банк тизимида энг

[27] Банкларни ва Интерфакс маълумотлари бўйича ҳисобланган.

етакчилари, яъни лидерлари ҳисобланади. Мисол қилиб келтирилган ўнта банкларга МДҲ давлатлари банкларига киритилган инвестициянинг 75 фоизи ва биринчи бештасига – 63 фоизи тўғри келади.

МДҲ давлатларидаги банкларнинг кўпчилиги давлатларга киритилаётган инвестицияларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланса, кейинги пайтда ҳамкорликда (ЕРТБ) қишлоқ хўжалигини кичик кредитлаш, кичик ва ўрта корхоналарни кредит йўли билан қўллаб қувватлаш билан ҳам шуғулланмоқда. Шунинг билан бир қаторда Россиядаги МДҲ давлатларининг катта бўлмаган банк бўлимлари пул ўтказишлари бозорида сезирарли ўринни эгаллаб, Ҳамдўстликдан келган муҳожирларни ўз атрофига тўпламоқда. Россия Банкининг маълумотига қараганда 2007 йил якунига асосан Россия Федерациясидан МДҲ давлатларига ҳар йили 9,7 млн.доллар жисмоний шахслардан нақд пулсиз пул ўтказишлари амалга оширилади. Пул ўтказишларни асосий реципиенти бўлиб пул ўтказувчи тизимлар ва Россия почтаси ҳисобланади, улар орқали ҳар йили Ўзбекитонга 1666 млн.доллар., Тожикистонга 1632 млн.доллар, Украинага 1377 млн.доллар ва Арманистонга 943 млн. доллар ўтказилар экан.

X БОБ. ХАЛКАРО МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ, УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА УНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ ҲАМДА УНИ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БОРАСИДА АЛОҲИДА ДАВЛАТЛАР ТОМОНИДАН КЎРИЛАЁТГАН ЧОРА ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг қабул килинганига 16 йил тўлганлиги муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган маърузасида ва **«Мамлакатимизни 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши януклари ва 2009 йилда иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари»**га бағишлаб ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида шуни қайд этиб ўтдиларки **«…** *агар кимда ким кунма-кундан янада кенг миқдорларни қамраб олаётган халқаро молиявий инқироз бизнинг давлатга таъсир қилмайди ёки бизни четлаб ўтади деб ўйласа, у кечириб бўлмас даражада янглишади, чунки Ўзбекистон ҳам бугунги кунда глобал халқаро молия-иқтисодий бозорнинг бир таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам халқаро молиявий инқирознинг оқибатлари бизнинг давлатимиз иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказди ва салбий таъсирини ўтказиши давом этмоқда.*

Ҳаммадан аввал, бу салбий оқибатларни таъсири экспортга қаратилган ва уни билан боғлиқ бўлган аралаш асосий тармоқларни фаолият якунида уларнинг экспортга чиқараётган маҳсулотларига бўлган талабни кескин пасайиб кетиши ва мамлакатимиз томонидан экспорт қилаётган муҳим товарларнинг баҳосини жаҳон бозорида тушиб кетиши билан намоён бўлмоқда. Буларни ҳаммаси ўз навбатида мамлакатнинг умумий иқтисоди балансига ва самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда, қўйилган мақсадга эришишда, кўзда тутилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда»[28].

Шу билан бир қаторда давлатимиз раҳбари халқаро молиявий инқирознинг келиб чиқиш сабабларига тўхталиб, қуйидагиларни айтиб ўтди. Инқироз авваломбор АҚШда 2007-2008 йилларда ипотека кредитларининг қайтмаганлиги билан боғлиқ муаммоли кредитларнинг миқдори 700 млрд доллардан ошиб кетганлиги билан боғлиқлигини қайд этди. Бунинг оқибатида илғор банкларни, молиявий тузилмаларни, йирик компанияларнинг ликвидлиги пасайиб, халқаро фонд бозорида уларнинг акцияларини бозор қиймати пасайиб кетди. Бу, ўз навбатида, кўпгина йирик давлатларда ишлаб чиқариш суръатининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлиб, жуда йирик компанияларни, банкларни банкротликка

[28] **Народное слово, 14 февраль 2009 йил.**

учратмоқда, аҳолининг ишсизлик даражаси ортиб кетишига ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, жаҳон моливий инқирозини келиб чиқиш сабабларидан яна биттаси АҚШ давлат бюджетидаги камомад (дефицит)ни тўлдириш ёки молиялаштириш учун Давлат ғазначилик идораси томонидан жуда катта миқдорда қимматли қоғозлар чиқарилиб Жаҳондаги қатор давлатларнинг валюта ресурсларини ишлатиб юборилишида деб қараш мумкин ва бу кўрсатгичларни қуйидаги маълумотлар билан асослашга ҳаракат қиламиз:

5-жадвал

АҚШ Давлат ғазначилик идораси томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олган давлатлар рўйҳати ва уларнинг улушлари
(2008 йил охиридаги ҳолат)

№	Д А В Л А Т Л А Р	Сотиб олган суммаси миқдори (млрд.долларда)	Улуши (фоизда)
1.	Хитой	727,4	33,0
2.	Япония	626,0	28,3
3.	Кариб хавзаси давлатлари (Багам, Бермуд, Кайман, Антиль ва Виргин ороллари ҳамда Панама)	197,5	9,0
4.	Нефть экспорт қилувчи давлатлар (Эквадор, Венесуэла, Индонезия, Баҳрйн, Эрон, Ироқ, Қувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони, БАА, Жазоир, Габон, Ливия ва Нигерия)	186,2	8,4
5.	Англия	130,9	6,0
6.	Бразилия	127,0	5,7
7.	Россия	116,4	5,3
8.	Бошқа давлатлар	100,0 атрофида	4,5
	Ж А М И С И :	**2 211,4**	**100,0**

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қатор молиявий бақувват давлатлар Америка Қўшма Штатлари давлат бюджетининг жуда катта камомадини, яъни 2008 йилда 2,2 трлн. АҚШ доллари миқдоридан ошиқроқ қисмини молиялаштиришга кўмаклашган.

Шу билан бир қаторда, юқорида қайд этилган облигациялардан ташқари, *АҚШ ҳукумати томонидан чиқарилган қимматли қоғозларга чет давлатларнинг киритган сармоясини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда асосий лидер Япония давлати бўлиб, унинг сармояси 1,25 трлн долларни ташкил этган. Хитой давлати иккинчи ўринда (1,2 трил. доллар), Россия давлати*

эса бу рейтингда 17 ўринда бўлиб (160 млрд. доллар). АҚШнинг ташқи қарзи бугунги кунда 11,3 трлн. долларни ташкил этмоқда.

Ушбу келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, халқаро молиявий инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатлардан бири АҚШ ҳукумати томонидан қимматли коғозларни молия бозорига чиқариб, халқаро молия бозорида мавжуд ривожланган давлатларни эркин валюта захира ресурсларининг Америка миллий иқтисодиётини тиклашга сарфлаб юборилганлиги оқибатидир.

2003-2006 йилларда АҚШда кўчмас мулкнинг нархлари 2002 йилга нисбатан қарийб икки маротаба ортди. Кредит ҳисобига яшашга ўрганган Америка аҳолиси хурсандчилик билан уйларни, мебель ва машиналарни янги, кўтарилган нархларда, банклардан узок муддатга, яъни 25-30 йилга, имтиёзли, йилига 4-6 фоиз кредит маблағлари эвазига сотиб олиш ва уларни ҳеч бир қийинчиликсиз расмийлаштиришни йўлга қўйди.

Демак, мамлакатда ҳукумат раҳнамолигида фуқаролар томонидан ипотека кредити олишнинг жуда содда тизими жорий этилди, яъни банклар уй-жой ҳарид қилиш учун фуқароларга кредитлар беради ва олинган кредит суммасининг таъминоти учун уй-жой қўйилиши ваъдаси олинади. Бу билан кредитни асосий суммасининг ва фоизини тўлаш мажбуриятини олади. Банклар эса, ўз навбатида, бу кафолат қийматини (вадасини) Freddie Mak ва Fannie Mae агентликларига сотади. Бу агентликлар ушбу ҳужжатлардан гаров қопламасини шакллантирган ва ипотека қимматли қоғозларини сотувга чиқарган ва ҳатарсиз бўлганлиги учун уларни турли хил инвесторлар сотиб олишган. Уларни ҳатарсиз ҳисобланишига сабаб, АҚШ ҳукумати Freddie Mak ва Fannie Mae агентликларига ҳомий бўлиб, бу агентликлар чиқарган ипотека қимматли қоғозлари бўйича бозорда бирон-бир салбий ҳолат бўлиб қоладиган бўлса (шу жумладан, молиявий инқироз келиб чиқайдиган бўлса ҳам) унинг ҳукумат томонидан қопланиши кафолатланган. Уй-жойларнинг баҳоси жуда кўтарилиб кетганлиги учун банклар кредиторлардан фақат кредитнинг фоизини тўлашни талаб этишади, холос.

2007 йилга келиб эса, уй-жойларнинг баҳолари ҳаддин ташқари қимматлиги оқибатида, уларга нисбатан талаб тушиб кета бошлади. Бундан ташқари вақт ўтиши билан кредиторлар олган кредитнинг нафақат фоизини, балки асосий суммасини қайтариш ҳам қўшилиб, ойлик тўлов суммаси жуда ошиб кетди. Бозордаги уй-жой баҳоси тушганлиги оқибатида, унинг нархи сотиб олишга тўланган суммадан камайиб кетди, натижада уй эгаларининг биронтаси ҳам олган ипотека кредитининг асосий суммасини ҳам фоизларини ҳам тўлай олмай қолишди.

Бугунги кунда, банклар, Америкада 10 мингдан зиёд уйларнинг кредит суммаси тўланмаганлиги учун уй эгаларидан қайтариб олмоқда. Кейинги икки йилда яна 4 миллиондан зиёд уйларнинг банклар томонидан қайтиб олиниши ҳолати юзага келиши кутилмоқда. Бу ҳолат инвесторлар томонидан ипотека қимматли қоғозларига бўлган ишончни йўқотмоқда. Инвесторлар олдин сотиб олган қимматли қоғозларини каттагина чегирма ёки йўқотиш

билан сотганлиги учун, янгиларини умуман сотиб олмай қўйишди. Ипотека қимматли қоғозларига инвестиция оқимининг тўхтаб қолиши, ўз навбатида, банкларда нақд пул ресурсларининг йўқолишига олиб келди ва банклар илгари берган пул ресурсларининг қайтмаганлиги оқибатида янги кредит маблағларини бера олмай қолишди.

Америкада йирик молиявий компаниялар банкротлик даражасига келиб қолгандан кейингина АҚШ Ҳукумати содир бўлаётган ҳатарни англаб етди. Шундан кейин Федерал Резерв Бюроси (ФРБ) бошлиғи Бена Бернанке ва АҚШ Давлат Ғазначилик секретари Генри Паулсон бошчилигида инқироздан қутқариш режасини ишлаб чиқилди. Бу режага асосан, улар конгресдан 700 млрд доллар ажратишни сўраб, бу суммага инвестор ва банклардан ипотека қимматли қоғозларини сотиб олиб, вазиятни барқарорлаштиришни мўлжаллаган эдилар.

Аммо Америка аҳолисининг банклар олдида жуда катта миқдорда йиғилиб қолган қарзларининг мавжудлиги ва унинг ўз вақтида қайтарилмаслиги нафақат банкларни банкротликка олиб келди, балки ипотека кредитидан кўрган зиёнларини қоплаш учун банклар томонидан суғурта компанияларига мурожаат этилиши, уларни ҳам ўз навбатида, банкрот бўлишига олиб келди ёки жисмонийа қонунияти билан айтганда занжирли реакция бошланиб кетди. Халқаро фонд бозорида йирик компания ва банкларнинг акциялари котировкаси тушиб кетди, инвесторлар ўз капиталини хавфли бўлган қимматли қоғозлар бозоридан тезда чиқариб олиш ташвишига тушиб қолдилар, халқаро валюта бозорида қатор валюталарнинг курслари беқарорлиги бошланиб, инқироз бутун Жаҳон молия бозорига тарқалиб кетди. У бирин-кетин қатор давлатларнинг банклари ва йирик компанияларини ўз домига тортиб, молиявий тангликка учратиб, банкрот қилиб, синдира бошлади ҳамда иқтисодий ночорликни, ишсизликни ва ижтимоий беқарорликни келтириб чиқарди.

Шу ўринда Халқаро молия бозорининг иқтисодий моҳияти, таркибий тузилиши, функциялари, миқдори ва уларнинг ҳар бир бўғинининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини батафсил тушуниб етсак, халқаро молия бозори тўғрисида янада яққолроқ тасаввур ва тушунча пайдо бўлади.

Халқаро валюта оқими халқаро молия тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади, у Жаҳон товар айирбошлаш хўжалигини амал қилиш жараёнида содир бўлади ва миллий хўжалик фаолияти натижаларининг ўзаро алмашинувига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, халқаро молия тизими, халқаро молиявий бозор иштирокчилари ўртасида хорижий валюта оқими тизимини англатади.

Демак, халқаро молия тизими моддий ишлаб чиқариш соҳасига ва Жаҳон ялпи ижтимоий маҳсулотини тақсимлаш, қайта тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилиш соҳаларига хизмат кўрсатади. Халқаро молия, хорижий валюта оқими ҳаракати сифатида, халқаро миқёсда барча субъектларнинг эҳтиёжини ва манфаатларининг қондирилишини таъминлайди ҳамда унга

кенг миқёсда турли-туман молиявий инструментлар орқали хизмат кўрсатади.

Халқаро хорижий валюталар оқимининг ҳаракати тўртта босқичга бўлинади: валюталарнинг пайдо бўлиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва сўнги ишлатилиши. Хорижий валюта оқимининг пайдо бўлиши компаниялар Жаҳон бозорида ўзлари ишлаб чиқарган товарларни ва хизматларни сотишдан ҳамда ишларни бажаришдан тушган валюта тушуми сифатида пайдо бўлади. Хорижий валютада тушган тушум ишлаб чиқаришга таъсир қилувчи ҳаражатларга мувофиқ тақсимланади. Охирги ҳисобда компаниялар хорижий валютада фойда олади ва у фойда мулкдорлар манфаатидан келиб чиқиб тақсимланади. Дастлабки тақсимланишдан кейин, хорижий валюта оқимининг қайта тақсимланиш жараёни бошланади: унда турли хил халқаро ташкилотларга, фондларга миллий давлат бюджетидан ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни хорижий валютадаги даромадидан бадаллар тўлаш усули билан давом этади. Хорижий валюта оқими охирги босқичда тўлиқ ишлатилиши билан ўз ҳаракатини батамом тугаллайди.

Демак, халқаро валюта оқими халқаро молия бозорида содир бўлади ва унинг таркибига қуйидагилар киради:

1. ***Халқаро кредит бозори.***
2. ***Халқаро фонд бозори, яъни қимматли қоғозлар бозори.***
3. ***Халқаро инвестиция бозори.***
4. ***Халқаро валюта бозори.***
5. ***Халқаро сугурта бозори.***

Юқорида қайд этилган халқаро молия бозорининг ҳар бир таркибий қисми бир-бири билан чамбарчас боғланган ва бир-бирига яқиндан хизмат кўрсатади. Уларни таркибида бирон-бир салбий ёки ижобий ҳолат содир бўлса, бошқаларининг фаолиятига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Шунинг учун XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида халқаро молия бозорида такроран содир бўлган ушбу молиявий ва иқтисодий инқирозни атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Шу билан бирга, ушбу глобал халқаро молиявий инқироз бугунги кунда Жаҳон бозорида қандай салбий оқибатларни келтириб чиқарганлигини ва яна қайси соҳаларга таъсир этиши мумкинлиги ёки яна қанча муддат давом этиши масалалари Жаҳондаги ҳар бир фуқарони ташвишга солмоқда. Бундан ташқари, ушбу инқирозни бартараф этиш учун Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳондаги йирик, саноати ривожланган 20 та давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликда Жаҳон миқёсида қандай чора-тадбирлар кўрилишига келишиб олинганлиги ва бу давлатлар мамлакат ичкарисида қандай дастурлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этаётганлиги ҳамда уларнинг бераётган иқтисодий самараларини таҳлил қилиб, хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, молия-банк тизимидаги содир бўлган глобал молиявий инқироз Жаҳон молия тизимининг капиталлашуви миқдорини 2,6 трлн долларга қисқартирди, иқтисодий ўсишнинг пасайиши Америка, Европа ва Осиё қитъаларининг қатор йирик давлатларида ҳам кузатилмоқда. Жаҳон

фонд бозорида ҳукуматлар, йирик компаниялар ва банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг котировкалари бир неча марта пасайиб кетди, инвестицион фаоллик йўқолиши даражасигача тушуб қолмоқда. Халқаро хом-ашё ва товар бозорида истеъмол талаби ва миқдорининг пасайиши оқибатида ўта муҳим хом-ашё ва товарларнинг нархлари кескин тушиб кетди, шу билан бир қаторда, кўпгина давлатларда ишсизлар сони белгиланган меъёрлардан ошиб, қўшимча ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Иккинчидан, жаҳонда содир бўлган глобал молиявий инқироз шуни кўрсатмоқдаки, халқаро миқёсда молия-банк тизимида жуда муҳим узилишлар мавжудлиги, уларнинг тубдан ислоҳ қилиниши, банк фаолияти устидан керакли даражада назоратнинг йўқлиги оқибатида банклар фақат корпоратив манфаатга хизмат қилиб, кредит ва қимматли қоғозлар бозорида турли хил спекулятив операциялар билан банд бўлиб қолмоқда. Халқаро молия бозорининг барқарор ривожланишига ўз устави бўйича масъул бўлган Халқаро валюта фонди, кейинги инқирозларда кузатувчи бўлиб қолаётганлиги ўта ачинарли ҳолдир.

Учинчидан, ҳар бир алоҳида давлатда молиявий-иқтисодий инқирознинг масштаби, унинг чуқур кечиши ва оқибатлари, аввало, унинг молия-валюта тизимининг мустаҳкамлигига, миллий кредит институтларининг капиталлашуви ва ликвидлигига ҳамда уларни халқаро хорижий ва корпоратив банклар билан боғлиқ лигига, олтин-валюта захирасининг миқдорига ва халқаро кредитларни тўлаш қобилиятига, умуман олганда, мамлакат миллий иқтисодиётининг мустаҳкамлигига ва рақобатбардошлик даражасига боғлиқ бўлмоқда.

Тўртинчидан, халқаро молиявий инқироздан тезроқ чиқиб кетиш ва унинг салбий оқибатларни юмшатишга, авваломбор алоҳида давлатлар доирасида, қолаверса, бутун халқаро ҳамжамият ўртасида самарали ва келишилган тадбирларни қабул қилиши билангина эришиш мумкинлигига барча манфаатдор ташкилотлар тобора икрор бўлмоқдалар.

Бешинчидан, халқаро молия бозорида инқирознинг юзага келишига сабаб бўлаётган яна битта ҳолат, ҳеч қандай назоратсиз фаолият юритаётган Офшор зоналарнинг мавжудлиги ва унинг миқдори йилдан-йилга ошиб, астрономик миқдорга етганлигидир. Кейинги маълумотларга қараганда, Офшор зоналарда яширинган фақат “соф валюталар” миқдори 11,5 трлн.долларни ташкил этиб, у Ер юзида мавжуд валюталарнинг 1/10 қисмидан иборат бўлмоқда, яъни бу қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, яхталарнинг қиймати қўшилмаган ҳолдаги миқдоридир.[29]

2008 йилнинг 15 ноябрида АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида ва 2009 йил 2 апрелда Англия пойтахти Лондон шаҳрида дунё ялпи маҳсулотини 85 фоизини ишлаб чиқарувчи 20 та йирик давлат раҳбарларининг халқаро молиявий инқирозининг олдини олиш борасида кўриладиган тадбирларни

[29] **«Аргументы и факты», №36, 2009 г. Стр.7.**

мувофиқлаштириш борасида Саммит учрашуви бўлиб ўтди. Саммит иштирокчилари молиявий инқирознинг келиб чиқиш сабабларида ягона ёндашув йўқлигини кўрсатди, шунингдек, ҳали давом этаётган ва чуқурлашаётган глобал молиявий инқирознинг жуда муҳим ва узоққа чўзилувчи оқибатлардан холи бўлишда умумий самара берадиган дастур ишлаб чиқишга ва қабул қилишга келиша олмадилар. Эришилган ягона келишувлардан бири халқаро молиявий инқирозни келиб чиқишига айбдорлардан бири деб қаралаётган Халқаро Валюта Фондига қўшимча равишда 1,1 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиб, иқтисодиёти ожиз давлатларга ёрдам беришга йўналтиришдан иборат бўлди**.** Дунё бўйича йирик давлатлар томонидан миллий иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш учун бюджетда жамғарилган 4 трлн доллар миқдорида пул маблағларини халқаро молиявий инқирозга қарши ишлатилиши таклифи илгари сурилди.

Америка Қўшма Штатларида Президенти Барак Обама инқирозга қарши курашиш бўйича янги тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Бу Дастурга асосан Америка иқтисодиётини инқироздан қутқариш учун айрим соҳаларга ҳукумат томонидан молиявий маблағ ажратилиб, қўллаб-қувватлаш режалантирилган:

6-жадвал

Америка иқтисодиётини молиявий инқироздан қутқариш учун йўналтирилаётган молиявий маблағларнинг янги Дастури[30]

№	Ҳаражатларни мақсади	Миқдори (млрд долларида)	Улуши (фоизда)
I.	**ИЖТИМОИЙ СОҲАГА**	**145,496**	**70,2**
1.	Шу жумладан, **Таълим тизимига**	**50,09**	**24,2**
а)	Бошланғич ва олий мактабларни қуриш, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш	20	
б)	Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, синфларни ва илмий лабораторияларни компьютер билан таъминлаш	1	
в)	Талабаларга бериладиган Давлат стипендиясини 500 долларга кўпайтириш	15,6	
г)	Ишлайдиган коллеж талабаларини қўллаб-қувватлаш	0,490	
д)	Ногирон болалар учун грантлар	13	
2.	**Соғлиқни сақлашга**	**25,5**	**12,3**
а)	Соғлиқни сақлашни компьютерлаш-тириш ва		

30

	информацион технологияни такомиллашлаштириш	20	
б)	Сурункали ва юқумли касалликлар бўйича профилактика ишлари ва вакциналаш	3	
г)	Самарали дори-дармонларни қидириб топиш бўйича илмий тадқиқот ишлари	1	
д)	Клиникаларни жиҳозлаш	1	
е)	Суғурта қилинмаган Америкаликларга тиббий ёрдам ҳаражатларини тўлаш	0,500	
3.	**Ишсизликка қарши курашиш**	**41,12**	**20,0**
а)	Ёз пайтида ёшлар учун 1 млн янги ишчи ўринларини яратиш	1,2	
б)	Иқтисодиётнинг янги секторида ишчи ва ёшлар учун дастурлар ишлаб чиқиш	2,8	
в)	Ногиронларнинг ишга жойлашишига ёрдам кўрсатиш	0,500	
г)	Ишсизларга иш билан таъминлаш хизмати орқали иш ўрни қидиришга ёрдамлашиш	0,500	
д)	Кам даромад олувчи кекса ёшдаги Америкаликларни иш билан таъминлаш	0,120	
е)	Ишсизлик кўпайиб бораётган бир пайтда имтиёз дастурини қўллаб-қувватлаш	27	
к)	Ойлик ишсизлик нафақасини 300–400 долларга кўпайтириш	9	
4.	**Бошқалар**	**28,786**	**14,0**
а)	Қаровсиз болаларни овқат ва транспорт билан таъминлаш	0,66	
б)	Ишловчи ота-оналарнинг болаларга қарашишига ёрдам кўрсатиш	2	
в)	Кам таъминланганларга озиқ-овқат ёрдамини кўрсатиш	20	
г)	Қариялар учун кўчма ошхоналарни ташкил этиш	0,200	
д)	Мактаб болаларини бепул тушлик билан таъминлаш	0,726	
к)	Кам таъминланган ва кекса ёшдаги аҳолига ёрдам кўрсатиш (7,5 млн. киши)	4,2	
л)	Кам таъминланган оилаларни электр-энергия ҳисобини тўлашга ёрдам кўрсатиш	1	
II.	**ИҚТИСОДИЁТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**	**52,209**	**25,2**
а)	Электр тармоқларини модернизация қилиш	11	

б)	Энергия истеъмоли иқтисодини ошириш учун турар жойларни модернизация қилиш	2,5	
в)	Шаҳардан ташқари темир йўл тизими ва енгил ер усти транспортини ривожлантириш	1	
г)	Йўловчи ташиш миқдорини кўпайтириш учун автобуслар ва бошқа асбоб-ускуналар сотиб олиш	6	
д)	Қишлок жойларда сув ва канализация тизимини яхшилаш ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш	1,5	
к)	Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш	0,209	
л)	Йўл ва кўприклар қуриш	30	
III.	**БИЗНЕСни қўллаб-қувватлашга**	**9,430**	**4,6**
а)	Америкада автомобиллар учун замонавий аккумуляторларни ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш	2	
б)	Маҳаллий автосаноатни қўллаб-қувватлаш (федерал ҳукуматни эски автомобилларини янгисига алмаштириш йўли билан)	0,600	
в)	Интернетга кабелсиз уланишнинг ривожлантиришни рағбатлантириш	6	
г)	Кичик бизнесга бериладиган кредитларни кафолатлаш	0,430	
д)	Бошқа мақсадда ишлатиш учун олдинги саноат объектларини ва ёпиқ ҳарбий базаларни тозалаш дастури	0,400	
	Ж А М И:	**207,135**	**100,0**

Юкорида келтирилган АҚШ Президенти Барак Обаманинг молиявий инқирозга қарши ишлаб чиқилган янги чора-тадбирлар Дастурни таҳлил қиладиган бўлсак, жами ажратиладиган пул маблағларининг 70,2 фоизи ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлашга, 25,2 фоизи иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни қўллаб- қувватлашга ҳамда 5 фоиз атрофидаги маблағ бизнесни ривожлантиришга йўналтирилаётганини кўрамиз. Демак, Америкада асосий маблағ молиявий инқироздан жабр кўраётган аҳоли тоифасини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиб, сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган, чунки ушбу йилнинг ўзида Америкада ишсизлик даражаси миқдори 8-9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Барак Обама Дастурида асосий ҳаражатлар ижтимоий соҳага каратилиши билан бир қаторда, Америка иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш учун тармоқларни барча соҳасида энергияни кам истеъмол қилувчи

технологияни жорий этишга ўтилаётганлигини кузатиш мумкин, бу ҳозирги жаҳон тараққиётида ўта муҳим масала ҳисобланди.

Америкада 2009 йилни 1 июнидан бошлаб, кимки гибрид моторли, яъни электр ва бензинда ишлайдиган автомобилни ҳарид қилса (шу типдаги автомобилларнинг ўртача баҳоси 20-25 минг долларни ташкил этади), унга 7 минг доллар миқдорида солиқдан имтиёз берилиб, автомобиль сотиб олишга сарфланадиган суммани 1/3 қисми ҳаридорга қайтарилиши тартиби жорий этилмоқда. Фундаментал фанни ривожлантиришга 10 йил ичида бюджетдан ажратиладиган ҳаражатларни икки маротаба кўпайтириш мўлжалланмоқда. Уйларни қуёш батареяси билан иситишга ўтувчиларга ёки болаларини мактабга велосипедда олиб борувчиларга ҳам солиқдан имтиёз берилишни рағбатлантириш кенгайтирилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, жаҳон молия бозорида ёки унинг алоҳида давлатларида тарихда бир неча маротаба шунга ўхшаш молиявий ва бошқа иқтисодий инқирозлар бўлиб ўтган, аммо уларнинг салбий оқибати маълум давлатларгагина ёки унинг баъзи бир тармоқларига таъсир қилган, холос. Бугунги кунда давом этаётган халқаро молиявий инқирозни кўлами жуда кенг бўлиб, қатор ривожланган давлатларни молия бозорини издан чиқариб, банк ва суғурта компаниялари катта талофатга учратмоқда. Етакчи тармоқларда ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб, товар баҳолари ҳамда нархларини тушуриб, аҳолини истеъмол товарларга бўлган талабини йўқотмоқда. Ишсизлар армияси сафини кўпайтириб, баъзи бир давлатларда ижтимоий мувозанатни издан чиқаришгача олиб келмоқда.

Агар жаҳон молия бозорини ўтган асрни 30-йилларидан бошлаб, 70 йилларгача даврини таҳлил қилсак, бор-йўғи 2 та молиявий инқироз бўлиб ўтганлигини шоҳиди бўлишимиз мумкин. Унинг дастлабкиси АҚШ фонд бозорида чайқовчилик (спекулятив) ўйинлари оқибатида содир бўлган, тарихда “Буюк депрессия” деб ном олган халқаро молиявий инқироз бўлса, кейингиси II жаҳон уруши оқибатида қатор Европа давлатларининг урушдан кўрган катта талофати туфайли содир бўлган, чунки ишлаб чиқариш 7 йиллик уруш сабабли издан чиққан. Аҳоли эҳтиёжи учун товар етишмовчилиги, миллий валюталарни қадрсизланиши оқибатида, яъни объектив сабабларга кўра содир бўлган ҳамда нисбатан узоқ муддат, яъни 7-8 йил давом этган.

XX асрнинг 70-чи йиллардан кейинги нисбатан осойишта босқичининг бугунги кунгача бўлган даврини таҳлил қиладиган бўлсак, ўртача ҳар 7-8 йил ичида 4 маротаба молиявий инқироз такрорланган. Уларнинг такрорланиб туриши объектив қонуниятга айланмоқда.

Яна шу ҳолатни алоҳида қайд этиш лозимки, молиявий инқироз натижасида давлатлар, улардаги йирик компаниялар ва банклар инқироз бошланишида жуда катта йўқотишларни бошидан кечирган бўлса, кейинчалик жадал ривожланган.

Бизнинг фикримизча, алоҳида давлатларда иқтисодиётда молиявий инқирозларнинг тез-тез такрорланиб туришига нормал ҳолат деб ёндашиб,

уни соғлом организмда содир бўлаётган табиий мослашиш қонунияти сингари ўзини-ўзи ҳимоялаш ёки тозалаш ҳолати деб хулоса чиқариш мумкин. Бу табиий жараён ўтгандан сўнг, соғломлашган биологик организмда ўзини-ўзи ҳимоялаш ва сақлаш кечгани сингари иқтисодиётда ҳам давлатнинг ҳукуматлари томонидан ўта муҳим тармоқларга ва секторларга эътибор қаратилиб, уларнинг тўлиқ тараққиёти учун атрофлича муҳит яратиб, уни келгуси юксалишига кўмаклашиш жараёни бўлиб ўтиши керак. Мамлакат иқтисодиётнинг реал ва стратегик секторини қўллаб-қувватлаш ва уни самарали бошқариш ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш механизмини яратиб мамлакатни юксалтириш барча инқирозларда кузатилгани каби албатта давлат ёрдамисиз амалга ошмайди.

7-жадвал

Халқаро молия бозорида содир бўлган инқирозларининг даври, келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва уларни бартараф этиш учун ҳукуматлар томонидан қўрилган чора тадбирлар

№	Давлатлар Инқироз даври	Инқироз Сабаблари	Инқироз оқибатлари	Инқирозга қарши тадбирлар
1.	АҚШ 1929-1933 йиллар	Буюк депрессия банкларни ва аҳолини биржада ҳаддан ташқари қизиқиб ўтказган операциялари оқибатида бошланиб кетган	Саноат ва қишлок хўжалиги маҳсулотларини миқдори камайиб кетган ҳамда аҳолининг даромади сезирарли даражада пасайган	Саноат корхоналари давлат томонидан қўллаб-қувватланган, банкларнинг сони қисқартирилган, доллар курси пасайтирилган
2.	Германия 1945-1952 йиллар	II жаҳон урушидан кейин давлатда тўлиқ бузилиш бўлган	Транспорт тизими ва саноат муаммолари чуқурлашган	Баҳолар устидан давлат назорати бекор қилинган, монополиялар тугатилган
3.	Швеция 1973-1974 йиллар	Жаҳон энергетика инқирози даврида Европада ҳаммадан кўп Швеция зиён кўрган, чунки ўзининг энерго ресурслари бўлмай туриб, жуда юқори иш ҳақини камайтирмаганлиги оқибатида содир бўлган	Тоғ-кон қазиб олиш, қора металлургия ва машинасозлик тармоқларида ишлаб чиқариш пасайиб кетган	Энергетика, шу жумладан атом энергиясига ва илмий технологиянинг ривожланишига давлат ресурларининг сарфланиши кучайтирилган
4.	Чили 1981 йил	Бозор ислоҳотларига давлат тайёр бўлмаган. Иқтисодиёти экспортга боғлиқ бўлган.	Жуда кўп банклар банкротликка учраган, чунки уларни молиялаш-тирган компаниялар «касодга» учраган	Банклар ва компанияларга молиявий ёрдам кўрсатилган, самарали бизнес қилиш ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланган
5.	Финляндия 1990-1992	Совет Иттифоқи тугагандан кейин бош	Ўрмон маҳсулотларини қайта ишлаш, металлургия	Юқори технология ва фанни ривожлантириш натижасида ҳамда

	йиллар	савдо ҳамкоридан айрилиб қолган	ва озиқ-овқат корхоналари асосий маҳсулотларини сотиб олувчи бозорни йўқотган	унинг базасида янги ишлаб чиқаришни яратишга эришилган
6.	Жанубий Корея, Япония 1997-1998 йиллар	Осиё инқирози. Миллий валюта фавқулотда арзон-лашиб кетган ёки миллий валютанинг курси пасайиб кетган	Банк тизимидаги инқироз саноат тармоғига ҳам ўтиб кетган	Компаниялар миллийлаштирилган, банклар қўллаб- қувватланган ва экспорт таркиби кенгайтирилган.
7.	АҚШ ва бошка йирик давлатларда 2007-2009 йиллар	АҚШ да 700 млрд доллардан ошиқ ипотека кредитларини қайт-маганлиги оқибатида бошланиб кетди	Банкларни, молиявий ва суғурта компанияларни ликвидлиги йўқолиб инқирозга юз тутди. Фонд бозорларида банклар ва бошқа компанияларнинг қимматбаҳо қоғозларининг индекс қиймати бир-неча бор тушиб кетди. Инвестицион фаолият тўхтаб, молия бозорларида пул етишмаслиги бош-ланди. Оқибатда саноат, машинасозлик, энегетика ва бошка тармоқларда ишлаб чиқариш пасайиб, уларнинг товарларига бўл-ган истеъмол талаби тушиб кетди, ишсизлик даражаси ошиб, ижтимоий муаммолар пайдо бўлмоқда.	Давлатлар томонидан банкларни, иқтисодиёт реал секторини қўллаб-қувватлаш дастурлари ишлаб чиқил-моқда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилмоқда, махсус ҳимоя-лаш захира фондлари тузилмоқда. Аҳолининг миллий товарларга бўлган эҳтиёжининг рағбатлантириш учун давлат бюджетидан пул маблағлари ажратилмоқда. Мисол учун, Германияда ҳар бир фуқарога эски автомобилни топши-риб, янгисини сотиб олаётганда 2,5 минг евро пул маблағи давлат бюджетидан ажратилиб берилмоқда. АҚШда 4 минг доллар ёрдам пули берилиб, 700 минг фуқаро янги автомобиль сотиб олди. Япония давлати ҳар бир фуқаросига 160-180 доллари миқдор-ида пул тарқатиб берди, фақат бу пул-лар газ, электр энергияси, коммунал хизматларга тўланиш шарти билан тарқатилди.

Демак, халқаро ҳамжамиятга интеграллашган барча давлатлар бу ҳолатга тайёр бўлишлари ва зарурий молиявий чора-тадбирларни олдиндан кўришлари лозим. Миллий иқтисодиётга ташқи секторнинг ўта оғир салбий таъсири белгилари сезилиши биланоқ, ҳукумат томонидан ички истеъмол рағбатлантирилиши ва инвестицион сармояларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналарни замоновий (энергияни кам истеъмол қилувчи), ўта мослашувчан техникалар билан қуроллантириш ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўтган 2008 йил охирида дастлабкива ўта муҳим қадамларни йўлга қўйди. Шулардан, 2008 йил 20 октябрда 4041-сонли “Экин майдонларни оптималлаштириш ва озиқ-овқат турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги Президент Фармонига асосан пахта майдони 50 минг гектарга камайтирилиб, донли экинлар экиш майдони кенгайтирилди; Давлат маблағлари ҳисобидан “Ўзсаноатқурилишбанки”, “Асакабанк”, “Агробанк”, “Қишлоқ қурилиш банки” ва “Микрокредитбанк”ларнинг устав капиталини ошириш бўйича Президент Фармонлари қабул қилинди ва бу банкларнинг устав фондида давлат улушини оширишга қўшимча 500 млрд сўмдан ошиқ пул маблағлари ажратилди; шунингдек “Мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши курашиш давлат Дастури” қабул қилинди. Бу давлат Дастурига биноан, биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқарувчи ва маҳаллий локализация дастурига кирган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш амалга оширилмоқда; иккинчидан, экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда қўшимча рағбатлантириш мақсадида уларга айланма маблағларни тўлдириш учун 12 ой муддатга, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизидан ошмаган фоизда, яъни йилига 9.8 фоиз билан имтиёзли кредит маблағлари берилиши йўлга қўйилди; тайёр маҳсулот чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоя асосида ташкил этилган корхоналарнинг 2012 йилгача қўшимча қиймат солиғидан ташқари, барча солиқ ва йиғимлардан озод қилиниши муддати узайтирилди; банклар олдидаги жорий ва муддати ўтган кредит суммалари реструктизация қилинди, бюджет олдидаги тўловлар бўйича пайдо бўлган пенялардан воз кечилди.

Бундан ташқари, экспортчи корхоналарнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини 20 фоиз камайтирилган баҳода уларга сотишга рухсат этилди. 2009 йилда барча энергия ресурслари баҳоларининг асоссиз ўсишига чегараланиш механизми жорий этилди. Шунингдек, ғўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кичик фирма ва корхоналарга 2012 йилнинг 1 январигача ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга камайтириб, тўлаш имтиёзи берилди ҳамда баъзи бир ноозиқ-овқат

маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар юқорида қайд этилган муддатгача фойдадан солиқ, мол-мулк солиғи, кичик фирма ва корхоналар эса, ягона солиқ тўловида тўлиқ озод этилди.

2009 йилнинг бошида Республика ҳукумати томонидан "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури" қабул қилинди, унга мувофиқ қиймати 41,4 млрд долларга тенг бўлган 400 дан зиёд инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, "…биз ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш устида бош қотираётибмиз, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб бормоқдамиз"[31]

Республика ҳукумати томонидан кўрилган шошилинч, ўта муҳим ва атрофлича ўйланган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилда дастлабки ҳисоб-китобларга кўра **77,8 трлн. сўмлик ЯИМ ишлаб чиқарилиб, унинг реал ўсиши 2010 йилга нисбатан 8,3 фоизни ташкил қилган.**

2011 йилда ўзлаштирилган **инвестицияларнинг умумий ҳажми 2010 йилга нисбатан 7,9 фоизга ортиб, 18,3 трлн. сўмни ёки ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани** мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолад беради.

2011 йилда Ўзбекистоннинг тўлов баланси экспортни рағбатлантириш бўйича ҳамда маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ кўрилаётган чора-тадбирлар, жаҳон бозорида республиканинг асосий экспорт товарларига бўлган қулай коньюктура каби омиллар ҳисобига шаклланди.

2011 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 25 537,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 15,0 фоизга ўсди.

Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 517,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 272,6 млн. АҚШ долларига кўпайган. **Экспорт ҳажми 2010 йилга нисбатан 15,4 фоизга ошиб, 15 027,4 млн. АҚШ долларини, импорт хажми 14,5 фоизга ошиб, 10 510 млн. АҚШ долларини ташкил қилган.**

Хулоса сифатида шуни алоҳида қайд этиш зарурки, халқаро молиявий инқироз келгусида давлатлар ўртасида рақобатни янада кескинлаштиради ва миллий иқтисодиётнинг мустаҳкамлигини ўзининг улчов бирликлари билан синаб кўриши табиийдир. Уларга барча соҳалардаги меҳнат унумдорлиги

[31] XXI ASR, 37- сон, 2009 йил 2 сентябрь, 2 бет.

қўрсатгичларини, маҳсулот бирлигини, ишлаб чиқаришга сарфланган энергия, хом-ашё ва материаллар сарфини, банк капиталининг реал самардорлигини, товарлар, хизматлар ва ишларнинг бажарилиши сифати даражаси бўйича халқаро стандартлар ва нормативларга жавоб бериши, аҳолини реал даромадлари ёки турмуш сифати даражаси каби халқаро кўрсатгичларни келтириш мумкин. Ҳаммамизга маълумки, бу халқаро кўрсатгичларда бизнинг давлатимиз жаҳондаги ривожланган мамлакатлардан жуда паст ўринларда ва ўсиш даражаси жиҳатидан ҳам орқада қолиб келмоқда.

Шунинг учун, бу ўта муҳим соҳалардаги халқаро меъёр ва андозаларга тенглаштирмасдан, ҳеч бўлмаса уларнинг кўрсатгичларига яқинлаштирмасдан туриб, халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзосига айлана олмаймиз. Бу реал ҳолат, ўз навбатида ҳукуматимиз ва келажак авлод олдида ҳали бажарилиши зарур бўлган жуда катта ишлар турганини изоҳлайди ва қўшимча қатор стратегик дастурлар қабул қилинишини талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 й 8 декабр.
2. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун. Т. “Ўзбекистон”. 1995 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 2000 йил. (1998. 24 декабрь) Халқ сўзи, 1999. 12 январ. 7-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, (1998. 24 декаьрь) Халқ сўзи, 1999 й. 12 январ. 7-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонун. (1998. 30 апрель) Халқ сўзи, 1999 й. 12 январ. 7-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонун. (1998. 30 апрель). Солиқ ва божхона хабарлари, 1998 й. 22-сон.
8. Ўзбекистон республикасининг банк тизимида валютани тартибга солишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами” Т.: “Ўзбекистон” 2004.
9. Ўзбекистон Республикасида пластик карточкалар ёрдамида тўловларни амалга ошириш бўйича қонун хўжжатлари ТЎПЛАМИ. Тошкент-2010.- 191 с.
10. Ислам Абдуганиевич Каримов. Узбекистан: 16 лет независимого развития. Т.: “Узбекистан”, 2007.- 40 с.
11. Каримов, Ислам Абдуганиевич. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана / И.А. Каримов. – Т.:Узбекистан, 2009. - 48 с.
12. Банковское дело: Учебник для вузов.2-е изд./Под ред. Г.Белоглазовой, Л.Кроливецкой.-СПб.: Питер, 2009.- 400 с.: ил – (Серия «Учебник для вузов»).
13. Дорофеев Б.Ю. Валютные право России : учебник / Б.Ю.Дорофеев, Н.Н. Земцов, В.А. Пушкин. – 2-е изд., пересмотр. И доп. – М.: Норма, 2008. – 240 с.
14. Калмыкова Л.И. Фундаментальный анализ финансовых рынков. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007. – 288 с. : ил.
15. Федоров А.В. Анализ финансовых рынков и торговля финансовыми активами: Пособие по курсу.3-е изд. –СПб.: Питер, 2007. – 240 с.:ил.
16. Струченкова Т.В. Валютные риски: методы оценки и управления: Учебное пособие. М.: Финансовая академия, 2003. 160 с.
17. Инспекционная Политика Азиатского Банка Развития. Опубликовано Офисом Секретариата АБР, Октябрь 1996 года.
18. Элементы рыночной экономики. Карл Фасбендер, Манфред Ҳольтхус, Отто Г.Майер. Гамбург, август 1993.

19. Немецкий Федеральный банк. Денежно-политические задачи и инструменты. Специальная издания Немецкого Федерального банка № 7.- 177 с.

20. Струченкова Т.В. Валютные риски: Учебное пособие. М.: Финакадемия , 2009. 160 с.

21. Ляховский В.С., Коробейников Д.В., Серебряков П.А., Кочеткова Н.И. Справочник по валютным операциям коммерческого банка. В 2-х ч./Сост. И общ.ред. коммент. Канд.эконом.наук В.С. Ляховского. Ч.1. – М.: Гелисс АРВ, 2003.- 496 с.

22. Интеграционные процессы в странах СНГ: тенденции, проблемы и перспективы: Монография / Под ред. Д.э.н., проф. Б.М.Смитиенко. М.: Финакадемия, 2008. 288 с.

23. Научный альманах фундаментальных и прикладных исследований. Финансово-налоговые, банковские и валютные аспекты интеграции россии в мировую экономику. Москва. «Финансы и статистика», 2009. – 320 с.

24. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека./ Пер. с англ. : 20-е, юбилейное издание. Опубликовано для Программы развития Организации Объединенных Наций (ПРООН). Издательство «Весь Мир». 2010. – 244 с.

25. Морозов И.В., Фатхуллин Р.Р. Forex: от простового к сложному. Новые возможности с клиентским терминалом «Meta TRADER4».-3-е изд.стер.-М.: СмартБук, 2008.-536 с.

26. Нью-Йоркский институт финансов. Применение технического анализа на мировом валютном рынке forex. Второе издание. Издательский дом «ЕВРО» Москва 2006. – 418 с.

27. Лука К. Торговля на мировых валютных рынках / Корнелиус Лука; Пер. с англ. – 2-е изд. – М.: Алытина Бизнес Букс, 2005. – 716 с.

28. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: учебник/ Под ред. Л.Н. Красавиной. -3-е изд., перераб. И доп.- М.: Финансы и статистика, 2007.- 576 с.: ил.

29. Новейший немецко-русский, русско-немецкий словарь-К.: Издательство Арий; Екатеринбург: У-Фактория., 2007. – 960 с.

30. Балабанов И.Т. Драгоценные металлы и драгоценные камни: Операции на российском рынке.- М.: Финансы и статистика,1998-288 с6 ил.

31. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независмости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. [Текст]: Стат. Сб. – Т.:«Узбекистан», - 2011.- 136 с.

32. Уткин Э.А., Суханов М.С. Аудит банковской деятельности.- М.: ТЕИС, 2003.- 223 с.

33. Аудит банков: Учеб. Пособие/Под ред. Г.Н. Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой, Е.А. Лебедова. – М.: Финансы и статистика, 2002.- 352 с.